

# ЎШГ

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
юшмасининг  
органи

105  
Сентябрь

Ойлик адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:  
Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Аъзамов,  
Эркин Воҳидов,  
Хуршид Даврон,  
Владимир Жонибеков,  
Жиянбой Избосканов,  
Ҳамид Исмоилов,  
Насриддин Муҳаммадиев,  
(масъул котиб),  
Олим Отахонов,  
Азим Суюн,  
Абдуқодир Эргашев,  
Нурали Қобул,  
Абдурашид Қодиров,  
Усмон Қўчқор,  
Ғаффор Ҳотамов,  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БЎЛА ОЛАДИМИ?



Бу муаммо ҳар бир эркин фикрловчи кишини ўйлантириши табиий; бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси бу ҳақда ўз дардини, ўз таклифини айта олади. Дарҳақиқат, жумҳуриятимиз том маънода мустақил бўла оладими? Тарихий тажрибалар, бугунги қайта қуриш, ошкоралик, хусусан, ҳозир Болтиқбўйи жумҳуриятлари, РСФСЖдаги жараёнлар шу мамлакатнинг бир дардли инсонлари сифатида бизнинг ҳам кўзимизни очяпти. Жиллакурса ўз қарашларимизни айтиб ўртоқлаша оламиз. Бугунги баҳсимиз шу мавзуда; унга турли касбдаги, турли ёшдаги ўртоқларни таклиф этдик. Эҳтимол, Сизнинг фикрларингиз тамоман бошқачадир. Ундай бўлса, бемалол баҳсимизга қўшилинг.

## Хуршид Дўстмуҳаммад, ёзувчи:

Мустақил бўла олмайдиган шахс ҳам, давлат ҳам йўқ. Ҳаётнинг неча минг асрлик аччиқ-чучугини тотиган Ўзбекистон нега мустақил бўла олмас экан! Фақат... биз илдишлари тарихдан кўпориб олинган, таваллуди сунъий равишда 17-йилдан бошланган Ўзбекистонда яшаймиз. Социализм ваъда қилган тузум афзалликларидан келиб чиқсак, ҳозир мустақил яшаётган ҳисобланамиз-ку. У ҳолда «Ўзбекистон мустақил бўла оладими?» деган савол нега бугун тилларга қалқиб чикди? «Мустақиллик декларацияси» мустахлак диёрларда қабул қилинишини эътиборга олсак, демак, жумҳуриятимиз мустақил яшамаётган экан-да?!

Афсуски, шундай! Мен «шундай эди» демадим; чунки биз ҳали мустақилликка эришганимизча йўқ, декларация қабул қилдик, холос. Яъни, ният қилдик. Ваҳоланки, шу пайтгача ният ҳам қилмасдик, озодлик ҳақида ният қилиш кўникмаси ҳам жуда-жуда тақчил эди. Мана, ёширт қолипдан кўчди, қоғозда бўлса-да — тарихий кўчиш бўлди бу!

Энди навбат унинг амалига. Амалда мустақилликка эришиш қарор эълон қилиш, декларация қабул қилишдан чандон қийин, у бир кунлик иш эмас, у — жараён, узоқ давом этадиган жараён.

Бу жараёнда қандай ҳодисалар кечмоғи керак?

Жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа, ҳар бир уруғ, элат ўз қадр-қимматини англамоғи зарур. Қадр-қимматни англаш ўз ҳақ-ҳуқуқини англашдан бошланади. Ҳар бир фуқародан бошлаб санаб ўтилган бирликлар ўзлигини англагани сайин охир-оқибатда жумҳурият қадр-қим-

мати англолади, мустақиллигига замин яратилади. Англаш шу даражада олий мақомга кўтарилсинки, токи Ўзбекистон худди бир комил ШАХСга айлансин!

Бундай камолотга эришиш кенг дунёқарашни, савияни, иймон-этиқодни тақозо этади. Европа мамлакатларида, Совет Иттифоқи ҳудудидаги жумҳуриятларда юз бераётган сиёсий-ижтимоий воқеаларни кўзатсак, XXI аср бўсағасида мустақилликка эришишда ўзига хослик кўринади: бу — музокаралар йўли билан, ижтимоий ўзгаришларнинг заруратини онгли равишда англаш йўли билан, ақл-идрок йўли билан янгилавиш! Можаристон, Чехо-Словакия, собиқ ГДРдаги осойишта ўзгаришлар, турмуш фаровонлигига эришиш ўша ерлик халқнинг савиясидан, маданиятининг юқорилигидан далолатдир. Шу маънода Руминяда бўлган тўнтариш — у мустақиллик, адолат ўрнатиш истагида амалга оширилган тақдирда ҳам — феодал ёвузликлари сифатида XX аср кишига ётдир!

Биз ана шундай янгилавишлардан ҳушёр бўлмоғимиз керак. Фарғонадами, Паркентдами, Ўшдами ё Андижондами — қаерда эканлигидан, қайси миллат вакили эканлигидан қатъи назар, биронта одамнинг қони тўкилиш эвазига, биронта гўдакнинг аччиқ кўз ёшлари эвазига бўлар экан — портлаш йўли билан эришиладиган мустақилликдан воз кеча олиш, ундай мустақилликка эришишдан сабр қилиш ҳам инсонийликдандир!

«Ғалаба қурбонсиз бўлмайди» деган даъволар билан яшаётганлар оз эмас, йўқ, ҳамонки, «маданиятимиз юксак халқимиз» деб кўксимизга уряпмизми, марҳамат қилиб мустақилликка маданият билан эришиш чорасини топайлик, литвалик ҳамфикр биродарларимиз сингари «куйловчи инқилоб» йўлларини ҳар бир фуқаро

онги ва қалбига сингдира олайлик. Ана шундагина мустақиллик татийди, ана шундагина қачонлардир эмин-эркин яшаётганимизда беҳуда ва ноўрин тўкилган қонлар уволига қолмаймиз, шаҳидлар руҳи бизларни безовта қилмайди.

Жумҳуриятимиздаги ҳозирги вазиятда кишиларда ботиний мустақиллик сари қадам ташлаш йўлида яна бир хавф сезилмоқда. Бу шахс ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларда кўринмоқда.

Жумҳурият Президенти, ҳукумати кейинги пайтларда амалга ошираётган — халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг нечоғли таҳсинга лойиқлигини эътироф этган ҳолда шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтказилаётган тадбирлар Президент ёки ҳукумат фаолиятини халқ назарида илоҳийлаштириб юбормаслиги лозим. Бунга йўл қўйиш, биринчидан, воқеаларни ҳали теран идрок этолмайдиган фуқаролар орасида сиғиниш касаллигини уйғотса, иккинчидан, одамлар қалбида ўзимиз истаётган мустақиллик туйғусини яна бўғишга олиб келади. Бошқача айтганда, «сен ҳозирги марказдан бошқаришдаги адолатсизликлардан холисан, эркинсан, бу ёғига сен бизлар тўфайли мустақилсан, ўзимизга бўйсунавер» деган мазмун келиб чиқадики, бу ҳам тўлақонли эрка олиб бормади.

Хуллас, кишилар қалбида, шуурида кечадиган мустақилликка ташналик жараёни бирлашиб умумхалқ мақсад-муддаосига айланса, у жумҳуриятдаги сиёсий ҳокимият томонидан тўғри йўналтирилса ва бу эзгу интилишларимизни яратганинг ўзи қўллаб-қувватласа, УША КУНЛАРГА етар ахир бизнинг ҳам авлод...

### Маҳфуза Юсупова, ТошДУ 5-курс талабаси:

Иқтисодий-сиёсий мустақил бўлишга жумҳуриятимизнинг чоғи келмайди, тўғрироғи бунга етарли шарт-шароит ва заминлар йўқ.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида юз бераётган бурилишлар, ижтимоий ҳодисалар кўлами серқатламдир. Тушунишимча, биринчи асосни ана ўшандан излаш керак. Зеро, Болтиқбўйи жумҳуриятлари билан бизнинг жумҳуриятимиз ўртасида фарқ кўзга ташланарлидир.

Болтиқбўйи жумҳуриятларининг жумҳуриятимизга нисбатан мустақиллик сиёсатини юргизишда имконият доиралари анча кенг. Гарчи улар территориял жиҳатдан кескин фарқ қилсалар ҳам мустақилликка эришар бўлсалар, мустақилликни иқтисодий бўҳрондан иҳоталовчи биринчи ва асосий унсур ҳисобланмиш — хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни осонлик билан тез йўлга қўя билдилар: биринчидан, улар Европа мамлакатларига яқин масофада жойлашганлар; иккинчидан, улар ташқи иқтисодий алоқани Болтиқ денгизи орқали ҳам раво йўлга қўя олишлари мумкин.

Ўзбекистонда бу ишларни бирданига амалга оширишнинг иложи йўқ, чунки жумҳуриятимиз территориял жиҳатдан хорижий мамлакатлардан фақат Афғонистон билангина чегарадошдир. Интиҳода кўпгина ташқи савдо алоқаларини Иттифоқ орқалигина ташкил этиш мумкин бўлиб қолади. Табиийки, бундай уриниш мустақилликка эришган жумҳуриятни «иқтисодий қамал» вазиятига олиб келади.

Менимча, мустақилликка эришиш йўлининг айна пайтда энг афзал кўриниши — Урта Осиё ҳудудид

жойлашган беш эгизак жумҳурият иштирокида Туркистон федерациясини тузишдир. Ана ўшанда ҳамжиҳатликка таянган жумҳуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий жабҳалари маълум маънода ўз имкониятларини бир илдиздан баҳра топган халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга чоғлаган бўлур эдилар.

### Зоҳиджон ҳожи Абдулқодир, Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси раисининг ноиб:

Инсон боласи нимага муҳтож бўлса, шу нарсанинг зикрини кўпроқ қилади. Холисанлилло, шу жойда бир нарсани уқтириб ўтмоқчиман. Кўп гапиришдан кўра амалий иш керак, зеро амалиётга тадбиқ қилинмаган назария осмондаги ойга қўл узатиб теккизиш билан баробардир. Давлатимиз, шу жумладан жумҳуриятимиз ҳам бир сўз билан айтганда, катта-кичик жамиятлар издиҳомидан таркиб топган. Оила ҳам жамиятнинг кичик бир кўринишидир. Менимча, тадбири ишларни шу каби кичик кўринишлардан бошлаш ақлга мувофиқ. Бизга маълумки, жамиятнинг ривожини унинг ўсиши, тараққий этиши ва маълум маънода ҳаракатлантирувчи кучларининг ижобий суратда мукамаллашиб бориши билан белгиланади. Оилада ҳам худди ана шу хусусият белгилари бекаму кўст бўлиши керак. Бунда аввало ота-она мана шу нарсаларга масъулиятлидирлар. Оила бошлиғи ҳисобланган отанинг вазифаси эса оиланинг моддий бюджетини доимо бир маромда таъминлаб туришдир ва ундан биринчи навбатда талаб қилинадиган нарсаси — оила аъзоларининг уст-боши юпун қолмаслиги ва очликка дучор бўлмаслиги кафолатидир. Боз устига бу нарсаси фақат ҳалоллик (!) орқасидан амалга ошиши лозим. Бундан ташқари оила бошлиғининг қилаётган борлиқ ишлари аъзоларининг кўз ўнгига бўлмоғи керак, шундагина ҳар қандай оила бошлиғи ўз ишига чин маънода масъул бўла олади. Чунки у бундай шароитда вазият нуқтаи назаридан ҳам ҳар қандай разиллиқ турфа иллатлардан тийилишга маҳкум. Зеро, пайғамбар алайҳис-саломнинг айтишларича: «Агар гуноҳ иш маҳфий қилинса, фақат эгасигина зарар кўради, ошкора қилинганда эса зарари ҳаммага уради».

Чунончи, оила аъзолари ўртасидаги бир-бировига бўлган ўзаро ҳурмат ва меҳр-шафқат одоб-ахлоқнинг юксак тархларидан биридир. Бир тарафнинг заифлиги иккинчи томонга тегмасдан қолмайди. Шу маънодан келиб чиққанда, агар оила аъзолари ўртасида юқорида келтирилган хусусиятлар мажмуаси иштирокида қурилган мувозанат сироти емирилгудай бўлса, бу нарсаси ҳар қандай разолатнинг энг тубан кўринишидир, ўртадаги одоб-ахлоқ муносабатлари чегарасини бузиш энг оғир гуноҳлардан саналади. Бу нарсаси оилани маънавий инқирозга олиб келади. Бир сўз билан баён қилганда, қўшнинг билан жанжаллашганингдан ўз туққанинг билан юз кўрмас бўлишинг ёмон оқибатларни келтириб чиқаради.

Хуллас, мустақиллик ҳақида сўз юритганимизда биринчи навбатда ўша нарсанинг моҳият изчиллигига тубдан эътибор бермоғимиз лозим. Чунки ичдан емирилиш ҳар қандай ташқи талофатдан ўн баробар кучлидир. Гарчи бир динга, иймонга эътиқод қўйган одамларнинг арзимаган (!) сабаблардан бир-бирови билан сан-манга боришлари ва бунинг якуни сифатида ички миллий низоларнинг бўлар-бўлмасга келиб чиқиши баъзи бировларни тасарруф нуқтаи назаридан

қаноатлантиса-да, биз бу нарса билан ўз-ўзимизга, ўзлгимизга қарши иш тутаетганлигимизни англамоғимиз даркор. Алалхусус, дини, забони, иймони ва ҳудуди муштарак бўлган халқимиз ўз хатоларини ўз вақтида англамас экан, бунинг олдида мустақил бўлишнинг ҳар қандай кўринишлари арзимас эътиборга моликдир. Токи биринчи Шарт амалга оширилмас экан, халқимизнинг истиқболи нурсиз ва пойдеворсиз бўлишига иймоним комил.

**Зарима Қодирова,**

**Ўзбекистон Олтин конлари Бирлашмасининг молия ишлари бўйича бош бухгалтер ўринбосари:**

Мустақил бўлиш шарт. Агар шундай бўлмаса беҳисоб бойликларга, жумладан, ер ости қазилма бойликларига эга бўлган жумҳуриятимизнинг ночор иқтисодий аҳволи тикланмайди, деб ҳисоблайман. Фикримни ўзим ишлаб турган Ўзбекистон Олтин Конлари Бирлашмаси мисолида далилламоқчиман: бирлашма-мизга олти олтин кони қарайди. (Шу рақамнинг ўзи ҳам юқоридаги Ўзбекистон бойликлари хусусидаги фикримиз муболаға эмаслигини кўрсатади.) Афсуски, бу хазиналаримизнинг жумҳурият иқтисодиёти учун деярли фойдаси тегмайди. Нега шундай? Аввало олтин рудаси ҳам барча бошқа маҳсулотлар сингари хомашё тарзида дастлабки, энг зарур бўлган ишловлар берилгач, жумҳурият ташқарисига — РСФСЖнинг Новосибирск шаҳрига жўнатилади. Бунинг устига минглаб километр узоқликда жойлашган Новосибирск шаҳрига бўлган йўл харажатлари ҳам бирлашмамиз даромадидан ажратилади. Тасаввур қилинг, агар олтин ажратиб олиш жараёни тўла (тўла жараён) ўзимизда амалга оширилганида эди, бирлашмамиз фақат йўл харажати учун сарф қилаётган миллион-миллион сўм пуллар бекорга ҳавога соворилмаган бўларди. Бундан ташқари, Иттифоқда жумҳурият ҳудудидан қазиб олинаётган олтинга белгиланган нарх жуда ҳам кам. Жаҳон бозорида бир грамм олтиннинг нархи 13 доллар (80 сўм)ни ташкил этса, бизда 16 сўмни ёки жаҳон бозоридаги нархдан 64 сўм кам миқдорни ташкил этади. Шу ваздан бирлашмамиз Иттифоқ хазинасига мўмай ҳисса қўшса-да, шу қадар камбағалки, ҳатто ўзи учун бирорта цех қуриб олишга ҳам қодир эмас. Бизнинг ҳозирги кундаги талабимиз: ана шу рудамизга белгиланган нарх 5—6 баробарга кўпайтирилсин. Мустақиллик учун эса жумҳуриятимизда олтин ишлаб чиқаришни тўла циклда жорий этиш керак. Бу ишларни фақат Жумҳурият Вазирлар Кенгаши ва унинг замирида ташкил этилган Ташқи Савдо Қўмитаси орқали ҳал этиш мумкин. Чунки керакли асбоб-ускуналар, тоғ соҳасида ишлайдиган техникаларни сотиб олишимиз, цех ва заводлар қуришимиз учун чет мамлакатлар билан алоқа қилишга, ўзаро савдо системасини жорий этишга тўғри келади. Шу каби ишлар бажарилгандагина Ўзбекистон олтини ўзи учун хизмат қилади.

**Акмал Саидов,**

**Ўзбекистон Ешлар ташкилотлари Қўмитаси раиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди:**

Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш қийин, чунки у атрофлича мулоҳаза юритишни талаб этади.

Мустақилликнинг турли кўринишлари мавжуд. Уларнинг ичида энг асосий ўринни халқ суверенитети эгаллайди. Халқ суверенитети — бу халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилай олиши ҳуқуқига асосланган мустақилликдир. Умуман олганда, мустақилликлар турли хусусиятларга ҳам эгадир. Масалан, мамлакат ёхуд жумҳурият иқтисодий мустақил бўла туриб, сиёсий тангликка маҳкум бўлиши мумкин, ёки аксинча. Лекин бу билан моҳиятда ўзгариш содир бўлиши мумкин, деб айтиш жуда қийин. Чинакам мустақилликни мустақиллик иборасининг ҳар томонлама кўринишларига эга бўлиш билангина изоҳлаш мумкин. Агар мустақиллик кўринишларининг ҳар бир турига маълум маънода шарҳ бериб ўтадиган бўлсак, бунда халқ мустақиллигини тил барқарорлиги, урф-одатлар, маданий-миллий ташкилотлар тузиш ва демократия (халқ ҳокимияти) омилини кенг тушуниш билан изоҳлаб ўтиш мумкин. Халқ мустақиллигига эришиш дегани — бу жумҳурият ҳудудида бўладиган референдум ва сайловларни халқнинг бевосита иштироки ҳамда кузатуви остида ўтказиш ва давлатни халқнинг ўзи билвосита сайлаб қўйган органлари томонидан бошқаришдир.

Кўринишнинг иккинчиси — иқтисодий мустақиллик жумҳурият моддий базаси таъминотини тараққий эттиришда муҳим роль ўйнайди. Бунда биринчи ўринда қилинадиган иш — жумҳурият табиий ресурсларини ўз тасарруф майдонида қолдириш амалига риоя қилиш билан белгиланади.

Учинчидан, мустақиллик дегани — бу мамлакат ёхуд жумҳуриятнинг сиёсатни мустақил олиб бориш ҳуқуқига эга бўлганлигидир. Унинг энг асосий хусусияти эса ўша мамлакат ёхуд жумҳуриятни баъзи нотекис шароитларда сиёсий танглик вазиятидан қутқара олиш билан белгиланади. Худди шу борада менда бир мулоҳаза туғилди. Жумҳуриятнинг сиёсат майдонидаги изчиллигини янада барқарор топтириш учун наинки марказнинг ўзида, балки барча қардош жумҳуриятларда жумҳуриятимиз ўз ваколатхоналарини очиши керак. Чунки бу ваколатхоналар ўзаро жумҳуриятлараро турли-туман алоқалар олиб бориш ва миллий низолар (бунга мисол қилиб, яқиндагина рўй берган Ўш воқеасини келтиришимиз мумкин. Агар Қирғизистон бўйича бизнинг ваколатхонамиз бўлганида эди, у ерда содир бўлган воқеалар хусусида халқ орасида миш-мишлар тарқалмасди, англашилмовчиликлар келиб чиқмасди, чунки ваколатхоналарнинг биринчи вазифаси ўз жумҳуриятида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳаққоний хабарларни етказишдир) юзага келмаслиги учун асосий роль ўйнаши мумкин. Айни пайтда эса ваколатхоналар фақат Иттифоқ марказида — Нозирлар Кенгаши қошидагина ташкил этилган. Бундан ташқари бу ваколатхоналар ҳам Нозирлар Кенгаши қошида эмас, балким Олий Кенгашлар ҳузурида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мустақилликка эришиш учун амалга ошириладиган ишлардан бири — жумҳуриятлар ўртасида Янги Иттифоқ шартномасини имзолаш зарурдир. Чунки шу дамга қадар амал қилиб келинаётган, 1922 йилда тўрт жумҳурият (РСФСЖ, ЗСФСЖ, Белоруссия, Украина) иштирокида тузилган Иттифоқ шартномасининг баъзи йўналишлари ўз қадрини бирмунча йўқотди. Янги Иттифоқ шартномасида жумҳуриятларнинг мудофаа, ташқи сиёсати йўналишларини белгилаш, молиявий система билан транспорт соҳаларидаги масалаларгина Умумиттифоқ доирасида ҳал қилиниши лозимлигини, қолган барча соҳалардаги муаммоларни жумҳурият давлат ва бошқарув органлари системаси

ўз тасарруфларига олишлари кераклигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Айтиш пайтда жуда кўп соҳаларда бир хил — ҳам Иттифоқ, ҳам жумҳурият нозирликлари ташкил этилган. Шунинг учун Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш учун яқин пайтларга қадар СССР Маданият нозирлигидан рухсат олинарди. Бу гаплардан сўнги хулоса шуки, Умумиттифоқ миқёсида юқорида санаб ўтилган ишлаб чиқаришнинг бир неча асосий соҳалари бўйичагина Умумиттифоқ нозирликларини ташкил этиш ақлга ҳар томонлама мувофиқдир, қолган жабҳалар бўйича нозирликлар ҳам бир жумҳуриятнинг ўзида бўлгани маъқул.

Бу Янги Иттифоқ шартномаси ҳам СССРнинг Янги Конституцияси таркибий қисмига айланиши керак, чунки ана ўшандагина Иттифоққа кириш тартиби ҳам шартномада ўз аксини топади.

Сўнгсўз тарзида шунга таъкидлаб ўтишим мумкинки, мустақилликка эришишни аввало ҳар биримиз ўзимиздан бошламоғимиз лозим, чунки ҳур фикрлилик, мустақил нуқтаи назарлар жумҳуриятнинг кейинги тараққиёт босқичида ҳам муҳим аҳамиятга молик. Ўзбекистон мустақил фуқароларнинг мустақил давлатига айланишига чин маънода мустақил бўлади, дейишимиз мумкин.

**Анвар Қодиров,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент:**

Умуман олганда, жумҳуриятимиз том маънода тўла мустақил бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун табиий, маънавий ҳам иқтисодий асослар бор. Қолаверса, ўтмишда бу ўлкада етарли даражада тараққий қилган давлатлар, хонликлар, амирликлар мавжуд бўлган. Демак, давлат қурилиши, бошқарилиши билан боғлиқ бўлган тарихий анъаналар ҳам мажуддир. Маҳаллий халқ орасидан нафақат буюк алломаю шоирлар, доною фозил кишилар, балки йирик саркарда ва давлат арбоблари етишиб чиққан. Хуллас, бизнинг ўлкада доимо давлат мавжуд бўлган. Бироқ чоризм, сўнгра эса уни янгича қиёфасига кирган сталинча режим маҳаллий халқ вакиллари давлат қурилиши ишларига, ҳарбий-сиёсий ишларга иложи борица камроқ жалб этди. Бунинг маълум сиёсий ва стратегик сабаблари бор эди. Энг довюрак, жасур халқ фарзандлари эса аёвсиз қатағон қилинди. Бу борада Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби сиймоларни эслаш кифоя. Урта Осиё региони Россия учун доимо хом ашё базаси бўлиб келган. Шунинг учун Туркистондаги «социалистик» революция ҳам Россиянинг иқтисодий ва сиёсий мақсадлари асосида «ғалаба» қозонтирилган эди. Айтиш керакки, бу ерда ўша даврда марксизм-ленинизм таъбири билан айтганда, на субъектив ва на объектив шарт-шароит социалистик революция учун етишган эди. Хуллас, бу муҳим сиёсий масала ҳали ўзининг адолатли талқинини кутади.

Гапнинг сирасини айтганда, Ўзбекистон мустақил давлат мавқеига эга бўлиши учун етарли омиллар бундан 65 йил олдин ҳам, ҳозир ҳам мавжуддир. Узининг қулай географик ўрни, иқлими, аввало заҳматқаш, сабр-тоқатли халқига эга бўлган бу ўлка шубҳасиз озод, мустақил ривожланиш йўлидан боради, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Мустақилликка эришиш — бу узундан узоқ давом этадиган ишдир. Чунки Ўзбекистон айтиш кунгача Иттифоқимизнинг «беминнат» хом ашё базаси бўлиб келди. Шунинг учун энг аввало жумҳурият ўзининг ҳудуди, суви, табиий бойликлари, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда корхоналари, етиштириладиган барча моддий ва маънавий неъматларини ўз мулк сифатида қонунлаштириши шарт. Айтиш пайтда жумҳуриятимиз раҳбарлари олдига қўйиладиган вазифа ҳам биринчи навбатда шу бўлиши керак.

Бундан ташқари Ўзбекистон сиёсий ва маънавий таназзулга юз тутмаслиги учун энг аввало қардош жумҳуриятлар билан ҳар томонлама алоқани мустаҳкамлаши лозим. Ўзаро иқтисодий айирбошлаш ишларида ҳам Иттифоқ орқали эмас, балки тўғридан-тўғри қардош жумҳуриятлар билан алоқа ўрнатиш керак, чунки вагон-вагон мева-чевани Сибирга жўнатиб, боз устига чиритиб, у ёқда арзонга сотгандан кўра ўзимизнинг қўшни жумҳуриятларга бериб, ўрнига бошқа бирор (масалан, Қозоғистондан гўшт, сариёғ маҳсулотлари ва ҳоказо) маҳсулот турига алмаштирганимиз маъқул, шуниси жумҳурият иқтисодига бесамар ҳарajat ўрнига улгуржи даромад келтириши мумкин.

Юқорида мустақилликка эришиш — узундан-узоқ давом этадиган ишдир, деб таъкидлаб ўтганимнинг сабаби айтиш жараёнда халқимизнинг бундай менгзанишларга тўла маънода тайёр эмаслигидадир. Бизда ҳали-ҳануз шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутлар барҳам топмагандир. Ҳали маънавий, сиёсий қобилияти тўла маънода шаклланиб улгурмаган қишлоқ аҳолимиз бунга қарши норозилик эълон қилиши табиийдир. Мисол учун, худди ўшандай ҳолатда — қишлоқларимизда энг ҳожатбарор кундалик турмуш эҳтиёжи моллари — ун, қанд ва шу кабилар, борингки, бир ойга қадар сотувга чиқарилмай турилсин-чи, одамларимиз нима қилишаркин?

Хуллас, жумҳуриятимиз тўла маънода шаклланган мустақилликка эришиши учун иқлими, шароити, табиий ресурслари, урф-одатлари, дини ва яна кўпгина жиҳатлари бир-бировига яқин бўлган қўшни қардош Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари билан яқиндан ўзаро миллий-иқтисодий ва сиёсий алоқа ўрнатиши зарур.

**Ушбу анкета мажмуасини Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллийети талабалари Ёдгор ЛАТИФ УҒЛИ, Абдувоҳид ҲАЙИТОВ, Марҳабо АҲМЕДОВА, Гулсевар Замон ҚИЗИ тайёрладилар.**

# Сен фаришта— осмон фарзанди

Матназар Абдулҳаким



Сен фаришта—осмон фарзанди,  
Беланчак Ер—ошөнинг сенинг.  
Сенга сиғмас ўлимнинг ҳадди,  
Йўқдир чекинг, поёнинг сенинг.

Семурғлар ҳам боғлай олмас баҳс,  
Инсон деган калом—таърифинг.  
Пок бўлсанг бас, озод бўлсанг бас,  
Йўл азоби—ожиз ҳарифинг.

Лекин узоқ шайланасан сен,  
Тараддудинг топмас ниҳоя.  
Етмай қолган бу ишга ўтмиш,  
Келажак ҳам қилмас кифоя.

## Хаста

Ажиб бемор, ғаройиб хаста,  
Қилмайди аҳд, қилмайди паймон.  
Парҳези ҳам жуда ғалати—  
Ғам ейди-ю, емас пушаймон.

Ажиб бемор, ғаройиб хаста,  
Наволардан даволанади.  
Ер ёрилар, лекин у қайсар,  
Ерга кирмас. Ҳаволанади.

Фариштамас мутлақо. Лекин  
Йўқдир нафси. Йўқдир қорни ҳам.  
У арғимчоқ қилиб учади  
Қатлига қурилган дорни ҳам.

Нимтабассум билан эшитар  
Пўписа, дағдаға, дўқларни.  
Ковлаб олиб, пистадек чақар  
Юрагига кирган ўқларни.

Жуда кўпдир унга аталиб  
Қазилган гўр, тикланган қабр.  
Барин бир-бир томоша этар  
Қилиб тоқат ва айлаб сабр.

Довдирамас бу ҳолдан сира,  
Сеҳргарлик қилади лекин.  
Яъни барча қабрларни у  
Марҳумларга улашар текин.

Биладики, бу қабрларни  
Ғараз қазган, тиклаган ҳасад.  
Биладики, тирилиб чиқар  
Қўйилса гар уларга жасад...

## Ажал минораси

Мудҳиш минор,  
Ажал минори.  
ёвуз маскан,  
шафқатсиз маскан.  
Ҳақми ундан,  
ноҳақми ундан  
ташланарди бир вақтлар  
пастга.

Сукут сақлаб,  
кўзни чирт юмиб  
қурбонларни қилмоқдасан ёд.  
Қулоғингга фарёд келади,  
кўз олдинга келади  
жаллод.

Қуюқ-қуюқ киприklarингга  
инжу-инжу тизилар ёшлар.  
Кўз олдинга  
жудолик,  
фироқ  
минорага айлана бошлар.

Ўзингсан шох,  
Ўзинг гуноҳкор.  
Ўзинг жаллод,  
Сен ўзинг—минор.

Ўзингни сен олиб чиқиб шаҳд,  
Ўртаб тергай бошлаётирсан.  
Ўзингни сен ҳукм этиб ўзинг,  
Ўзингни сен ташлаётирсан.

Йўқ,  
қўймайман сени ўлмакка,  
Йўқ,  
қўймайман сени мотамга.  
Одам бўлиш не керак, жоним,  
Тўшалмаса одам одамга.

Тўхта, эй шох,  
Тўхта, эй минор.  
Тўхта, жаллод,  
Тўхта, гуноҳкор.

Бахтим менинг,  
нобуд бўлмайсан.  
Юрагимда бўлмайди аза.

...кутлуғ бўлсин,  
кўзларингни оч.  
Омон қолдинг,  
Қучоғимдасан!..

## Тақиқланган мол

Ўтказилмас манъ қилинган мол,  
Чегаралар ҳушёр бу замон.  
Биз барибир олиб ўтамиз,  
Эрк туйғусин хумори ёмон.  
Қанча қаттиқ изламасинлар  
Бу афюннинг бор деб ҳидлари—  
Топиб бўлмас. Иложсиздирлар  
Посбоннинг исковуч итлари.

## Атиргул

Сўққабошнинг остонасига  
Яширинчи ташланган етим...  
Сени кўриб тушдим ларзага,  
Сени кўриб титрадим-кетдим.

Кўрмагандим, кўп вақтлар бўлди  
Бундай алвон, сўлим дийдорни.  
Борми, ахир, бундан ортиқ бахт,  
Бундан ортиқ саодат борми?

Ким хаёлга келтирди экан  
Бу ерларга сени экишни.  
Мен лол қолдим... билмаётирман  
На қувониш, на ғам чекишни.

Ағдар-тўнтар бўлди борлигим,  
Бу қандай ҳол, бу қандай фасл.  
Салом сенга, қатағон ишқнинг  
Эй ловуллаб турган меваси.

Чигит кўмилганди бағримга,  
Ҳар эгат бир дардли сатр-ку.  
Уруғингни қайси бир лайлак  
Ташлаб кетди, жоним, атиргул.

Ҳеч ким сени топтамай ўтсин,  
Илтижоман, ўтинч, ноламан.  
Юз йил боши ғўзадан чиқмай  
Бир атиргул унган даламан.

Бўғзимдаги сиртмоқ кесилди,  
Билдим надир толе, надир гул.  
Гала-гала лайлақлар келсин,  
Атиргулим, жоним атиргул!

## Кўрик

Бўлса ҳамки эрку ихтиёр  
Айта билмай ҳақ гапни бетга  
Тил тилинган бақириб шиор,  
Бўғзим эса—йиртилиб кетган.

Билмам, келди қандайин фурсат,  
Бермоқчилар қай дардга барҳам—  
«Оғзингни оч, тилингни кўрсат!»  
Дер табибдан бошқалари ҳам...

## Издош

Мудҳиш бир воқеа юз берди ногоҳ,  
Рўй берди ногоҳон кўрқинчли ҳолат.  
Недан нафратланди, недан жирканди,  
Биз тарафдан кетиб қолди адолат.  
Ҳар кимнинг муносиб издоши бўлар,  
Бунга гувоҳ бўлиб турибмиз биз ҳам—  
Даҳшатли сафарга отланаётир,  
Йўлга чиқаётир, ана, денгиз ҳам.

\* \* \*

Бу диёрга кимлар сепди сув,  
Қайда у руҳ—кабир ва малик.  
Бўри тортиб юборгудек ув  
Даҳшатли бир осойишталик.

Жим-житлик бир қаҳратон савол,  
Жавоб душвор совуқ саволга.  
Музлаб қолган минглаб забон лол,  
Минг-минг оғиз мум тишлаб олган.

Сукут бу мол, сукут бу—дунё,  
Сукут—олтин. Сақлайди ватан.  
Пинҳон ётар тоғларда гўё  
Бизлар чўқмор қуйгувчи маъдан.

Ва у тоғлар ётарлар карахт  
Ер қаърида—баҳайбат бир чўғ.  
Ҳали улар ғазабланиб, шаҳд  
Тупроқ ёриб чиққанича йўқ.

Ёлғон оғриқ юракни эзар,  
Дард—қалбаки, дармон ҳам—сохта.  
Алплар олис... Алпомиш эса  
Улардан ҳам баттар узоқда.

Лекин борлиқ шундай жимликки,  
Шундай ютилганки нафаси,  
Гўё ҳужум бошлаймиз ҳозир,  
Гўё ҳозир жанг арафаси!

## Таржимаи ҳол

Кўринмасдим ҳар ким-ҳар кимга  
Мен—саҳарлар уфурган нафас.  
Гардсизлигим, тозалигимга  
Чексизликлар қиларди ҳавас.

Ногоҳ бир тонг бўлдим мен шабнам,  
Сўнг булутга, ёмғирга дўндим.  
Майсаларга айландим кам-кам,  
Тупроқ бўлиш дардига кўндим.

Минг йилликлар туркум ва туркум  
Қорилдилар зулмат, зиёга.  
Саодатли қандайдир бир кун  
Дарахт бўлиб келдим дунёга.

Хаёт бир йўл—сўнгсиз, бетимсол  
Минг тирилик, минг ўлиб чопдим.  
Насиб бўлди ноёб бир висол,  
Жонзот бўлиб таваллуд топдим.

Қаноатлар, тоқат сабрлар  
Ғилдираги айланди ғир-ғир.  
Кечди неча туман даврлар  
Инсон бўлиб туғилдим, ахир.

Эндигина ором топиб жон,  
Етди десам толега шу гал,  
Ҳар тўқисда—неча минг нуқсон,  
Ҳар тўқисда—неча минг ишқал.

Зулмат тўйди ютиб зиёни,  
Зулматларга зиё ҳам тўйди.  
Дийдорига тўйдим дунёнинг,  
Дийдоримга дунё ҳам тўйди.

Қўйинг, сўйлаб бўлмайдим мен нолон,  
Сиз ҳам тинглаб бўлмангиз халак.  
Шу ўзингиз билган тўполон,  
Шу ўзингиз билган чархпалак.

Номард бўлай агар нолисам,  
Бошқа тирирмайман, ўлмайман.  
Бир қутулсам, бир кетиб олсам  
Дунёга мен бошқа келмайман...

## Тазарру

Етар энди лоқайдлик, ғафлат,  
Етар энди лол, карахт ухлаш.  
Демак, керак забунни—забун,  
Улуғларни эса—улуғлаш.

Минбарларда ўтмиш у-бу, деб  
Бийрон сайрар минг-минглаб саъва.  
Кўп муқаддас яловлар бугун  
Муртад оёқларда пайтава.

Ўтганларни ер қилмоқ билан  
Осмон бўлаётир бошимиз.  
Бошимизни янчади ҳали  
Юлдузларга отган тошимиз.

Рухлар лаванд, туйғулар танбал,  
Фасод кескир, бўҳтонлар бурро.  
Юз ўгирган шу сабаб биздан  
Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро.

Ўтмиш ҳам бир хом сут эмган жон,  
Гоҳ дард чеккан, гоҳ қилган роҳат.  
Айбдир унга сифиниш, балким,  
Лекин камситиш бу—қабоҳат.

Ахир ўтмиш қуролсиз одам  
Қошимизда ҳайрон, лол турган.  
У ўзининг ҳимоятини  
Сенга, менга—бизга қолдирган.

Оғир кунлар тушса бошига  
Паноҳ истаб елажаги—биз.  
Биздан бошқа кими бор унинг,  
Биз—ўтмишнинг келагагимиз!..



Абдуқаям  
Йўлдошев

# РАҚСМ

Ҳикоя



Биламан, у бегона эшиклардан  
чўчийди. Осмони фалакда жойлаш-  
ган, айвонидан қаралганда одам-  
нинг кўнгли озиб кетадиган бир  
хонали бетон каталагимнинг на  
дермантин қопланган ва на пешо-  
насига рақам битилган ғарибона  
эшигини таниб олган, фақат шу ер-  
га келгани-келган.

Соат мили ўн иккидан ошиб  
йўлак сув қуйгандай жимиб қол-  
ган, ёқимсиз ғувиллаши асабимни  
қақшатадиган лифтнинг уни ўчган  
маҳал, балки ундан ҳам кечроқ,  
муздай кўрпага ўраниб, кўзларим-  
ни катта-катта очган кўйи, сақич-  
дай қуюқ зулмат бағрида бирон  
нимани илғаб олишга бўлган ури-  
нишларим беҳуда кетаётган палла,  
яланг оёқларнинг мармар зина-  
ларга оҳиста босилаётганини сеза-  
ман. Узимни чалғитишга қанчалик  
ҳаракат қилмай,—қулоқларимга  
пахта тиқиб, бошимни ёстиққа бур-  
каб олсам-да, чалакам-чатти била-  
диган дуоларимни пичирлаб так-  
рорласам-да, қачонлардир бошим-  
дан ўтказган шаҳват онларини та-  
саввуримда қайта жонлантириб, ҳу-  
зурланмоқчи бўлсам-да,—бари бе-  
самар, эҳтиёткорона босилаётган  
қадам саслари яқинлаша-яқинлаша,  
ниҳоят, эшигимга келиб тақалга-  
нини ҳис қиламан, шу ҳис баро-  
бариде сесканиб кўз очган муб-  
ҳам ваҳимадан юрагим мажолсиз-  
ланиб, тўхтаб қолгудай аҳволга ту-  
шади. Дастлаб бундай чоғлари  
амаллаб ўрнимдан турардим у  
шоша-пиша уйдаги бор чироқлар-  
ни ёқиб чиқардим, сўнг, бунга қа-  
ноат ҳосил қилмай, магнитофонни  
чинқиртириб қўйиб, папирос туту-  
нига кўмилганча ўзим билан ўзим  
шошқол ўйнашга тушиб кетардим.  
Лекин сув остида босим таъсири-  
дан қутулиб бўлмаганидай, кўнги-  
лга сирғалиб кириб улгурган кутқу



илонини ситиб чиқаришга иложсиз эканимни англагач, бу бенаф оворагарчилик ўз-ўзидан барҳам топди.

Биламан, у эшикка маҳкам қапишиб олган, ичкаридаги «тиқ» этган товушни ҳам эшитишга қодир; шу билан бирга у жуда тоқатли, ҳали бирон марта бўлсин сабрсизлик кўрсатган эмас, мудом кутгани-кутган; у бениҳоя боодоб ҳам, шаҳарда тунги ўн бирдан кейин туққан онанг келса-да, эшикни очмасликка қонун йўл беришини билса керакки, ҳали бирон марта бўлсин кўнғироқ тугмасини босган, бирон марта бўлсин эшикни тақиллатган эмас, гоҳи-гоҳидагина журъат қилиб эшикни тирнаб қўяди, шунда мушук гиламни тирнагандагига ўхшаш шитирлаш эшитилиб қолади, лекин унинг бу қилиғида изчиллик йўқ, эшик тирнашлар оралиғи баъзан чорак соатга етмаса, баъзан бир соатдан ошиб кетади.

Биламан, у нафақат бегона эшиклардан, бегона одамлардан ҳам чўчийди. Тасодифан йўлак эшиги очилиб-ёпилиб ёки тепадаги малласоч хонимнинг хушторларидан биронтаси ўтиб қолгудай бўлса, у, баъйни қип-яланғоч ҳолда номаҳрамлар кўзига тушиб қолишдан ўтакаси ёрилган мохпора оймикқиздай, жон ҳалпиди ўзини лифт ёнидаги ахлат ташланадиган қувурнинг орқасига олади. Шунда мен унинг муздай, бадбўй ҳид анқиб турган қувурга қапишганча титраб-қалтираб туришини, нафасини зўр бериб ичига ютишга уринаётганини шундоқ кўз олдимга келтираман-у, бадхоҳлик билан қувониб қўяман. Мени айниқса, унинг шу ҳолатда ярим соат, ҳатто ортиқроқ фурсат ҳаракатсиз қотиб туриши завқлантиради, гўё ортимдан қувлаб келаётган, етай-етай деган рақибимни илгаридан махсус тайёрланган тузоққа тушириб қўйиб, энди унинг аянчли питирлашини гердайиб кузатаётгандай лаззатланаман, лабларимни ялаб қўярканман, ўнсиз личирлайман: «Ўл-а бу кунингдан!..»

Вақт эса шувиллаб ўтади. Кўнгилини бир фурсат яйратган интиқом сафоси ўрнини иштибоҳ, ҳадик сафроси қайта эгаллай бошлайди; янтоқзор ичида юрилгандай қўрқаписа қўйилган, тортинчоқ йигит илк бор суюқлисининг қўлларини ўпгандаги сингари қадам сасларини эшитаман ва амин бўламани, у яна келиб эшигимга қапишиб олади. Мен қўрқаман. Айни сонияларда қайлардадир олис-олислар—

да, наинки хуш, ҳатто энг нохуш манзилларда ҳам пайдо бўлиб қолгим келаверади; кимлар биландир, наинки қадрдонларим, ҳатто ағёрларим билан ҳам давраларда ўтиришга ҳозирман, наинки ёқимли, ҳатто энг аҳмоқона мавзуларда бўлса-да, тинмай гаплаша-версам-гаплашаверсам, тонггача оғзим тинмаса дейман; энг ифлос, энг оғир, чақиб ташлайдиган жисмоний юмушларни топширса дейман, ишқилиб, шу лаънати қора кутнчадан қўтилсам бас, ишқилиб, гапгами-ишгами алаҳсиб, ваҳимали ўйлардан чалғисам бас, ишқилиб, ишлай-ишлай, итдай чарчаб, тилим бир қарич осилиб қолса-ю, ўйлашгайм мадорим қолмай, ётган жойимда ўликдай қотиб ухласам бас, туш кўрмасам бас, босинқирамасам бас... Лекин истак билан фаолият ўртасида улкан жар ястаниб ётибди, кўзларимни чирт юмиб, қаърига чорловчи бу жардан сакраб ўтиш ўрнига қимир этмай ётавераман, лоақал ёнбошимга ағдарилишга юрагим дов бермайди, уйдаги ялдо зулматига изси-овозсиз сингиб кетишни истайман, у менинг хонада эканлигимни фаҳмламаслигини, фалокат босиб фаҳмлаб қолган тақдирда ҳам мени маст уйқуда экан деб ўйлашни хоҳлайман, шу хоҳиш измида ора-сира ёлғондакам ҳуррак отиб қўяман, айниқса, ҳуррагим билан бир сонияга тўғри келиб қолганда эшик тиқирлашининг дарҳол тўхташини кўриб қувониб ҳам қўяман, ўзимнинг ожизона топқирлигимдан ўзим мамнунлик туйиб, гўё сайёдимни яна бир бор катак қафасга қамаб қўйгандай, тилимни чиқариб уни роса мазох қилгим, узун хивич билан кўтарилиб-тушаётган оч биқинларига туртиб-туртиб қўйгим келади...

Ў, ўзингни авраб-овутиш ўзгаларни авраб-овутиш сингари осон ва умрзоқ кечсайди!..

Мен қўрқаман, унинг кўзларидан қўрқаман. Эсимда, тунги ташрифлар энди-энди бошланган, мен ўзимни телбага, қорахаёлга йўйиб, аждодларим шажарасини тита-тита ниҳоят, қай бир бобомнинг руҳий беморлар шифохонасида ўзини осиб қўйганини аниқлагач, ўз ҳолатимни ворисликнинг қочиб қутулиб бўлмас, дори билан тузатиб бўлмас қисматига менгазб юрган кезларим, илк бор бу нигоҳга дуч келганманки, ўша лаҳзани эсласам ҳали-ҳануз тирноқларим учигача музлаб кетади. Ва мен, даҳрийлик эътиқоди қон-қониға сингдирилган кимса, илтижо ила тавалло қи-

лишга тушаман: «Илоё, қайта дуч келиб қолиш ваҳшатидан асрагайсан!...»

Ушанда эса қишлоқдан келиб тунаб қолган жарроҳ дўстим эрталлабки чой устида бамайлихотир: «Бу шаҳарнинг мушуклари қизиқ экан, биттаси туни билан эшикни тирнаб чикди-ю, бир марта миёвллашга ярамади-я!...», деганида рангим қув учиб, қўлимдаги санчқи ликопчага жаранглаб тушиб кетганди. Агарки, руҳимни чатнаган шарпани менгина эмас, соппа-соғ меҳмон ҳам пайқаган экан, унинг чиндан-да моддийлигига бундан ортиқ далил-дастак топиб бўлармикин?.. Аммо, таассуфки, руҳан соғломлигим хусусидаги ишонч руҳий сокинликка гаров бўллолмади. Мен тинчгина, мутлақ фаолиятсиз тарзда кутишда давом этдим. Мен ҳали имкониятлари мавҳум, балки шуниси билибдир янада сирли ва ваҳимали ҳарифимнинг (эзгу ниятлилар ярим кечаси бостириб келмаслар, ахир!) кўринмас сарҳадни биринчи бўлиб босиб ўтишини истардим... Ҳар нечук, дўстим эътирофидан сўн орадан икки-уч кунни ўтказиб, зим-зиё оқшомларнинг бирида юрак ютиб оёқ учиди эшик ёнигача келдим. Не бир ўнсиз қасамлар — далдалардан кейин нимагадир саратон тафтида қолгандай қизиб кетган эшик кўксига ўрнатилган қабарик ойнага қарадим-у, шу сонияда даҳшат ичиди ўзимни орқага отдим — ойнанинг у тарафидан одам вужудининг етти қабатигача ўйиб кириб борувга қодир, қорачиғида лахча чўғ порлаган кўз менга қадалиб турарди...

Биламан, эҳтиёткорлигига қовушмаса-да, унинг бийонидаккина ўжарлиги борки, баъзан бу ўжарлик бемаъни қайсарликка айланиб кетади. Шундай пайтлар у менга дўппидеккина қишлоқдан энди келиб, улкан шаҳар ҳайбати, шовқин-суронидан ақли шошган бўлишига қарамасдан тишини тишига босганча телбанамо қатъият билан: «Мен сени забт этаман, забт этаман, шаҳар!», деб бот-бот такрорлаётган ёшлик йилларимни эслатгандай бўлади. Эҳтиёткорлик... бу ва бошқа ҳислар кейинроқ пайдо бўлмадими? Қайсидир бир алмисоқдан қолган назарий тушунчани китобда ёзилган тарзда эмас, ўзим тушунганимча ўз сўзларим билан ифодалашга уринганимда институт аудиториясидан учиб кетишимга бир баҳа қолганда пайдо бўлмадими бу эҳтиёткорлик? Ўз соҳаларида «алиф»ни «калтак»

деёлмаганлари ҳолда, доимо кўш қўли кўксида, қаддини камалакдай эгиб юрадиган бир-икки ҳамкурс падарқусурлар «қизил диплом» олганларида, аспирантурага тавсия қилинганларида пайдо бўлмадимми бу алам? Энди мустақил иш бошлаган кезларим технологик жараёнга сарф бўладиган спиртни ҳисоб-китоблар орқали чиқариб, бурни қип-қизил бошлигим талаб қилганидан кўра тўрт баробар кам ёзганлигим учун ариза ёзишга мажбур қилишмоқчи бўлганларида, демак, мана шу олишим керак бўлган ошёндан маҳрум этишиб, яна умумётоқларда, ижарахоналарда сарсон-саргардон этишмоқчи бўлганларида уйғонмадимми бу мутелик? Ишга вақтида, иложи бўлса эртaroқ бориб, кутилмаган даҳмазалар кўрсатмасдангина эл қатори тинчгина ишлаб, ёки ўзингни ишлаётгандай кўрсатиб, вақтида, иложи бўлса кечроқ қайтиш— амал пиллапоясидан секин-аста кўтарила боришнинг гарови эканлигини, ўлчамлари олдиндан маълум қолипларга сиғмаган ҳар қандай чиқишлар бошлиқлар кўнглида нохуш таассурот қолдириши мумкинлигини англаганимда пайдо бўлмадимми ҳар бир қадам олдиндан чор тарафни синчиклаб кузатиб олишдек ажабтовур ақидам? Кўнгил кўйганим, тирноғимниям теккизишга журъат қилолмаганим, пок ҳолиманда бир ёстиққа бош кўймоқчи бўлганим қизнинг оппоқ бўйнида қон талаш тиш изларини кўрганимда, ижикилай-ижикилай охири беҳаёларча айтилган: «Засос бошқа жойлардаям бор, очиб кўрсатайми?», деган машъум жумлани эшитганимда пайдо бўлмадимми бу ишончсизликка омухта кўркув? Бир намозшом вокзалда этагимга ёпишиб олганча, икки гапнинг бирида худони ўртага қўйиб қасамлар ичган, бор шудини шилиб кетган ўғрилари гўрдан олиб гўрга солган, оғзи тўла кумуш тиш мўйсафид ярим тундами, тонг сахардами пулларимга қўшиб жамики ҳужжатларимни ҳам супуриб кетганида пайдо бўлмадимми бу ҳадик? Қаҳратон қишнинг куппа-кундузи бекат ёнида тойиб йиқилиб, чаккамни темир-га уриб олган, қора қонимга бўялиб ётган чоғим у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтиб турган йўловчилардан биронтаси келиб қўлтиғимдан олишга ярамаганида пайдо бўлмадимми бу нафрат? Оламжаҳон пулга машина кира қилиб, гумбаздай шишиб кетган тоғамни янги ТошМИга олиб борганимда, аблаҳ врач «жой йўқ» деб йўлланмани қўлимга қай-

тариб берган, кейин ходимасини ортимдан элчиликка йўллаб, бир ўрни «300» туришини маълум қилганида пайдо бўлмадимми одамлардан жирканиш ҳисси? Мен учун даҳшатли даражада кўп бўлган бу сармояни амаллаб топиб бергач, баъзан битта қора буханка сотиб олишгаям чақа тополмасдан икки кунлаб оч юрганимда кассада пули ачиб ётган бир танишим: «Соққа йўқ эди-да, узр энди», деб эшикни юзимга ёпганида кўзларимдан шашқатор оққан алам, ожизлик ёшлари инсон қавмига ишонч, муҳаббатнинг сўнги чечакларини ювиб, манфур худбинлиқнинг ёввойи ўтларини суғориб ўтиб кетмадимми? Тиқилинч автобусда қишлоқдан келгани кўриниб турган жувоннинг сумкасига қўл солаётган ўғрининг қўлини шаппа ушлаганимда, унинг шериклари шовқин-сурон кўтаришиб, ўзимни ўғрига чиқаришган, оқибат бир йил озодликдан шартли маҳрум этилганимда бошланмадимми қатикниям пуфлаб ичишдек одатим? Ва ниҳоят, шиллиққуртдай ўз қобиғимга ўралиб олиб, барча алоқаларни узган ҳолда ўтказган охириги уч йилим ҳаётимдаги энг сокин, энг ташвишсиз, энг осойишта, моддий муҳтожликларсиз ўтказган йилларим бўлмадимми ахир?! Ҳа, шундай эди, шундай эди, шундай бўлиб қоларди ҳам, менга берилган озгинагина умрнинг қолганини ҳам шундай фароғат оғушида ўтказган бўлардим, агар йўқ жойдан манави бало лоп этиб чиқиб қолмаганида...

Дарвоқе, унинг ўжарлиги ҳақида. Эшикка икки марта дермантин қопладим, бири кўйиш, бири қизил; уч-тўрт марта дўкондан қўлимга илинган рақамларни олиб келиб осиб қўйдим; бир гал эса ётоқхонадан кар танишимни ярим кечаси бошлаб келдим-да, атай овозимни қаттироқ чиқариб айтдимки, хўп жўра, мана, уй алмашишгаям келишиб олдик, мен эртага кундузи юкларимни олиб кетаман, сен энди бу ерда маза қилиб яшайвер... Шундан кейин беш-олти кунгача бир кечага йигирма-ўттиз сўм тўланадиган иркит каталакларда ётиб юрдим. Назаримда, энди ундан қутулгандай эдим. Қаёқда дейсиз...

\* \* \*

Босаверсанг қурбақаям вақиллаб юборади. Не-не машаққат, не-не қурбонлар эвазига келган тинч турмушимни жоним борица ҳимоя қилмаслик—оғзимдаги ошни индамасдан олдириб қўявериш билан

баробар туюлди. Уйлай-ўйлай, охири, бир «оқ мусаллас» шишасини синдириб, ҳовончада туйдим-да, ётар олдидан йўлакка сепиб чиқдим... Оқшом эшик одатдагидан кўра кўпроқ қитирлади-ёв; агар янглиш эшитмаган бўлсам, бу ожизона қитир-қитирга оёқ остида шиша синиқларининг қисирлаши ҳам жўр бўлиб турди. Тонг сахарда шиша кукунини супуриб олаётиб, шундоққина эшик ёнида бўғотдан узилаётган томчи янглиғ ёинки танбур шаклидаги бир томчи қонни кўрдим. Ва рақибимнинг товонини топганимдан қувониб кетиб, шиша сепишни қанда қилмайдиган бўлдим. Энди, унинг нозик жойини топиб олганимдан сўнг, ўзимга ўзимнинг ишончим ортиши билан бирга, тўғриси, қарши юришимнинг оқибат натижаси қандай бўлиши мени ҳатто қизиқтириб қолди. Шунда мен шиша тўпонига кучли кислота аралаштирдим... У, оқшом унинг оёғи куйган товукдай питирлашини, яланг оёқлар остида шиша синиқларининг ғижирлашини эшитиш керак эди, эшитиш!.. Тонг сахар эса, одатдаги бир томчи қон атрофидаги бир-икки қарич жойнинг қорайиброқ қолганини кўрдим-у, сўнги уч ой ичда биринчи мартаба кўнглимда ўзимдан ўзим фахр туйдим, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди, «Билиб қўй, биз ҳам унчалик ерда қолганлардан эмасмиз, ўзимизга яраша ақлимиз бор, бозор кўрганларданмиз, сенга ўхшаганлар олдида қўл қовуштириб туриш давридан аллақачонлар ўтганмиз, бундан уч йил бурун келсанг бошқа гап эди...»

Энди аниқ билардим, у қаршилик кўрсатиш нима эканини билмасди, барисига индамай чидаганичидаган эди, шу қилиғи билан у болалик чоғларимни ё бўлмаса хамқишлоғим Санги девонани эслатарди. Бешиқдаги чақалоқдан тортиб мункиллаб қолган чол-кампирларгача бамисоли ҳазрати Хизрни кўраётгандай беадад ҳайрат билан термуладиган шўрлик девона ўзига тош отиб қочган болаларниям «Бор бўлинглар-э», деб алқарди. Айтишларича, унинг энг сўнги сўзи ҳам шу алқаши бўлган экан...

Хуллас, рақибим сирлилик ва мавҳумлиқнинг жимжимадор либосларидан айрилиб, қошимда яланғоч ҳолда намоён бўла бошлади, намоён бўлганда ҳам баҳайбат Геркулеслар олдида ботиқ кўкраги, ингичка билаклари, пачоққина гавдасида номусларда ўйлаётган уятчан ўспириндай. Назаримда

у кундан-кунга жисман янада майдалашиб бораётгандай эди, мен буни қон томчисининг ҳам, қорайиб қоладиган оёқ изинияг ҳам тобора кичрайиб бораётганидан тахмин қилардим.

Мен энди аниқ билардим, рақибимни тамоман мағлуб этиш учун маълум фурсат керак холос. Бироқ менда бу жараённи тезлаштириш истаги уйғониб улгурганди. Кечалари ўринда ғужанак бўлиб, хўб азобларда ўтказган уч ойлик умрим учун муносиб, ҳатто ортириброк интиқом олиш васвасаси мени қутқуга сола бошлади. Эҳҳе, бу қутқу етагида не-не кароматлар кўрсатмадим... Пойлаб турардим-турардим-да, тўсатдан эшикни зарб билан оча солиб дарҳол қайтиб ёпиб олардим, шу орада, ҳар нечук, тобора енгиллашиб, вазнини йўқотиб олардим, йўқотиб бораётгани эшик зарбиданоқ сезилиб қолаётган гавда зинапоянинг темир панжарасига коптокдек бориб урилганини-ю, жон аччиғида инграб юборганини эшитиб қолардим; шиша тўпонига игна, олмосдан тортиб сўндирилмаган оҳақкача— сувга аралаштириб, албатта—сола бошладим; бир оқшом эса буралиб-чирмалиб ётган уч-тўрт қулоч симни йўлакка ташлаб қўйдим-да, у эшикка қапишганини сезганим заҳоти сим-

ни манбага улаб юбордим. У, шўрликнинг «гуп» этиб ерга ўтириб қолганини, сўнг ўрнидан отилиб туриб, эҳтиёткорликни ҳам йиғиштириб, жон ҳалпида зиналарни тапиллатиб босганча ташқарига отилганини эшитиб қотиб-қотиб кулдим; атай кеч қолиб келган кунларим чекиб турган папиросимни билмаган киши бўлиб қувур ортига отардим, кейин лабимга янги папирос қистириб, бирданига уч-тўрт гугурт чўпини ёқардим-да, буларниям ёниб турган ҳолича қувур ортига отардим; бир тун гугурт чўпларига қўшиб ҳали ёр ўсмирлик чоғларимда ёзиб юрган аҳмақона, бачкана шиғирларга тўла уч дафтаримни ҳам ёқиб отиб юборган эдим, йўлакни куйган гўшт ҳиди тутиб кетди; кейинги тун эса уч йилдан бери йиғилиб қолган, ўқиб-ўқилмаган, уйдагиларнинг, қариндош-уруғларнинг, таниш-билишларнинг хатларини ёқиб отган эдим, куйган гўшт ҳиди хонага ҳам сизиб кирди; ундан кейинги тун эса кўзимни чирт юмдим-да, уч-тўрт литрлик идишда олиб келган кучли кислотани сепиб юбордим қувур ортига...

Биламан, уни мен синдирдим, уни мен енгдим. Сангарош қулочга сиғмас харсангтошни йўнайна миттигина атиргул ясагани

сингари, мен уни муштдайгина итоаткор жисмга айлангунча қийнамоқчи, кейин уни қопчиғимга жойлаб чўнтагимда олиб юрмоқчи, керак бўлиб қолганда дўстдушманлар ўртасида қопчиғимдан чиқара сола кўз-кўзламоқчи бўлиб тургандим. Ўзимча мақсадимга етдим-ов, деб ўйлаган оқшомлардан бирида уйга яна атай кечикиб келдим. Эшик ёнида гўёки калитни излаган бўлиб бироз тараддуланиб қолдим, ўзим бўлса сездирмасдан қорнимдан қопқонни оляпман. Кислота унинг кўзини кўр қилгани равшан, энди тўғридан-тўғри устига бостириб бораверсам ҳам бўлар, деб ўйлаётган ҳам эдимки, бирдан ахлат қувурнинг тунука қопқоғи даранглаб очилгани ва кимдир бир нима ташлаб юборганини эшитдим. Нарса залворлигина шекилли, қувур деворларига урила-урила қуйиға гумбурлаб эниб кетди.

Мен ўгирилдим. Қувур ёнида ҳам, ортида ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Энди биламан, у ўйларимнинг барини ўқиб тураркан, худди ўзиники сингари.

Бу ҳодиса пайшанба оқшоми рўй берди.

Жума оқшоми эса...

### *Қадрли муштарийлар!*

*Янги йилдан бошлаб почта хизмати, қоғоз ва босмахона харажатлари бир неча баробар ортиши муносабати билан барча даврий матбуот нашрларига янги нархлар белгиланди. Биз Сизнинг манфаатингизни ҳисобга олган ҳолда журналимизнинг ҳар сони баҳоси 80 тийин миқдоридида белгиланишига муваффақ бўлдик. Демак, бир йиллик обуна баҳоси 9 сўм 60 тийин бўлади.*

*«Ёшлик» журнаliga обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.*

Замира Рўзиева



## Озор оқиб ўтар

### хаёлларимга

...

Соғиндим...  
Номозшомгулларнинг ибога тўла  
Нигоҳида маънос саволларим бор.  
Ваъда қила-қила каттакон толе  
Ёлғончига чиқиб йиғлайди баҳор.

Хуржундан изтироб олаверар кун,  
Тунларнинг дийдаси ундан-да баттар.  
Истакка рўёб йўқ,  
Оғриққа якун,  
Уйлов деганлари қирқ бошли аждар.

Боқаман тошлардан чиқмайди садо,  
Кўзимга тикилиб сарғаяр гиёҳ,  
Нетасан, ер қаттиқ йироқдир само,  
Айланар кечирим топмаган гуноҳ.

Армон дарахтида бир қушча бўзлар,  
Овози шикаста, овози дилгир.  
Шамол этагидан тўкилар сўзлар:  
«Кечирсанг бўларди, севардинг ахир...»

...

Чақирма, исмим йўқ. Исмим йўқ ахир,  
Овозингни етим боғлар ютади.  
Сирдош булбул йўқдир, сирдош гул йўқдир,  
Оҳларингни энди зоғлар ютади.

Истаклар кўзига тикилар жабр,  
Раҳмдил шамол йўқ. Эсмайди сира.  
Тиланасан қайнар хумчадан сабр,  
Кўзинг қароғига кўчар хотира.

Тинимсиз ичасан соғинч шаробин,  
Фарёд оқа бошлар томирларингда.  
Оғриқли ўйлардан енгилган хобинг,  
Қочар, ивиб шўртанг ёмғирларингда.

Тилиннга ёпишган исмимни унут,  
Оҳ, хатолар кўмди муқаддас ҳисни.  
Ўзим учун — бахтни йўқотган ношуд,  
Сен учун — йўқолган бахт менинг исмим.

### Эътироф

Узун кундузларим пахта билан банд,  
Тунлари ўргандим этак ямашни.  
Ўргандим чор атроф сукути монанд  
Тилимни тишларим билан қамашни.

Алвон читга алвон сўзлар ўйдирдим,  
Баландлатиб осдим арқонлар билан.  
Иштаҳага эниб қорин тўйдирдим  
Алвонранг мазали ёлғонлар билан.

Ўргандим қай тахлит силкинишин қўл  
Инжиган виждоннинг «тиқ-тиқ»ларига.  
Кейин ўз-ўзидан тўлиб кетди йўл  
Муқаддас эътиқод синиқларига...

### Қишлоқда

Бу кўча зерикмай кузатаверар  
Йўлчисини фақат далага — ишга.  
Юрак ўксиб-ўксиб кўникиб қолар  
Тонгни таънаомуз кутишга.

Кетмон тутган қизлар нигоҳларидан  
Озор оқиб ўтар хаёлларимга.  
Лаҳзаларнинг бағри тўлиб кетади  
Жавоби уч нуқта саволларимга.

Зардоби ранг томиб ёзғирар қишлоқ  
Эътиқоди пучак, қалби кўрларни.  
Кўкрагимдан юлиб отаман шу чоқ  
Мени алдаб юрган тасаввурларни.

Кўзёшга айланар кўрганим бари,  
Ёзмаларим хасдек сурина бошлар.  
Қайнонам кечирган кунлар сингари  
Вазмин гуноҳларим кўрина бошлар...

Туроб Юсупов

*Мени ким ҳам кечирар...*

. . . .

Дерлар, оғир шаккокнинг йўли,  
Сезмас, ҳатто умри йитганин.  
Билгим келар шум тақдир қўли  
Пешонамга не хат битганин.

У не имло, у не ажиб сир,  
Элтган — ўзим, ўртанган — ўзим?  
Ўқий десам; қўним топгандир  
Пешонамдан пастроқда кўзим.

Кўрмайманки, бағримда бутмас  
Ўзгаларнинг ожиз саботи.  
Баъзиларнинг нигоҳи ўтмас,  
Нигоҳ ўтса — етмас саводи.

Мени ким ҳам кечирар энди,  
Тавба қилай десам — худом йўқ.  
Бир зўр алам руҳимга сингди,  
Тилда уним, дилда нидом-йўқ.

Кўп даҳшатли эрур бу кадар,  
Аяб келдим ҳар гал ўзимни —  
Ўёлмадим, пешона қадар  
Юксалмаган ношуд кўзимни...

. . . .


Осмонни беустун яратди тангри,  
Келтирмади замин аҳволи раҳмин.  
Балки у пайт шашти султ эди, балки  
Синаб кўрмоқчийди банданинг фаҳмин.

Одамлар чопдилар шошиб ҳар томон  
Тангридан, тақдирдан сўраб ҳимоя.  
Босиб келаверди минг қават осмон  
Қуюқ булутлардан ёғдириб соя.

Юракда ваҳима, кўксида доғлар,  
Тоғларга ялинди бечора инсон.  
Жойидан сирпаниб, букчайди тоғлар,  
Чўққилар йиқилди ожиз, беимкон.

Бор илинж тугади... Бани башар лол,  
Ночор ўйга толди ўлимга доир.  
Тахайюл қасридан чиқдию дарҳол  
Қаламин осмонга тиради шоир.

Муқаррар балонинг йўлини тўсди,  
Жим қотди шоирни эрмаклаганлар.  
Гардунни кўтариб қалами ўсди,  
Қаддини ростлади эмаклаганлар...



1954 йили Самарқанд вилоятининг Қўшработ ноҳиясида туғилган. 1975 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. Республика ижодкор ёшларининг IV семинар-кенгаши иштирокчиси.

**Хаёлдаги манзара**

Тун яшашга жой танламайди,  
Чўқди, мана, дилга оғир шом.  
Нега мағрур жарангламайди  
Очун бўйлаб ўзбек деган ном?

Ғичирлатар аламдан тишин  
Темур, илғаб қоламан гоҳо.  
Тушунмасдан дунёнинг ишин  
Бошин чайқар Навоий бобо.

Дер: «Хон эмас, гадо экансан,  
Дийданг тўлсин, паймонанг тўлсин.  
Магар элга фидо экансан,  
Шоҳ бўл, дилда лашкаринг бўлсин!..»

Кўпдир қалби бўм-бўш, маконда  
Оҳую қуш овлаган норлар.  
Нидо янграр Ўзбекистонда:  
«Қайдасиз, ҳей, лашкари борлар!»

Аждод ҳаққин оқлашга бир кун  
Етишади кимдадир журъат.  
Жонлантириб ўша зот кўркин  
Кўз олдимга келар бир сурат:

У тиғ жойлаб нигоҳларига  
Олар экан ғурурдан дарслар,  
Тиз чўкиб жим, оёқларига  
Мушук каби суйканар барслар...

Шукрулло.



Хотира-қисса

## Киноянинг шакли

Киноянинг ҳам шакли бўладими? Ҳайрон бўляп-сизми? Шошилманг, айтаман! Киноянинг, яъни кесатиқнинг ҳам шакли бўлади! Ҳа, бўлади! Уни ясайдиганлар бор.

Сувдан ҳолва-чи? Сувдан ҳолва ясайдиганлар бўлгандан кейин, хўш, киноядан шакл ясайдиганлар топилмайди дейсизми!

Қамоқда ётганимга мана бир неча ой бўлган бўлса, нималарга дуч келмадим!

Бугун мени терговчимнинг таниш хонасига эмас, биринчи бўлим бошлиғи Коньюховнинг олдига олиб киришди. Коньюхов қотма, юзидан заҳар томиб турадиган одам эди. У мени, хўш, қалайсан, деб меҳрибонлик қилгандек аҳвол сўраб, ясама кулги билан кутиб олди. Орадан ўтган бироз кўнгилсиз жимликдан кейин, бурчакка қўйилган махсус курсига ўтиришга ишора қилиб, хўш, нималарни ўйладинг, қани, гапир-чи, деб мулойимлик билан гап бошлади.

Мен душман бўлмасам, гуноҳим бўлмаса, нега ушлаб ўтирибсизлар дейишдан бошқа нима ҳам дер-

дим. Мен шу чоққача нима иш қилган, нимаики ёзган бўлсам, совет давлати, Сталинга меҳр, садоқат уйғотишга хизмат қилдим. Буни фақат китобхонлар эмас, танқидчилар ҳам дoston ва шеърларимда куйлаганимни тан олиб, ижобий баҳолаган бўлсалар, бу душманлигимми? Менинг кимлигимга шулар далил бўлолмай-дими?

— Асарларингда ёзганинг ўз душманлигингни ниқоблаш учун қилинган!

Мана қилган меҳнатинг баҳоси! Қадри!

— Қайси айбимни ниқоблаганман? Совет халқига ўз хизматим билан келтирган фойдамдан, зиёним агар кўп бўлса, қани, айтинглар, тан оламан!

Коньюховнинг чақиришидан мақсади, терговчининг гапларини рад этишга уринишининг фойдаси йўқ, у кўндиролмаса, мана мен бор, биздан қочиб қутулолмайсан, дейиш эди.

Худди менинг фикримни тасдиқлагандек шу пайтда эшикдан полковник Козеров кириб келди. Коньюхов унга:

— Халқ душмани Юсуповни сўроқ қиялпман,— деб маълум қилди.

Бунга жавобан унинг айтган гапи:

— Хўш, жиноятларини тан оляптими?— дейиш бўлди.

— Яширяпти!

— Унда терговни чўзаберади, ётаберади. Шафқатсиз фош қилинлар. Терговни давом эттиринг!— дея Козеров қандайдир қоғозларга сирли назар солгандек бўлди-да, чиқиб кетди.

Улар мени қандай қилиб душман қилишга уринмасинлар, лекин мен ўз душманлигим нимадан иборатлигини англаб етолмасдим.

Коньюховнинг менга берган биринчи саволи:

— Жиноятчи Юсупов, қани ўзинг иқрор бўлиб айтчи, Совет давлатига қарши кимлар билан тил бириктириб, қандай ишлар олиб боргансан? Очиқ, яширмасдан айтсанг, жиноятинг енгиллашади. Оиланг билан кўришишга, передача олишга рухсат этамиз, судинг ҳам тезлашади.

Бунга, тавба, деб дод солишдан бошқа нима дейсан!.. Бунга жавобан айтадиган гапинг фақат битта:

— Гуноҳим бўлса, айтабер, тан олмаган номард. Айбим бўлса, отсаларинг ҳам розиман!

— Биз сени отмаймиз. Суд ҳукм қилади! Бизнинг вазифамиз сенинг жиноятингни фош қилиш!

— Қайси жиноятимни ахир!?

— Дўстларинг бўлганми?

— Албатта бўлган.

— Кимлар?

Қайси бирини айтасан? Менинг дўстларим кимлиги буларга нега керак бўлиб қолди? Бу маълум эди. Бунинг асосида битта сен эмас, бир неча кишилар биргалашиб Советларга қарши ташкилотда бўлгансанлар, деган даҳшатли айбномани бўйнимга қўйиш эди. Бу фикрим ҳали бир жойда қарор топмасдан, шу фурсатда «Хива» киносига ўрнатилган радио карнай-дан келаётган музика овози тиниб, қулоғимга «ғоявий душманларимиз...» яна шунга ўхшаш узук-юлуқ қомалганлар ҳақида нималардир дейилган жумла-

Давоми. Боши ўтган сонда.

лар эшитилиб қолди. Эшитганимга минг пушаймон едим. Дилим хуфтон бўлиб, умидларим яқсон қилинди. Чунки радиода берилаётган бу эшитириш қамалганларнинг душманлигига халқни ишонтириш учун қилинган тарғибот эди. Демак, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирийлар қамалган кезларда, омма орасида уларга қарши нафрат уйғотувчи қандай компания уюштирилган бўлса, радиодаги ҳозирги бу эшитириш руҳи ҳам ўшанинг давомидек эди. Бу эшитиришдан кейин мени қамашларидан мақсад нақадар жиддий эканини ўйламасдан иложим йўқ эди. Наҳотки, мени ҳам ўшалардек халқ душмани қилиб умримни қамоқда чиритсалар! Наҳотки, ўшалар қатори отиб ўлдирсалар! Наҳотки, радиодан бу гапларни эшитган халқ, менинг дўстларим, қариндош-уруғларим шунга ишониб, «халқ душманларига нафрат» дейишга тиллари борса! Хўш, чиндан ҳам душман бўлган бўлсак, уларнинг душманлиги нимадан иборат, айтинглар дейдиган бирор мард топилармикан!

Абдулла Қодирий ёки Усмон Носир қамалганида, уларнинг гуноҳи нима деганмидик, ахир, ўзимиз? Йўқ, бундай мард топилишига ишонмайман! Ҳимоя қилиш эмас, ҳатто нима гуноҳ қилган, мен билмайман, деб айтишга ҳам журъат этмасалар керак!

Онам ҳаёт бўлганда онам, отам ҳаёт бўлганда отамгина менга ачиниб, дод-фарёд қилиши мумкин бўларди. Бу замон шундай замонки...— Хўш қандай замон? Қани гапир,— десалар, қайси мард,— «Одамлардан бир-бирига ишонч, оқибат кўтарилган, ҳар ким фақат ўзини ўйлаб қолган замон»,— деб айтаоларди!

Хўш, мен учун қайғурадиган ким қолди! Икки бева опам, хотиним, бола-чақамдан бошқа яқинларимдан ким бор? Ох, шўрлик хотиним! Олдидаги икки ёш бола, яна қорнидаги билан 25 баҳорни эндигина кўрган хонимнинг ҳоли не кечди! Шундан бошқа умид қилганим ким бор!?

Ниҳоятда даҳшатли, кўнгилни ғаш қилувчи хаёлларимни терговчи Сухановнинг эшикдан кириб келиши бўлиб юборди. Бунинг пайдо бўлиши эса яна ҳам кўнгилсиз, яна ҳам қайғулироқ эди. Назаримда, битта ўзим айтганларимга сени кўндирилмасам, капитан Коньюхов бор, у ҳам ожизлик қилса, полковник Козеров, шунда ҳам айбларингни тан олмасанг, ҳали қараб тур, генераллар, бутун бир орган бор, бу чангалдан қаёққа қочиб қутиласан? Сендек душманларни илҳомлантирган марказқўмнинг собиқ биринчи секретари Акмал Икромов нима бўлди?! Буюк ёзувчи Абдулла Қодирийнинг қўлидан нима келди?! Ушаларни ҳам тавбасига таянтира олган бизларни ким деб ўйлайсан?! Уларнинг олдида сен ким бўпсан, душманлигингни бўйингга олабер, дегандек туюлди.

Усмон Носир шеърларини ўқиганим, уни мақтаганим учун мени ҳам уларнинг таъсиридаги шоир деб, миллатчиликида айблаб, битта модда билан айблаб бўлишди. Энди Совет ҳукуматига қарши тарғиботда, совет ҳаётидан норозиликдаги жиноятларимни фош қилишга ўтишди.

Қаерда қандай гаплар гапирганман, кимлар бор эди, совет ҳаётидан кулувчи қандай латифалар айтганман, шуларни суриштиришга ўтилди. Бундан кузатилган мақсад, Советларга қарши яширин ташкилот тузоқчи бўлгансизлар, деган айбни бўйнимга қўйиш эди.

Советларга қарши ташкилот тузишда айбландингми, тамом, бу тузоқдан қутулишинг қийин. Чунки жуда сандан бирор айб тополмаганда ҳам ташкилот аъзоларининг бирортасига танишлигинг ёки алоқанг бор бўлса бўлди, ташкилот аъзоси сифатида жиноятчи қилиш учун етарли.

Совет ҳукуматининг сиёсатига қарши тарғибот қилишда ва ташкилот тузишда айблаш учун мен айтмаган шундай нарсаларни ўйлаб топишибдики, ё тавба, на уларда мантиқ бор, на ақлга тўғри келади. Бутун бир давлат ташкилоти ҳақиқат ва ақл олдида андиша қилмасдан шу аҳволга тушганидан кулгинг келса, йўқ нарсаларга сени ишонтирмақчи бўлганларидан қаҳрланмасдан ҳам иложинг қолмасди.

Мени айблаш учун энди шундай бир гуноҳ топишибдики, бундай қараганда ниҳоятда кулгиликдек кўринса ҳам, аммо бунинг тагида ўша давр шароитида битта одамнинг умрини қамоқда чиритиш учун етарли жиноят етарли.

Сталин худо даражасига кўтарилган бу замонда унга тил теккизишдан катта гуноҳнинг ўзи йўқ эди. Унга тил теккизган одамнинг ўзинигина эмас, шу баҳона авлодаждодининг сочидан тирноғигача қиличдан ўтказиларди.

Мана бугун менга улуғ доҳий Сталиннинг сўзини масхаралаб, киноя билан айтгансан деб айб қўймоқчи бўлишди. Бу нимадан иборат эди? Гўё мен тенгдош ёзувчи дўстларимдан бирининг тўйида Сталиннинг урушдан кейин айтган «Турмуш яхшиланиб қолди, ҳаёт қувноқ бўлиб қолди» деган сўзини масхаралаб, киноя қилиб айтган эмишман. Бу тухматдан иборат эмиш. Нимаси тухмат?

Буни айтганманми, айтмаганманми, худо билади, балки айтгандирман. Тўй бўлишига қарамасдан, дастурхонида ейдиган нарса йўқ эди.

Уруш вақтида завод борми, фабрика борми, ҳаммаса жангга керакли нарса ишлашга қаратилган эди. Бир кийимлик чиг анқонинг уруғи. Топилганда ҳам унча мунча одам киёлмасди. Оддий калиш деган нарса нима, у ҳам йўқ бўлиб кетганди. Ҳунармандлар уйларда бўз тўқий бошлади. Резинкадан қўлда қўйилган, тиши йўқ, зил-замбил қўйма калишлар бозорларда сотиларди. Емак-ичмак, тирикчиликка зарур нарсалар, бир амаллаб кун кечириш халқнинг ўзига ташлаб қўйилганди. Урушга бормаё қолган оилалар ўзи эмаса ҳам, ичмаса ҳам жангга кетган ака-укаси, эрими, фарзандини ўлмаё омон қайтишининг дардида очлигига ҳам, яланғочлигига ҳам чидарди.

Ахир, бир ойда бир одамга тўрт юз грамм ёғ бериларди. Кунига қанчадан тўғри келади? Бир ойга бир кило-ю икки юз граммдан дон бериларди. Ўйлаб кўрса, бу нарсалар расмана ейман деган одамга бир ҳафта ейишга ҳам етар-етмас масаллиқ-ку! Орзу-ҳавас, тўй-томоша қаёқда! Фақат уруш йилларидамас, уруш тугагандан кейинги дастлабки йилларда ҳам бировнинг олдига қўйишга бир бурда ортиқча нон бўлмасди.

Шуни фаровон ҳаёт деб бўладими? Менинг айбим ҳақиқатни айтганимми? Шунинг учун қамаш керакми?

Уруш тугаши билан худди осмондан дарҳол нозу неъмат ёрилгандек, ҳаммаёқ обод, ҳаммаёқ фаровон десак, ким ишонарди!.. Мантиққа сиғадими?

Уруш тамом бўлди. Кимдир отасидан, кимдир ёлғиз фарзандидан айрилди, кимлардир бедарак кетди. Хонадонларда, қариндош-уруғлариникида дод-фарёдлар кўтарилди, кишиларнинг қалбларидан айрилиқ аламлари, кўзёшлари ҳали аримай туриб, уларнинг дардларига дарднаш бўлиш ўрнига, ҳаёт қувноқ бўлиб қолди десак, инсонийлик бўладими?

Сталиннинг урушдан кейин «Ҳаёт фаровон бўлиб қолди» деган гапи эсимда. Айтганман. Инкор қилмайман. Мени таажжубга соладиган нарса шуки, бу гапимни қайси дўстим етказган, бундан қатъи назар, аммо бу гапни мен тўғри кўнгил билан айтганманми ёки кесатибми, киноя қилибми, нима билан исбот қилади? Ёки

ўша вақтда башарам қандай ҳолатда бўлганининг расмини олиб, товушимни магнитофонга ёзиб олган эканми?

Йўқ, терговчини қизиқтирган нарса буни исботлаш эмас, уни қайси маънода айтганлигим ҳам эмас, улар учун энг муҳими, шуни айтганимни тасдиқлаб олиш. Бундан чиқарадиган хулоса эса уларнинг ўз қўлларида эди. Яъни, халқлар доҳийсини масхаралаш, унинг сўзига ишончсизлик деган айбни қўйиш эди.

Терговчи менинг бу гапларимдан қуйидаги натижа чиқариб ёзган эди:

«Сталиннинг гапларини айтишдан мақсадим, фақатгина Совет давридаги ҳаётдан норозилик, уни қоралашгина эмас, одамлар орасида халқлар доҳийсининг сўзига ишончсизлик туғдиришни ҳам кўзда тутган эдим... Мен ўзим шоир бўлатуриб Совет даврида битта кўйлакка ёлчимадим, мана шунинг ўзи ҳам доҳийнинг сўзини масхаралаб айтганимнинг исботи бўлади...», ва ҳоказо, ва ҳоказо эди.

Буни ўқиб, бундай айбномани эшитиб, инсоф билан айтганда, нима дейиш мумкин? Мени айтганларимдан шу хулоса чиқади:

Уша даврда халқлар доҳийсининг сўзини масхаралаган одамга қандай жазо бериш мумкин эди? Бунинг учун отиш ҳам кам эди.

Айримлар, шунга ҳам одамларни қамашганми, ишониб бўлмайди-ку, дейишлари мумкин. Шошилманг, бу ҳам ҳолва, ҳали шундайлари борки!..

Менга қўйилган гуноҳлардан яна биттаси елпиғич ҳақида айтилган латифа эди. Буни эшитиб, ё тавба деб, ишонмай, ҳазил бўлса керак деб, қотиб-қотиб кулишингиз ҳам мумкин.

«Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу» дегандек, буни эшитганлар ичаги узилгунча кулади-ю, аммо, буни айтган мен учун-чи, бу мотам, фожиа. Бу шундай бўлган эди.

Кунлардан бир кун таниш колхоз раисларидан бириникига кириб ўтмоқчи бўлдим. Одат бўйича бирор жойга борганда қуруқ бориб бўлмайди. Нима олдим? Мевачева олай десам, қишлоқ жой, унинг устига колхоз раиси, ҳамма нарса ўзида бор. Уйлаб-уйлаб раис анчагина семиз одам бўлгани учун иссиқ кунда елпиниб ўтирар деган хаёл билан дўконга кириб иккита елпиғич олдим. Гарчанд бу арзмаган совға бўлса ҳам раис оғайним хурсанд бўлди. У елпиғични очиб елпинмоқчи бўлган эди, иккаласи ҳам сочилиб кетиб, уй ичи, бола-чақаларининг олдида бироз кулги бўлди. Гўё буни мен атайлаб қилгандек раис мендан ранжиди.

Шунинг учун эртасига елпиғич сотган дўкондорга учрашиб, воқеани айтдим. Гапимни эшитган дўкондор:

— Ака, елпиғич сочилиб кетган бўлса, бизда айб йўқ, елпиғични тутта билиш керак, қани, қандай қилдингиз кўрсатинг-чи,— деб мендан сўраб қолди. Мен елпиғични очиб, ўзимни қандай қилиб елпинганимни айтдим. У эса:

— Мулла ака, елпиғични туттишни билмапсиз, елпиғични очиб елписангиз, албатта, сочилиб кетади, бунақада сизга елпиғич чидайди? Елпиғич сочилиб кетмасин, десангиз, елпиғични очиб, қимирлатмасдан, уни юзингизга тутиб каллангизни қимирлатсангиз, ҳам елпинардингиз, ҳам елпиғич сочилиб кетмасди...

Аваллига гапига жиддий қулоқ солиб, кейинчалик бу андижонликларнинг меҳмонларга қилган ҳазили эканини англагач, роса кулишдик. Чой қуйиб, ҳол-аҳвол сўрашдик.

Елпиғич ҳақидаги бўлган бор гап шу. Хўш, бунда Совет ҳукумати, унинг сиёсатига қарши, душманлик дейдиган нима бор? Буни эшитган терговчи ҳам аввалига

кулди. Аммо чиқарган хулосаси-чи? Куракда турмасди. Ақлга сиғмас даражада даҳшатли эди. У шундай деб ёзганди:

«Менинг бу латифани тўқиб чиқаришимдан мақсад, Совет давлати сифатсиз мол чиқариб, халқни алдаш билан шуғулланади, дейиш бўлиб, бу билан мен совет савдо системасига тухмат қилмоқчи бўлганман». Бунга нима дейсиз!

Аваллаббор ҳеч маҳалда, ҳеч ким елпиғични бундай қилиб ишлатмайди. Бу мантиққа тўғри келмайдиган нарса. Бундай бўлишига ҳеч ким ишонмайди. Шундай бўлгач, йўқ нарсанинг нимаси советларга қарши бўлади! Бунинг нимаси тухмат! Хўш, бизда сифатсиз мол чиқарилганми? Сифатсиз мол чиқарилмасин, деб танқид қилинса, сифат учун курашилса, ёмонми? Бу тухмат бўладими? Терговчиларнинг ўзи сифатсиз мол чиқараётганини билмайдими? Қайси виждон билан мени айблашмоқчи! Бу латифани советларга қарши қасддан айтганимни исботлаш учун:

Халқ дардини жойладим дилга,  
Улдири, ўлимдан ҳам қайтмайман...—

шеъримни мисолга келтириб, агарда совет ҳукумати-нинг сиёсатидан рози бўлганингда, сен бу шеърни ёзмаган бўлардинг, норози бўлганинг учун шундай тухмадан иборат латифаларни советларга қарши ҳамфиқр дўстларинг Шухрат, Мирза Калон, Ҳамид Сулаймон, Алимӯхамедов Абдурахмонлар билан алоҳида йиғинларда айтиб юргансан, деган қўшимчани ёза бошлади.

Мен бу одамларга елпиғич ҳақида айтмаганман-у?... Нега уларга айтган деб ёзди? Бунинг тагида кузатилган даҳшатли мақсад ётарди. Яъни бу билан менга ҳаммиша йиғилишиб, советларга қарши душманликдан иборат иғволар билан шуғулланувчи яширин ташкилот аъзолари, деган айбномани қўймоқчи эди.

Энди яна қандай жиноятлар ўйлаб топишаркин?

Шуни ўйларканман, онам раҳматликнинг «Эй, болам, аччиқ ҳақиқатнинг оромни бўлади»,— деган гапи хаёлимдан ўтаберди. Бу гапни онам кўп гапирарди, ёшлигимдан қулоғимга қўярди. Бу гапни эсладим-у, руҳимда бир енгиллик, қандайдир ғурур пайдо бўлди.

Агар янглишмасам, 1932—1933 йил, 11—12 ёшларимда, юртда очарчилик йиллари эди. У вақтда нонни заборний талони билан олардик. Талон бўлишига ҳам қарамай, тегишли нонни ҳам ўз вақтида оломасдик. Баъзан бир-икки кунлаб дўконга нон келмасди. Келгани ҳам ҳаммага етмасди. Хадрадаги Таштрам дўкони ишчиларга қарашли бўлгани учун, бу ерда нон бошқа дўконларга қараганда вақтида бўларди. Шунга қарамасдан нон олиш осон бўлмасди. Ҳамиша ур-тўпалон, бақариқ-чақариқ бўларди. Мен ёш бола бўлганим учун баъзи бирлар раҳм қилиб олдинга қўйиб юборарди. Кўпинча ярим кечадан навбат олишга тўғри келарди. Оладиган нонимиз шунақанги қоп-қора, жириш бўлардики, пичоқни сув солинган челакага тиқиб олмасдан буханкани кесиб бўлмасди. Одамлар шу жиришга ҳам зор эди. Қўлимдаги нонни Хадрадаги очлар юлиб кетмасликлари учун эҳтиётлаб халтага солиб олиб келардим.

Уша йиллари Хадрадаги Тоштрам деворларининг ёнида оёқ-қўллари очликдан шишиб, юзлари қоқ суяк, эски увадаларга ўралаган, бит ўрмалаган эркак, ёш болали аёллар қаҳратон қиш совуғида тизилишиб, тиланчилик қилиб ўтирарди.

Эрталаб нонга чиққан пайтларимда кеча кечқурун ўтирган тиланчиларнинг айримлари очлик ва совуқдан қотиб ўлган бўлиб, жасадларини худди саржин орт-



гандек араваларга ташлаб олиб кетардилар. У маҳалда шахар айланиб, ўлик йиғадиган махсус аравалар бўларди. Шундай ҳаётдан одамлар мамнун бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ! Уларни душман санаш адолатдан бўладими?

Албатта, булар менинг ёш қалбимда кўплар қатори «булар нега?» деган савол туғдирмай, раҳм-шафқат уйғотмай иложи йўқ эди.

«Киши ўзига бироз машаққатни олмаса, бошқанинг кўнглини ололмайди». Онамнинг шу гаплари эсимга тушарди-да, ўз нафсимдан кечиб оч болали хотинларга бир бурда бўлса ҳам нон ташлаб ўтардим. Рухимда қандайдир ғамгин енгиллик сезардим.

Очарчилик ниҳоятда авжга чиққан баҳор кунларидан бири, ҳамма бир амаллаб тут пишиғига етиб олсак, ўлмай қолардик деган умид билан яшаётган бир пайт. Шу паллада ўйимиздаги бир туп эртанги гилос пишиб қолди. Бир ён очарчилик, бир томондан маҳалла комиссияси Маманбейнинг ҳовли налоги, қоровул пулини қистаб келиши сабаби зарурати билан 5—10 кило чамаси гилос териб сотгани бозорга олиб бордим. Сотиб бўлгач, тоғорамни дастурхонга ўраб кетмоқчи бўлсам, тоғорамнинг ёнидан эллик сўмлик пул чиқди.

Ёшлигимдан ҳалол бўл, ўз нафсини қиймаса, бошқани хурсанд қилиб бўлмайди, деган онамнинг насиҳати қулоғимга қуйилгани ва ўргатилган одатга амал қилиб, ёнимдагилардан, пул йўқотмадиларингми деб сўрадим. Йўқ, жавобини олганимдан сўнг, қаторимдаги гилос сотаётган мўсафид деҳқонга, кимдир эллик сўмини қолдирганини, ўқиш вақти яқинлашиб қолиб, кутиш имкони бўлмагани учун сизга ташлаб кетсам, мабодо эгаси излаб келгудек бўлса берарсиз деган илтимос билан мурожаат қилдим. Мўсафид деҳқон эса, мабодо пулнинг эгаси чиқмаса, бирор бечорага хайр қилиш шарти билан олиб, менга эса, умрингдан барака топ, тарбия берганинга раҳмат, деб дуо қилганини эслаб ҳали-ҳали фахрланаман. Атрофдагиларни менга меҳр билан қараганларини ўйлаб, ҳалоллигим билан мақтанган вақтларим ҳам бўлган.

Терговчининг саволларига жавоб қилишни ўйларканман, ўша воқеалар ҳаёлимдан ўтиб, қанчалик машаққатли бўлмасин, фақат бор гапни, ҳақиқатни айтишга, «аччиқ ҳақиқатни лаззати»ни татиб кўришга журъат ўйонарди.

Яна бир воқеа.

17—18 ёшлик йигитлик вақтим, ўзим қатори бир ўспирин юриб кетаётган трамвайнинг олдинги вагонидан ўтирган бир аёлнинг рўмолини юлиб олиб, кейинги вагонга чиқиб олди. Буни кўрдиму чиқолмадим. Муюлишда секинлашган трамвайнинг кетидан чошиб чиқиб, рўмол ўғриси — йигитнинг чўнтагидан рўмолни олиб, келаси бекатда ўзини трамвайдан судраб туширдим. Милицияга олиб бориб топширдим. Бундан менга нима манфаат? Рўмолини олдирган ўзбек аёлмиди? Ёки ўғирлаган рус, яҳудиймиди? Уша замонда мен буларнинг миллатини билармидим? Йўқ! Рўмол олдирган аёл ўзбек, ўғирлаган бошқа миллат бўлгани учун жон куйдирганмидим? Миллатчилик ҳисси билан қилганмидим?

Бундан менга битта манфаат, рўмолни ўғирлатиб чиқираб қолган аёлнинг қувончини кўриш, ҳалоллик ва ҳақиқат учун курашиб ором олиш эди.

Мени ота-онам ёшлигимдан шу руҳда, одамларга меҳрибон бўлиш, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, ростгўйликдан дарс бериб тарбиялаган.

Нега энди мен ўзимга ўзим хиёнат қилиб, терговчининг тўхматларини ҳақиқат деб, ўзимни ўзим миллатчи дейишим керак! Нега умр бўйи ўз қилмишимдан виж-

дон азоби билан яшашим керак! Нега аччиқ ҳақиқатнинг лаззатидан ўзимни ўзим маҳрум қилишим керак!

Бировларнинг ҳақиға хиёнат қилмаган, нега энди ўзимга, ўз виждонимга хиёнат қилишим керак. Булар мени қамашларидан мақсадлари нима? Одатда тўхматчини адолатли, ҳақгўй бўлишга, хоинни садоқатга ўргатиш учун жазоланарди. Булар-чи, ҳалол одамларни нопокликка, ростгўйларни тўхмат ва ёлғонга ўргатиш учун қамашган.

Мени айрилиқ, қамоқ ва виждон азоблари ўртарди.

Худди менинг дардларимни ифода қилгандек ҳаёлимдан беихтиёр Исроил отанинг ноласи ўта бошлади:

Худоё, оху вовайло,  
Ўзимдан бўлмадим огоҳ!  
Каромат қилмасанг, оллоҳ,  
Оро йўлларда қолгонман.

Бу тўхмат, бу адолатсизлик занжиридан ким қутқаради!? Ким додингга етади?

Сталинми? Йўқ! Кечагина унинг ёнида бўлган маршаллар Тухачевский, Блюхер, ўнлаб инқилоб саркардалари, қадрдон ёзувчи, олимлар бедарак бўлиб кетганда, ахир, Сталин, улар қаерга ғойиб бўлдилар, деб сўрадим? Наҳотки, Сталин бундан беҳабар бўлсал.. Ҳаёлимга шундай ўйлар келарди-да, ўзимдан ўзим чўчиб кетардим. Чунки, бу гапларни айтиб бўлармиди! Айтиш қаёқда!

Йигит чоғим эди, шайдойи чоғим,  
Ёв ҳужум бошлади азиз Ватанга.  
Кўзи қийиб ташлаб севган ёримни,  
Ватан меҳри ҳаққи жўнадим жангга.

Онам дуо қилиб қолди ортимда:  
«Ўзинг асра, дея, бевақт ўлимдан!».  
Она ва ёр меҳри жўшди қалбимда,  
Оташларга кирдим.

Ўлим йўлимдан  
Минг бор тўсиб чиқди. Билмадим кўрқув,  
Висол завқи билан курашдим дадил.  
Эътиқод ўлимни енгаолди-ю  
Ғолиб бўлиб қайтдим қирқ бешинчи йил.

Онамнинг шодлигин йўқ эди чеки,  
Ўлсам ҳам, йўқ, дерди, энди армоним.  
Бу қувончи узоқ бормади лекин,  
Даҳшат, кўрқув билан ҳовучлаб жонин

Кўзёш тўкиб яна қолди ортимда;  
«Қуруқ тўхматингдан асра деб худо»  
Мени қамадилар не учун, шунда  
Онам ҳам кўплардек билмасди аммо!

У ҳам билмас эди. Мен ҳам билмасдим,  
Тинчликда ўртади яна дод, фироқ.  
Ёв қўлига тирик асир тушмасдим,  
Ўз юртимда асир қилиндим бироқ.

Менинг кимлигимни, қалбимни билган  
Дўсту қўшнилариим ҳайрон ҳаммаси.  
Ҳаммаси чиндан жим... Тили кесилган  
Гўё гунг одамдек чиқмасди саси.

Балки гуноҳқорман, балки нурдек пок!  
Ким ҳам журъат этар билишга сириш!  
Кимга арз айласин, ким бўлар паноҳ?  
Ёки Сталинга очсинми дилин!

Йўқ, ундан ҳайиқиб боқарди мутлоқ!  
Кўрққанига қалбин очармиди халқ!

Ўша даврларда Сталинни худо даражасига қанчалик кўтармайлик, мақтамайлик, бошқаларни билмадим-ку,

унинг қаҳри қаттиқлигини қалбимдан ҳис қилардим. Балки, шу сабабми, тенгдошларим, ўша давр шоирлари Сталин ҳақида ўнлаб шеърлар ёзган бўлишларига қарамай, менинг унга бағишланган биронта махсус шеърим йўқ эди. Ҳали терговчи мени шу жиҳатдан ҳам гуноҳдор қилмас эди деган ўй тинчлик бермасди. «Сени Сталин ҳақида биронта шеъринг йўқ, бу ниманинг белгиси? Унинг сўзларини киноя билан айтишинг ҳам унга ишончсизликдан эмасми?» — деган айбни қўйиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Бу инсон зоти ўз бошидан не-не кулфат, не-не офатларни кечирмаган, не-не хўрликларни кўрмаган!

Қадимда бойу хону хоқонлар одамларга жабру зулм қилган, хўрлаган, меҳнаткашларнинг ҳақиға хиёнат қилган, деҳқонларга сув бермаган, ерларини тортиб олган, дердик. Яна қандай жабру зулм, хўрлашлар бўлган?.. Қама-қамалар-чи?

Қадимда қамоқхона Тошкентнинг қаеридан бўлганини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Чунки ўғрининг ўзи йўқ ҳисоби эди. Бўлганда ҳам битта-яримта от ўғриси бўларди. Битта-иккита ўғрилик ҳар замонда бўладими, бўлмайдими, бунинг учун махсус қамоқхона, махсус миршаб қилинмаган. Шунинг учун битта жазо, халқ ичидан сазойи қилиш бўлган.

Зиндонлар-чи? Зиндонлар подшолар яшаган пойтахтларда бўлган. Унга қанча одам сиғарди? Бир неча одам зиндон қилинган деган гапнинг ўзи ҳам эшитган қулоққа у маҳалларда даҳшатли туюларди. Энди-чи? Нима десам?.. Ҳозирги вақтда қамоқ деган сўз одамларга курорт, санаторий дегандек оддий гап бўлиб қолган. Аввал бирор хонлик, бирор ҳокимликда битта зиндон, бирор қамоқхона бўлса, энди ҳар бир районнинг ўзида юзлаб, минглаб одамлар сиғадиган қамоқхоналар қилинган. Ҳатто ҳозир айрим ташкилотларнинг ҳам қамоқхоналари бор. Масалан, милициянинг ўз қамоқхонаси, давлат хавфсизлик қўмитасининг ўзиники алоҳида! Қадимда от ўғрими ёки битта яримтани пичоқлашган бўлса, энди қамоқнинг ҳам, жиноятнинг ҳам, жабр-зулм, инсон хўрликларининг ҳам минг бир хили пайдо бўлган дейиш мумкин.

Масалан, мен ўз бошимдан кечирган қамоқдаги хўрлик, азоб-уқубатларни қайси бирини айтай!

Қамоқдаги маҳбусларни қийнашнинг хилларидан биттаси — уйқу бермаслик! Улмаган одам уйқунинг ўрнини тўлатади, аммо уйқусизликдан ташқари қамоқнинг ҳар азоби, ҳар хўрликлари борки, унга ҳамма ҳам бардош бермайди. Ахир, мен билан бир камерада ётган Иван икки ой қамоқ азобига ҳам чидамай ўзини-ўзи ўлдирди-ку!.. Қирқ даражали кун иссиғида одамлардан чиққан тер исига, маҳорка ва тувакдан чиққан сассиқ қўшилиб кетган тўрт кишилик кичик бир камерада йигирма, ўттиз одам жойланишини, ётиб-туришини тасаввур қила оласизми?

Мен эрталаб терговдан қайтиб, камерага кирсам, камерада оёқ қўядиган жой қолмаган эди, тўрт кишилик камерага йигирмадан ортиқ маҳбус киритилган эди.

Халқ орасида «Қаҳрим келса, нина тешигидан филни ўтказаман» деган гап бор-ку. Уйқу ўрин танламас дегандек, бу жабрдийда маҳбусларга мудрашга имкон бўлса бас эди. Каравотларнинг тагига оёқларини узатиб ети, саккиз одам ёнбош ётарди. Чалқанча ағдарилиб бўлмасди. Бўш жой йўқ эди. Айримлар бурчак-бурчакда чўққайиб мудрарди. Мен камерага кирганимда параш (мис тувак) қўядиган жой қолмаган эди.

Бир кечада булар қаердан келиб қолган? Булар республиканинг турли областларидан ушлаб келинган немис, чеченлар, ватан уруши иштирокчилари, қари-қар-

танг диндор, ўзбек, яҳудий домлалари эди. Буларнинг айримларини Тошкент қамоқхонасида ётганлар билан юзма-юз қилишга олиб келинган бўлса, айримларини қамоқда ётганлар билан жиноий алоқаси бўлгани учун бирга суд қилишга олиб келинган. Булар орасида 10 йил-ўн беш йил қамоқ муддатини тугатиб қайта қамалганлар ҳам бор эди. Тер ҳиди, тамаки ва бошқа ҳидлардан нафас олиб бўлмасди. Ҳатто темир панжара қилинган туйнук орқасидаги ойна ҳам йил бўйи очилмасди. Камера ҳавоси маҳбусларни ўн беш-йигирма дақиқа камерадан ташқаридаги махсус майдонга олиб чиқилган пайтдагина эшикни очиб, бирозгина шамоллатиларди.

Бир йил, икки йилдан бери суд қилинишини кутиб ётган маҳбуслар уйларидан киритилган насиба билан жон сақласалар, вилоятдан келган бечоралар қамоқхонанинг берадиган бир чўмич сўк ёки сули бўтқаси, ёвғон балиқ шўрваси билан кун кечирарди. Бу қийноқ, бу хўрликларни бошдан кечирган бегуноҳ шўрликлар, орқасида айримлар отадими, осадими, тезроқ суд қилиб, берадиганини бериб, бу азобдан тезроқ қутқарсин дейишгача келарди.

Орадан қанча вақт ўтди ёдимда йўқ. Камерадаги одамлар аста-секин кетиб сийракланга бошлади. Камерада уч киши қолдик. Бири меҳанизатор ёш йигит. Иккинчиси Насриддин Хўжаев эди.

Мени кўпроқ маҳбуслар орасида кекса коммунист, инқилоб иштирокчиси Насриддин Хўжаевнинг қамоқдаги хўрлиги ҳайратга соларди.

Ахир бу одам ўзини совет ҳокимиятини тиклаганлардан бири мен деб ҳисоблайди. Мана энди шундай бир одам қўлида бир парча увадани қумга булғаб, камеранинг бир бурчагига қўйилган мис тувакнинг ҳожатга чиқилган пайтда томган доғларидан тозалаб ўтирибди. Мен унга, бу ишни сиз қилманг, дейишимга қарамасдан у «кемага тушганини жони бир, буни қилиш қамоқ қондаси эканми, ҳаммамиз баробармиз, деб илтимосимга кўнмасди. Совет давлатига содиқ бир одам бу хўрликдан нолимай, табиий бир ҳолдек қараб, дод-фарёд солмаслигига ҳайрон қолардим. Бу одам Совет қонунини, буйруқни муқаддас толиб, бўйин товламай бажаришга ўрганган кишилар бифасидан эди. Гражданданлар уруши, босмачиларга қарши курашда ҳам қўлига қурол олиб чиққанлар шулар эмасми! Пахта мустақиллиги учун курашда, ҳатто кишиларнинг кўрпачиғидаги пахталарни уйдан олиб чиқиб давлатга топширишда жонбозлик кўрсатиб ҳисса қўшганлар-чи? Шулар! Мулкдор, диндор, ҳатто илмли одамларни шўрога ҳақсиз қилиб, қулоқ қилиш даврида биринчи бўлиб маҳаллалардаги йиғинларда сўзга чиққан, қўл кўтарганлар ҳам шулар эмасми? Шулар-ку Совет давлатини тиклаганлар! Наҳотки, энди душман бўлиб чиқса!? Ўзи жон чекиб қурган иморатни ақли расо бирор инсон ҳеч маҳал ўз қўли билан ўзи ёқадими? Уни қулатишни, барбод бўлишини истайдими? Шундай бўлса, нега бу одам қамоқда!

Мен-ку ёшман. Партиясизман, мени совет давлатига бунчалик хизматим ҳали сингунча йўқдир. Аммо, умр бўйи жонини шу йўлга тикиб, қошдан қовоқ қайтармай, ҳамма буйруқни бажариб келган, сочига оқ тушган бу кекса коммунистнинг гуноҳи наҳотки қамалиш даражасида оғир бўлса!..

Қамоқхонанинг қийноқ ва чидаб бўлмас хўрликлари билан бир қаторда ўзига лойиқ қувончлари бўлади. Тувакка пардоз бериш бу бир нафаслик хўрлик. Аммо қамоқнинг сенга бир кун ҳам тинчлик бермайдиган азоблари бўлади. Айниқса, қандала деган қон сўрувчи бу ҳашарот маҳбуслар учун шундай жони қаттиқ бир офат-

ки, на кундуз, на кечаси тинчлик беради. Одатда камераларда чироқ кеча-кундуз, йил бўйи ёқиқ туради. Бу қоронғида маҳбуслар қочишга бирор тайёргарлик кўрмасин ёки ўзини-ўзи бир нарса қилиб қўймасин учун қилинган. Одатда кечаси пайдо бўладиган қандалалар ёруққа ўрганиб қолгани учун кундуз кунларни ҳам деворлардан, шифтлардан сен ўтирган жойга сакрарди. Бу балодан ҳар ойда бир-икки кунгина қутулиш имкони бўларди. Мана бугунги кун шундай қувончли кунлардан бири. Қандалалардан қутулиш учун назоратчилар келтириб берган чойгумлардаги қайноқ сувни каравотларимиз устидан қуярдик. Қандалалар ҳовуч-ҳовуч цемент полга тўкиларди. Бир фалокатдан қутулгандек, бу ҳам озми-кўпми қувонч деб бўлмаса ҳам, табиатимизга равшанлик бағишларди.

Бир ой-икки ойда камераларга кириб турадиган врач ёки турма бошлиғи ҳам атрофга назар солиб, камеранинг қишда музлаб қолгани ёки ёзнинг иссиғида сасиб, бижиб кетганига эмас, асосий эътиборни бурчақда турган мис тувакнинг доғи борми-йўқлигига қаратади. Бундан мақсад сенга ғамхўрлик эмас, аксинча, сенлардан кўра мана шу тувак биз учун эътиборли, сенлар буни тозалашга лойиқ одамлар демоқчи бўларди. Бирор айб топиб, сени карсерга ташлаб жазолашни, ёки уйдан келадиган озми-кўпми насибадан маҳрум қилишни мўлжалларди.

Ўша кунни назоратчи тушки овқат вақтида Насриддин Хўжаевга юкларини йиғиштириб, чиқишга тайёрлашни буюрди.

Нарсаларини йиғиштиришга ёрдамлашдим.

Шу кунгача ниҳоятда камгап, ҳамма сирини айтабермайдиган Насриддин Хўжаев юкларини тайёрлаб, кетар олдида:

— Кеча менга қўйган айбномалар билан танишиб чикдим. Ишимни судга оширишган. Гуноҳим бўлмаса ҳам энди суд қилишади. Орашиздан яхши-ёмон гап ўтган бўлса, унутинглар! Энди қайта кўриш насиб этадими, йўқми, хайр! Менга қараб айтган гапи:

— Сен умидсиз бўлма!— дегани бўлди.

Камерада ёлғиз ўзим қолдим.

## Номус ўлимдан кучли

Бугун нима учундир терговчиларнинг менга қилаётган муносабатларини ўйлаб ўтириб, кўз олдидан маҳалламиздаги карвонларнинг асов отларни аравага қўшишга ўргатаётган вақтларидаги урсурлари ўтаберди.

Аравага қўшилмаган отларни икки шотининг орасига киритиб, қоринбоғини тортиш, айниқса, жиловлаб унинг устига миниб осон бўлмасди. Кўзини боғлаган пайтда ҳам биқинига арава шотиси текканини сезиши биланок, қўлдан чиқиб қочиш учун икки орқа оёқлари билан орқа-ўнгига қарамай арава борми, одам борми пишқириб, тарсиллатиб тепа бошларди. Бу аҳволнинг бирикки такрорланганидан ғазабга келган аравакаш отни жиловидан ушлаб юзи-кўзи аралаш қамчилаб кетарди. От шўрлик бу бераҳмлиқ, қамчин зарбидан сакраб ўзини тўрт ёққа уриб, гир-гир айланиб пишқирарди-ю, аммо жиловини узиб ҳеч қаерга қочолмасди. Бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин охири қамчин зарбидан аравага қўшилишга кўникарди.

Қамоқдаги менинг ўша отдан нима фарқим бор!?

Қамалганингнинг дастлабки пайтларида гуноҳинг йўқлигини ўйлаб, бирор шубҳа билан қамашган бўлса, ҳақиқат қилишар, дунёда адолат бор-ку, деб ўзингни юпатасан. Аммо сенга бирдан-бир суянчиқ бўлган бу ишонч ҳам аста-секин йўқолиб, ҳатто ўзингни беғуноҳлигингни исботлаш учун арз-дод қилишдан фойда чиқ-

маслигига иқрор бўла бошласанг, унда нима чора! Битта чора тақдирингга тан бериб, худонинг раҳми келиб, ҳукуматда бир ўзгариш бўлмаса, буларнинг қўлидан қутулиш қийинлигига амин бўла бошлайсан.

Мана яна баҳор келди. Иккинчи баҳорни қамоқда ўтказмоқдаман. 15 ойдан ошяпти. Йил бўйи еганинг сули бўтқа, чекканинг тамаки. Баҳор келиб гилос, қулупнай, тут пишади. Ёз кириши билан чиллаки пишади. Кетмакет қовун, тарвуз етилади. Сен бу неъматларнинг ҳаммасидан маҳрумсан! Худо яратган бу неъматларни ҳам тотиб кўришга сени ҳаққинг йўқ, бундай ором олишингга рухсат этишмайди. Карам солинган шўрва ичяпсан-ку, шуни беришганига ҳам шукр қил! Сен ўзингнинг кимлигингни биласанми? Сен — душмансан! Эртага сени қандай тақдир кутяпти, ўйлаяпсанми? Сен қилган гуноҳларни балки отиш ҳукмига лойиқ топишар. Шундай бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Бундай ўйлар олдида ўзингдан ўзинг чўчиб тушасан.

Терговим тугади. Ишимни судга оширишган. Икки ойдан бери камерада битта ўзим. Атрофингдаги цементли тўрт девор, бўш қолган темир каравотлар. Дардлашиб, кўнгил ёзадиган одамлар ҳам ҳукм қилиниб, тақдир насиб қилган жойлардаги лагерларга кетиб бўлди. Терговчи чақирмайди. Тергов тугагач, хотин бола-чақанг билан кўришишга рухсат этамиз деб берган ваъдасига ҳам амал қилгани йўқ. Радио эшитмайсан, газета бермайди. Бир дардкашим хаёл!

Қамаш мавсуми тугаб, қамаладиганлар қамалиб бўлди шекилли, деган вақтимда, авахта эшиги очилиб етмиш ёшлар чамаси, қотмадан келган, баланд бўйли, соқол қўйган мўйсафид маҳбус камерага кириб келди. Кўлидаги юкларини ерга қўйиб, мен билан саломлашиб атрофни кўздан кечирди-да, билмадим, нима маънода, нима учундир, «худого шукр» деган гапни айтди. Нега шукр? Қамоққа тушганигами? Ёки яккахонада узоқ вақт бўлса, энди мен билан дийдор кўришиб, дардкаш учратганигами? Бошқа нима сабаб бўлиши мумкин? Ахир қайси тан-жони соғ одам қамоққа тушганига худого шукр дейди?

Хаёлимдан, балки бу одам отишга ҳукм қилиниб, ўлим камерасида ётган бўлса, ҳукми бекор бўлиб, омон қолганига шукр қилдимикан деган фикр ҳам ўтди.

Бунинг шукронасининг сабаби кейинчалик маълум бўлди. Мен ўйлаганча бўлиб чиқмади.

Бу одамнинг таги-тахти, турар жойи асли Хоразмдан бўлиб, тошкентлик қариндошларникига келаётганда қўлга олиниб, шу сабаб бу ердаги қамоқхонага келиб қолган экан. Қамоққа янги келгани, тергови энди бошлангани учун ҳам гуноҳи нимадан иборат, нега қамалганини ҳали ўзи аниқ билмасди. Билмасди эмас, нега ушлаб олиб келишганини тасаввур қилолмай, мени биров билан адаштириб олиб келишган бўлса керак, банданинг бошида бундан ҳам ёмон кунлар бўлади, деб шукр қилаётган экан.

Эй, содда шўрлик! Бировга адаштириб қамаган бўлсалар ҳам бу ерга олиб келишдимми, тамом, бирор айб топиб муддат беришлари, душман қилишларини бу содда одам хаёлига ҳам келтиролмасди.

Албатта, мен бир йилдан ортиқ қамоқда ётиб, сўроқларига жавоб беравериб, нимадан нима чиқариб айблашларидан хабардор бўлиб қолганим учун, ундан нималар ҳақида сўрашяпти деган гапимга у:

— Сўраган гаплари куракда турмайди, майнавозчилик. Мени тергов қилаётган йигит, бизларнинг Хоразмдаги қўчқор билан хўроз уриштиришга менга ўхшаган ишқивоз шекилли, нуқул қўчқор уриштиришни қачон, қаерда кўрганим, ора-сира ўша пайтда кимлар билан, нималар ҳақида гаплашганимни сўрайди, холос!

Ҳа, содда одам! Терговчи ҳам менга ўхшаш кўчқор уриштиришга ишқивоз экан дейди-я! Аммо терговчи нега мунча кўчқор уриштиришни мендан сўраб қолди, нега мунча ковляпти деган нарсани хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак бу шўрлик! Хоразмлик бўлганим учун шунчаки кўчқор уриштиришни сўрагандир деб ўйлаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо бунинг нега суриштиргани, тагида нима мақсад кузатилганини кейинчалик билди.

Қамалганининг иккинчи-учинчи ҳафталари бўлса керак, бу бечора мўсафид терговдан ўзини қайга қўйишини билмай, ғазаб билан камерага кириб келди:

— Дунё тамом бўлди! Дунё адо бўлди! Мени отиб ташласин, энди бу терговчига бир оғиз сўз айтмайман. Ҳеч қанақа гапига жавоб бермайман. Сталинга ёзаман! Сталинга арз қиламан. Мен оқ пошшони тарафдоримишман. Неколай пошшони! Нима, мен уни башарасини кўрибманми ёки икки туғиб бир қолганимми, мақтайман! Оқ хўрозни мақтаган бўлсам оқ подшони мақтаган бўламанми? Бу қандай бедодлик!

Бу бечоранинг бутун гуноҳи Хоразмда хўроз уриштириш вақтида кимдир ундан:

— Кимнинг хўрози енгади, қизилими, оқими, сен қайси бирининг тарафдорисан?— деган сўровига:

— Кўринишдан қараганда оқи зўрроқ кўринади, оқи енгади, мен оқ тарафдориман,— деган гапни айтган бўлибди. Унинг бу гапидан терговчи ўзича хулоса чиқариб: «Ҳақиқатан ҳам Хоразм шоҳи Жунаидхонга менинг хешлигим бўлгани рост, шунинг учун ҳам мен хўроз уриштириш пайтидан фойдаланиб қизиллардан, яъни совет ҳукуматидан кўра оқ пошшо яхши эди. Бир кунмас бир кун оқ пошшо енгади демоқчи бўлганман», деб ёзиб, ундан қўл қўйишни талаб қилган экан.

Албатта, бу гапларга ҳозирги одамлар ишониши кийин, ақлга тўғри келмайдигандек кўринади. Аммо юзлаб, минглаб, миллион-миллионлаб одамлар қамалиб, отилиб, Сибир сурғунларида йўқ бўлиб кетганларига-чи? Бунга ҳам ишонмайсизларми? Ахир, буларнинг кўпи асосан коммунист, совет давлати учун жонини тиккан одамлар эди-ку! Буларнинг душманлигига ишониб бўладими? Йўқ, бўлмади! Мутлақо ақлга ҳам, инсофга ҳам тўғри келмайди. Ҳўш, шундай бўлгач, уларни нима деб қамашган? Демак, йўқ айбларни, киши хаёлига келмайдиган юқоридаги каби сабабларни ўйлаб топшиган, десак, ишонмай бўладими?

Мен ўзимча ўйлардим, ҳўп, ишониб бўлмаса, бегуноҳ одамларни қамаш ҳукуматга нега керак бўлиб қолган?

Қамалгунимга қадар мен ўзим ҳам қамалганларнинг кўпчилигини ҳақиқатан ҳам душман бўлмаса керак, деб ўйлардим. Аммо қамалганимдан кейин бу фикрим хато эканлигига имоним комил бўла бошлади.

Терговчининг адолатсизлиги, билатуриб оқни қора қилиб кўрсатишдан фиғони фалакка чиқаётган ҳамроҳимга таскин бериш учун унга:— Куйганингизнинг фойдаси йўқ. Сизнинг қамалишингизга оқ подшони мақтаганингиз ҳам, хўроз ҳам сабаб эмас, булар фақат бир баҳона, бу қама-қамалардан мақсад битта: масалан, маошинг кам бўлса, маошим кам деб арз қилоласанми? Чет элга боргинг келса, бораоласанми? Йўқ! Бизда бошқа давлатлардагидек эрк, демократия йўқ деб айтаоласанми? Айтолмайсан, дардинг ичингда,— дедим.

Қайси давлатда 1—2 синф болаларини октябрь ойдан то план бажарилгунча ўқишдан маҳрум қилиб, қор-ёмғирда дилдиратиб, пахта бахтимиз деб далаларда ишлатади? Бу бахт эмас деб айтаоласанми? Ўзбекининг минг йиллик тарихи бор, ўзбек жаҳонни ҳайратга соладиган санъатнинг юксак намуналари — Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни бунёд қилган, буяқлиги

олдида замонлар таъзим қилган Навоий, Улуғбек, Бобурларни яратган халқни саводсиз, қашшоқ, гадо деса тўғрими? Йўқ, бу тўғри эмас деб айта олсанми? Айтолмайсан? Нега? Чет эл радиосини эшитдим деб бировга очик айта олсанми? Бизда дин эркинлиги йўқ деб айта олсанми? Айтиб кўр-чи! Айтолмайсан! Аммо ичингдан-чи, буларнинг нотўғри эканини сезасанми? Сезасан! Битта сен эмас, бошқалар ҳам сезадими? Сезади! Борди-ю сен ҳам, у ҳам хуллас, кўпчилик шу норозилигини айтса, унда нима бўлади? Ошкора норозиликка айланмайдими? У маҳалда нима бўлади? Нима бўларди, норозилик авж олади. Оқибатда халқ кўзғалади. Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Бирдан-бир чора, ҳа, халқни чўчитиш! Бунинг учун сиз билан бизни қамаш. У ёқ бу ёққа қарамай ҳақиқатни айтадиган, тили ўткирроқ одамлардан қутулиш. Шу билан одамларга ваҳм солиш...

Бу фикрлар хаёлимдан ўтарди-ю, аммо буни ёниб турган ҳамроҳимга айтиб бўлармиди? Балки бу мўсафидни мендан сир олиш ўнимга киритган бўлса-чи! КГБ қамоғида бу ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

Терговчининг хўроз уриштиришдан ўйлаб топган киши ақлига сиғмайдиган хулосасидан ғазабланган чол бошини қай деворга уришини билмай сўкинар ва терговчини ҳақоратлашдан ўзини тиелмасди.

Халқимизнинг:

Айрилиқдан ким ўлибди,  
Ҳаммадан хўрлик ёмон...—

деган ҳикматларининг қадрига бошинг деворга текканда етар экансан.

Қамоқ бу айрилиқнинг ўзигина бўлса, дийдор кўриш умиди билан чидайсан! Аммо бу ердаги хўрликларга-чи? Худонинг раҳми келмаса, бандасига тўзим бермаса, чидаб бўлмасди.

Бу мўсафид маҳбуснинг қалбидаги тухмат олами босилгунча ҳам бўлмай, худди у қочиб кетаётгандек, бирданига шарақ-шуруқ қамоқ эшиги очилиб, икки назоратчи кириб келди. Биримизга анови бурчакда, иккинчимизни манави ерда турларинг деб буйруқ бериб, кўрпа-ёстик, идиш-товоқ, тувакларнинг ичи борми, чекадиган маҳоркадан тортиб ейдиган нарсаларгача ағдар-тўнтар, тити-пити қилиб шумон (тинтув) бошлади.

Бундай аҳвол ҳар ҳафта, ҳар ўн-ўн беш кунда гўё маҳбуслар, портлатувчи бирор нарса, қурол-ярроғ ўйлаб топгани йўқмикан деган гумон билан такрорланиб турарди. Бир йилдан ортиқ қамоқда ётган мен учун бу табиий бўлса, ёнимдаги янги келган ҳамроҳим учун кутилмаган ҳол эди. Ҳатто тинтувчилар ҳам менга таниш бўлиб қолган эди. Буларнинг айримлари ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилмай, расмият учун қўл учида уёқ-буёқни курган бўлиб қиқиб кетса, айримлари ўзингни ҳам қип-яланғоч ечинтириб, орқа-ўнгингача бирор хавфли нарсани яшириб қўйгандек текшириб кўрарди.

Бу гал бошдан-оёқ, ич кийимигача яланғоч қилиб ечинтириб текширишни, янги одам бўлгани учун, қўшимдан бошламоқчи бўлди. Аммо у бунга ўрганмаганидан мен ва бошқаларнинг олдида ҳаё билан устки кийимларини ечди-ю, оватини кўрсатишга унамади.

Назоратчи эса, қани, тезроқ бўл деб дўқ-довора қилишини қўймасди. Чол эса, нима қидирасан, яширган нарсамни топмоқчи бўлсанг, уст-бош, кийимимни қара, яланғочлаб нима, жинсимни текширмоқчимисан! Ҳез эмасман, бола-чақа кўрган одамман,— деб ғазаб билан гапирарди. Назоратчи эса, гап қайтарма, тез бўл, ечин, дейишни қўймасди.

Албатта, мен унга — турадиган жойимиз қамоқ, тўрт атрофимиз девор, борадиган жойимиз терговчининг

хонаси-ю, сенларнинг назоратинг остида бир кеча кундузда икки марта ҳожатга чиқиш. Ушанда ҳам тўйнуқдан кузатиб турасанлар. Кўчага чиқмасак, бирор одам билан алоқада бўлмасак, ҳар ҳафта, ўн кунда бундай тинтувларни қилиб турсаларинг, яна нимани қидирасанлар, дегим келди-ю, қамоқ қоидаси бўйича назоратчи билан гаплашиш мумкин эмаслиги, бунинг учун ҳам жазолашларини ўйлаб, ғазабимни ичимга ютишдан бошқа илож йўқ эди. Бу гапларни мен айтмасам ҳам буларнинг ўзи билмасмиди? Мақсад сени хўрлаш! Уз айтганига сени кўндиришга мажбурлаш.

Иккинчи назоратчи, кекса одам экан, қўяқол дегандек қараш қилди-ю, аммо тилига келтириб айтолмади. Чунки уларнинг ўзи бир-бирига ишонмасди, душманга раҳм қилди, ён босди, таниши бўлганми деб айбашларидан кўрқарди. Ўзлари бир-бирига раҳм қилмайдиган, бир-биридан кўрққан одамларга гапириб нима инсоф кутишим мумкин эди? Чол эса дунёда инсоф борлигига ишонарди.

Ҳамон у аравага қўшилмаган отдек қайсар, бу хўрликдан ниҳоятда ғазабнок эди. У шу қадар асабий эдики, назоратчига ташлаиб, қутилмаган кўнгилсизлик бўлмаса деб ўйлардим. Уларнинг мажбур қилишларига қарамасдан, ечинмади. Қамоқ тартибига бўйсунмагани учун карсерга ташлашликларини айтганда ҳам қайсарлигидан қайтмади. Эртасига карсерга олиб кетишди.

Бу одам учун номус ўлимдан кучли эди.

Уша куни мени ҳам жазодан бенасиб қилишмади. Менинг қаҳрабо муштугим бор эди, қўлимдан цемент ерга тушиб сигарета тикадиган жойидан синиб кетган эди. Қамоқда бекорчиликда эрмак деб нондан хамир қилиб муштукнинг оғзига ёпиштириб, атрофига гугурт чўпи тикиб, ип билан боғлаб, сигарета тикиб чекса бўладиган ҳолга келтириб, бармоқларимни тамаки сарғайтириб саситишидан сақлайдиган қилиб олгандим. Бунга кўзи тушган назоратчи қўлига олиб уёқ-буёғини назардан кечириб, бурдалаб-бурдалаб ерга ташлади. Буни унга бир зиёни ёки хавфли томони бормиди? Йўқ! Мақсад сени ўз хоҳишинга қўймаслик, фақат қамаш, эрликдан маҳрум қилиш эмас, асабларингга тинчлик бермаслик, совет давлатига «душман» бўлганинг учун сен қилган ишнинг аксини қилиб, ҳар хил йўллар билан азоблаш, қийнаш. Ҳузур-ҳаловатдан маҳрум қилиш.

Бу шафқатсизлик, бу адолатсизлик, бегуноҳ одамларга бунчалик жабр-зулм, инсон зотини бунчалик хўрлашлардан мақсад нима?

Ахир, маҳбус шўрликларга бир кеча-кундузда фақат ўн беш-йигирма дақиқагина тоза ҳавога чиқиб нафас олиш имкони берилган бўлса. Баъзан ҳафталаб шундан ҳам маҳрум қилинади. Олиб чиқилган вақтда ҳам баъзан нурдан қамашган кўзларинг ёруғликка ўрганиб улгурмасданоқ, тўйиброқ очиқ ҳаводан нафас олма-сингданоқ берилган йигирма дақиқа ўтмасдан «бўлди, бўлди, чикларинг» қилиб камерага ҳайдайди. Бу шафқатсизликка нима уни мажбур қилди?

Маълум вақтларда ҳаммомга туширганларида иссиқ сув берса, совуқ сув бермайди. Совуқ сув келса, иссиқни тўхтатади. Бошинга сурган совунинг аримасдан, назоратчи бостириб кириб кийинишни буюради. Ҳали кийиниб улгурмасингдан, эшикни очиб қўйиб, бу онангни уйимас, қани имирсилама, чаласини лагерь ҳаммомида ювинасан деб тепангда ҳақоратлаб туради. Гап қайтариб кўр-чи! Йўқ... кийинишга улгурган улгуради, улгурмаган кексалар, бедармон одамлар қўлтиғига тикиб олади.

Бу ердаги ҳамма нарса ёлғонга асосланганди. Қоида бўйича вақти-вақти билан гоҳ қамоқ бошлиғи Красно-

ловов, гоҳ республика прокурорининг ёрдамчиси арзи додингни эшитмоқчи бўлгандек камераларни айланади. Албатта улар кириши билан маҳбуслар улар тайинлаган жойда, қўлларини орқага қилиб туришлари шарт. Кимдир, иккинчи йили қамоқда ўтириб ҳали ҳам суд қилмаганларидан, кимдир шикоят ёзиш учун бир varaқ ҳам қоғоз ва қалам бермаганларидан зорланса, бошқа бири назоратчилардан, тергов иши тамом бўлишига қарамай бола-чақаси билан ҳали ҳам учралишга рухсат этмаганидан, кимдир беморлиги, уйидагилар олиб келган нарсаларни бермай қайтариб юбораётганларидан, қамоққа янги тушган баъзи бирлар ўзларини ноҳақ қамаганликлари, заррача ҳам гуноҳлари йўқлигидан гўё буни эшитган адолатли прокурор эртагаёқ буни чиқартириб юборадигандек фарёд солиб кўзёшлари билан дардларини айтарди. Фақат мен индамасдим. Негаки, бир йилдан ортиқ қамоқда ётиб, қамоқ бошлиғи борми, прокурор борми, бир неча маротаба камерага кириб одамларнинг арзи додларини эшитиб, аммо бирортаси ҳам амалга ошмаганининг гувоҳи бўлиб, прокурор, терговчи, назоратчи — ҳаммасининг тили бирлигига, арз қилишини ҳеч қандай фойдаси йўқлигига ишониб қолган эдим.

Прокурор маҳбусларнинг арзи додлари, терговчиларнинг жаллодлиги, назоратчиларнинг хўрлашлари ҳақидаги шикоятларини одатдагидек қўлидаги дафтарчасига ёзиб оларди, бу сафар ҳам шундай бўлди. Аммо натижа-чи? Прокурорнинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмаслигига ишониб қолган эди. Битта умид суддан. Бошқа нима чора? Фақат суддан? Агарда суднинг ҳам булар билан тили бир бўлмаса, аниқроғи, КГБдан кўрқмаса!.. Мен ўзим-чи?

Мен буларни нопокликда айлаб, гуноҳкор санаяман. Аммо бордию кимдир мендан, сен ўзингни пок виждонли, ҳақиқатгўй деб санасанг, ижодкор, шоир одамсан, қани, айт-чи, ўзинг кўрган шу адолатсизлик, ноҳақликларни, ичинг тўла дардларингни кўрқмасдан шеърми, дoston қилиб айнан ўзидек ёза оласанми? Виждонингга қулоқ сол-чи, дардларинг йўқми? КГБдан кўрқмайсанми!

Мана кечагида хотининг саккизта ёғлиқ патир ёпиб, бироз майиз ва чақилган ёнғоқ, икки-уч пачка «Саратов» тамақисини киритибди. Албатта, сенга патирни ейишдан ҳам кўра севишли хотинингнинг унга теккан қўллари, болаларинг кўз олдинга келиб, юрак-бағринг эзилгани рост. Ҳар бурдаси томоғинга тикилиб, кўз ёшларинг билан заҳар бўлиб ютилмоқда. Бу бевақт айрилиқ алами чидаб бўлмас даражада албатта оғир. Ахир, қамалганинга уйингда бир сўм ҳам қолдирадиган пулинг йўқ эди-ку! Бу қайси пулга келган? Уч болани боқиш осонми? Ижод қиламан, дoston ёзаман деб литфонддан минг сўм пул олиб, ҳали тўлагунигча йўқ эди, раҳм қилмай уни қистаб келсалар ким тўлайди! Касо, Совет адабиёти ҳақиқатни, кишиларнинг дарди аламларини куйлайдиган адабиёт дейилишига ишонсанг, шу айрилиқларни, шу соғинчларни, шу тўкилган кўзёшларингни шеър қилиб ёза оласанми? Матбуотда босишларига ишонасанми? Космополит, ҳаётдан норози пессимист, ҳаётнинг фақат салбий жиҳатларини кўрадиган шоир деб айбашларидан кўрқмайсанми? Бу жамиятда ижод эркинлиги йўқ деб, айта оласанми? Асло, айтолмайсан!

1946 йилда партиянинг космополитизм ва ғоясизликка қарши деб чиқарган қарори, Ждановнинг «Ленинград» ва «Звезда» журналларини қоралаб қилган доклади сенинг ақлингга миҳдек қоқилиб, юрагингни олиб қўйганки, ҳозир сен қамоқда ётиб ҳам, қўлларингга қоғоз, қалам бериб, мана, совет ҳаёти ҳақида билганларинг,

дилигдаги гапларни очиқ ёзиб бер, десалар, имоним комилки, қамоқда ётиб ҳам мен бахтиёр совет киши, ҳаётимиз фаровон, бу бахтли кунларни берган Сталин яшасин, деб шеър ёзасан. Қани, айт-чи, ёки нотўғри гапирдимми? Ижод эркинлиги йўқ, ҳақиқатни ёзиб бўлмайдими, дермидими, ёки...

Бу саволларга ўзимча жавоб излаб ҳаёлимдан ўтка-зарканман, 1938 йилда ёзган тўрт йўл шеърим ёдимга тушди:

Тангрим, ўзинг, ўзинг ярақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мадад йўқ.  
На дўстим бор, на дард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳад йўқ!

Бу тўртликда қандай хато бор?

Аммо бу тўртликни пессимизм, динни тарғиб қилишдан иборат деб айб топишларидан кўрқиб, бирор одамга ўқиб бермасдан, ҳатто, қоғозга туширмасдан, шу вақтгача ёдимда сақлаб келганман-у! Нега? Бу кўрқоқлик, ижод эрки йўқлиги эмасми? Ёки:

О, тасодиф! Тасодиф гоҳ бахт,  
Гоҳ келтирар ўлим ва хатар.  
Тасодифдан хурсандман беҳад,  
Дучор қилди, бахтга бу сафар.  
Тасодифан кўрдим базми кеч,  
Ўғирладинг севгимни дарҳол.  
Юрак дардин айтолмади ҳеч,  
Боқишларинг қилди мафтун, лол.  
Айланмади тил ўша онда,  
Хайрлашдик бебўса ва жим.  
Сен кетдинг-у қолдим армонда,  
Учрашишни сўроқлолмадим.  
Тасодифнинг мен учун бу гал  
Келтиргани бахтни ё ҳижрон?  
Ҳали-ҳали этолмайман ҳал,  
Фироқингда ўртама, жаҳон!  
Тасодифдан шодман, аммоки  
Афсус билан қолганлигим рост!  
Қайдасан ёр, топгунча токи  
Тасодифга йиғлайман, холос!

1944 йилда ёзилган бу шеърда совет халқи, совет сиёсатига қарши айtilган қандай мақсад бор? Бу шеърим ҳам, биз тасодифга ишонмаймиз, бу ғоясиз, деган сабаблар билан ҳеч қаерда босилмаган; мана бу ҳам ижод эркинлигига кирадимми? Ўз-ўзимча ўйлардим! Албатта, йўқ. Мен суд олдида шулар ҳақида ўйларканман, ўз ҳақлигим, виждоним олдида бироз таскин топиб, қамоқ азоблари унутилгандек бўларди.

Терговчиларнинг бегуноҳ одамларни гуноҳкор қилишлари, адолат ҳакамлари прокурорлар маҳбусларининг арзи додини эшитиб, амал қилмасликларини гарчанд билсам ҳам, сўнги умидим судлардан эди. Нима бўлса ҳам ахир, суд деган номи бор-ку! Нега ишонмай!

Терговчи ёки чаласавод назоратчилар илмли одамларнинг қадрига етиб, арзи додини фаҳм этмаган бўлса, ҳар ҳолда судлар, олий маълумотли кишилар, уларга нисбатан холис ҳакам-ку! Бундан ташқари, ахир, адвокат деган гаплар ҳам бор-ку деб ўз-ўзингни овтасан.

Қассобдан чиққан жаллоддан олимдан чиққан жаллод хатарли. Чунки қассобдан чиққан жаллод илмсиз, оми, у доводир-довдир иш қилиши мумкин. Аммо олимдан чиққан жаллоднинг қўлидан қутулиш қийин. Негаки, у ақл билан иш қилади ва ўзининг ҳақлигига унча-мунча одамларни ишонтира олади. Судларга инсоф берсин!

Мен шулар ҳақида ҳаёл қиларканман, табиатимда бир равшанлик пайдо бўларди. Тезроқ суд бўла қолсаю

бу қамоқ азобларидан қутилақолсам деб ўйлардим. Ҳақиқатан ҳам мени суд қилиб бир йилми, ўн йилми муддатга ҳукм қиладиган нима гуноҳим бор? Нима?! Терговчиларнинг ёзганлари ҳаммаси ясама, ахир ўзлари тўқиган ёлғон-ку!

Елпигич ҳақидаги ақлга тўғри келмайдиган латифанамо гапимга халқ душмани қиладими? Наҳот судлар шунга ишона! Ёки сифатсиз мол ишлаб чиқарилаётгани ёлғонми? Ҳаммага аён-ку! Битта елпигич эмас, ҳамма соҳада сифатсизлик бор-ку!

Сталиннинг гапини кесатиб айтган деб гуноҳкор қилиш ҳам асоссиз. Аввало кесатиқми, тўғри кўнгилда айтганманми, буни эшитган одам билан юзма-юз қил десам, буни қилмади. Демак асоссиз. Бордию кесатиб айтган тақдиримда ҳам бу ерда тўхматдан иборат нима бор? Ҳаётимиз жаннат эмас-ку, етишмовчиликлар, қийинчиликлар йўқми! Уруш тамом бўлган бўлса ҳам ҳали қорнимиз тўйгунча йўқ-ку!

Буни суддагилар тушунар!

Мени миллатчиликда айбашлари ҳам бутунлай асоссиз. Миллатчилигим Усмон Носир шеърларини мақтаганимми, уни истеъдодли шоир деганимми? Ахир, адабиётдан озми-кўпми хабари бор уни шеърларини ўқиган одам уни ҳеч маҳалда ёмон шоир экан, халтурачи дейдими? Демайди! Агарда миллатчи бўлиб, бирор миллатни масхаралаган ёки ўрисларга нисбатан улар босқинчи, ҳамма ҳуқуқ уларда каби шунга ўхшаш бир гап айтган бўлсам, миллатчиликда айбласа... буларнинг ҳаммаси асоссиз. Суддагиларда адолат бордир!

Шундай фикрлар бир неча кундан бери эшиклари очилмай, сасиб кетган камерада ёлғиз ўтириб, ҳаёлимдан ўтар экан, тезроқ суд бўлақолса-ю ўзимни бутунлай бегуноҳ эканимни айтақолсам деб шошилардим. Ахир, совет давлати бу фақат Ўзбекистондаги жоҳил терговчилар, прокурорлардан иборат эмас-ку! Ахир, дунёда ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қиладиган Москва, Сталин каби суянциқлар борлигини ўйлаб, умидим бардам бўларди.

Гуноҳим йўқлигидан умидвор бўлишимга яна бир сабаб, кейинги вақтларда уйдан юборилган нарсаларни (передача) ола бошладим. Чунки, гуноҳи оғир маҳбусларга оиласи билан кўришиш, улар киритмоқчи бўлган нарсаларни олишга ҳам рухсат этмайди. Бундан ташқари прокурорга айтган гапларим амалга ошиб, ўқиш учун китоблар бера бошлади.

Бу ҳам менга энди одамдек қараб, айбим йўқлигидан дарак бераётгандек туюлиб, судда оқлиниб чиқишимга ишонч бағишларди.

Бугун мен учун худди дардкаш, яқин дўстим билан топишгандек қувончли кун бўлди. Бугун менга мистик рус шоири Александр Востоков билан, кейинчалик биллишимча, халқ душмани бўлиб қамалган грузин ёзувчиси М. Жавахишвилининг қисса ва ҳикоялар тўпламини беришди. Айниқса, Жавахишвилининг халқ душмани деб ноҳақ қамалиб, кейинчалик ҳақ бўлиб оқланган «Бегуноҳ Абдулло» ва Сибирь совуқларида қўл-оёқларидан айрилиб ҳатто жинсий алоқа қилишдан маҳрум бўлиб қолган, шунда ҳам умидсизликка тушмай, ўз ижодий меҳнати билан кимё илмида янгилик ижод қилиб маҳбусликдан қутилган иродали одамлар ҳақидаги қиссалари дардимни енгиллаштирарди. Бу китоблар бироз бўлса ҳам ёлғизлик азоби, турли ваҳимали ҳаёллар сиртмоғидан қутқарарди.

Айниқса, ёдимда йўқ, Александр Востоковми ёки бошқа рус шоирими, Гётенинг «Умид» шеърини қилган таржимаси суд олдида менга шу қадар далда бўлдики, китобни қайтариб йиғиштириб олгунча бу шеърни ўзбек тилига таржима қилиб ёдлаб олдим.

Ёлбораман, умид париси,  
Иш чоғлари менга бўлгил ёр.  
Тугатмасдан ишнинг борисин,  
Толиқишга эрк берма зинҳор!

Ишонаман, рўёбга чиқар,  
Таскинларинг кетмай беҳуда.  
Умид билан суқилган таёқ  
Меҳнат, чидам натижасида  
Бир кун берар мева ва япроқ.

Қамоқ муҳитида бу шеър энг яқин дўстнинг менга таски-  
нидек бўлиб қолди. Бу шеър азобимни енгиллаштирди,  
дармон бўлди. Шайтоний хаёллар босиб келганда,  
ётган-турганимда ёд ўқидим. Қамоқда ширин хаёлдан  
бошқа сенга ким таскин беради, ким дардқаш бўлади!

Китобнинг қадр, унинг одамга энг яқин дардқаш,  
сирдош дўстдек мададкор бўлишини қамоқда жуда  
яхши ҳис қиларкансан.

Бошингга мушкул иш тушса,  
Дегайсан ё расулилло!

Бирор ишонарли дардқашсиз, ёлғиз қолган чоғингда,  
ўйлаб-ўйлаб тагига етолмаган, сени қийнаган хаёллар  
ечимига китоб мададкор бўларкан. Бошингга тухмат  
тошлари ёғилиб қамоқда ётганингда, ҳақиқат учун бу-  
килмай курашган қаҳрамонлар сенга ибрат бўлиб, ғам-  
ларингни енгиллаштираркан. Тухматчиларнинг мағлу-  
бияти, уларнинг фош бўлишлари, сенда ҳам ҳақиқат-  
нинг ғолиб чиқишига куч-қувват, чидам ва умид уйғотар-  
кан. Севикли ёрингдан жудо бўлган кезларингда рашк  
ўти қалбингни ўртаб, чиркин хаёлотлар сени қурша-  
ганда, ҳар қандай машаққат, ҳар қандай азоблар,  
айрилиқ дамларида ҳам севгилисига риё қилмай, бар-  
дош берган ошиқлар ҳаёти ҳақидаги ривоятлар ортин-  
да қолган хотинингга ҳам ибрат бўлаётгандек, дунёда  
севгига вафо, садоқат борлигига ишонсан, бир дам тас-  
кин топасан.

Мана бугун бир йилдан ортиқ ноҳақ чекканим қамоқ  
ва тергов азобларидан қутиладиган кун ҳам келди. Суд  
бўладиган бўлди. Қайси гуноҳимга суд қилишади?

Терговчилар сен қилмаган ишларингни қилди, айт-  
маган гапларингни айтди, деб зўрлашларига бўйсунма-  
ганингда, сени қўл қўйдиришга ундаш учун уларнинг  
бирдан-бир айтадиган гаплари, агар бизлар сени ноҳақ  
айблаган бўлсак, сен, ҳозирча бизни ҳам, ўзингни ҳам  
қийнамай, қўлингни қўябер, адолатли суд бор, проку-  
рор бор, арзингни ўшаларга айтасан, дейиш бўлар эди.

Терговчининг бу гаплари гарчанд бир дамгина кўн-  
гимга далда бўлса ҳам, аммо авлодларимиз шу кун-  
гача бошидан кечирган фожиалар хотирамда тирилиб,  
кўнгимни яна қора булут қоплаб оларди. Ахир, улар-  
ни ҳам шу ерда тергов, шу ерда суд қилишган-ку! Шу-  
ларни ўйласам, умидларим чил-чил бўларди. Айрилиқ  
аламлари ўртай бошларди.

Адолатли суд, адолатли прокурор!... Ахир, қанча-қан-  
ча ёзувчилар, давлат арбоблари қамоққа олиниб, эрта-  
гаёқ Тошкентнинг яқинидаги жарликка олиб бориб ёки  
қамоқнинг ўзидаёқ отиб ташланмаганми? Уларнинг  
қабри қаерда эканини ҳеч ким, ҳатто ҳозирги ҳукумат-  
нинг ўзи ҳам билмайди-ку!

Шу вақтгача бизлар адолатли суд, адолатли қонун  
деган гапларни эшитабериб қонимизга сингиб, бунга  
ишонч ҳосил қилиб келганмиз. Аммо адолат қандай бў-  
лади, у нимадан иборат, негизига зехн солганмизми?  
Йўқ! Негаки, фикр билдириш, хатоларни айтишни қо-  
нунга зид деб келганмиз. Қонун бузилишларини кўра  
туриб ҳам қонуний бўлса керак, деб қабул қилишга  
ўргатиб қўйилганмиз.

Ахир, шу вақтгача қанча-қанча одамлар беғуноҳдан  
беғуноҳ қамалиб йўқ бўлиб кетганлигини халқ билмай-  
дими? Билади! Ҳатто ўзига энг яқин, сирдош кишилари,  
дўстлари қамалганда ҳам мен буни ёшлигидан била-  
ман, бундан душман чиқмайди, деб айтишга журъат  
етолмаганмизми?

Бизда ҳамма нарса қонуний, адолатли деймиз-у,  
аммо кўнгимдаги гапни айтиш имкони бўлмаса ёки  
айтишга келганда нимадандир чўчиб турсанг, шу адо-  
латданми? Адолат борлигиданми? Ахир шунинг ўзи ҳам  
қонун бузилишига қўшилмайди! Ахир, деярли судлар  
ёпиқ эшиклар орқасида ўтказиб, унга фақат суд ҳайъати,  
прокурор ва КГБ ходимларидан бўлак бирор одамга  
ташқаридан киришга ижозат бўлмай, бутунлай халқдан  
яширинча ўтказилса, бу ҳам адолатданми? Бундай суд-  
ларнинг адолатлилиги нимада?

Суд бўладиган куни эрталаб мени маҳбусларга мўл-  
жалланган махсус «қора қарға» деб аталадиган маши-  
нага чиқаришди. Қаерга олиб кетяпти, сен ҳеч нарса  
билмайсан. Бутун ихтиёринг шуларнинг қўлида. Бу ерда-  
ги ҳамма нарса сирли. Бу ер бутун халқ, бутун давлатдан  
ажралган сирли бир дунё. Ҳозир сени бирор ерга олиб  
бориб отиб ташласалар ҳам ҳеч ким билмайди.

Машина бир-икки дақиқа йўл юрмасданоқ, қандайдир  
темир дарбозанинг тарақлаб очилиб-ёпилгани эшитил-  
ди. Автомат тутган соқчи машина эшигини очиб, тушиш-  
га буюриши биланоқ қўлни орқага қилиб тушдим. Бу  
бир йил ярим йил қамоқда яшайвериш одат бўлиб қол-  
гани учун эмас, йўқ, асло, асло! Бу автомат тутган соқчи-  
нинг қўлингни орқага қил деган, кишини хўрловчи ово-  
зини яна эшитмаслик ва уни ниҳоятда жонга текканли-  
гидан эди.

Бугун олиб келган жойлари қамалганимнинг биринчи  
куни келганим — қамоқxonанинг ҳовлиси бўлиб, бу са-  
фар мени ер остидаги қамоқ камерасига эмас, кичик-  
роқ хонага олиб киришди. Бу суд зали эди.

Бизлар бир ой давомида суд қилиндик. Мендан бош-  
қа яна етти-саккиз киши.

Суд залида мен билан бирга суд қилиниши эмас, ҳат-  
то қамалиши хаёлимга келмаган одамлар билан учраш-  
дим. Масалан, профессор Ҳамид Сулаймон. Бу одам  
1939—40 йилларда менга дарс берган. Ушандан бери  
деярли энди учрашим, шахсий борди-келдим мутла-  
қо бўлмаган. Таржимон, танкидчи ака-ука Абдурахмон,  
Абдунаби Алимұхамедовлар, Шухрат, Мирзакалон  
Исмоиловларни ҳамма қатори ёзувчи, танкидчи сифати-  
да таниган бўлсам ҳам, ёш жиҳатдан, борди-келди жи-  
ҳатидан яқинлигим бўлмаган. Аммо булар орасида  
мени ҳайратга солганлардан яна бири Мели Жўранинг  
мен билан бирга бўлиши эди. Бунинг менга қандай ало-  
қаси бор? Тўғри, қамалишимдан бир-икки ой илгари  
Ёзувчилар союзининг командировкаси билан Қашқа-  
дарё вилоятига борганимда редакцияда кўрганман, шу  
кезларда Мели Жўра шу вилоят газетасининг бош му-  
ҳаррири бўлиб ишларди. Бор танишлигимиз шу. Уни  
ёзувчилар билан бирга суд қилинишининг сабаби Мир-  
закалон билан бўлган танишлиги экан.

Гарчанд бизлар бир-биримиз билан шахсан таниш,  
борди-келди қилмаган, масалан, Мели Жўрани танима-  
ган бўлсам ҳам, ёзувчи сифатида менга таниш  
бўлган Мирзакалон орқали у билан советларга қарши  
нияти бир маслакдош сифатида яширин боғланишда  
бўлганмишман.

Профессор Ҳамид Сулаймон, Абдурахмон Алимұха-  
медовлар эса гарчанд ёзувчи бўлмаса ҳам, мен, Шух-  
рат, Маҳмуд Муродовларга дарс берган чоғларидан  
советларга қарши, миллатчилик руҳида шаклланиши-

мизга таъсир ўтказганлари учун бош айбдорлар сифатида бизлар билан суд қилинаётган экан.

Терговчининг айтишича, ҳеч қандай гуноҳим бўлмаганда ҳам бирдан-бир менинг айбим шулар билан яқин бўлганим ва уларни миллатчилик, советларга қарши қарашлари таъсирга берилишим эмиш. Аммо уларнинг советларга қарши қарашлари, миллатчилиги нимадан иборат, буни мен билишим шарт бўлмай, бу КГБга маълуммиш. Хуллас, шундай қилиб советларга қарши хавфли бир ташкилот, катта бир группа тайёр. Бир группа бўлиб, битта занжирга тизилдингми, тамом, мен ноҳақман деб минг арз-дод қилганинг билан бу ҳалқадан яқка ажраб чиқолмайсан. Тақдиринг бир.

Буларнинг ҳаммаси билан қамалгандан буён суднинг биринчи куни, суд пайтида учрашдим. Мен ўзим қай аҳволда, уларнинг назарида қандай кўринишдаман, билмадим-у, аммо жамиятнинг энг маданиятли, билимдони саналган бу одамларнинг бутунлай ўзгарган кийим-бошлари, афти ангорларига кўзим тушганда ўз алам, дардларим, ҳатто тақдирим ҳақида қайғуриш ҳам бир дақиқа унутилиб, қандай ҳолатга кирганимни сезмай қолдим.

Айниқса, Ҳамид Сулаймон булар орасида ўзбек зиёлилари ичида, кийим-кечак, билим, муомалада ниҳоятда маданиятли, илғор фикрловчи, шарқ ва ғарб адабиётини теран эгаллаганларидан бири эди. Айниқса, бу одам чала дазмолланган шим, галстуксиз кўйлак киймаган, ҳар бир хатти-ҳаракатида салобат ва қатъият акс этиб тургувчи одам эди. Шундай бир одамни бугун сочлари олинган, соқоллари ўсган, қовоқ, юзлари салқик, рангпар, устида телогрейка, галстуксиз, ёқавайрон бир аҳволда кўрдим-у нақадар хўрланганимизга йиғлагим келди. Демак, шу аҳволгача олиб келинган эканми, энди суддан ҳам, давлатдан ҳам раҳм-шафқат, инсоф кутиш бекор эканига ишона бошладим.

— Суд келяпти, турларинг,— деган буйруқ эшитилиб, суд ҳайъати кириб келди.

Суд бошланди!..

Афсус, минг афсус! Ҳа, бу суд эмас, кўғирчоқ ўйини эди. КГБнинг қўлидаги тубан кўғирчоқ! Бундай суддан адолат, шафқат эмас, ҳатто заррача инсофга умид қилиш ҳам кўрлик, ўта нодонлик эди. Чунки суд раиси, аъзоларининг ўзлари суд залининг у ер, бу ерида турган, ваҳоланки, қонун бўйича иштирок этишга ҳақлари бўлмаган айрим КГБ ходимлари, ҳатто терговчилардан кўзларини узмай, хато қилиб қўяётганим йўқми, тўғри иш олиб бораяпманми, дегандек ҳар бир сўзларини қандайдир хавфу хатар, ҳадик билан айтаётганлари очикдан-очик сезилиб турарди.

Суд ҳар куни эртадан кечгача чўзилишига қарамасдан, бир ойга яқин давом этди. Ваҳоланки, бир кунда тамомлаб, ҳукм ўқилса ҳам бемалол бўлаберарди. Чунки қўйилган гуноҳларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги, булар ҳаммаси терговчиларнинг уйдирмалари, далил, гувоҳсиз, исботланмаган эканлигини бир оғиз айтишга судланувчиларга имкон берилмаган эди. Имкон эмас, йўл қўйилмасди. Судланувчиларга терговчилар қандай гуноҳ қўйиб ёзган бўлса, судлар ҳам айнан ўқиб, айтадиган гаплари эса «Шу жиноятларни бўйнингга оласанми ёки йўқми»дан иборат эди. Сенинг айтадиган гапинг эса, ҳа ёки йўқдан иборат, холос! Ортиқча сўзлашга руҳсат бермасди. Оғзингга уриб тўхтатарди. Судни оилаб чўзишларидан мақсад эса, гўё ҳамма жиноятларни синчиқлаб ўрганиб, ҳақиқат қилинган деб ҳужжатлаштиришдан иборат эди.

Сиртдан қараганда бу ердаги ишлар ҳаммаси қонунийдек. Ҳатто адвокатларгача ҳам бор. Аммо улар кимлар? Вазифалари нимадан иборат деган саволга тўғри

жавоб айтадиган бўлсанг, шармандалиқдан ўзга нарса эмас. Бундай кўзбўямачилик, найрангларга қандай виждон чидаб қилинишига ҳайрон қоласан. Айтишга айтдим-у, аммо виждонсиз деган сўзни шу ерда, буларга нисбатан ишлатишнинг ўзи ҳам жоиз эмас. Чунки виждонсиз деб виждони бўлган-у, аммо қандай сабаблар билан ҳато қилиб йўқотганларга нисбатан айтилади. Бу ерда қилинаётган ҳангомалар эса виждони бўлган одамларнинг иши эмас эди.

Баъзи кунлари суд залида бир-икки адвокатлар пайдо бўлиб қоларди. Улар ҳам ҳар куни қатнашолмасди. Улар кимларни ҳимоя қилгани келган, вазифаси нима, билиб бўлмасди. Чунки уларга ҳам истаган вақтда сўз берилмасди. Шу сабаб, пайдо бўлган кунларида ҳам, бир оғиз гапиролмасдан ғойиб бўлиб қолардилар. Булар ҳаммаси расмият, қонуний иш юритишмоқда дейиш учун қилинган ҳийла бўлиб, аслида адвокатларда ҳеч қандай ҳуқуқ ҳам, қиладиган иш ҳам йўқ эди.

Кейинчалик билсам, мени ҳам Тошқороев Йўлдош ака деган адвокатим бўлган экан. Тавба мен билан суд даврида гаплашиш у ёқда турсин, ҳатто юзма-юз келиб бир марта ҳам кўришмаган бўлса, қандай қилиб мени адвокатим бўлиши мумкин?

Бу қандай бўлганини хотиним ҳикоя қилиб берди.

## Хотинимнинг ҳикояси

«Тергов тугаганлиги ҳақида хабар олдим.

Суд бошланди.

Суд бошланиши билан одамлар орасида миш-мишлар ҳам бошланди. Биров, энди ҳаммасини чиқариб юборади, ҳеч қандай гуноҳлари йўқ деса, бошқа бири — бу ерга келганларнинг ҳеч бири омон чиққан эмас. 25 йил бермай, беш йил, ўн йил берса ҳам шукр денг, баъзиларни оиласи билан сургун қилармиш деса, ҳатто, отишга ҳукм қилмаса, бўлди деган ваҳима гаплар ҳам эшитиларди. Баъзи гаплардан бир нафасгина умид уйғониб энгил тортсанг, айрим ваҳимали миш-мишларни эшитганда, фарёд, кўз-ёш бошланарди. Бу гапларни эшитиб, суд тугагунга қадар, қамалганлармас, бу ёқда қолганларнинг на уйқусида, на еб-ичишида ҳаловат бөр эди. Суд тугагунча минг хил миш-миш ваҳмалар, минг хил гаплар. Кимлардир адвокат солиш зарурлигини айтарди.

Мен деярли ҳар куни эрталаб соат 10.00 да суд бўлаётган ерга бораман. Кун анча изгирин эди. Суд залига албатта бизларни киритмасди. Буни билардик. Аммо умид билан қамоқхона дарвозасининг тирқишидан мўралаб уларни суд залига олиб келаётган машинани овозини эшитиш, ҳеч бўлмаганда улар машинадан тушаётганда оёқларини кўриб, оёқ кийимидан таниб қолиш учун ҳаракат қилар эдик. Бизларни эса кўриқлар у ердан ҳайдар, кузатиш ҳам мумкин эмас дер эдилар.

Бу даҳшатли даргоҳга ҳамма юрагини ҳовучлаб, минг хил ваҳима билан келарди. Чунки кимнингдир отаси қамалгандан кейин унинг ўғлини ҳам қамашибди. Эри қамалгандан икки-уч ой ўтмасдан ҳомиладор хотинини эрига шерикликда айблаб уни ҳам қамашибди, деган гаплар эшитилиб турарди. Шунинг учун судга кўпинча қамалганларнинг кекса оталари, оналари келишарди. Уша кезлари терговчилар қамалганларнинг хотинларига эрларидан ажралишни, акс ҳолда ишдан четлашини айтиб, пўписа қилар эдилар. Бола-чақани боқиш, бир амаллаб тирикчилик учун ўша замон тақозоси билан вақтинча ажралганлар ҳам бўлган.

Уша кунлари буларнинг жиной ишини суд раиси Мухитдинов Ф. кўрар эмиш деб эшитдим. Унинг хоти-



ни Вазифа эса мен билан бир мактабда ишлаб, бордикелдимиз бор эди. Бошимга ташвиш тушган кунларда ҳам муносабатини ўзгартирмади. Қисматимга ачиниб, далда бериб турарди.

Шу яқинлигимизни назарда тутиб, мен унга эрини судда раислик қилаётгани, адвокат солмоқчи эканимни айтганимни, гап ўзаро қолсин деб эрининг суд ҳақидаги фикрларини айтиб берди. Эрининг гапига қараганда ҳеч қандай ҳаракат ва адвокат солишнинг фойдаси йўқлиги, бекорга пул харажат қилмаслик ҳақида айтди.

Унинг юракдан айтилган бу гаплари бир жиҳатдан, эрим сизлар учун қўлидан келган ёрдамни аямайди, деган маънода бўлса, иккинчи жиҳатдан суднинг ҳам, адвокатларнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмас экан, ҳамма ихтиёр КГБдагиларда деган маънони ҳам англаётарди. У менга ўзини яқин тутиб, ҳатто эрининг «Бизлар ҳам юқорининг буйруғини бажармай иложимиз йўқ. Ноиложмиз. Бирдан-бир умид яхши замонлар бўлиб бир ўзгариш бўлса, битта Шукрулло эмас, ҳаммаси озод бўлиши керак, гуноҳи йўқ уларнинг» деган сўзларини ҳам айтиб берган эди.

Нима чора! Қамалганларнинг оилалари ўзаро дардлашишар ва замон ҳамиша шундай қолмаслиги, қандайдир ўзгариш бўлишига умид боғлардилар.

У айтгандек, бир ойлик суд давомида ноумид шайтон деб, адвокат Йўлдош Тошқораев билан учрашдим. Охири адвокат ўзининг судда ҳеч қандай ҳуқуқи йўқлигини яширмай айтди. Шунинг учун инсоф юзасидан хизмат ҳақи ҳам талаб қилмади. Суд нима билан тугаши, озод қилиши мумкинми, жуда бўлмаганда неча йил беради, гуноҳлари нима? Бу ҳақдаги саволимга ҳам ҳеч қандай жавоб айтолмади. Адвокатдан бўлган умид бутунлай узилди».

Мана адвокатларга, мана адолатли судларга ишонч! Мана инсон тақдирининг қиммати!.. Мана инсон умрининг баҳоси! Уни ўйлайдиган ким?!

Қамоққа тушган маҳбусларгина бу адолатсизлик, бу қонунсизликларни ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлиб, қандай нијатда, ким қилаётганини, бунинг учун оҳвоҳ қилишнинг фойдаси йўқлиги, ҳақиқатан ҳам бирор мўъжиза рўй бермаса, бу азоб-уқубатдан қутилиш мумкин эмаслигини биларди. Бу мўъжиза нимадан иборат, ҳамма ошқора айтолмаса ҳам, аммо айрим юрак ютганлари, айниқса, аввалига отишга ҳукм қилиниб, кейинчалик махсус кенгашнинг қарори билан ўн йилга алмашилган Муҳидбек Комиловга ўхшаганлар қўрқмай гапирабарарди.

— Бошимизга тушган бу адолатсизликларни фақат КГБ терговчиларининг ўзлари қилаётган дейдиган бўлсак, хўш, прокурорлар билмайдими? Прокурорлар билмаса, судлар-чи? Ахир, қамалганлар битта бизлар эмас, юзлаб, минглаб, миллионлаб-ку! Неча йилдан бери бу аҳвол давом этиб келади, ҳукумат тепасида ўтирганлар ёки Сталиннинг ўзи билмайдими, унга бу аҳвол етмаганмикан? Ҳамма нарсани билган Сталин, худо даражасига кўтариб қўйганмиз, ҳақиқатан ҳам худо бўлса, адолатли бўлса, буни билмайдими? Билмаса, худоллиги қаёққа борди! Шундай бўлгач, кимдан умид кутасан? Бир ўзгариш бўлмаса, бу чангалдан қутилишни ўйлама!..— дерди.

Бу ўзгариш қандай ўзгариш? Бу мўъжиза нимадан иборат, бу ҳақда гапирганда нимани назарда тутиларди, уруш бўлишиними, раҳбарларнинг ўзгаришиними, Сталинни ўлиминими?.. Гарчанд аниқ айтмасалар ҳам, қисқа қилиб, бир ўзгариш бўлиши керак, бундай қолиши мумкин эмас дерди. Ҳаммининг умиди келажакдан эди.

Бугун суд тергови тамом бўлиб, қўғирчоқ суд ҳайъати ҳукмга кириб кетиши эълон қилинди. Ҳаммамиз «Қора қарға» машинасида яна камераларга қайтиб кирдик. Суд ҳукмини қачон, нима деб эълон қилади?

Бир йил, бир ярим йиллик тергов қийноқлари, умидла кутганимиз адолатли суддаги адолатсизлик, инсофсизликлар инсон қадри-қимматини ҳеч кўрилмаган, ақлга келмаган даражада оёқ ости қилинишидан кейин, бу ердан қутулиб кетишни ўйлаш эмас, ўлимингга рози бўлиб, отиб ташласалар ҳам, отиб ташлайберсин, дейдиган, ҳеч нарсадан қўрқиб билмайдиган бир ҳолат пайдо бўлган эди. Суддан умидимни бутунлай узган эдим.

Ахир сен кимнидир дўст билиб, уни кўрганингда кучоқ очиб, бағрингга босмоқ бўлсанг-у, у эса меҳрингга меҳр билан жавоб қайтариш ўрнига кўкрагингга мушт тушириб, сени ҳақорат қила кетса... бундан аламли нима ҳам бўлиши мумкин!

Ёки кимдир сени бирдан-бир севиқли одаминг, жонингни ҳам қурбон қилишга тайёр бўлганинг — онангни хўрладинг, ҳақорат қилдинг деб, тўхмат қилиб турса, бу маломат олдида фарёд солиб, ёқангни йиртиб, ўлимингга ҳам рози бўлиб кетмайсанми?

Кеча Ватан урушида қон кечиб, жонини ҳам аямай, ёв билан жанг қилиб, саломат қайтган жангчиларни, бугун сен ватан хоини деб йўқ айбларни бўйинингга қўйиб суд қилиб турса, бу аламга чидаб бўладими?

Бугун суд қилиниб, ҳукмини кутаётган истеъдодли шоир, романист Шухратнинг айби Ватан учун жанг қилиб ўлмади қайтгани, садоқат ҳақида «Шинелли йиллар» романини қони билан ёзганими?

Ёки менинг гуноҳим ҳаётдан олган бир дақиқалик шодлик, завқимни ифодаламоқчи бўлиб айтилган:

Мунча ҳур!..

Пар каби енгил капалак,  
Гулдан-гулга қучар, учарди тинмай...  
Узоқ кўниб қолди, хаёлимни ҳам  
Ғунча япроғига кўмди сездирмай.

Тирпинди, сесканди, хаёл ҳам учди,  
Бўсаларга қониб, елпитгач қанот,  
Боқдим теваракка, шунда ўзимни  
Ҳис этдим капалак каби енгил, шод.

Бу шеърда совет давлатига, унинг сиёсатига қарши айтилган қандай хато бор? Бундан жиноят излаш, шоир меҳрига, унинг меҳнатига тупуриш эмасми? Ҳақорат эмасми!

Бу шеърнинг бирдан-бир хатоси ғоясизлиги эмиш! Ғоя йўқ эмиш. Бу адолатли суднинг менга қўйган айбномаларидан бири эди. Ғоясизлиги шунда эмишки, бунда совет кишининг меҳнати ўз аксини топмаган эмиш. Сиёсий гап йўқ эмиш.

Ахир, кишининг руҳиятини ифода қилиш, ҳаётга, гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ҳаётдан завқлана билиш, ватаннинг ҳар бир заррасидан қувона олиш, кишилар қалбида разолат, гина, худбинлик эмас, яхшилиқ ҳисларини уйғотиш бу меҳнат эмасми? Шуни фаҳм қилмаган, фарқига бормеган, борса ҳам, билатуриб гуноҳдор қилиб турган суд, суд ҳайъатидан қандай инсофли, адолатли ҳукм кутасан!

Демак, кўнгилдаги гапни айтиш хато бўлса, шоир нимани ёзиши керак? Бу ижодкорларни ўз эркидан маҳрум қилиш эмасми? Нима қилиш керак? Оч бўлсанг ҳам тўқман, ноҳақликни ҳақ деб ёзиш керакми? Бунинг

нимаси ижод? Бу ижодкор учун ҳузур эмас, азоб-ку! Ижодкорни ижоддан маҳрум қилишдан бошқа нарса эмас. Кўзим билан кўриб турган ноҳақликлар, адолат-сизликларни ёзиш имкони бўлмаса ҳам, худо яратган табиат гўзаллиги, унинг парранда-ю даррандалари бағишлаган завқни ҳам куйлаб хумордан чиқолмасам, бундай шоирликнинг кимга кераги бор дейманми? Демак, сен ўзинг севган, ўзинг завқ олган, ўзинг ҳақиқат деб билган нарсангни эмас, кимларнингдир кўнгил хушлигини куйлашинг керак. Ҳаётга ўз кўзинг билан эмас, кимларнингдир кўзи билан қарашинг керак. Шунда асарларинг ғоявий, халқчил деб мақталади. Мукофотлар ҳам, амал-мартаба ҳам сеники. Президиумларда ўтирасан, чет элларга ишониб юборишади. Акс ҳолда бошинг танқиддан чиқмайди, ёзганларинг босилмайди, ўзинг таъқиб остида яшайсан.

Сен буни халқни алдаш, китобхон дидини бузиш, пасткашликка ўргатиш деб дод солмоқчи бўлсанг, хато қиласан, сени социалистик реализмга қарши чиқишда айбलाшади. Суднинг менга қўйган айбларидан бири шу бўлди! Мана суднинг аҳволи! Мана судларнинг савияси! Булардан қандай адолатли ҳукм кутасан! Мен тақдирга тан бериб, бу тўғрида ўйламай қўйгандим.

Мени бирдан-бир ўйлатадиган, азоблайдиган нарса, у ҳам бўлса, оилам, тирик етим қолган уч фарзандим ва севиқли хотинимнинг бундан буён кечадиган ҳаёти, севгимизнинг тақдири, оилавий келажагимиз эди. Фақат айрилиқ азоби эмас, севгимизга қанчалик ишонмай, рашк алами ҳам ўртарди.

Шайтоний хаёллар!..

1942 йил, очарчилик замонида уйландим. Ота-онам кексайиб, мен ёлғиз ўғил бўлганим учун эртамас-индин аскарга олиб кетса, тўйини кўриб қолайлик, бу орада фарзанд кўрса, келгунича ўрнига ўрин, эрмак бўлар деган орзу билан яшайди. Орадан кўп ўтмай отам вафот этди. Уйланган кунимдан, тўйнинг қарзидан қутулиш ташвиши, муҳтожлик бошланди. Хотиним шўрликка нима роҳат кўрсатдим? Уйимиздаги озми-кўпми ортирганимиз, отамнинг қўлидаги бор нарса тўйга сарфланиб бўлган эди. Отамдан қолган сигирни сотиб, унинг йилини ўтказдик.

Урушгача бўлган бутун бисот-боғол қорин тўйғазишга сарфланиб адо бўлди. Тўйиб нон емайдиган, тўлатиб қозон қайнатилмаган замон келди. Бирор одам келса, олдига нон қўйиб, қозон қайнатиш имкони йўқ бўлгани учун, уйда ўтирмай, эрталабдан чиқиб кетиб, ҳатто хаёлимга келган шеърларни кутубхоналарга бориб қозғога туширардим.

Хотиним ўқитувчи бўлиб, бирор сабаб билан ўқишга келмай қолган ўқувчининг бўғирсоғини олиб келган кунлари уйимизда қувонч бўларди. Чунки бошқаларникида бу ҳам бўлмасди. Урушдан кейин ҳам қарз билан яшадик.

Суд ҳукмини айтгунча, қамоқнинг ёлғиз хонасида ўтириб оила ҳаётимни, хотинимнинг оилага меҳри, жафокашликларини, унинг ҳуснини хаёлимдан ўтказар эканман, унинг орзуларини биронтасига етказолмаганимнинг армони мени қийнарди.

Мен ўттиз, хотиним эса, йигирма олти ёшда! Навқирон умр! Очарчиликда, қувғинларда, хўрлик ва меҳнатда хазон бўлган ёшликлар! Энди яна неча йил айрилиқ, не-не кўргуликлар! Эй, парвардигор! Хотинимнинг бардоши етармикан, деб ўйлардим.

Мана бугун «адолатли» суднинг ҳукми ўқиб эшиттирилди.

Менга 25 йил қамоқ, 5 йил сургун, 5 йил сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин, деб ҳукм чиқарилди.

Тақдирга тан бериш. Бу сўзни тилга келтиришни ўзи нақадар оғир! Тепангда автомат, ёнингда айтилган чиқиқдан бир қарич чиқсанг, ташланиб ғажишга ўргатилган итларни тутган соқчилар сени қайгадир ҳайдаб борса, шундай пайтда тилиннга бундан бошқа қандай сўз келарди?!

Мана бугун, қамоқдан қутулиб чиқиш ҳақидаги хаёллар ўрнини энди бутунлай ўзга дард-ташвиш қора бутлукдек ёпирилиб эгаллай бошлади. Бугун, ҳибс қилинган куним олайми-олмайми деб тебраниб, ҳар эҳтимолга қарши олганим кўрпа-ёстиқни орқалаб, туғилган юртим, бола-чақам, қариндош-уруғлар билан қайта кўришиш насиб етармикан деган ўй оғушида маҳбусларни лагерларга тақсим қиладиган жойга олиб келганларини билмай қолибман.

Шу ердан жиноий моддасига қараб, бировни лагерга, қамоққа ҳукм қилинганларни эса қамоққа, бутун мамлакат бўйлаб тарқатилади. Бу ер вақтли кўналға ҳисобланиб, молхонадек катта бир хонага юзга яқин ўғри борми, одам ўлдирган каллақесар, фирибгар, диндорлар борми, зич қилиб жойлаштирилган эди.

Мен бу ерга қадам қўйдим-у менга мутлақо бегона, афти ангори, усти-бошлари бутунлай бошқа, кўзлари бежо одамларга кўзим тушиши билан ҳайратимдан елкамдаги кўрпа-ёстиқ, озми-кўпми солинган қопимни ерга қўйиб, қаерга жойлашишимни ўйлаб ўзимга келгунимча ҳам бўлмай, «мени ёнимга кел», деб ҳар бири ўз ёнига тортувчи меҳрибонлар пайдо бўлиб қолди. Албатта бу меҳрибонликдан эмас, қопимдаги нарсалар, насибамга шерик бўлиш учун эди. Булар ўғрилар эди. Буларнинг кўпчилиги янги келганларнинг дурустроқ кийим-кечак, пулми, ейдиган, ичадиган нарсалари борми, талаб кун кечирувчилар, қамоқда умр ўтказганлар эди. Буларнинг бир тўдаси бир бурчакда бир-бири билан сўқинишиб қарта ташлашар, хонанинг бир бурчагида назоратчи келиб қолишдан ҳадиксираб, кўзи олазарак ўғри болалар, кайф қилиш учун кичкина кас-тирулкадаги сувга бир пачка чой солиб, ёқадиган нарса бўлмагани учун кепкаларининг жиягидаги қоғозларгача ёқиб «чипир» қиларди. Кимдир чалқанча ётиб, бошини қўлларига қўйганча хаёлга чўмганди.

Албатта, олдин қамоқ кўрмай, бу ерга энди келиб қолган одам ўзини бутунлай бошқа дунёга, қароқчилар орасига, дўзахга тушиб қолгандек ҳис қилади. Чунки бу ердаги одамларнинг башарасида бола-чақа, оиладан айрилиб, эркиндикдан маҳрум бўлган деган афсус-армондан нишон ҳам йўқ эди. Булар учун озодликдан маҳрум бўлиб қамоққа тушиш гўё бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ёки бир уйдан иккинчи ҳовлига ўтгандек гап эди. Озодликда улар меҳнат қилмай, кишиларни талаб қандай кун кечирган бўлсалар, бу ерда ҳам, лагерларда ҳам ўзгаларнинг уйдан келган нарсаларини талаш, ўғирлаш, қартадан ортиргани ҳисобига яшарди. Ўз нафслари учун бир-бирини ғажиш, ўлдириш бу ердагилар учун одатий ҳолат, яшаш қонуни эди.

Наҳотки менинг йигирма беш йиллик умрим энди шулар билан ўтса?!

Йигирма беш йил ичида ким бор, ким йўқ, замон-заминда не-не ўзгаришлар бўлади, бундан қатъи назар, эндиги умрим қаерларда, қандай кечишини ўйларканман, жияним Бадриддиннинг 1937 йилда халқ душмани бўлиб қамалган отаси Шукр Калонов ва ўзларининг ҳаёти ва азоблари ҳақида қандайдир мақсадда ёзиб қўйган хотираси хаёлимга қуйилиб кела бошларди. Булар бир-биридан даҳшатли, бир-биридан фожиалироқ

эди. Бу инсоннинг нақадар зўрлиги, унинг бардоши метинлигининг ҳам тимсоли эди.

Отам, 1937 йил январда Ўзбекистон жиноий қонунларнинг 66-моддаси 1-қисмига биноан қамоққа олинди. 1937 йил 17 июнда Ўзбекистон Олий Суди Махсус коллегиясининг қарорига биноан беш йил ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, тарбиявий меҳнат лагерларида ўз муддатини ўташ билан Узоқ Шарқдаги Қолима шаҳрига жўнатилган. Лагердан 1942 йил август ойида озод қилинганликларига қарамасдан уйга келишга руҳсат бўлмаган. Бу «жаннатмакон» шаҳардан 1946 йилгача махсус назорат остида, мажбурий, инсон бовар қилмайдиган машаққатли ишда ишлаганлар.

Биринчи марта қамалганларида мен тўрт яшар бола эдим. Гўдаклигимга қарамасдан, ўша кунлардаги баъзи бир воқеалар хотирамда яхши сақланиб қолган.

Тергов тугаб, суд ҳукми эълон қилингандан кейин отамни жўнатадиган кун, онам узоқдан бўлса ҳам отасини кўриб қолсин, деган мақсадда бўлса керак, мени ҳам етаклаб борган эдилар. Кун ниҳоятда иссиқ, темир йўлдаги тошларнинг қизиганлигидан оёқларимнинг таги қавариб кетган эди.

Отамни узоқдан, вагонга чиқаришларидан олдин кўриб қолдим. Оёқларимнинг жароҳатларига қарамасдан олдига югуриб бормоқчи бўлганимда ҳарбий соқчилардан бири етаклаб юрган итини кўйиб юборди. Мени қувлаган итдан қочаман деб ерга йиқилиб, йиғлаб, думалаганим ҳам эсимдан чиқмайди. Ҳали эсини танимаган ёш болага итни кўйиб юбориш ваҳшийлик эмасми?.. Ўша кун отамни олиб кетишди.

Отам ўн йилдан кейин, 1946 йили ноябрь ойида Қолимадан қайтиб келдилар. Келганларидан кейин ҳам хотиржамлик бўлмади. Ўша даврда, қамоқдан чиққанларни ўз уйларида у ёқда турсин, ҳатто туғилган шаҳарларида яшашга ҳам ҳуқуқлари йўқ эди. Одатда улар ўзлари яшаган ерлардан узоқроқ бир шаҳарда ишлаб яшашлари шарт эди.

Отам ҳам шу қоидага биноан, Қўйлиқда бир колхозчининг уйини ижарага олиб, касби муаллим бўлишига қарамай, ўша ердаги гурунч заводида оддий ишчи бўлиб ишга жойлашиб олган эдилар. Бу даврларда кўпгина хонадонларнинг қозонлари ойлаб гўштни кўрмас, ҳафталаб қозон осилмасдан иссиқ овқатсиз ҳаёт кечирар эдилар. Ўшанда кунлардан бир кун овқатланиб ўтирганимизда онам рўзғорда кепакдан бошқа ҳеч нарса қолмаганлигини айтдилар. Шунда отам, кепакдан ҳам қанчадан-қанча яхши таомлар тайёрлаш мумкинлигини айтиб, шу аҳволда яшаётганимизга мингдан-минг шукр қилган эдилар. Негаки, озодликда она юртида, ўз уйида кепакдан тайёрланган овқат ҳам отам учун шоҳона туюлар эди. Қишда уйларни иситиш ва овқат пиширишга ҳам кўмир, ўтин ўрнига шоли қипиғини ишлатардик. Овқат пиширишга кўпроқ ёқиб кўйилса, печкага кам қолиб, уй яхши исимас эди. Шунда отам, Узоқ Шарқнинг табииоти, қиш фаслининг узоқлиги ва ниҳоят совуқлигини эслаб «Ишга чиққанимизда ҳарбий соқчилар бизларни махсус ўргатилган, совуққа ниҳоятда чидамли, йиртқич ҳайвонлар билан тенг олишадиган итлар билан қўриқлардилар. Меҳнатнинг ниҳоятда оғирлигидан Сибирь совуқларини ҳам сезмас эдик. Одатда маҳбусларнинг иш вақти об-ҳавога қараб 12—14 соат давом этарди, аммо, итларни иш вақти икки соатдан ортмас, чунки улар совуққа бардош беролмас эди. Маҳбусларга итчалик ҳам раҳм қилинмасди»,— дердилар. Онам бечорага бизлар билан ҳатто совуқ уйда яшаб, кепак нонни баҳам кўриш ҳам узоқ насиб этмади.

1949 йили октябрь ойининг ўрталарида бўлса керак, мактабга бориш учун кўчага чиққанимда завод томондан отамнинг икки нотаниш одам билан, ранги ўчган ҳолда келаётганини кўрдим, уни шундай ҳолатда ҳечам кўрмаган эдим. У менга қараб уйга секингина киришимни ишора қилди. Уйга кирганимдан кейин келган одамларнинг кимлиги маълум бўлди. Улар Давлат хавфсизлик комитетидан эдилар. Уйга кирганларидан кейин тинтишга киришдилар, бироқ ҳеч нарса тополмадилар. Нега деганда уйимизда тинтийдиган нарсани ўзи йўқ эди. Бир сидирға рўзгор асбоблари, кийим-кечак, стол устидаги китоб ва дафтарларимдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Шу сабабли тинтув ҳам узоққа чўзилмади.

Келганларнинг бири ўзбек бўлиб, отам ва бизлар билан ўзбекча гаплашиб, ниҳоятда маданий муомалада бўлди. Ҳатто отамни бир оз тинчлаштиришга ҳам ҳаркат қилди. Аммо иккинчиси отам у ёқда турсин, бизлар билан ҳам кўпол, дағдаға билан муносабатда бўлди. Ташқи кўринишдан ҳам махсус тайёрланган, тажрибали жаллодлардан қолишмасди. Бизнинг бирор-бир ҳаракатимиз унинг эътиборидан холи қолмас, ўз ўлжасига ташланишга тайёр турган йиртқич ҳайвонни эслатарди.

Онам яна кўз ёши билан беш кунлик дийдор кўришидан ҳам насиб этмаганидан оҳ уриб, отам учун бир сидирға лозим бўлган сочик, кўйлак ва бошқа зарур нарсаларни йиғиб бермоқчи бўлганда, у онамнинг кўлидаги нарсаларни шу қадар кўполлик билан тортиб олар, олазарак кўзлари синчиклаб текшириб, кейин қайтариб берар эди.

Отамни олиб кетаётганларида: «Отангиз ҳақида маълумотни Давлат хавфсизлик комитетидан олишингиз мумкин», дейишди. 1950 йили Махсус Кенгаш Қарорига биноан отам муддати кўрсатилмаган ҳолда Красноярск ўлкасига бадарға қилинган экан.

1949 йили отамни қайтадан қамоққа олишларига асосий сабаб унга 1937 йилда қўйилган айбнома бўлган. Терговда, кейинчалик судда «Мунтазам аксилинқилобчилик, миллатчилик ва троцкизм ташвиқотчиси» деган айбни расмийлаштириб, қарор қабул қилишган. Бу ҳукм қабр тошидек совуқ, тегиримон тошидек оғир, маъҳум эди. Мана ўша айбнома:

1. Тинтув пайтида ўзбек шоирларидан бири Чўлпоннинг маън қилинмаган шеърлар тўплами топилганлиги;
2. Отам ўрта мактабда ўқиб юрганларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Мунаввар Қори ва Шорасул Зуннуновларнинг талабалари бўлганлиги учун;
3. Тергов бувамни руҳоний деб топганлиги учун;
4. Троцкизмда айблаларининг бирдан-бир сабаби, тинтув пайтида уйимиздан 1926—27 йиллари босилиб чиққан «Рабоче-крестьянский календарь» журнали топилган. Бу журналда партия ва давлат раҳбарлари билан бир қаторда Троцкийнинг ҳам портрети бўлган.

Адолатсизликни қарангки, тил ва адабиёт ўқитувчисининг уйдан топилган қатор адабиётлар орасида совет матбуоти томонидан чоп этилган, совет магазинидан сотиб олинган Чўлпоннинг шеърлар тўплами миллатчиликда, аксилинқилобчиликда айбланишга асос бўлган!

Ҳеч кимга сир эмас, ўша даврдаги кексаларнинг ҳаммаси динга ишонган ва намоз ўқиган. Шундай экан, уларнинг барчасини миллатчиликда айблаб қамаш лозиммиди? Йўқ! Қамоқ, жазо, ўлим ҳукми саводли, ақлли, доно, зиёлиларнигина териб, уларни жисмонан йўқотиш ёки руҳан мажруҳ қилишга қаратилган эди.

1953 йили, халқлар «отаси», «буюк дохий» И. В. Сталин ўлиmidан бир йил ўтар-ўтмас, 1954 йили июнь ойида отамни сургундан қуйидаги мазмундаги справка билан озод қиладилар: «Қайонов Ш. 1937 йил 17 июль

Ўзбекистон Олий Судининг 66-модда 1-бандига асосан қамоққа олинган ва беш йил ҳуқуқдан маҳрум қилинган, кейин Красноярск ўлкасида сургунда бўлган, ИИБ ва СССР Прокурори кўрсатмасига асосан 1954 йил 24 апрелда сургундан озод қилинган, 1954 йил 9 июль. СССР Олий Совет Президиумининг 1953 йил 27 март қарорига биноан суд қарори бекор қилинган».

Сургундан қайтиб келганларидан кейин бир ой уйда бўлсалар, уч ой касалхонада умр ўтказдилар. Шу аҳволда отам ҳаёти учун 1957 йилгача курашди. Улим биздан кучлироқ чиқди. Отам 49 ёшларида, 1957 йил январь ойида вафот этдилар.

Мана инсоф, мана адолат! Ун саккиз йил ноҳақ қамалиб, бола-чақа, уй-жой, эркинликдан маҳрум бўлиб, соғлиқдан айрилиб, умрнинг энг азиз дамлари азоб-уқубатда ўтиб бўлгандан кейин, сени гуноҳинг йўқ экан, дейилса, бу қонунсизлик, бу адолатсизликка қандай чидаш мумкин!

Жияним Бадриддиннинг отаси ҳақидаги хотираларини эслаб, менга қўйилган айблардан нима фарқи бор деб ўйлардим. Поччамнинг бошидан кечирган даҳшатли ҳаёти, оиласининг бахтсизлиги, инсон бўлиб туғилиб, бирор кун бу дунёда роҳат кўрмай ўлиб кетгани наҳот менинг тақдиримда ҳам такрорланса, деб ўйлардим.

Ўйлаб кўрсам, ҳундай бахтсизлик, фалокат битта менинг бошимда эканми? Мамлакатда бу фалокатни бошидан кечирмаган бирор оила бормикан? Ахир ўзим билган таниш-билишлардан ташқари, қамалган қариндош-уруғларим озмунчами? Поччам қамоқда. Холава-чам Убайдуллахоннинг умри қамоқда ўтди. Узим қамалдим. Хотиним олти ёшдан дарбадар. Отаси, аммакилари қамоқда вафот этиб кетдилар. Оҳо, вой-вой... эслайман десам!..

Бир неча кундан бери мана шундай даҳшатли ўйлар босимида, инсон қиёфасини йўқотган, йиллаб умрини қамоқда ўтказишга одатланган, нафси олдида ҳар қандай жиноятдан қайтмайдиган маккор ва шафқатсиз каллакесар, ўғрилар орасида лагерга юборишларини кутиб ётибман. Дардлашадиган бирор одамнинг йўқ. Ўрнингдан қамирларнинг ёки ҳожатга чиққудек бўлсанг, қайтиб келгунингча албатта бирор нарсаларингдан ажрайсан. Ким олди, деб айтиб кўр-чи? Кимга арз қиласан? Назоратчиларгами? Уларнинг ўзлари ҳам бу ерга чўчи киради. Молимни олди деб шикоят қилганларни бўғиб ўлдирсалар ҳам ҳеч ким жавобгар қилолмайди. Юзлаб одамнинг қай бирини айбдор қилади? Бирдан-бир дардқашим сиёсий айб билан қамалган 20 ёшлар чамасидаги йигитча бўлиб қолди. Бу бечора қишлоқи йигитнинг халқ душмани бўлиб қамалишига қўйидаги воқеа сабаб: ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари Сталиннинг мактабга қўйилган бюстини бир жойдан иккинчи жойга қўяман деб кўтариб кўрса, ниҳоятда энгил туюлибди. Шунда ёнидагиларга жуда энгил экан, калласининг ичи бўш экан, дебди. Кейинчалик бир сабаб билан оралари бузилган мактабдошларидан қайси бири бу гапни тегишли жойларга маълум қилиб КГБ қошидаги махсус комиссиянинг қарори билан халқлар доҳийсини масхаралаш деган тўхматда айбланиб, ўн йил озодликдан маҳрум этилибди.

Бу воқеа юз берган маҳалда у ҳали балоғатга етганмиди, етмаганмиди? Наҳот бу бола шўрликнинг Сталинда қасди бўлган? Адолат юзасидан айтганда, ҳақиқатан ҳам кўпинча бюстларнинг ичи ҳовол, бўш бўлади. Кимдир бу шўрликнинг тўғри гапини ғараз билан нотўғри тушунган бўлса, ахир, ҳукумат тепасида ўтирганлар, судда ақл-фаросат йўқмиди? Ахир, ўша бюстини бориб текширдик, ҳақиқатан ҳам ичи бўш экан, бу ерда ҳеч қандай ёмон ният йўқ дейилса, олам гулистон эмасми-

ди? Тўғри гапни айтгани учун бу йигитнинг умрини ачинмай ҳазон қилишса, додингни кимга айтасан? Бундан чиқариладиган хулоса шу эдики, совет давлати одамларни душман бўлганлари учун эмас, одамларни кўрқитиш, ўзига бўйсундириш учун қамаш, сургун қилишни одат этганди.

Бу йигитнинг кўз ёшлари тинмасди. Алами олдида ўлимига ҳам рози эди. Ахир уйланганига энди беш-олти ойгина бўлган экан. Унинг бирдан-бир дарди ташвиши олти ойли келин қолган севиқли хотини эди. Унинг бағрини эзган алам энди мени ўн йил кутади, йўқми, деган айрилиқ, рашк азоби эди. Бечора дардини айтиб йиғларди. Бу алам фақат унинг эмас, менинг ҳам дардим эди. Бу азоб мени ҳам қийнарди. Ахир бунинг қамоқ муддати ўн йил, севгида вафо бўлса, омонлик бўлса, дийдор кўришмоқ мумкин. Аммо менинг дийдор кўришмоғим учун йигирма беш йил эмас, беш йиллик сургунни ҳам ҳисоблаганда ўттиз йил керак-ку! Ўттиз йил айрилиқ! Ўттиз йил кутиш!.. Йигирма беш, йигирма олти ёшда эридан ажралган менинг гўзал хотинимнинг 30 йил эрсиз яшаб, мени кутишга сабр-бардоши етармикан? Ахир у кўзга яқин аёл эди-ку! Шайтон йўлдан урмасмикан? Йигирма беш йил?! Бу фурсат ичида омон қайтадими, йўқми, деб ўйламасмикан? Дунёга инсон бир марта келади, деса-чи? Шу хаёл билан уч болани етим қилса-чи! Менинг хотинимга меҳримдан бўлак нима ҳам ўзи? Ахир унга на бойлик, на олтин — бисот қолдирди! Ахир, ота-онамдан қолган уйдан ҳам маҳрум қилишди-ку! Могу мулк, уй-жойдан ажралиб ҳаёт кечириш осонми? Бунга иродаси етармикан? Наҳот ўртадаги муҳаббатимиз чин бўлмаса?

Қаршимдаги йигитнинг кўз ёшларини кўриб, севги ҳақидаги армону нолаларини эшитиб, вафо, фидойи аёллар борлиги ҳақида айтардим. Бу билан унга таскин бериб, умид бағишлаб эмас, ўзимни ҳам овутардим.

Ахир поччам халқ душмани бўлиб, 1937 йилда қамалиб кетганда, опам 22 ёшида уч бола билан бева қолган эди-ку! Салкам 17 йил эрини кутди. Дийдор кўришди. Бир неча йилгина бирга яшади. Айрилиқ, уруш йилларининг очарчилигига чидади-ку! Севгисига риё қилмади-ку! Умид билан яшади-ку!

Нуриддин тоғамнинг хотини-чи? Ичаги буралиб навқирон ёшида вафот қилганда хотини — келинойим ҳам 22—23 ёшларида уч қиз билан бева қолган эди-ку! Тоғам қайта тирилиб келмайди, эр қилса ҳеч ким айб этмасди. Эрга тегса бўларди. У болаларини ўғай отанинг қошқовоғига қаратмаслик, эрининг арвоҳини балки норози қилмасликни, буни бевафолик деб билдими, маъқул билиб, ўз меҳнати билан болаларини мартабали одамлар қилиб тарбиялади. Шу билан фахрланди.

Шулар ҳақида қаршимдаги йигитчага ҳикоя қилардим-да, ўзим ҳам таскин топардим, рашк азобидан бироз энгил тортардим. Наҳот, хотиним уч боласи билан менинг қамоқдан чиқишимдан умид узиб, ажралишни кўнглига келтирса? Шундай аёлларнинг севгига садоқатлари хотинимга ибрат бўлмасмикан? Балки у ҳам мени кутар.

Аммо ўзга бир ташвиш умидсизликка соларди. Худо кўрсатмасин, йигирма беш йил ичида мен ким бўлам? Мендан нима қолади? Бу шароитда, ҳали олдинда не машаққатлар бор, ўзим бу шўрликларга бардош бериб, омон яшай олармиканман?!

Хотиним севгисига вафо қилиб, айрилиққа бардош бериб мени кутар, аммо унинг ёш умрини, келажагим нима билан тугашини билмай туриб ҳазон қилсам, бу инсофданми? Хат ёзайми? Ихтиёрига қўяйми?

Шу ерда баракда ўғрилар орасида ўзаро муштлашиш, бир-бирини бўғиш, ўлдириш бошланиб кетди.

Бизнинг оғзимиздаги оғзимизда, бўғзимиздаги бўғзимизда қолди.

Албатта, умрида бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаган, хиёнат қилиш эмас, ноҳақликларни кўрганда жим туролмаган виждонли, ҳалол одам учун кўз олдида бўлаётган бундай босқинчилик куппа-кундуз куни бировларнинг молларини талаш, бўғиб ўлдиришларни кўришдан ҳам оғир азоб бўлармиди? Аралашиб эмас, ҳой, деб индаб кўр-чи, ўзинг омон қолармикансан? Ким сенинг ёнингга киради? Ўзингнинг молингни таламаганларига шукр қилмайсанми? Бордию шу топда ҳамма нарсангни тортиб олсалар, ёки бўғиб ўлдиришмоқчи бўлсалар, бунинг учун кимни жавобгар қилади? Ҳеч кимни! Дардингни кимга айтасан? Шикоят қилиб кўр-чи? Ёдингда тут, 25 йилга ҳукм қилинган одамсан, сени сотқинликда айблаб, ўғриланинг ўзи бугун бўлмаса эртага бир-бирларига сен ҳақингда хабар бериб, муддатингдан олдин борган жойингда ўлдириб юборади. Қамоқ қондаси шу! Улсанг, ким сенга ачинади? Сен халқ душмансан, 30 йил озодликдан маҳрум этилган, аслини суриштирганда, тирик ўлик кимсан. Ўз ажалинг билан ўласанми ёки биров ўлдирадими, давлатга барибир. Давлатнинг асл мақсади сендан қутулиш. Агарда ўз кучинга ишонсан, булар билан олишасан. Енгсанг, устун келсанг, омад сеники, яшайсан.

Қамоқда бир-биридан бошлиқларга шикоят қилиш сотқинлик ҳисобланади. Бундайларни ахир бир кунмас бир кун ўлдириб юборишади.

Менинг биринчи кунлари бу ерда кўрганларим лажеръ ҳаёти ва у ердаги маҳбусларнинг бошдан кечирган азоб-уқубатлари олдида ҳолва экан. Бу ерга келганимнинг учинчи куни Ёркинжон ака исмли андижонлик илм-маърифатдан хабардор, Чўлпон, Абдулла Қодирийларни яхши биладиган мулла одам билан танишиб қолдим. Бу одам 1937 йилда қамалиб, ўн йиллик муддатини битириб, ундан кейин бир неча йил Сибирь сургунда юриб, бола-чақасини кўргани келганда яна қайтадан қамоққа олинди. Унинг бошидан кечирганлари нақадар даҳшатли, кишини ваҳимага соладиган бўлишига қарамасдан, иккинчи бир жиҳатдан менга далда ҳам бўлди.

Ҳозирги вақтда 100 йилга ҳукм қилса ҳам ўлмаган одам умр берса эсон-омон қутилиб чиқиши, ўлмай яшаши мумкин. Бизлар қамоқда эканимизда уруш даври, очарчилик эди. Эркинликда яшаётганлар нон тополмаётган бир маҳалда биз, ўлим кишиларининг ғамини ҳукумат ўйлармиди! Топилса, каламуш бўлса ҳам ейиларди.

Бизлар ўрмонда дарахт кесардик. Очликдан ҳолдан тойганлар силласи қуриб, дам олиш вақтида ўрнидан туришга мадори етмай, ўтирган жойида ўлиб қолаверар эди. Бир куни бир неча одам бир чеккада бирдан ўмалашиб қолди. Билсам, қандайдир ҳайвоннинг чала йиқилиб қор тагида қолиб кетган бўлаги топилган экан. Ҳатто яшаш учун бир-биридан қизғаниб, шуни хом еганлар ҳам бўлди. Ахир 1920 йилларда Волга бўйида ўз боласини ҳам одамлар еган-ку. Ленин ҳам бунга иқроф бўлиб ёзган-ку.

Бу одамнинг бошдан кечирганлари бир-биридан даҳшатли эди. Бу ерда кўраётганларинг ҳали ҳеч гап эмас, бардам бўл деяётгандек туюларди. Бу одам қамоқда мағрур, гўё бу табиий бир ҳол дегандек юрарди. Бу одамнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзида ҳатто шунча йил озодликдан маҳрум бўлиб қамоқда умр ўтказишдан на ўкинч, на бирор ҳасрат йўқлиги, ҳатто сўзларининг дадил ва қувноқлиги мени ҳайратга солганди. Унда на қайғуриш, на атрофидагилардан кўрқиш, на хавотир аломати бор эди. У ҳатто ўлимни хаёлига келтириш

эмас, ундан, назаримда, кўрқмасди ҳам. Назар олсам, уни атрофидагилардан эҳтиёт қиладиган ортиқча кийим-кечаги ҳам, еб-ичадиган нарсаси ҳам йўқ эди. Уйдан келаётган одам не сабаб бундай аҳволда эканлиги кейинчалик ўзининг айтишидан аён бўлди:

— Мен қамалган кезде хотиним фабрикада мудир бўлиб ишларди. Фирқа аъзоси эди. Мен қамалгандан кейин халқ душманининг хотини фирқа сафида туриши, раҳбарлик лавозимида ишлаши мумкин эмас, шунинг учун эрингдан ажралишинг лозим деган шарт қўйишган. Хотиним бунга кўнмаган-у, ишдан бўшашга рози бўлган. Икки болани бир амаллаб боққан. Аммо уруш бошланиб, тирикчилик оғирлашгандан кейин, бир ўғлим билан қизимни болалар уйига берганидан хабар топдим. Шуни эшитдим-у, вақтинча бўлса ҳам ажралиш ҳақида хат ёздим. Хатимни олганми, олмаганми, оғир касал бўлиб оламдан ўтгани хабарини эшитдим.

Мен сургун муддатини тугатиб, ўз юртимга бориш ҳуқуқига эга бўлганимдан кейин, хотинимнинг қабрини зиёрат қилиш, болаларимнинг дийдорини бир кўриш учун борган эдим. Минг афсус,— деди-ю, шу фурсат сўзи халқумига тикилиб, бир дам ниманидир ўйлагандек кўзларини юмди.— Андижонга боришга бордим-у, қотган ярамни янгиладим. Фақат хотиним бечоранинг қабрини кўриш насиб бўлди. Болаларимни тополмадим. Халқ душманининг фарзандлари деб қайси деддомга жўнатиб юборганлар, излаб топгунимча ҳам бўлмай, қайтадан қамашди.

Унинг бу гапларини эшитарканман, беихтиёр кўзларимга ёш келарди. Таажжубки, бу одам юракларни ларзага соладиган бу гапларни асло ҳаяжон ва афсусга берилмасдан, оддий воқеадек сўзларди. У одамнинг феълидаги бундай ўзгариш, уни совет давлатининг сиёсатига бутунлай ишончини йўқотиб, кишилар бошидаги бу фожеалар табиий бир ҳол деб қарашидан пайдо бўлган экан.

Бу одамнинг ўз фалсафаси бор эдики, гарчанд мантқан тўғри бўлиб, ичингда тан олсанг ҳам, аммо ҳозирги қама-қама даврида унча-мунча одам эшитишга ҳам чўчирди.

Бизлар турган баракда содир бўлаётган турли жиноят, ур-йиқитлар, узаро мушшлашиш, бир-бирини раҳм қилмай ўлдиришлар, одамларнинг бу даража бузилишига келиб қолганликларига унинг ўз қараши, ўз фалсафаси бор эди. У кўрқмасдан, бу аҳволга октябрь инқилоби, ундан кейинги нотўғри сиёсат сабаб деб очикдан-очик гапирарди. Масала сиёсатга тақалганда, ундаги шу вақтгача ҳукм сурган бепарволик бирдан тарқалиб, кўзларида қандайдир олов, сўзларида кескинлик ва ғазаб пайдо бўларди. У атрофдаги одамларга ишора қилиб:

— Сен билан мен сиёсий маҳбуслармиз, булар-чи? Буларни ўғирлик қилиб, одам ўлдириб, кишиларнинг ҳақларига хиёнат қилиб, ёш-ёш қизларни зўрлаб жиноятга қўл уришларига нима сабаб?

Бизлар синфсиз жамият қураимиз, дедик. Яхши! Синфларни тугатмоқчи бўлдик. Қайси синфларни? Қандоқ қилиб? Ҳаммамиз бир миллатда яшасак, битта халқ бўлсак, кимга қарши курашамиз? Камбағаллар бойларга қарши! Бу деган сўз камбағалроқ одам бойроқ ўз қариндошига, ўз қўшнисига, ўз қишлоғи, маҳалласидаги одамларга қарши курашиши керакми? Ўзи билан бирга яшаб келган одамларни аямасдан синф сифатида йўқотиши керакми? Қандай йўқотади? Қулоқ қиладими? Ўз юртидан бола-чақаси билан бадарға қилиб, уларнинг мол-мулкни тортиб олиб, ўзи эга бўладими? Синфларни тугатиш шуми? Бу синфсиз жамият эмас, ғаламислар жамияти-ку?

У менга, виждонли шоир бўлсанг, қани, айт-чи, ёки гапим нотўғрими, дегандек жиддий қараш қилди. Гарчанд унинг гаплари мантиқан тўғри бўлса ҳам, бу гапларни эшитган одам чўчимасдан «тўғри» деб айтолмасди. Ҳатто мен ўзим ҳам йигирма беш йилга қамалган одам бўлишимга қарамай, унинг фикрларини дарҳол тасдиқлашга ўйлаиб қолган эдим. Эркинликка чиқишга умидвор одам, бу гаплар қанчалик ҳақиқат бўлмасин, айтишга эмас, эшитишга ўрганиб қолмаслиги керак, ўзини узоқроқ тутиши керак деб ўйлардим.

Аммо у одам ўз ҳақлигидан ўзи фахрланиб ҳузур қилгандек:

— Инсофли, виждони бор одам бир-бирини талайди-ми? Бизнинг ҳукумат эса талашни, бировларнинг ҳақидан кўрқмасликни савоб деб ўргатди. Қариндош қариндошни талади, синфий душман деб бола отанинг кўзини ўйди. Мана, оқибат ҳаммани ўғирликка, худодан кўрқмаслик, бандадан уялмасликка ўргатиб бўлди. Одамлардан меҳр-шафқат кўтарилди. Мана булар,— ўз атрофидаги ўғирлик қилиб қамалганларни кўрсатиб,— ўша сиёсатнинг меваси.

Ҳар қандай ақли бор инсон қашшоқлик, муҳтожликда эмас, бой бўлиб, тўқ бўлиб яшасам, дейди. Бизнинг ҳукумат-чи, камбағалликни эмас, бойларни йўқотаман, деди. Мана ниятига етди. Ҳамма камбағал, ҳамма ўғри. Тўғри гапни айтган сиз билан биз — халқ душмани.

Виждонингни ютиб, ҳақиқатни гапиролмай, эркин юрганингдан, оч-яланғоч бўлсанг ҳам овозингнинг борича ўзинг севган кўйни айтганинг маъқул.

Бу одамнинг шунча йил қамоқда бўлиб, руҳан тушқунликка тушмай, бунчалик тетик юришига сабаб энди аён бўлган эди.

Пересилний пункт (бундай сўзлар ўзбекчада бўлган эмас, чунки, бундай жойларнинг ўзи бизнинг халқимизга бегона, шунинг учун ўзимча олдим) шундай бир даргоҳки, бугун бирга бўлган одамнинг эртага йўқ. Ахир, ўзингнинг ҳам қаерда, қачон нима бўлишингни биласанми, билмайсан!

Бугун ҳам шундай бўлди. Қамоқ назоратчиси ҳаммамизни баракдан довлига чиқишга, саф бўлиб туришга буюрди. Исми шарифларимиз, жиноят қонунининг қайси моддаси билан айбланганимизни айтиб, йўлга чиқиш учун юкларимизни олиб чиқишни таъкидлади.

Суд тугаб, йигирма беш йилга ҳукм қилинганимдан кейин, уйдагилардан устимдаги костюм-шим, оёқ кийимларимни олиб кетиб, ўрнига ички-устки иссиқ кийимлар, пахталик шим, пахталик чопон, кўн этик, оддий бўлса ҳам жун қалпоқ олиб келишларини сўраган эдим. Бугун кун иссиқ бўлишига қарамай, умримда биринчи марта керза этик кийиб, қопимни орқалаб чиқдим. Энди қаерга олиб боришади? Билмайман. Аммо, нима учундир, ўша кунлари андижонлик Ёрқин аканинг ўз оиласи ҳақидаги айтганлари хаёлимдан кетмай, мени азобларди. Хотинимнинг умри ўхшамасин-у, аммо унинг ҳам шу кунларда бошдан кечирган азоблари Ёрқин ака хотинининг кўргуликларидан нимаси кам?

Ҳали тергов тугамасданоқ уни «халқ душманининг хотини» деб ишдан ҳайдашади. Хўш, энди нима қилишим керак?

Икки бола, унинг устига, ҳомиладор. Урушдан кейин ҳали уй-рўзгорни ўнглаб олганимизча йўқ эдик.

Мен қамалгач, орадан кўп ўтмай Андижонданми, Қашқадарёданми 34 сўм пулга қоғоз келиб, ишонч қоғозини тасдиқлаш учун хотиним Ёзувчилар союзига муножаат этди. Эрталаб борса, союз раҳбарлари: «бирпас кутиб туринг», дейишган. Оч, оғироёк, кечгача пойлаган. Унга «кутиб тур» деган союз раҳбари ишонч қоғозини тасдиқлаб бериш ўрнига: «Нега бу ерда ўти-

рибсан, биз сени ҳам, Шукруллони ҳам танимаймиз, иккинчи бу ерга қадам қўйма»,— деганча кетиб қолган. Бу кутилмаган муомаладан кейин союзнинг эшигидан чиқиши билан ҳушидан кетган. Уйга қандай келгани, ким олиб келиб қўйганини ҳам эслаёлмайди.

Қамалишимдан олдин йирик дoston ёзишга киришиб, ижодий отпусқа олган эдим. Шу муносабат билан асар битгунича адабиёт фондидан ўша вақтнинг пули билан минг сўм олгандим. Мен қамалгандан кейин кўп ўтмай Ёзувчилар союзи пулни ундириш учун хотинимни судга беради. Пулни олган қамоқда! Нима қилиш керак? Агар уни тезда тўламаса, ҳовли-жойни мусодара қилишларини билдиришган. Шундан сўнг уйдаги бор нарсани — гилам, қўлидаги билакузук, яна ҳар балоларни арзонгаровга сотишга тушган. Ҳам айрилиқ, ҳам етишмовчилик, ҳам энг яқин одамлар келтирган хўрлик, айниқса бунисига чидаш қийин эди.

Қизим Умида туғилиши муносабати билан учрашишга рухсат этишларини сўрамоқчи бўлиб, хотиним терговчига телефон қилади. Терговчи: «Бу телефон номерини қаердан олдинг? Сенга ким берди?»— дея дўқ уриб, дағдаға билан уни ҳақоратлай бошлади. Бундай муомаладан кўрқиб, дағ-дағ титраб, юраги ёмон бўлиб, болани ерга ташлаб ҳуборади. Ёнида турган Мирзакалон Исмоилийнинг хотини қўлидан тушаётган гўдакни илиб олганча, ўзини ерга ўтқизиб, тинчлантиради.

Севиқли хотинимнинг тортаётган хўрлиги азобларини хаёлимдан бир-бир ўтказарканман, гуноҳкор бўлиб қамалган мен бўлсам-у, у бечораларда нима айб? Муштипар, мушфиқ бу бечораларга шунчалик зулм? Бу шўрликларнинг гуноҳи нима? Отасиз уч фарзандни боқиш, айрилиқ азобини тортиш, ўзи етмасмиди, дердим.

Тоштурмага олиб келишганига ҳам, мана, бир неча ҳафта бўлди. Севиқли фарзандларим, хотиним, қариндош-уруғларим билан сўнгги марта дийдор кўришиб, хайрлашиш ҳақидаги илтимосимга ҳам ҳамон жавоб йўқ. Аммо одам ўлдирган, ўғри, айрим савдогарлар эса уйдан келган ноз-неъматларни еб, ҳатто қамоқда эканликларини ҳам унутиб, қарта, қимор ўйнаш, айш-ишрат билан овора. Аслини сурштирганда буларнинг нима ғами бор? Чунки, ўғри — ўғирлик, фирибгар — фирибгарлик қилганда бир кунмас бир кун қўлга тушиб қолишига ишонмаса ҳам, албатта кўнглидан ўтказгани табиий. Бундан ташқари, ўғриларгина эмас, ҳатто одам ўлдирганлар ҳам бизчалик раҳмсизлик билан 25 йил озодликдан маҳрум қилинганмас! Уларнинг муддатлари ҳам оз, қамоқ шароити ҳам бошқа. Бола-чақалари ҳам ўз уй-жойида, ҳеч ким улардан халқ душманининг оиласидан жирканиб қочгандай қочмайди, хўрламайди. Фақатгина илм аҳли, зиёли зотигина ўғри, киссавурлардан ҳам хор, тубан саналади.

Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортади деган замон шу эмасми?

Энди сен шоир ёки олим эмас, «керуха»сан. Ўзингдан ёш чўнтаккесар: «Чекишдан ол, керуха (бу — қамоқ шевасида «шерик» дегани!») деб ёнингга кела бошлайди. Бу ерда шоир, олимнинг уч пул, Керуха — шерик деса нимаси ёмон? Ёмонлиги шундаки, сўраган нарсасини яхшиликча берсанг — бердинг, бермай кўр-чи, иложинг йўқ, нарсанг борлигини билдими, бўлди, бўғиб бўлса ҳам олади.

«Замона зўрники, томоша кўрники», деганлари ҳам шу ерда.

Қамоқ муҳитини билмаган, шоир ёки олимлик ёрури ҳали вужудингдан аримаган дастлабки кунларда бундай муносабатлар сенинг хўрлигингни келтиради, ғазаблантиради. Аммо бу ерда оғиздан оғизга ўтиб юрадиган «параша» (узун қулоқ, тўқима гапларга айтилади) би-

роз қаҳрингдан тушириб таскин беради. Ўзларини овутиш учун маҳбуслар бир-бирларидан, хўш, бугун қандай парашалар бор, янгисини эшитдингми, билишимча, 25 йил қамоқ муддати йўқ қилиниб ўрнига ёки отиш, ёки узоғи беш йил қамоқ бўлармиш. Баъзилар бунга эътироз билдириб бу бекор гап, мен бошқача эшитдим, яқинда умуман сиёсий маҳбуслар ҳаммаси озод қилинармиш, деган гапни кимдан эшитган, ростми, ёлғонлигини билмаса ҳам, топиб келарди, ишонтиришга уринарди.

«Уруш чиқарадиган ростдан муросага келтирадиган ёлғон афзал», деганларидек, бу гаплар бир нафас бўлса-да сенга умид бағишлайди.

Тоштурмадан жўнатишлари олдидан оилам, қариндос-уруғлар билан кўришадиган кунимда, асослими, асосизми, мени шундай яхши гаплар борлигини айтиб, хотиним, болаларимда яқин орада дийдор кўришишга умид уйғотиш, далда беришга баҳона бўларди.

Ниҳоят, Тоштурмадан жўнаб кетар олдидан уйимдагилар билан дийдор кўришиб, хайрлашишга рухсат олдим. Кўришишга кўришидиг-у, аммо минг афсус ҳам едим, дилимга ачиқ ҳам солди. Буни аслида кўришиш эмас, абадий хайрлашув, видолашув деса тўғрироқ бўларди. Хайрлашувга келганлар орасида хотинимдан ташқари эри халқ душмани бўлиб қамалиб кетган опам бечора бор эди. Эридан айрилиш азобини тортиб адоий тамом бўлган опам, унинг ғами етмагандек, менинг ғамимга шерик бўлиб, энди мен билан хайрлашишга келган эди. Балки бу сўнги кўришишдир, шунга қарамай, сени кўргани келганларни бағринга босиб хайрлашиш имкони ҳам йўқ эди. Оралиқда бир метрча жой қолдириб, икки томони тўр симдан қилинган деворлар ортидангина бир-биринг билан бор-йўғи 10—15 дақиқагина гаплашиб олиш мумкин эди. Нимани ҳам гаплашасан? 30 йилга ҳукм қилинган одам сен нима дердингки, улар нима дея оларди?!

Эрининг ҳижронида адо бўлган, худодан тилаб-тилаб олган ёлғиз укасидан ажралиш дардида қуйиб кетган аламзада опамнинг жовдираган кўзларига, устихонга ёпишган юзларига боққанимча умид ёки дармон бўлгучи сўз айтишга тилим келмай қолган эди. Опам эса:

— Опанг ўргулсин. Худонинг раҳми келсин, ота-бобомнинг арвоғи ёр бўлсин,— дейишдан бошқа гап айтолмасди. Бутун истаклари, бутун вужуди кўз ёш бўлиб оқарди, худоё худовандо тухмат қилганлар ниятига етмасин, дерди. Опам такрор-такрор дуо қиларди, такрор-такрор кимларнидир қарғарди. Унинг ёнида турган хотиним эса, кўзларида ёш, худди беҳушдек жим эди. Гўё унинг бутун дардларини опам айтгандек, фақатгина у:

— Узингизни ўйланг, бизлардан ташвиш қилманг, болаларни хор қилиб қўймайман, хат ёзиб туринг, аҳволингизни маълум қилиб турсангиз бас!..— дерди.

Яна нималар деди, қулоғимга кирмади. Чунки, унинг меҳр билан айтган бу сўзлари, жудолик олдида менда уйғонган рашк сабаб бўлибми, кўзларимга ҳар галгидан ҳам гўзал кўриниб, қалбимда қутилмаган қийноқ солиб қўйган эди.

Бу кўришув чексиз дард, хотирамда энг оғир дақиқа бўлиб қолди. Уни ҳаётимдан ҳам ортиқ севганлигим шу айрилиқ олдида яна билинди. Билинди-ю, юрагимга ўт солиб қўйди. Шу фурсатда менда севги, вафо, садоқат, риё, хиёнат — ҳамма-ҳаммаси даҳшат ва қувонч билан ёпирилиб келиб, бу сўзларни гўё энди эштаётгандек, ҳақиқий моҳиятини энди ҳис этаётгандек ҳолат пайдо бўлган эди.

Мен уларга таскин бериш учун, маҳбуслар орасида юрган 25 йил муддат беш йилга камаярмиш, яқин орада сиёсий маҳбусларга авфи умумий эълон қилишармиш, янги жиноий мажмуа қабул қилинармиш каби узунқулоқ гапларни айтиб, тез орада дийдор кўришишга умид уйғотиб бўлгунимча ҳам бўлмай, назоратчининг, муддат тугади, кетинглар, тугатинглар, деган бешафқат дўки билан ажралишдик. Кўз ёши фарёд билан ажралишдик.

Алвидо, она юрт, алвидо, Ватан,  
Болалигим кечган ерлар алвидо!  
Қайси гуноҳимга бу қўйга солдинг,  
Қайси қилмишимга, эй қодир Худо?

Бугун мен нури дийдаларим, бола-чақаларим, севиқли ёрим, мушфиқу муштипар, жабрдийда опамдангина эмас, ёшлик хотираларим, қувончларим, она юртим билан қайта кўриш насиб этадим, йўқми, бутун бахту севинчим билан, зиёратгоҳим бўлган ота-онам хоки ётган муқаддас тупроғимдан мангуга жудо бўлиб, хайрлашар эдим.

Орадан бир кун ўтгач, юзга яқин маҳбусларни юклари билан Тоштурманинг ҳовлисига йиғиб, ўтиришни, ижозат бўлмагунча қимирламаслик, ўриндан турмасликни буюришди. Жазирама саратон офтобида куйдириб соатлаб ўтқизиб қўйишди. Икки йилга яқин қамоқда ўтириб офтоб иссиёғига ўрганмаган, бекуватликдан қонсиз оқ-сарик бўлиб қолган юзимга худди чўғ босгандек, кўнгил беҳузур эди. Томоқларим қақраб, ҳожатга чиқши зарурати тўғилгудек бўлса автомат ушлаб атрофингни қўриқлаб турган соқчилар, сендан кўз узмай ташлангудек бўлиб акиллаб ўтирган овчарка итлар ўрнингдан қимирлашга қўймасди. Сенинг рухсатсиз бир қадам ташлашга, оғиз очиб бирор талаб қўйишга ҳаққинг йўқ. Сен жазога, ҳа, суд ҳукми билан жазоланишга ҳукм қилингансан. Агарда сен саратон офтобими, очлик ёки 50—60 даражали қаҳратон қишининг совуғига бардош беролмай ўлсанг, бунинг учун ҳеч ким гуноҳкор эмас, чунки сен бардош билан берилган жазога чидашинг керак. 25 йиллик жазога бардош беролсанг, озодликка эришасан, суднинг ҳукми шу! Яхшики, Тоштурма ҳовлисида саратон офтобида кўнглинг беҳузур бўлиб, ҳолсизланыпсан. Бу сенинг бахтинг. Агарда шундай аҳвол 50 даражали совуқ, бўронда ёки 50 даражали жазирамада, 15 километрлик жойга транспорт бўлмай пиёда ҳайдашган вақтда рўй бериб, орқада қолсанг, энг осон чора — буни қочиш ҳисоблаб, сени отиб ташлайдилар. Чунки сен жазога маҳкум, ҳуқуқдан маҳрум одамсан. Агарда сен ўлмай, тирик қолиб, бир кунмас-бир кун ёруғ кунлар келиб, озодликка умид боғласанг, ҳар қандай жазога чидашинг керак.

Бу гапларни гўё мен эмас, менга ҳамроҳ бўлиб Тоштурма ҳовлисида жазирамада мен билан ёнма-ён ўтириб, йиллаб қамоқ азаобларини тортиб, чиниқиб кетган андижонлик Ёрқин аба айтгандек эди.

Шу орада қандайдир папкалар кўтарган турма бошлиқлари биттама-битта исми-шарифимиз, жиноий ҳукм моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимизни турғизиб сўраб, лагерга олиб кетувчиларнинг ихтиёрига санаб топшира бошлашди. Бизларга қўйилган жиноий модда 58-эканини айтганимизда, одам ўлдириб, ўғирлик билан қамалганларнинг ўзаро бизларни кўрсатиб бир-бирларига, булар сиёсийлар, фашистлар дегани қулоғинга чалиниб қоларди. Гўё улар халқ дўстларини биз халқ душманлари.

«Ташкент товарний» станциясига олиб келиб «қора қарға»дан туширишгач, ҳаммамизга ерга ўтиришга буйруқ бериб, яна отамиз, ўзимизнинг исми-шарифимиз, қўйилган жиноий моддамиз, неча йилга ҳукм қилинганимиз яна

сўраб, худди мол санагандек бирма-бир ҳисобдан ўтказиларди. Баъзан соатлаб айрим жойларда туриб қолсак, баъзан, ёв қувгандек, «қани, қани, тез-тез бўл», деб юришга шошириб, бир қадам сафдан четган чиқиш қочиш ҳисобланиб огоҳлантирмасдан ўт очилади, деб таъкидларди.

Бу гапни биринчи эшитаётган беморлар, кексалар елкаларида юки билан куннинг иссиғида томоқлари қақрашига қарамай, бир ваҳимада оёқларини зўр билан судраб, километрлаб йўл босарди.

Юзлаб маҳбусларни офтобда қизиб ётган қизил вагонлар олдида тўхтатдилар. Шу фурсатда бизлар чиқариладиган вагонлар томонга «ана улар, худди ўшалар» деб темир йўл шпаллари устида югуриб келаётган одамлар пайдо бўла бошлади. Булар Тоштурмада дийдор кўришолмаган, қаёққадир бугун жўнатилишидан хабар топиб отаси биланми, фарзанди ёки эри биланми гаплашиш имкони бўлмаса ҳам, узоқдан дийдор кўриб қолиш учун келган одамлар эди. Конвойлар эса буларни итлар билан қўрқитиб, сўнгги марта бир оғиз сўзини айтишга ҳам яқинлаштирмасди.

Бу вагонларга қанча одам сиғадиган жой борлигига қараб эмас, маҳбусларнинг сонига қараб, бир одам сиғадиган жойга ўн, ўн бешта одам жойлашадиган

жойга юз одамни уриб-тиқиб чиқишарди. Жой топиб жойлашиш сенинг ўзингга боғлиқ. Утириб кетасанми, ётиб кетасанми, конвойлар бунга эмас, санаб, қанча маҳбус олган бўлса, тайинланган жойга шунча маҳбусни етказишга жавоб берарди.

Кузатувчиларнинг дод-фарёдлари ўрнини вагонларнинг зарб билан силжиши, чинқириб узоқлашиши эгаллай бошлади. Гўё бу она юртидан айрилган бизларнинг чинқирик, фарёдларимиз эди.

Ўз юртимизда кўрган бу азобу кўргилик ҳолва экан. Дўсту ёрларинг, она юртинг, сенга жони ачиган қариндош-уруғларингнинг нафаси сезиларди. Уларнинг ёнингда борлигини сөзиш дармон бўларди. Додинг уларга эшитилиб тургандек таскин топардинг. Ҳақиқий тутқунлигимиз, бутун эркисизлигимиз, ҳақиқий дўзахнинг эшиги, ҳали бизлар олиб бориладиган лагеримизга етмасданоқ, Красноярский пересильный пунктларидан бошланди. Бу ердаги бўлаётган ваҳшийликларни биринчи бор кўрган одам 25 йилни ўлмай тугатиш эмас, бир, икки йил омон яшашга ҳам, айниқса, биздек зиёли маҳбуслар ишончини йўқотарди. Бу ер дўзахнинг иккинчи қопқаси эди...

**ОХИРИ КЕЛГУСИ СОНДА**





# НИГОХ

Депутат сўз  
сўрайди



Ҳозирги шароитда иттифоқимиз ва жумҳуриятимиз раҳбарлари томонидан оналар ва болалар учун қилинаётган имтиёзлар, албатта катта аҳамиятга эга. Аммо буларнинг ҳаммаси тиббиёт соҳасида қўлланиб келинаётган эски усулларни эслатади, яъни касалликка олиб келадиган сабаблар билан курашмасдан, балки касалликни даволаш билан бандмиз.

Шуниси ачинарлики, раҳбарларимиз, қолаверса биз эркаклар — аёлларимизни биринчи ўринда, она сифатида эмас, балки ишчи куч қиёфасида тасаввур қиламиз. Аёлларнинг ҳозирги кунда, техника воситаларининг ривожланиб бораётганлигига қарамай, инсонни камситадиган шароитларда иш-лаётганлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Меҳнаткаш аёлларимиз ўзининг «чидамлилиги» билан биз эркаклардангина эмас, ҳатто ҳозирги замон машиналари ва механизмларидан ҳам устунлигини исботлаб берди. Шунинг учун бўлса керак, аёллар учун иш пайтида кўтарадиган юкнинг оғирлиги 15 килогача, жами эса, иш кунда 7000 килогача белгилаб қўйилган. Бу норма ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Мисол учун, Францияда аёллар учун бир иш кунда жами кўтариладиган юкнинг оғирлиги 400 кило миқдорини ташкил қилади. Бу яна бир бор жамиятимиздаги «тенгҳуқуқликни» ва аёлларга бўлган муносабатимизни кўрсатади.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги пайтда, энг аввало, оналаримиз армия сафида хизмат қилаётган йигитларимизнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун аниқ тадбирлар кўрилишини ҳукумат органларидан талаб қилишмоқда ва бу соҳада маълум маънода ўзгаришлар содир бўлмоқда. Аммо ҳар йил жумҳуриятимизда ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган аёллар ўлимнинг сони 500 дан ортиқлиги, наслдан-насла ўтадиган касалликларга чалинган ва мажруҳ бўлиб туғилган болаларнинг сони 6000 дан ортиқлиги кимни қайғуртирарпти?! Жумҳуриятимизда ногирон болалар интернатлари ёмғирдан кейин чиққан кўзикоринга ўхшаб кўпайиб боряпти. Ногиронлиги туфайли жамиятимиз томонидан инкор қилинган болаларнинг сони 13 мингдан ортқ.

Буларнинг сабаблари нимада?

Асосий сабаблардан бири — оналарнинг турли хил касалликларга чалинаётганлигидир. Биз бир нарсани унутиб қўяпмиз. Агар аёлларимиз, оналаримиз ва болаларимиз соғлом бўлмаса халқимизнинг, миллатимизнинг келажаги бўлмайди. Аҳвол шу хилда кетадиган бўлса 2040 йилга бориб иттифоқимизда ногирон ва наслдан-насла ўтадиган касалга чалинган болаларнинг сони соғлом болалар билан тенглашар экан. Агар иттифоқимиздаги кўп туғадиган аёлларнинг 30

фоизи жумҳуриятимизда яшашини эътиборга олсак, келажак авлодимиз қандай бўлишини тасаввур қилса бўлади...

Ҳеч кимга сир эмас, биз жумҳуриятимиздаги иқтисодий тақчилликни ҳал қилиш учун келажак авлодларимиз чўнтагига қўл уряпмиз. Икки йил олдин ЎзССР Олий Совети томонидан вилоятларни қўшиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу қарорни амалга ошириш жумҳуриятимиз учун 1 млрд. сўмга тушди. Энди бўлса қайтадан бўлиниш бўлди. Бунинг учун ҳам 9-10 рақамли маблағ сарфланган бўлса керак. Фақатгина қайта қуриш йилларида жумҳуриятимизда қуриб битказилмаган қурилишларнинг нархи 5 млрд. сўмдан ошиб кетди. Бу рақамларни айтишимнинг боиси шундаки, мана шунча халқнинг пули кимларнингдир бефаросатлиги туфайли ҳавога совурилса-ю, миллатимизнинг келажаги бўлмиш болалар билан оналарнинг соғлиги йўлида сарфлашга маблағ топилмаса?

Болалар билан оналарнинг ачинарли аҳволини яқинда қабул қилинган қарорлар билан яхшилаб бўлмайди. Маъмурий буйруқбозлик системаси раҳбарлигида жумҳуриятимизда пахта яккаҳоқимлиги авж олди. Бунинг натижасида халқимиз, иттифоқимизга нисбатан гўшт ва гўшт маҳсулотларини 50 — 60 фоиз, сут ва сут маҳсулотларини 40-50 фоиз, мева ва सबзавотларни 30-40 фоиз кам истеъмол қилади ҳам бўлди. Шу сабабдан ҳам жумҳуриятимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларида камқонлик касалига чалинган аёлларнинг сони 60 фоиздан ошиб кетди.

Жумҳуриятимизда оналар ва болалар саломатлиги қай даражада эканлигини раҳбарлар қаердан билишсин. Улар учун, уларнинг қариндош уруғларини танишлари учун алоҳида шифохоналар ва санаториялар мавжуд, ҳар йил соғлиқни сақлаш бюджетидан 21 млн. сўмга яқин маблағ ажратилади. Бу деганимиз, оддий фуқаро даволаниши учун сарфланадиган пул бир йилда ўрта ҳисобда 70 сўм бўлса, юқорида айтилган шифохонада даволанувчилар учун эса 1600 сўмни ташкил этади.

1990 йил 31 мартда ЎзССР Олий Совети қарорига биноан граждандарга берилган имтиёзларни ўрганиб чиқиб тартибга келтириш масалалари билан шуғулланадиган комиссия тузилди. Ушбу комиссия 4-бош бошқармага қарашли 2-шифохонани Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ихтиёрида «Она ва бола» касалхонасига айлантирилсин деган қарор қабул қилди. Биз айрим депутатлар мазкур шифохонани ҳомиладор, бироқ бошқа дардларга чалинган аёлларни жумҳурият бўйича даволаш шифохонасига айлантириш тарафдори эдик. Тўғри, юқорида тилга олинган қарор бўйича бу шифохонада шаҳарликлардан ташқари 30-40 фоиз вилоятлардан келган аёллар ҳам даволанишлари мумкин. Бироқ шу пайтгача қабул қилинган кўплаб яхши қарорлар фақат қоғозда қолиб

кетаётганлигини назарда тутсақ, бу шифохона фақат ўз номинигина ўзгартириб, собиқ мижозларнинг тўла ихтиёрида қолиши мумкин. Агар мазкур қарор амалга ошганда ҳам, халқимиз олдида турган катта муаммонинг ечими бўла олмайди. Олдинда айтганимиздай ҳар хил дардларга чалинганлиги туфайли туғиш пайтида ҳаётдан кўз юмаётган аёллар сони 500 дан ортиқ. Бу 500 оиланинг устунни қулади, неча минг бола онасиз қолди, деган гапдир. Биз бунинг олдини олиш учун бонг уришимиз керак.

Олтмишинчи йилларда АҚШнинг олис сарҳадларидан бирида жумҳуриятимизда рўй бераётгани сингари оналар ва болалар ўлими кўпайган эди. Шунда махсус комиссия тузилиб, бу аҳвол маълум миқёсда ўрганиб чиқилган ва оқилона тадбир ва чоралар кўрилган. Махсус жиҳозланган, зарур дори-дармонлар билан таъминланган шифохоналар зудлик билан қурилган. Бу шифохоналар шундай жойларда қурилганки, токи ҳар қандай узоқликдаги бемор энг ибтидоий транспортда ҳам ярим соатда шу шифохонага етиб кела олади. Жумҳуриятимизда юзага келган ҳозирги фожиали аҳволни бартараф қилиш учун шифохоналарда бемор ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш учун фақат маълум фоиз жой ажратиб қолмасдан, зудлик билан Америка тажрибасидан фойдаланишимиз зарур.

Арманистонда ер қимирлаганда, жуда кўп жароҳатланганларга плазма қуйиш керак бўлди. Бироқ қурилган плазма етарли-ю, уни беморга қуйиш масаласи муаммо бўлиб қолди. Чунки қуруқ плазмани эритиш учун махсус тозаланган сув керак эди. Ичишга сув топилмай турган ёки бор сувни тозалаш имкони бўлмаган қийин шароитда қандай қилиб инсонга плазма қуйиш мумкин? Шунда Кубадан келтирилган плазма жуда ҳам қўл келди, чунки бир қутида плазма билан бир қаторда уни эритиш учун керак бўлган сув ва игна қўйилган экан. Бу мисолни келтираётганимнинг сабаби шуки, ҳозир жумҳуриятимизда болаларнинг махсус истеъмол овқатларига бўлган эҳтиёжи 27 фоиз қондирилмоқда, магазинларда сотилинадиган «Бонна», «Пилти», «Малютка», «Малыш», «Декто-лакт» каби қурилган сутли овқатлар Оролбўйи вилоятларидаги сув таркибида тузлар кўплиги туфайли эримаятганлиги маълум бўлиб қолди. Агар биз сунъий сутларни эритиш учун етарли сувни қўшимча қилиб ишлаб чиқарсак, бу вақтинча муаммони ҳал қилишда ёрдам берган бўлур эди. Ёки чет эл фирмалари билан шартнома тузиш лозим, масалан, Финляндияда тайёр эритилган ҳар хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Илгари оналар болаларини 2-3 ёшгача эмизар эдилар. Маълумки, аёлларда эмизиш безлари ишлаган пайтда уруғланиш безлари фаолияти тўхтайдди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги туфайли оналар кўкрагининг сутни қуриб қолди. Эмизиш тўхташи билан бевақт ҳомила юзага келади. Табиийки, илгари кўп болали оналар фарзандлари орасида туғилиш муддати 2-3 йил бўлса, бу муддат кейинги 10 йилликда 9 ой, 1 йилга тушиб қолди. Оилани режалаштириш ҳақида ҳар хил ҳомиладан сақлайдиган дори-дармонлар ҳақида гапирармасдан, аёлларимизни яхши овқатлантиришимиз керак, токи улар болаларини тўйғизиб эмиза олсинлар. Бундан жамият икки томонлама фойда кўради. Биринчидан, она сутини эмган бола соғлом бўлса, иккинчидан она организми маълум муддатда дам олади ҳамда кейинги фарзанд соғлом, нормал вазнда туғилади. Табиат инсонни яратар экан, унинг ҳар бир функциясини мутаносиб яратган. Биз табиатдан эҳсон кутмаймиз, дарёларни тескари оқишига ҳам қурбимиз етади, дедик. Табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни бузишни аввало пахта яккаҳоқимлигини кучайтиришдан бошлаб, Оролни сувсиз, еримизни мевали дарахтларсиз қолдирдик. Оқибатда эса ўзимиз ҳалокат чоҳи лабига келиб қолдик.

Бизнинг бугунги бош вазифамиз ёш авлодни жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш бўлиш керак. Зеро эртанги кун истиқболини биринчи навбатда мана шу оналар ва болалар муаммосини қандай ҳал қила олишимизга боғлиқ деб ўйлайман.

Фарҳод ФУЗАЙЛОВ,  
ЎзССР халқ депутаты

## Абдурасул Жумақулов



1965 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз ноҳиясида туғилган. Шу йил Тошкент Давлат дорилфуннининг жўрналистика ихтисоси бўйича битирди. Шеърлари «Ёшлиқ»да илк марта эълон қилинмоқда.

### Сен сўзлама

Сен тинчгина ухлай оласан,  
Осонгина юмилар кўзинг.  
Қийналмайсан, азоб чекмайсан,  
Мен шўрликка қанчалар қийин.

Нима ўтди, нима юз берди—  
Бир худога аёндир бу сир.  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма турар жим,  
Мену сендан бошқа йўқ билгир.

Сен сўзлама, қилмагин ошкор,  
Майли, тамом бўлай эзилиб.  
Ахир, менга айтгин, не даркор  
Номард туриб қилган мардлингинг?

Пул— қўлнинг кири.  
Лекин пахтакорнинг қўли  
Кўп сирли.  
Қанча меҳнат қилмасин  
Йил бўйи,  
Қўлида кир турмас—  
Топ-тоза!  
Баъзиларнинг қўллари бўлса,  
Ишламасалар-да нечундир  
Доим кир—  
Қоп-қора!  
Бу қўлларнинг ҳам демак,  
Кам эмас «сир»и.

### Кекса дарахт

Нечундир ўзига қаттиқ ишониб,  
Умрим бекор кетмади дея  
Ўйлар эди ҳовуз бўйида  
Кекса бир дарахт.  
Мен унга ҳавас қилдим,  
Чунки унинг гапини  
Тасдиқлаб турарди ҳар лаҳза  
Ўжар шамол ҳам...

Хусайн Бойқаро

Мухаббатнома

Ул қуёшким, чарх аро ошуфта парчамдур букун,  
Хаста кўнглум зулфи тоби ичра дарҳамдур букун.

Сўрма кўйингда агар афғон қилурмен ҳар кеча,  
Ким, манингдек ошиқу беҳонумон камдур букун.

Ул вафосиздин жафолар кўрдуму дам урмадим,  
Ким, манга ошиқлиғ ойини мусалламдур букун.

Хайли ғам жониға қасд айлар эди, эй аҳли ҳуш,  
Чун мадад қилди манга ишқ, ўзга не ғамдур букун.

Жон бериб ўпдум аёғин собит айлаб ишқ анга,  
Мен киби бир ошиқи собит қадам камдур букун.

Ким гадоинг бўлса оламдин кечиб, эй дилрабо,  
Фақр аҳли ичра бир султони оламдур букун.

Сўрмангиз мискин Хусайний ҳолини, эй аҳли ҳуш,  
Ким, фалоне ишқидин расвойи оламдур букун.

Эй сабо, бергил хабар, сарви равоним келдиму,  
Жон иси сендин келур, руҳи равоним келдиму?

Ҳажр даштида мунграб қолмиш эрди хаста жон,  
Ваҳ денгизким, ул ғариби нотавоним келдиму?

Келган эрмиш хўблар ишқ аҳли қонин тўккали,  
Эй кўнгул, кўрқим менинг қатлимга жоним келдиму?

Зулфида сен банду мен кўйида бемор, эй кўнгул,  
Завфдин деким, санга мунглуғ забоним келдиму?

Ёр меҳмон бўлса жисм уйига, жон айлай нисор,  
Айтингиз, эй дўстларким, меҳмоним келдиму?

Раҳм этиб, бир кун Хусайнийни итингдин сўрғасен:  
Ул маломат кўйида итган ямоним келдиму?

Ўтға ёқғил сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,  
Елга бергил гулни, ул рухсори зебо бўлмаса.

Сарв бирла гул тамошосиға майлим йўқтурур,  
Боғ аро ул сарви гулруҳдин тамошо бўлмаса.

Нега сафлар чекди мужгондин, агар жон мулкига  
Кўзларингнинг майли ҳар дам қатлу яғмо бўлмаса.

Бўлмағай эрди жунун даштида саргардонлиғим,  
Зулфи печи тобидин бошимда савдо бўлмаса.

Гавҳари мақсуд топмоқ мумкин эрмас, эй кўнгул,  
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса.

Соқие, май тутки, ҳажр андуҳидин бўлмам халос,  
Ҳар дам илгимда лабо-лаб жоми саҳбо бўлмаса.

Эй, Хусайний, уйқу беҳудлуғ, емак ғамдур манга,  
Бўлса оби Хизру умри жовидон, ё бўлмаса.

Ваҳки, ғам даштида итган нотавон кўнглум қани?  
Тарки жоним айлаган беҳонумон кўнглум қани?

Не нишонидин хабар топдим, не отидин асар,  
Ҳажр водисинда беному нишон кўнглум қани?

Демаким, жонингға ором истасанг топшур кўнгул,  
Сен бурун кўргандек, эй оромижон, кўнглум қани?

Лутфлар қилмиш жаҳон расвоси ушшоқиға ёр,  
Ваҳ, мунигдек чоғда расвои жаҳон кўнглум қани?

Сел сочар гулбарги бўстон ичра ул ой бошиға,  
Бу маҳалда томғудек ҳар қатра қон кўнглум қани?

Сен худ айтурсенки, ишқ ичра керак кўнглумға сабр,  
Сабр этарға, эй рафиқи меҳрибон, кўнглум қани?

Эйки, дерсенким Хусайний ўзгага бермиш кўнгул,  
Ўзгага бермак учун, эй бадгумон, кўнглум қани?



Ғафур Йўлдошев



Омон ўзбекининг кўнгли кутилмаганда хотинига суст кетди. Еши қирқ бешдан ўтиб, тўққизта бола «Ота!» деб турган бир пайт... Ёмон экан-да бу кўнгил қўрғур!..

Онаси уватда ой-кўни етишмасдан туғиб қўйгани боис умид билан Омонбой деб номлашган уни. «Ўзбек» лақабини илаштириши ҳам қизиқ бўлган: болалигида мактабда муаллим дейишга тили қўрғур келишмай, «молим» деб юборган. Муаллим жаҳли чиқиб уришса, йиғлаб онаси пахта тераётган пайкалга борган. Арзини эшитиб одамлар кулишган, Ҳотам бригад завқи келиб: «Ҳе-э, содда ўзбагим-а!», деб юборган. Шу-шу учратганда: «Ҳа, ўзбек, аҳволлар нечук?!», деб ҳазиллашиш одат тусига кирган. Бориб-бориб, қип-қизил дўлворлигига фатво берган воқеалардан сўнг... Теша аравакашининг отига тегилшаман деб чўп билан орқасига ўтиб, жониворнинг тепкисидан жағи бир ёнга қийшайиб қолган, бекинмачоқ ўйнаб баланд тутга чиқиб, кейин тушолмай эрталабгача қолиб кетган, тенгдошлари билан гаров боғлаб, бўлғуси хотинининг уйига ярим кечада девор ошиб тушиб итга таланган, никоҳ оқшоми жўраларининг ҳазилини чин тушуниб, келинчак қўйнига оёқ томондан кирган одамни бўлак нима деб аташ мумкин?!

Хуллас, шу Омон ўзбекининг дида кечадан буён туғён. Бу «дард» унга қаёқдан илаша қолди — ҳайрон. Балки тунлари «тирқ» этса сергакландиган катта қизи шаҳарга ўқишга жўнаб кетгани учундир? Балки... Сабабини излагани сари юраги тобора безовта гусирлайди.



Ҳикоя

Даладан уйга қайтпти-ю, елкасида — кетмон, хаёлида... ўша ширин кеча, атлас кўйлак, кўйлак остидаги силлиқ, момик бадан...

Кеча у даладан кеч қайтди. Ичкари уйда болалари ойнаи жаҳон томоша қилиб ўтиришган экан. «Ҳар доимги кино-да», дея у даҳлизга ўтиб, ўрнига энди чўзилган ҳам эдики, «Жоним, кел, қучоғимга! Мен сени севаман! Севаман!..», деган овоз қулоғига чалинди. Сёкин мўралади: ойнаи жаҳон ичида яланғоч кўкраklarини кўз-кўз қилишиб, бир эркак билан жувон юмала-аб ётишибди!

«Шу шаҳарликларга маз-за-да, яшашни билишади, қара, қандай яйраб ётишибди», дея чўқур хўрсинди Омон ўзбек. Сўнг хотини — Лазокат билан ҳозирги ҳаёти хаёлига келиб, ўксинди. Беш йилдирки, анавиларга ўхшаб хотини билан бемалол ётолмайди. Уртада бўйи етиб қолган болалари бор. Устига устак, уйлари ҳам тор, бор-йўғи икки хонали: ичкарида тўрт қиз билан Лазокат, даҳлизда беш ўғил билан бу ётади.

Тўнғичи — Насимбек туғилганида улар ҳали бирга ётишарди. Чақалоқ ўн икки ойлик бўлганида бешик остидан илон чиқиб қолди. Эрхотиннинг бўлари-бўлди, гўдакни ўрталарига олиб ётишни одат қилишди. Норасидали ўринда эса, ўзингиз биласиз, ҳалигиндай... муносабатлар... мусулмончиликка тўғри келмайди. Шу боис, ўғилчани ухлатиб, сўнг ўзларига алоҳида ўрин солишга одат қилишди.

Бироқ кетма-кет, йил-йилора туғилган фарзандлари улғайишгани, бўйлари етгани сари уларнинг бу

одатлари ҳам барҳам топиб борди.

Мушуклар мов бўлган баҳор кезлари ипак қуртига иккала уйни ҳам бўшатиб, ҳаммалари ҳовлидаги чорпояда тонг оттиришади. Сўнг чигит экишлар, яғана бошланади. Бирорта боласи ё ариқ суви ичиб касалланади, ё сариқ касалга чалинади, ёки... У ёғи ёз: тунлари ғўзага сув тараш керак, оилани тебратиб турадиган томорқадаги меҳнат ҳам тинкани қуритади... Лазокатнинг кўнглини олиш тугул, этигини ечгач, оёқларини чайиб келишга мадори қолмайди. Кейин куз: пахта терими соқол қиртишлашу бош қашишга кўзланган вақтни ҳам юлиб олади. Устига устак, уйи ҳам тор: атиги иккита хона. Фарзанддан эса тўққизта!

Колхоз раҳбарлари бу ерга яқинда ёзги кинохона тушади, сизларни бошқа жойга кўчирамиз деб, иморат қуришга рухсат беришмасди. Мана, тўққизинчи фарзандлари — Мансуржоннинг туғилганига ҳам олти йил бўляпти. Олти йил-а!..

— Омон амаки! Омон амаки, тўхтанг! — деган ташвишли овоз унинг хаёлини бўлди.

Ён-берига аланглаб, Кимсаннинг ери томондан ўзи томон чопиб келаётган жимитдайгина болакайни кўрди.

— Мансир... Мансир... Мансир... — дерди у тинмай нафаси бўғзига тикилиб. Омон ўзбек уни таниди: қўшниси Мамадалининг кенжаси, ўғли Мансуржоннинг тенгмўйсаси.

— Нима — «Мансур?» Шошилмай гапирсанг-чи, нима бўлди? — деди, кўнглига таҳлика оралади.

— Бу ёққа юринг, тезроқ!— Болакай унинг қўлидан ушлаб, Кимсаннинг ери тарафга тортқилади: — Мансир... Мансир... сувга... сувга тушиб кетди!

Омон ўзбек кетмонини улоқтириб, болакай кетидан чопди.

— Нега бу ёққа келдиларинг, аҳмоқлар?!— деб уришди болани нафаси бўғзига тиқилиб чопиб бораркан.

— Ўт ўргани. Ўзингиз Мансирга Кимсаннинг заканида ўт кўп деган экансизу...

— Хе-э, аҳмоғ-эй, мен унга сувга тушгин дебманми!

Кимсаннинг ери этагидаги закан қамишларга тўла, фақат ўртароқда бир қўлочча жой очик, сув сизиб оқади. Мансуржони ўша ерда жонҳолатда типирчилаётганини кўриб, Омон ўзбек ўзини заканга отди. Бет-қўлига қамиш игнадек санчилишига ҳам эътибор бермай, ўғлининг олдига ўтиб борди-да, сочидан чангаллаб закандан олиб чиқди. Сўнг ерга юзтубан ётқизиб, бели билан курагининг орасини эзди. Мансуржон йиғи аралаш ўқчиб, сув қусди.

Омон ўзбекнинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ўғлини даст кўтарди-да, ёлғизоёқ йўлдан жадал юриб кетди. Катта йўлга чиққач, бахтига пахта ортган трактор келиб қолди.

— Балнисагами?— деб сўради Тожи тракторчи ота-бола ёнидан жой олгач.

— Йўқ, уйга. Уйга ҳайданг!— деди Омон ўзбек.

Йўлларнинг ўйдим-чуқури тракторда юрганда билинаркан: бир сакратади, жойлари тор эмасми, бошлари бир-бирига урилиб кетади. Бунга сайин Мансуржон баттар ўқчийди. Шу азобларига яраша қанийди трактор ҳам тезроқ юрса. Уйга етгунларича нақ ярим кун ўтди-ёв!

Ўртанча қизи — Фазилат ҳовли супураётган экан.

— Онанг қани?— деб сўради Омон ўзбек ўғлини кўтариб ичкари кираркан.

— Даладан ҳали келгани йўқ...— деди қизи қўлидан супургисини тушириб.

Омон ўзбек ўғлини чорпоядаги эски тўшакка ётқизиб, Фазилатга сув келтиришни буюрди-да, Мансуржоннинг кийимларини ечишга тушди. Ёрдамга Тоживой ҳам келди. Бола бошини дам ўннга, дам чапга ташлаб ўқчир, тинимсиз йиғларди.

— Дўхтир чақирмасак бўлмас, бола сув ютиб қўйганга ўхшайди,—

деди Тоживой Мансуржоннинг балчиққа беланган юзини артаркан,— Заканнинг сувини биласиз-ку, до-риланган...

— Вой-дод боламга нима бўлди?!— деган овоз эшитилди дарвоза томондан.

Лазокат кела солиб Мансуржонни кучоғига олди.

— Дўхтир чақираверайми?— деб сўради Тоживой.

Омон ўзбек бошини қимирлатиб, «Майли» дегандек ишора қилди.

— Ҳозир, мактабдан қўнғироқ қиламан!

Тоживой чиқиб кетмасидан қўшни кампир — Бозор хола пайдо бўлди.

— Бошини баландроқ қилинлар. Ҳай-ҳай, болам бечорага жавр бўлибди-я,— дея Мансуржоннинг пешонасига қўлини қўйди-да, пичирлаб, ўзича нималарнидир ўқий бошлади.

«Тез ёрдам» анча кеч, Мансуржон ўзидан кетиб қолганда келди. Дўхтир дарров укол қилди, болани касалхонага ётқизиш зарурлигини айтди. Эр-хотин уйда қўшни кампирни қолдириб, «тез ёрдам»га чиқиб жўнашди.

Касалхонада Мансуржонга тағин игна санчишди, сўнг бир хонага олиб кириб ётқизишди. Кучдан қолганигами ё укол таъсир қилди-ми, боланинг тезда кўзи илинди. Лазокат у билан қолди, Омон ўзбек эса уйга қайтди.

Ҳовлига кириб келганида соат тунги ўн иккига яқинлашиб қолганди. Бозор хола чорпояда ёнбошлаганча пинакка кетибди. Оҳиста томоқ қирган эди, кампир кўзини очди.

— Келдингизми, Омонбой? Нима, Мансуржонни олиб қолишди-ми?— дея сўроққа тутди қаддини ростларкан.

— Ҳа, келинингиз бирга қолди,— деди Омон ўзбек чорпоя четига беҳол чўккаларкан.

— Палакат-да, кўрмайсизми, ишқилиб, шифосини берсин,— дея ўрнидан қўзғалди кампир.— Айтгандай, болларни овқатлантирдим, манави сочиқни тагида сизнинг насибангиз. Ҳув, Фазилат, қизим, ке, отангга чой қўйиб юбор. Бу ҳозирги болларга тилбизор бўлса бас. Укаси у ёқда не аҳволда-ю, буларни хаёлида... Охирзамон дегани шу бўлса керак-да, э, тавба.— Кампир шундай деб дарвоза томон йўналди.

— Тўхтанг, бемаҳалда кўчада ёлғиз юрманг. Акротга айтаман, бирга чиқади,— деди Омон ўзбек

ва ўғлини чақириб, Бозор хола кизатиб қўйишни тайинлади.

Улар кетишгач, Фазилатга сув қўйдирди-да, этигини ечиб, оёқ-қўлини ювди. Сўнг оҳиста чорпояга ёнбошлади. Чарчоқ ҳам, очиққани ҳам шунда сезилди.

— Кириб кино кўраверайми, дада?— деди Фазилат чой дамлаб келгач.

Омон ўзбекнинг жаҳли чиқди.

— Кинодан бошқа нарсани ҳам ўйлайсанми сенлар?!—

— Кечаги кинонинг иккинчи серияси бўлаётгани...— деди дами ичига тушиб Фазилат.

— Майли, бор! Лекин бир кун шу телевизорни болта билан чопиб ташлашим бор-да!

Қизи жимгина бош эгиб, уйга кириб кетди.

У ошни еб бўлиб, қаддини ростлади. Қўлини артди. Чойни қайтариб, яна ёнбошлади.

Шу дам... ҳозиргина Фазилат кириб кетган уйдан таниш овоз эшитилди. Қулоқ солди: «Жоним, кел, кучоғимга! Кела қол!»

Омон ўзбек бир муддат тек қотди-да, сўнг оғир хўрсинди:

— Шуларга маза-да!..

Шухрат Неъмат

Сир



Сочлар узун эди, жудаям узун —  
Қирқ чилтор бекинган ёввойи олов.  
Қоматинг ақлимга ўқирди афсун —  
Қоним ёнаверди кўрганда лов-лов.

Мен-чи музлагандим — кулмоқлик бекор,  
Бой бериб қўйгандек тахтни ва тилни.  
Энди-да бой бергим келмайди такрор  
Ёниш ато этган олов кокилни.

Осмоннинг юзлари қорайди,  
Саломга чиқмади юлдузлар.  
Йўл узоқ ва жуда тор эди,  
Унга ҳеч сиғмасди мард сўзлар.

Мен руҳман — бу йўлга сиғмайман!  
(Бурнини жийирар тўнғизлар).  
Тун бўйи осмонни тинглайман,  
Саломга чиқмайди юлдузлар.

Наргис Довурбоева



Нафис  
мажлислар

«Қизил шапкача»дан  
бошқа

Қизча: Кипригингиз, бувижон,  
Нега тез-тез пирпирар?  
Буви: Бу киприкмас дарахтдир,  
Шамол эсса зирқирар.  
Қизча: Кўзингизнинг ўртаси  
Нега бунчалик қора?  
Буви: Бу куйган эътиқоддир,  
Томири қолган, қара.  
Қизча: Нега уни ёпдингиз,  
Жонингизда озорми?  
Буви: Қўрқма, болам қовоғим—  
Эътиқоднинг мозори...

Собир Ҳақимов



Айри йўлнинг кетдим хатарлисидан  
Энг содиқ сирдошим журъатни олиб.  
Чориғим сўкилди. Сафар юкидан  
Бу пўлат ҳасса ҳам эгилди толиб.  
Манзилга етмадим,  
сирга етмадим,

Майсалар тилида номингни айтдим,  
Булбуллар тилида куйладим хушхон.  
Тавалло айладим мен саҳар пайти,  
Бир гулга айланди юрак ногаҳон.  
Бу гулни тутмадим,  
сенга тутмадим.

Бир куни қошинга етмоқ қасдида  
Талпиниб яшадим манзилинг сари.  
Бу азал осмону ер орасида  
Зор-зор кезавердим, кўнглим дилбари,  
Йўлларим элтмади,  
сенга элтмади...

## Далалар ўтмишидан

Тез бориб турмасанг, унутар дала,  
Йўлагингни қоплаб олар гиёҳлар.  
Сен ёлғизлик билан сўзлашган палла  
У ҳам ғарибликдан чекади оҳлар.

Тушига бостириб кирар ўтомоч  
Заҳар-дориларин пуркаганича.  
Ўтомоч бўридай увиллайди оч:  
У — қассоб, пул қувар, дала — танача.

Дала уйқусидан уйғонар чўчиб,  
Заҳардан кўзларин очолмай инграр.  
Зардоб тўла зовур ўпкаси кўпчиб,  
Қув-қув йўталади, далани тинглаб.

Сен ҳам йўталасан, уйингда анқир  
Далалар жигарин эзаётган ҳид.  
Ҳовлида тинмасдан, асабий санқир  
Сендан кечиб, тоққа кетолмаган ит...

Биламан аллома чиқмайди мендан,  
Бир умр «зўр фикр» айтмай ўтаман.  
Ердан келмас тўхфа элдан келардек  
Мен ҳам деҳқон каби недир кутаман.

Деҳқон ҳам мен каби талаба экан,  
Етмиш йил ўрганар нима экишни.  
Мен эса ўн уч йил ҳижокалаб юриб  
Уддалай олмабман бирор бир ишни.

Сабр ҳақида мен маъруза қилсам,  
Мийғингда ошкор кулма-да, иним.  
Деҳқон ҳам ўришни ўрганса керак  
Мен нима қилмоқни ўрганган куним.

У далага чиқмади бугун  
Ва қақилдоқ дугонаси ҳам.  
Эгатига шўнғиб кетди жим  
Йигит ўзин кўрсатиб бардам.

Эртаси ҳам келиб ёнидан  
Унга эгат олди, шубҳасиз,  
Теримчига тўлган пайкалда  
Битта эгат қолди эгасиз.

...Олисларда карнай янграйди,  
Ноғоралар энди тинмайди.  
Бир сир айтар эгасиз эгат,—  
Биров билар, биров билмайди...



## Висол

Бахт, ахир сўзларни бошда тутмаклик,  
Бахт, ахир сўзларнинг юзидан ўпмак.  
Бахт, ахир сўзларни болдек ютмаклик,  
Бахт, ахир сўзларнинг тубига чўкмак.  
Сўзларнинг тубига тош каби чўкдим,  
Бир тенгсиз лаззатдан йиқилдим беҳуш.  
Жоним бахтга етиб йиғлади сим-сим,  
Кўкка учиб кетди жисмимдаги қуш...

Мен бу боғдан кетдим.

Мен ҳали карахт,  
Фаромуш боғларга боришим керак.  
Ҳали уйғониши керак кўп дарахт —  
Ҳали кўпларга дил ёришим керак.  
Кетдим. Йўқлигимдан кимдир кўнгли чоғ,  
Кимдир бир зум тиниб, кўзин ёшлабди.  
Лекин кетаримда, не бахт, — ярим боғ  
Менинг овозимда куйлай бошлабди.

Кумушойнинг ўлганига ишонгингиз келмайди,  
Отабекдан дарак топмай бу ёнда мен ҳалакман.  
Юрганимда қуш мисоли учдиммикан, сезмайсиз,  
Мен ҳам ерга боқмай қўйдим кўпдан бери фалакдан.

Қорачиғим теграсидан ҳалқа-ҳалқа нам инар  
Қарчиғайлар қолиб кетса етолмайин, улоқдан.  
Тоғ бошини гир айланиб далли шамол овора,  
Дил каптари қанот узиб кетолмайди тузоқдан.

Секингина хаёлларнинг қучоғига кираман,  
Ҳаёт деган дулдул отга юклаб барча юмушни.  
Чопқиллашиб орамиздан йиллар ўтиб кетади,  
Отабекни кутаман мен, сиз излайсиз Кумушни.

## Бобомнинг қўрғони

Бостирма тагида занглади кетмон.  
Олмурут қуриди. Кесилди тути.  
Боғи Эрам каби яшнардди қўрғон,  
Бобом кетдилар-у, ўчмоқда қути.

Лабида жамбиллар кулган ариқча,  
Уни ҳам хазонлар тўлдириб қўйди.  
Мевасин бир юзи битта қийиқча—  
Олмалар ўтинга айланди-қўйди.

Ҳовлининг саҳнида кўмилди излар,  
Биргина қалдирғоч бундан кетмади.  
Тушган жойларида тош бўлди қизлар,  
Ўғиллар қўлига кетмон тутмади.

Дувиллаб тўкилар уйнинг сувоғи  
Кўринмас бир пичоқ тиғлаётгандай.  
Бу қўрғон ҳеч кимга дардини айтмай,  
Етим бола каби йиғлаётгандай...



# ХОЖИБОВ ТОЖИБОВ ВЗОУЯЖОЛ ИОУЯЖОУ



## НИГОҲ

Элимиз кулгисевар, бизда кулги усталари ҳам оз эмас. Чинакамига табиий кулдира оладиганлар оз. «Қизиқчи — 90» кўригининг ғолиби Ҳожибой Тожибоев ана шу «оз»ларнинг бири. Унинг юз қиёфасини умрида кўрмаганлар ҳам балки ушбу суратларга қараб, пиқ этиб кулиб юборса ажабмас. Қизиқчининг ҳаво тўлқинларида, ойнаи жаҳондаги чиқишларини кўриб, эшитатуриб, қорнини ушлаб, ётиб-думалаб кулганларни кўп кўрганмиз.

Дарҳақиқат, ленинободлик бу санъаткор бугун ҳамманинг кўнглини ўзига ром этиб турибди. Чунки кулдиргичнинг лафзи чучук, тушунарли, лўнда ва айтганлари ҳар доим Сиз кутмаган хулоса билан тугайди. Юсуфжон қизиқчининг орзуси бўлмиш «портлатиб» кулдиришни ўрнига қўйиб уддалайди. Ҳожибой қизиқчининг муболағалари, наъмаларига фақат «беш кетасиз», «тўрт», кетмайсиз. «Сенга тақлид қилишяптими, демак, сен улардан кучлисан». Сир эмаски, шу кунларнинг ўзидаёқ Ҳ. Тожибоевнинг ўнлаб тақлидчилари пайдо бўлди. Қизиқчининг ўзи эса фазилатидан илллати кўп кишиларга «тақлид қилиб» бопламоқда, бир сўз билан айтсак, ижод қилмоқда.



## Тилимиз муаммолари

### УЙҒУНЛИК ЗАРУР

Қани, бирон холис киши бўлса айтсин, бугун Ўзбекистонни қидирганда, ёзма саводхонлиги мукамал бўлган бирорта одам топилармикан?! Узим тилшунос олим бўла туриб, шу мақоланинг матнида ҳам бир қанча услубий ёки имло хатоларига йўл қўйган бўлсам, эҳтимол. Мендаги хатоларни бошқалар топади, бошқалардагини — мен. Нега шундай? Бугун мазкур ҳаққоний саволга (жумбоққа) жавоб берувчи «калит»ни, энг аввало, ҳозирги ўзбек алифбоси ҳолатидан қидиришга мажбур бўламиз...

Ўзбек алифбоси СССРдаги туркий халқлар алифболари ичида энг ғариби ва ёзувда имлонинг тўғрилигини тан олмайдиган «қайсаридир».

Биз саводсизликда бир-биримизни айблайверамиз. Лекин мактабда бир неча йиллар она тили ўқитиб, саводхонликда тузукроқ самарага эриша олмаётганимизнинг, китоб, матбуот тили ва бошқа хил матнлардаги кўп сонли имло нуқсонларининг, ҳатто оғзаки нутқдаги кўплаб талаффуз бузилишларининг бош «айбдори» — ҳозирги алифбомиз эканлигига эътиборсиз қараймиз.

Миллатнинг саводхонлиги алифбога кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир тил алифбосида шу тилнинг товушлар қурилмаси ҳисобга олиниши, яъни нутқ товушлари тўлароқ ва тўғрироқ акс этиши керак. Алифбонинг онгли ва тўғри тузлиши (қабул қилиниши) орфографиядаги муваффақиятни таъминлайди.

Ўзбек алифбосидаги энг катта нуқсон ўзбек тили нутқ товушлари билан уларни ёзишга мўлжалланган ҳарфлар ўртасида мутаносиблик йўқлигида кўринади. Ҳозирги алифбомизда ўзбек тилидаги баъзи нутқ товушларини акс эттирувчи ҳарфлар йўқ. Бошқача айтганда, ўзбекча бурун товуши нг порт-



ловчи **Ж** ва соф ўзбекча (бошқа туркий тилларда йўқ бўлган) **О** товушларига ҳарф олинмаган. Баъзи ҳарфларга ёзувда иккитадан товушни ифодалаш вазифаси юклатилган, яъни **о, ў, у, и, ж** ҳарфларининг ҳар бири иккитадан товушни ифодалаш учун ёзилади. Бундан ташқари, бир нутқ товушини ёзишда икки ҳарфнинг қўшилмасидан ҳам фойдаланамиз: ўзбекча бурун товушининг **нг**, русча **щ** ни **шч** бирикмалари билан ифодалаймиз. Мана шулар ўзбек имлосидаги жуда кўп чалкашликлар, нуқсонларнинг бош сабабчиларидир.

Ўзбек алифбосида **нг** товушини ифодаловчи алоҳида ҳарф бўлмаганидан, **тонг**, **кенг**, **сўнг**, **кўнгил**, **танглай** каби сўзларда бир бурун товуши учун иккита (**н** ва **г**) ҳарфни бириктириб ёзамиз. Бунинг натижасида, имло хатолари ўз-ўзидан келиб чиқади. Охири **нг** билан тугалдиган **тонг**, **кенг**, **сўнг** каби сўзларга **г** билан бошланувчи қўшимчаларни қўшиб ёзганда, иккита **г** нинг бири тушириб қолдирилади: **тонги** шабада, **сўнги** иш, **кенгина** хона каби. Аслида **тонг**, **сўнг** ўзакларига сифат ясовчи — **ги** қўшилмоқда: **тонг-ги** — **тонгги** (шабада), **сўнг-ги** — **сўнгги** (иш), **кенг** сўзига форма ясовчи — **гина** қўшилмоқда: **кенг-гина** — **кенгина** (хона). Бундан ташқари, сўз ўртасида келган бир нутқ товушини (уни икки ҳарф билан ёзаётганимиз сабабли), ўзимиз сезмаган ҳолда иккига ажратиб, нотўғри бўгин кўчирапмиз: **кўн-гил**, **кен-гаш**, **син-гил** каби.

Имло қоидасида **кў-нгил**, **кен-гаш**, **си-нгил** тарзда бўгин кўчириш кераклиги кўрсатилган.

Ўзбек тилига ўзлашган русча сўзларидаги қаттиқ **щ** товушини икки ҳарф билан (**шч**) ёзаётганимиз оқибатида, у икки товушга **ш** ва **ч** га айлангандай бўлиб қолди. Натижада бўгинларга ажратиш ва бўгин кўчиришда **меш-чан**, **помеш-чик** каби сунъийлик юзага келди: бир нутқ товуши иккига ажралди. Бундай сунъий ҳолат талаффузда ҳам кўринади: **Шчорс**, **Шчердин**, **Шчербаков** кабиларда сўз бошидаги бир нутқ товуши **щ** икки товуш сифатида айтилади.

Туркий тиллар оиласи ичида фақат ўзбек тилидагина мавжуд бўлган **о** (**бош**, **бобо**) унлиси алоҳида ҳарфга эга эмас. Ўзбекча ёзувда бу товуш учун ҳам русча **опера**, **завод** каби сўзлардаги **о** ҳарфидан фойдаланамиз. Бошқача айтганда, рус ва ўзбек талаффузларида **ў** га яқин товушни ифодаладиган бу ҳарф ўзбек тилининг ўзига хос **о** (**бош**, **бобо** каби сўзлардаги) товуши учун ҳам ёзилади. Бу ҳолат, биринчидан, тил ва нутқ учун зарарли бўлган омографларни (бир хил ёзилиб, икки хил талаффуз қилинадиган сўзларни) юзага келтиради. Натижада ёзилиши, бир хил бўлган сўзларни ўқишда (талаффуз қилишда) ортиқча диққат ва эътибор талаб қилинади: **том** (уйнинг томи) — **том** («жилд»), **ток** («узум») — **ток** («энергия»), **торт** (тортмоқ) — **торт** («емиш») каби; иккинчидан, бир ҳарфнинг тубдан фарқланувчи икки хил нутқ товушини ифодалаш ўзбек мактаби ўқувчиларига **опера**, **завод** каби сўзларни, рус ўқувчиларига **бош**, **бобо** каби ўзбекча сўзларини тўғри талаффуз қилдиришда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ўзбек ўқувчилари узоқ вақт **опера**, **завод** ларни ўзбекча **о** билан, рус ўқувчилари эса **бош**, **бобо** сўзларини **ў** билан (**бўш**, **бўбу**) талаффуз қиладилар.

Ўзбек тилидаги жарангли портловчи **ж** товуши учун ҳарф олинмаганлиги сабабли, **журнал**, **жавоб** каби сўзларда бир хил ҳарф ёзамиз. Бу ҳол талаффузда, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари талаффузида салбий из қолдирмоқда: ўзбек ўқувчилар журнални портловчи **ж** билан — **журнал** тарзида, рус ўқувчилар **жавоб** сўзи-

ни сирғалувчи ж билан талаффуз қиладилар. Имло ва талаффузи-мизда бу каби мураккабликлар, чалқашликлар анчагина бўлиб, улар ўзбек алифбосини қайта қуриш кераклигини ва янги имло қоидалари тузилишини талаб этади. Зеро, мукамал алифбо ёруғ келажакни таъминлаши шубҳасиз.

Муҳаммаджон ҚОДИРОВ

## ЭСКИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

Ошкоралик ва демократия туфайли халқимиз ўзлигини англаб етмоқда. Минг йиллик маданиятимиз тарихида ота-боболаримиз томонидан яратилган ёдгорликларни ўқиб-ўрганиш имконияти туғилмоқда. Энди бу ёруғликдан баҳраманд бўлиш мақсадида эски ўзбек ёзуви бўйича турли ўқув қўлланимлари яратила бошланди.

Лекин бу қўлланимлардаги бир камчилик китоблардан китобларга ўтиб тарқалиб кетмоқда. Ҳозир биз йигирма саккиз араб ҳарфига тўртта форсий белгини қўшиб, эски ўзбек алифбоси ўттиз икки ҳарфдан иборат деб таълим бермоқдамиз. Ваҳоланки, ўзбек тили учун энг зарур уч ҳарф: алифу вов, алифу ёй, бурун товуши «нг» бу алифбодан тушиб қолмоқда. Биз ана шу камчиликнинг олдини олиш учун дарсликларни, умуман, эски ўзбек алифбосини такомиллаштириш керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун дарслик тузаётган олимлар қадим ўзбек (туркий) ёдгорликларидаги маълумотлардан тўла фойдалансалар яхши бўлар эди. Жумладан, дарсликдаги сўз бошида келиб у ва ў ҳарфларини кўрсатувчи алифу вов, э ва и ҳарфларини акс эттирувчи алифу ёй графемалари махсус ҳарф сифатида алифбога киритилиши керак. Чунки бу белгилар мустақил ҳарф сифатида XI асрда битилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан то XIX аср ёдгорликларигача кенг ишлатилган. Бу белгилар тилимизда мустақил ҳарф сифатида ишлатилганлигини Улғубек, ўзбек сўзлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Араблар бу сўзларни алиф билан Алғбек, азбак шаклида ёзсалар, ўзбеклар уларни алифу вов ҳарфлари орқали ўз талаффузига мос равишда Улғубек, ўзбек шаклида ишлатадилар. Шунингдек, алифбога ўзбек тили учун хос бурун товуши «нг» киритилиши керак. Бу товуш араб ёзувидаги ҳамма ёдгорликларда нун ва коф ҳарфлари бирикмаси воситасида кўрсатилган. Қадимги ўзбек луғатшунослари бу ҳарфни алоҳида қайд этганлар. Жумладан, Султон Ҳусайн буйруғи билан тузилган «Бадойи ул-луғат» муаллифи Толи Ҳиравий ўнг сўзи изоҳида н ва г ҳарфлари бирикмаси бир товушни билдиради, уларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди, деб кўрсатади.

Тилимизга хос бу уч белги (алифу

вов, алифу ёй, бурун товуши нг) эски ўзбек алифбосидан ўзининг қонуний ўрнини олиши керак. Шунда алифбосиз янада пухта ва мукамал бўлади.

Ва ниҳоят, яна бир ҳарф — алифи мамдуда ёки маддали алиф тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. Баъзи олимлар алифи мамдуда эски ўзбек тилида «о» ҳарфини ифодалаган десалар, бошқалари чўзиқ а ҳарфини акс эттирган деган фикрдалар.

Агар алифи мамдуда — «о» ҳарфини ифодаласа, уни эски ўзбек алифбосига алоҳида ҳарф сифатида киритиш керак, агар чўзиқ а ни ифодаласа киритиш керак эмас.

Бизнингча, кўпчилик туркшунос олимларнинг фикрларига ҳамда қадим туркий қомуслардаги маълумотларга асосланиб шунга айтиш мумкинки, алифи мамдуда — чўзиқ а ни ифодалаган. Шунинг учун уни эски ўзбек алифбосига мустақил ҳарф сифатида киритиб бўлмайди.

Эргаш УМАРОВ,  
ЎзФА тил ва адабиёт  
институтининг катта илмий ходими,  
филология фанлари номзоди

## БИТМАС ХАЗИНА

Ўзбек тилининг кўпгина назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш бево-сита шева ва лаҳжаларни ўрганиши билан боғлиқ.

Адабий тил билан шевалар ўртасидаги муносабатни белгилаш масаласи шеваларни тарихий-қиёсий асосда атрофлича тадқиқ этишни талаб қилади.

Жонли тил — тарихий ёдгорлик. Шу бос шеваларда сақланиб қолган айрим сўз ва сўз шакллари ўзбек тили тарихи учун ишончли, муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбек шевалари адабий тилимиз таркибига кириб, унинг луғат бойлиги ва грамматик қурилишида бирлик ҳосил қилади.

Адабий тил билан шевалар доим тўхтовсиз муносабатда бўлади. Адабий тил диалект ва шеваларга таъсир этиб, уларнинг хусусиятларини яқинлаштириб борар экан, ўрни билан жонли тилдан озикланиб, шевалардаги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради.

Маълумки, айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлари адабий тил ва луғатларда учрамайди, лекин диалект ва шеваларда мавжуд бўлади. Бундай вақтда уларни ҳеч иккиланмай адабий тилга киритишимиз керак.

Масалан: томизғич — пипетка (рус); қоқвош — жаврақи, вайсақи; понусгул — одуванчик (рус.); шилон — турли масалликан тайёрланган оммавий овқат, чўрпа-1. чўчқа боласи; 2. майда болалар маъносида. Бу сўзни Навоий ҳам ишлатган. Ғунчачи — сатанг аёл; ўймоқ — ангишвона; текис —

чиройли (аёлларга нисбатан қўлланади); гўшт-нон — ҳамир орасига жиъза ўрнига гўшт солинган нон; тортиқ — совға; тортмасандиқ — комод (рус.); асқотиш — фойдаси тегши; арпабадиён — укроп тури, анис (рус.); улор — қуш номи; қилиқ — характер; ўнг — ранг, тус; йит — йўқ бўлмоқ; олим — олинадиган нарса; кўклуб — чиройли (кўрлик, кўруклуб); тўтра (тўлта) — ёғ қўйқаси; тўнглади — музлади, қотди (ёғ тўнглаб қолибди); қорамуқ — ёввойи ўт номи; тутмоқ — овқат номи; йуриқ — лозиманда, ангиз — экинзор; шакароб — 1) помидор, пиёз, гаримдори ва туз қўшиб тайёрланган овқат (салат); 2) қўл билан пақирлаб сув сепиш; 3) болаларнинг «шак минди» ўйини номини билдиради. Сирғалик (Фарғ. тип шеваларда) — қулоқнинг пастки қисмидаги юмшоқ исирға осадиган ери (рус. мочка). Ташкент тип шеваларида солиноқ, бертмоқ — шикасланмоқ, лат ёмоқ; қилчи — сартарош (бу сўз Турди шеърларида ҳам учрайди); узангилик ёки бебилчак — оёқнинг юзи (подъём ноги); настарин — сирень (рус.); қасаба — шаҳар (бу сўз Бобурномада ҳам ишлатилган); ҳулбўй — ялпиз; хомутоёқ ёки чатаноқ — оёғини кериб юрадиган одам; ўтик — ўтадиган жой (переход), кечик — сувнинг саёз жойидан кечиб ўтадиган жой (XI аср ёдгорликларида бу сўз кўприк маъносида ҳам қўлланилган); пилдироқчи — фирибгар; чўккала — лаганбардор; садда — нукул, фақат маъносида; самсоқ — саримсоқ — гўдакнинг ном қўйилгунча бўлган исми; учузак — учта бола туққан хотиннинг болалари ёки қўйнинг қўзилари (қиёсланг: учам); найин қошиқ — ёғоч қошиқ; найин коса — ёғоч коса, тоғора; намит — хунук, бадбашара; нараки — 1) эркалар сингари характерга, овозга эга бўлган аёл; 2) ўсимлик танасининг йўғонлашиб, ўсиб — авж олиб ҳосил бермайдигани (нар аки); маданг — ёғочдан қилинган эшик қўлфи, танба; қудра — илдиздан ўсиб чиққан дарахт ва алоҳида сепилмай ёки кўчат ўтқизилмай уруғидан ўзича ўсиб чиққан ўсимлик. Наманган шеваларида ўзининг зотини «улуғ» деб мақтаниб юрувчи айрим кишиларга нисбатан «Қудрахўжа» ибораси; устоз кўрмай, бирор жойда таълим олмай ўзини зўр уста ҳисоблаб юрувчи қосиблар ва саёқ ҳофизларга нисбатан «сан қудрасан», «қудра қосиб», «қудра ҳофиз» иборалари ишлатилади; қаланғи (қаланғи — кўпчилик орасида ўзини тутолмайдиган, енгил табиат, зиёфатларда тезда маст бўлиб қоладиган киши). Ташкент шевасида бу қаланғи-қасанғи тарзда қўлланади, ўмган-кўкрак, одам ва ҳайвонлар кўнси; пешгир — фартук, болаларнинг бўйинларига осиб қўйиладиган ошхўрак (тож, пешгир).

Хуллас, шеваларга, жонли сўзлашувга хос сўз ва терминлар адабий тилимиз луғатини бойитишда шак-шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Абдуғани АЛИЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

## ШЕВАЛАРИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Халқ тилидаги, шевалардаги сўзларни ишлатиш, эски сўзларнинг маъноларини изоҳлаш, шу орқали уларни тарғиб қилиш тил бойлигимизни сақлашнинг энг яхши йўли. Ҳар бир сўзнинг барча товланишларини, услублар бўйича тармоқланиш имкониятларини, тил воситаларидан моҳирона фойдаланиш йўлларини илмий асослаш керак. Яъни тароват сўзини қаерда, нима мақсадда ишлатиш керагу, тозалик, янгилик, софлик сўзларини қаерда, нима мақсадда ишлатиш кераклигини кўрсатайлик. Сўзларнинг параллел қўлланишлари танлашнинг биринчи белгиси бўлиб, тилнинг сайқалланишида аҳамияти каттадир. Бир вақтлар қомус, дорилфунун, жумҳурият, фаввора, домла каби сўзларнинг ишлатилишини чекламоқчи бўлдик. Хайриятки, у даврлар ўтди. Энди халқ тилида ҳозир ҳам кенг қўлланаётган жуда кўп сўзларга ҳаёт бағишласак бўлади. Мана, уларнинг бир нечаси: чўкалдак (айрипаншахага ўхшаш, икки учли иш қуроли); айри (тир-гак — ёғочни кўтариб турувчи икки учли ёғоч устун); оташкурак (чўғни, чала ёнган тарашани қисиб олувчи асбоб); оловкурак — чўғ солинадган идиш; ғонадак — хозанак (полиз, узумзор, мевазорларда йиғиштирилмай қолиб кетган мева ёки сабзавот қолдиғи); чегана — асосан, энчи подаси; қуроқ: I — қамиш тури, II — якандознинг четидаги кунгура, қоплама; III — парча, лахтаклардан тикилган қоплама, эвра (ёстиқни ёки кўрпачаники); лахта (к) — қийқим, газлама парчаси, ташландиқ ер; пахтахона — шийпон, ўнбоши — бригадир; сўкичак — қурт боқиладиган сўри; қил — юнг (қилни қирқ ёрмоқ); қилчи — сартарош; алак — бўзнинг бир тури (газлама); болиш — ёстиқ; гунгура — қийиқнинг гули; сув — қийиқнинг гули; чамбарак — қаймоқ, қатиқ, сут идишлари сақланадиган осма идиш тури; кандик — катта, ичи бўлинган сандиқ; лингча — кичикроқ қоп, майин, жун қоп, пахта қоплардан фарқ қилади — асосан, ун, шакар учун ишлатилади; тўқол — шоҳи йўқ мол; қилтаноқ — шолининг туклари; ола — гуруч ичидаги оқланмай қолган шоли; дурра — аёлларнинг энгил рўмоли; гупчак — арава ғилдирагининг ташки томони билан ўрта қисмини, ўқни бирлаштирувчи ёғочлар; ният — аравага қўшиладиган от бўйнига осиладиган асбоб-мослама; бўйинча — от бўйнига ниятдан олдин тақиладиган абзал; айил — от, эшак белига тўқим ёки эгарни маҳкамловчи қайиш; дуварак — иккинчи, пишмай қолган ҳосил; ўтович (ўтоғич — ўт олғич) — экин еридаги ўтларни қирқиб, кесиб олувчи асбоб; босма — димлама; босма — экиш йўли (чигит босма қилиб экилди); печак — қант тури (парварда); марза — ерни (экин ерини) бўлакларга ажратиб турувчи сув тўсиқлари; увват — марзанинг устки қисми; хат — экинни суғориш учун ҳар бир қатор

орасида очилган ариқ; бувак — чақалоқ. Шунингдек, липпа, жияк, тўғноғич, қичима (экзема), тепки (бўйинга чиқадиган шиш (свинка), келисоп, яхлов, сарроп, ҳанги, таглик, сувхўрак, лойхўрак, белкурак, ёғоч курак, пахта курак, ялақ (қуш — зоғча тури), зоғча — қуш тури, ҳакка (ола ҳакка), олақарға, кўк қарға, гўнг қарға, ғулу-ғулу товук — энг катта товук (курка эмас), курк товук, пойнак (пичоқ қини охирига тақиладиган мис ғилоф), моёк (товук босиб ётиши учун қўйилган тухум), ош вақти, икки хуфтон, кесатқи (синч тури ёки қоплама ёғоч), чучимия (ачимия тури) каби яқин кунларда ишлатилиб юрган сўзларга ҳаёт бағишлаш лозим. Буларнинг ўрнида кўп ҳолларда русча сўзлар қўлланыпти; қичима — экзема, белкурак — лопатка каби. Шевалардаги сўзлар ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ, тушунчаларни аниқ ифодалаш хусусиятлари билан, айниқса, аҳамиятлидир. Масалан, арчмоқ сўзи нарсанинг устки қисмини олиб ташлаш ҳаракатини ифодаласа, артмоқ тозалаш маъносини билдиради. Ҳозирги кунда ғулу-ғулу товук ўрнида баъзан курка, қил ўрнида юнг, лингча ўрнида қоп ёки халта каби сўзлар ишлатилганини кўрамизки, бу нарса нутқ аниқлигига путур етказди, тушунча ҳақида тўла тасаввур бермайди. Аксинча, тингловчини чалғитади.

Эски ўзбек тилидаги ва шевалардаги сўзларни тўплаш, саралаш, изоҳлаш каби ишлар бўйича аниқ режа ишлаб чиқилмоғи, маълум муддат ичида, барча имкониятларни ишга солиб (сўзларни йиғиш учун олимлар, талабалардан иборат махсус экспедициялар уюштириш каби), уларнинг луғатини тузиш, 1—2 йил ичида ҳамма соҳалар бўйича атамаларни ўрганиб чиқиш, атамалар луғатини тузиш уюшмалари (группалари) ташкил этиш, уларни йўлга қўйиш чораларини белгилаш лозим. Демак, шевалардаги бойликларни тўплаш, асраш, тўлалигича, барча нозикликлари, қирралари, имкониятларини сақлаган ҳолда авлодларга етказиш бизнинг асосий бурчимиздир. Бу жиҳатдан тилимизда аслида мавжуд бўлган ҳамма унлилар, ҳамма ундошлар, барча сўзлар формалари, қўшимчалар вариантларини сақлаб қолишга эътибор янада кучайтирилиши лозим. Уларни адабий тил доирасида қоидалаштириш кўп чалкашликларнинг олдини олади, ўзбек тилининг бойликларидан барчани баҳраманд қилади, сунъий равишда бошқа тиллардан сўзлар қабул қилинишига чек қўяди. Ниҳоят, халқимизнинг нутқ маданияти юксалишига ёрдам беради. Агар бу ишларни вақтида амалга оширмасак, кейинги авлод учун барча нозикликларидан маҳрум бўлган бир сакта тил қоладики, улар ҳозирги авлодни кечирмайдилар.

Ёрмат ТОЖИЕВ,  
ТошДУ доценти

Шукур Содик

# ХАВОТИР

Тайёрамиз кунчиқарга қараб йўл олди. Баҳорнинг кўзни қамаштирувчи гўзаллиги Тошкент билан ортда қолди. Олдинда эса Узоқ Шарқ...

Узоқ Шарқ — ҳарбийлар ўлкаси. Оламнинг ҳеч бир жойида бу ердагидек кўплаб ҳарбийларни учратиш қийин. Асосан қурвчи ҳарбийлар...

Узоқ Шарқ ҳарбий округи штаби Хабаровск шаҳридаги барча маъмурий бинолардан кўра кўркамроқ ва улканроқ экан. Бу округга қарашли ҳарбий қисмларда асосан руслар ва ўрта осийликлар хизмат қилишади.

Сафаримиз давомида ўз фарзандларини қумсаб бораётган юртдошларимиз билан учрашиб суҳбатлашдик. Кўпчилиكنинг кўлида ҳарбий қисмлардан келган шошилиқ телеграмма.

— Уғлим Сайфуллони ҳарбий хизматга кузатиб қолганимизга ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. У ҳозир Н-чи ҳарбий қисмда хизмат қилади. Ноҳиядошим Бобоқул Каримовнинг ўғли Умиджон ҳам шу шаҳарда Н-чи ҳарбий қисмда... Уғлим Сайфуллонинг командиридан телеграмма олдим. Сайфуллонинг икки оёғи ҳам синган...— деди бош чайқаб ғамгин олотлик Музаффар Ҳамдамов.

— Мен ўғлим Умиджонни соппа-соғ военкомга топширганман. Соппа-соғ қайтариб олишим керак. Бу ердан совуқ хабар олдим, икки кўзи ҳам кўрмай қолган эмиш,— деди кўзига ёш олиб Бобоқул ака. — Ҳамма ғам ўзбекнинг бошида экан-да, ука? Бир ёқдан тўғмайсан деса, бу ёқдан кўпайиб кетдиларинг деб таъна қилишса, у ёқдан пахтани баҳона қилиб қатагон қилишса...

— Военкомлар ҳар бир аскар учун тўлиқ жавобгар. Масъул кишилар қаерга, кимларни ҳарбий хизматга жўнатган бўлса вақти-вақти билан сўраб суриштириб туриши, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаши, ҳатто ким қандай тур қўшинда хизмат қилишини олдиндан белгилаб қўйиши керак-ку?! — дедим суҳбатдошларимга.

— Ука, қайси бутага ўт кетса, ўзи ёниб, ўзи куяди... — Бобоқул ака чуқур уҳ тортди.

Ҳеч кимга аён бўлмаган сирли ҳаракатларнинг ёлғиз, тилсиз гувоҳи — офтоб Бобоқул аканинг ҳасратини жимгина эшитиб Шарқдан Ғарбга қараб оғир борар эди. Эҳ-ҳе, ҳали ўзбекининг қанча Бобоқуллари «зўр қарвон йўлида етим бўтадек» уҳ тортади. Токи ҳақиқатни англаб етгунча...

Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, ширин ёлғон билан ўзимизни ўзимиз алдай олмаймиз. Бугун лоқайд қараб турадиган, ғафлат босган халқни топиш қийин. Ҳамма ўзлигини англашга, қадриятини тиклашга ҳаракат қиляпти. Лекин бугунги кунда Совет Армиясидан кўп азият чекаётган ҳам Ўзбекистондир. Йигитларимизнинг 27 фоизи жанговар ва махсус қисмларда хизмат қилишга соғлиғи тўғри келмаганлиги сабабли қурилиш қисмларида хизмат қилади. Бу Иттифоқ миқёсидагидан бир неча баробар кўпдир. Ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳалок бў-

лиш ҳолларига иложи борица «айбдор» ўзлари эканлигини таъкидлашмоқда. Сабаблар қуйидагича таҳлил этилиб, асосланмоқда:

1. Улганларнинг бешдан бири соғлиқни сақлаш жабҳалари томонидан вақтида аниқланмаган касалликлар оқибатида рўй берган;

2. Яна шунча одам ўз жонига қасд қилиш оқибатида;

3. 9 фоизи автоавариялар ва фалокатларда;

4. Ҳарбий машқлар пайтида, техникадан фойдаланишда масъулиятсизлик қилганликлари сабабли;

5. Қолган қисми безорилик, муштлашиш, бир-бирини ҳақорат қилиш, «қариячилик» натижасида ҳалок бўлмоқдалар.

Аммо бош айбдорлар — офицерлар ва бошлиқлар эканлиги, Уставда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя этилмалиги, армияда рус бўлмаган халқларга нисбатан хоҳ сипоҳ, хоҳ сардор бўлсин ишончсизлик билан қаралиб, миллатчилик қилиниши оқибатида фалокатлар, тўқнашувлар содир бўлаётганлиги айтилмайди.

Шунингдек, сипоҳларнинг кадр-қимматини лашкарбошилар томонидан ерга урилиши, уларга одамдай муомала қилинмаслиги, сипоҳларни бир-бирига гиж-гижлашлар ҳам катта сабаб эканлигига ўз кўзим билан кўргач, ишонч ҳосил қилдим. Совет Армияси ва унинг қўшин турлари, уларда кимлар хизмат қилиши, ҳар бир жумҳурият қанчадан сипоҳ, сардор етказиб бериши лозимлиги, профессионал армияни вужудга келтириш каби бир қатор масалалар юзасидан мамлакат Олий Совети ўзининг тадбирларини ишлаб чиқиши керакка ўхшайди.

Қурилиш қисмларига жўнатиладиган йигитларимизнинг бир қисми жумҳуриятимиз сарҳадида қолиши жуда яхши. Демак, ҳақиқий ҳарбий хизматга соғлиғи тўғри келмаганларгина қурилиш қисмларига жўнатилишини ҳисобга олсак, биз соғлом ва бақувват йигитларимизнигина «у ёққа» жўнатамиз. Аксинча, 27 фоиз (соғлиғи жанговар қисмларда хизмат қилишга тўғри келмайдиган ёшларни) кўрсатгични ҳеч бўлмаганда 5-10 фоизга тушириш учун курашиш лозим эмасми?!

Чор Россияси давридан буён армияда давом этиб келаётган «дедовшина»чилик, яъни «қариячилик»ка барҳам бериш тўғрисида бугунги кунда кўплаб айтилмоқда. «Огонёк» журналининг 10-сонига босилган (1989 йил) СССР Халқ депутати, ёзувчи Одил Ёқубов ва Темур Пўлатовларнинг «Қариячилик асоратлари» мақоласи қизғин баҳсларга сабаб бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

— Қийин-қийин, биз офицерларга қийин,— деди Н-чи ҳарбий қисм командири — ҳозир солдатлар, бундан беш-ўн йил олдин хизмат қилган акаларидан кескин фарқ қилади. Армияда миллийлик кучайиб кетди. Бундай ҳолни бизда баъзилар миллатчиликка йўйишмоқда... Бу нотўғри, албатта. Ҳозирча армияда қайта қуриш йўқ, ҳаммаси эски тартибда давом

этяпти. Бизнинг асосий ишимиз ёшларни тарбиялашдан иборат бўлиб қоляпти. Аксинча, бизга тарбияланган, чиниққан, оқу қорани ажрата биладиган ёшлар керак. Менимча, ҳарбий хизматга ўн саккиз ёшдан эмас, йигирма ёшдан қаҳриш керак.

— Умаровлар оиласига нима сабабдан телеграмма жўнатилди?

— Оддий солдат Улуғбек Умаров атиги олти ой хизмат қилганлига қарамадан хизматдан бўйин товляяпти... Биз йўлга солломлади, балки ота-онаси йўлга солар деб қаҳирдик-да. Бундан ташқари бошқаларнинг ҳам ота-оналарига телеграммалар жўнатганман.

— Сиёсий соатларда қатнашмайди. Ошхонада картошка тозалаламайди, пол ювмайди, — деди сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари — уч-тўрттаси бир бўлиб ўзбекча кўшиқ айтишиб баъзан бошқаларнинг тинчини бузишди. Қизиғи шундаки, беш вақт намоз ўқийдиганлари ҳам бор...

— Армияда «қариячилик» керак. Чунки, бу тартиб шу пайтгача қўл келган, бундан кейин ҳам қўл келади, — деди суҳбатга араллашиб бўлим командири пропоршчик Владимир Лиер. — Мен ҳам хизмат қилганман, қийналганман ҳам...

— Қисмимизда хизмат қилаётган солдатларнинг асосий қисми Урта Осиё жумҳуриятларидан келишган. Болтиқбўйи жумҳуриятлари солдатлика фарзандларини беришмади. Грузия Уралгача бўлган сарҳадда грузин йигитлари хизмат қилиши мумкин деб эътироф этди. Тўғриси айтсам, армияда асосан руслар ва ўрта-осиёликлар кўпчиликини ташкил этади, — деди майор Максимов. — Биз офицерлар устав бўйича ҳаракат қиламиз. Аммо ҳарбий уставни аллақачон ўзгартириш, қайта кўриб чиқиш пайти етди.

— Армиядаги тартибсизликка рус бўлмаган миллатлардан офицерлар камлиги ҳам дахлдор, — деди озарбойжон капитан Гасанов. — Чунки миллий психологияни, урф-одатларни озми-кўпми билмасдан туриб солдатлар билан тил топишиш қийин. Ҳозирги пайтда исталган солдатни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Ҳатто, шу гапларим учун мени ҳам. Бахтимизга офицер И. Петренко ҳар бир солдатни асраб-авайлаш билан бирга, ҳар қандай нохуш ҳолнинг олдини олиш тарафдори. Аммо, ҳамма Петренко эмас... Шу йил қишда уч солдатимиз арзимаган сабаб билан ҳалок бўлди. Қишга қарам шўрлайдиган қудуғимиз бор. Қарам олинаверари, қудуқ чуқурлашаварида. Чуқурликда эса угле-кисле газ тўпланади. Мана шу қудуқдан қарам олиш учун тушган учта солдат килсродо етишмаслигидан бўғилиб ўлди... Бунинг учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмади.

Оддий қонун-қоидаларга амал қилмаслик, тегишли хавфсизлик қоидалари жиддий ўргатилмаслиги, қаттиқ назорат қилинмаслиги натижасида кўнгилсиз воқеаларнинг кўпайиб кетишига асосан солдатлар эмас, ўрта бўғин командирлари айбдор. (Биз Красноярскда бўлганимизда Н-чи ҳарбий қисм. 70 та солдатнинг сувдан заҳарланганлиги ва бир аскар вафот этганлигининг гувоҳи бўлдик. Солдатларга бир-икки кунга «таътил» — яъни «увольнительный» берилмайди. Бундай ҳуқуққа эга солдат қаерга ҳам борарди?! Бамисоли қамоқхона дейсиз. Нечора, хизматчилик! 37 миллат вакиллари бу ерда бир тану бир жон бўлиб хизмат қилишди, яшади. Аслида шундаймикан?! Йўқ, ўзининг ботиний, зоҳир бўлмаган тартиби, қондасига биноан шундай эмас.

Нарпайлик оддий аскар Қаҳдор Юсуповнинг отасининг ҳарбий унвони ҳам пропоршчик. Қаҳдор эса офицер бўлишни истайди. Шунинг учун Самарқанд ҳарбий билим юртига ҳужжатларини жўнатиш ниятида офицер Афанасенкога мурожаат этади. Афанасенко эса ундан офицер чиқмайди деб ҳисоблайди ва штабда ҳужжатларни расмийлаштиришга йўл қўймайди. Мен билан суҳбатлашганда эса у фикрини очик баён қилди:

— Юртдошларингиз ёмон хизмат қилади. Шунинг учун улардан, табиийки, ёмон офицерлар чиқади.

Мамлакатимизда эса Афанасенколар беҳисоб, балки шунинг учун ҳам ўзбеклар, ўрта осиеликлардан сардорлар кам чиқаётгандир? Ёш юраклардаги қизиқиш ва иштиёқ сўниб қолаётгандир? Сардорлар тайёрлаш ҳар бир жумҳуриятнинг ўз тасарруфига берилса, тегишли бошқарма ташкил этилса ва миллий кадрларни бу соҳага жалб этиш учун қулайликлар яратилса тўсиқлар олинармиди деб беихтиёр ўйлаб қоламан. Бу ҳақда жумҳурият Олий Совети ўз фикрини айтиши лозим.

...Улуғбек ҳамма қатори бир ойлик карантинни, сўнгра икки ойлик ҳарбий тайёргарликни ўтади. Уни автохўжалик взводига қабул қилишди. Ҳарбий хизматни командирларга итоатдан, яъни Уставдагидек бошлади. У икки йил муқим хизмат қиладиган қисм казармасига келган кунийёқ кичик сержант Иванов унинг қўлига пол ювадиган латта ва тоғора берди.

— Уртоқ кичик сержант, рота навбатчиси қиладиган ишни нега менга буюряпсиз. Арз қиламан...

Улуғбек кутилмаганда юзига тортилган тарсакидан гангиб қолди. Узини ўнглаб олгач, тап тортмай Ивановни ура кетди. Уртага бошқалар аралашди. «Замполит» майор Кузнецов Улуғбекни айбдор деб топди. Ноҳақлики кўриб жим турганларга тошкентлик оддий солдат Тоҳир Шариповнинг гапи далда бўлдию кўпчилик «замполит»га қарши гапира бошлади.

— Сиз ноҳақсиз, ўртоқ майор, ёш солдат қандай қилиб кичик сержантга қарши қўл кўтаради. Унинг ўзи Улуғбекни мажбурлаганини ҳамма кўрди.

— Гап қайтарма, Шарипов, сенга уч кун қамоқ жазоси эълон қиламан. Юртдошларингни бузаяпсан!

— Хўп, уч кун қамоқ жазоси, ўртоқ майор!

— Оддий солдат Улуғбек Умаровга ҳам уч кун қамоқ жазоси эълон қиламан!

Гаупвахтанинг тор, димиққан хонасида уч киши навбатманавбат эшик тирқишидан нафас олишарди. Тошкентлик Тоҳир Шарипов ўзининг бир йиллик хизмати давомида олтмиш кундан ошиқ бу ерга келганлиги бутун дивизияга маълум ва машҳур. Унга офицерлар рақибга қарашгандай қарашса, солдатлар меҳр билан қараб, ҳурмат қилишарди. Тоҳир — ўрта осиелик солдатларнинг етакчисига айланган. Майор А. Кузнецов менга тўғридан-тўғри шундай деди:

— Тоҳир Шарипов — буларнинг (ўрта осиеликларнинг — Ш. С.) «лидери». Унинг айтгани-айтган. Биз офицерларга қулоқ солишмасан-да, унга қулоқ солишди. Шахсан генерал Петренко уни «синдирмоқчи» бўлди, синдиролмади.

— Устав дейишадими-ю, ўзлари уставни бузишди. Бизга инсон деб эмас, ҳайвон деб қарашади. Ҳатто ҳавони қизғанишганини айтмайсизми? — деди Тоҳир ғазаб билан — Чўлпон бекорга ёзмаган экан: «кулган ўзгалардир, йиғлаган менман»... Қаранг хлорнинг ҳидига чидаб бўлмапти.

— Хлорни нега сепишган? — сўради Улуғбек.

— Қийнаш учун! Хлор инсон организмидан чиқмайди.

Буни билган ҳолда қамоқхонага хлор ташлаб сув сепишди, — деди узлуксиз беш кун ўтирган Тоҳир Умаров. Унинг ранги сарғайиб кетган, калта-калта йўталар эди. Соғлигини йўқота бошлаганини кўриб, мен бу ҳақда капитан Гасановга айтсам, у кулиб:

— Ўзбекларга заҳарли модда таъсир қилмайди. Чунки туғилгандан бошлаб кимёвий моддаларни татиб улғайишди. Имунитет қули, — деди; — Бу — ҳазил, аммо, гаупвахта 3 фоизли хлорли сув билан ювилади. Бу инструкцияда кўрсатилган, — деб қўшимча қилди.

Гаупвахтада эса камида 40 процентдан ошиқ хлор сепилганлигини ўз кўзим билан кўрганлигимни айтсам-да, инкор этишди. Бу жиноят эди!

Узлуксиз гаупвахтага келиб-кетувчилар бу ердан чиқишгач, юрагида алам, чехрасида эса кулгу билан казармага кириб келишди. Армияда биринчи кунданок ёш аскарга мулойимлик билан муомала қилинади ва мулойимлик билан бўйсундиришга ҳаракат бошланади. Бундай ҳаракатни асосан «қариялар» ва командирларнинг ўзлари бошлаб беришди. Ҳамма ҳаракат Уставдагидек бўлиши керак деб тушунган ёш аскар эса олдинга ажабланса, сўнг ғазабланади. Ҳар бир хатти-ҳаракатида у ўз норозилигини ифодалай бошлайди. Сўнг жазолаш бошланади. «Наряд»га қўйилади, тазийқ ўтказилади. Бундай оғир пайтда ёш аскар ёлғизланиб қомайди. Ўз навбатида унга ўргатувчилар ва ҳимоя қилувчилар пайдо бўлади. Баъзан очлик эълон қилишди.

Офицерлар томонидан аскарларни қамситишни мен хаёлимга ҳам келтиролмайдман. Аммо бу ерда миллатчилик очикчасига ўзлигини кўрсатган десам хато бўлмайди. Майор Цebo грузинларга ҳомийлик қилса, капитан Гасанов озарбойжонларга, майор Максимов русларга, майор Афанасенко украинларга, хуллас, ҳар ким қўлидан келганича ўз элатдошларини ҳимоя қилади ва уларнинг ортиқча эзилишини истамайди. Албатта, бундай ён босишлар очикчасига эмас, ботиний жараёнда амалга оширилишини аскарлар яхши билишди. Юзга яқин ўз-

беклар ва тожиклар билан суҳбатлашиб, мана шундай фикрга эга бўлдим.

Н-чи ҳарбий қисмда етмиштā андижонлик йигит хизмат қилишаркан.

— Узбекларни, тожикларни ёмон кўришади, — деди очиқ-часига Иқбол Салойиддинов.— Ажабланарли томони шундаки, қозоқларни ҳам, кирғизни ҳам, тожикни ҳам ўзбек дейишади: Дивизияни ярмидан кўпи ўзбеклар, балки шунинг учун ҳам калтабин офицерлар ўрта осиеликларни ўзбек дейишадими, билмадим...

— Бирорта мана шундай миллатчи офицерни исм-фамилия-сини айтилмайсизларми, — деб сўрадим.

— Ҳа, — деб жавоб берди Авазбек Тошматов. — Катта лейтенант Игорь Кузнецов, капитан А. Кобанчиков...

— Офицерлар ичида дилкаши, ҳар бир халқни, миллатни тушунадиганлари ҳам кўп, — деб қўшимча қилди Иқбол.

Ҳа, Авазбек ҳам, Иқбол ҳам тўғриси айтиди-қўйди. Балки мамлакатимиз бошига катта ташвиш олиб келаётган миллий низолар ҳам шундай «арзимас» воқеалар сабабли кучайиб кетаётгандир. Бу ерда ҳамма бир-бирини беш қўлдай билади, ким қандай нафас олаётгани бир-бирига маълум. Ҳаммани тиконли сим билан ўралган кичкина қўрғон бирлаштириб туради. Аммо чегараланмаган сарҳадларда миллий низога сабаб бўлаётганларни қандай аниқлаш мумкин. Тоғли Қорабоғ, Тбилиси, Фарғона, Душанбе, Уш воқеаларини бир эслаб кўринг! Ҳали ҳеч ким миллатчиликда, маълум қора гуруҳ миллий низо кучайтирганликда айблангани йўқ. Ҳамма вақт қон тўкилишига, гийҳвандлар, шахсий бойлик орттирувчилар, ўзаро жанжалларнинг кучайиши сабаб бўлмоқда деб ўқтирилмоқда. Бу узоқ давом этадиган, босқичма-босқич амалга ошириладиган, бизга номаълум «қора гуруҳ»ларнинг пухта ишлаб чиққан программаси асосда бўлмаяптимики?! Кузнецов ва Кобанчиковга ўхшаганлар бизнинг орамизда ҳам бор, Авазбек! Аммо биз уларни аниқлаб олишимиз қийин, у ёқда «ҳарбий сир», бу ерда эса «байналмилалчилик» шиори остида улар доимо ҳимояланган. Иқбол ука, сизларга ҳам қийин. Сизларни ҳимоя қиладиган «Гасановлар, Цеболар, Максимовлар, Кузнецовлар» йўқ. Уз фарзандини мусофири қилиб мардикорликка жўнатган халқ вақтида хабар ололмаса қандай гап ахир?! Шу пайтгача бизнинг журналистларимиз келган ўликлар устида йиғлашди, ёзишди. Ҳарбий қисмларда тез-тез бўлиб, у ердаги воқеалар ҳақида ёзмадик, «военком»лар сўраб-суриштиришмади, ота-оналарга хизматдаги фарзандларини кўриб келиш учун имконият яратилмади. Ахир ҳамманинг чўнтаги тўла эмас-да.

Армияда ҳам «ўзбеклар иши» пайдо бўлди. Умуман, Ўрта Осиеда фақат «ўзбеклар иши» кўрилмоқда шекилли. Ўрта Осие — ухлаётган шер! Бу шернинг юрагида ўзбек халқи турибди. Шер вақти келиб уйқуни тарк этганда ўзини мажруҳ кўриб қандай ҳолга тушаркин. Бу ҳақда қозоқ, ўзбек, тожик, кирғиз оғаларимиз пухта ўйлашлари керак. Кун бир кун эмас-ку...

...Иқбол яхшигина кўшиқ ҳам айтар экан. Юртдошлари янги йилда бизга кўшиқ айтиб берасан дейишади. Бунга ҳамма билар, шу кун сабрсизлик билан кутиларди. Шунингдек, подполковник Сергей Морозов ҳам...

Янги 1990 йилни кутиб олиш, 31 декабрь куни юртдошларига кўшиқ айтиб бериш Иқболга насиб қилмади. Подполковник С. Морозовнинг ўзи ўзбек йигитларига яхшигина «концерт» қўйиб беради. Шу куни Иқбол ва яна икки ўзбек йигити «наряд»га — навбатчиликка қўйилади. Бундан аскарлар қаттиқ норози бўлиб, навбатчиликини рад этишади.

Ўзбек йигитлари подполковник С. Морозовга мурожаат этишиб, ҳар биримизни истаган ишингизга буюринг, фақат Иқболни эмас, у юртдошларимизга ўзбекча, тожикча кўшиқ айтиб бермоқчи эди, деб илтимос қилишларига қарамасдан подполковник Морозов навбатчиликдан бош тортганликлари учун Иқболни ва унинг икки ўртоғини «заддержка»га — аскар гуноҳ қилганда гаупвахтага ташланишидан олдин бир кун ушлаб туриладиган қамоқхонасига ташлайди.

Эртаси куни ўртаосиелик йигитларнинг исёни бўлади. Бунга шу ҳарбий шаҳарчада жойлашган бошқа ҳарбий қисмдагилар ҳам қўшилади. Исён тинч йўл билан «бостирилади», аммо подполковник Морозов юқоридагилар томонидан ҳеч қандай танбеҳ олмади. Сўнг Иқболнинг ота-онасига, у ишлаган Андижон районидаги К. Марк совхоз директори номига қисм коман-

дири хат йўллади. Хатда «Иқбол Салойиддинов хизмат қилишни истамайпти», деб ёзилганлиги учун акалари Иқболга таъна билан хат йўллашган.


Шу ўринда очиқ айтиш керакки, аскарларнинг овқатланиши кўнгилдагидек эмас. Икки йил давомида ҳар куни бир хил овқат, байрам кунларида иккитадан тухум билан мевалардан қилинган шарбат, холос.

Н-чи ҳарбий қисмнинг Ленин хонаси билан танишдик, алмисоқдан қолиб кетган ширлар, кўргазмали плакатлар... Қайта қуришнинг ифодасини тўлиқ ёритадиган стендлар йўқ. Ҳар бир аскардан ушлаб қолинган обуна пулига бор йўғи тўрт хил газета келар экан. Ўзбекистондан эса бир дона «Ёш ленинчи»... Комсомол комитети секретари бир марта ҳам йиғилиш ўтказмаганлиги, аммо қоғозларда қайд этилганлигига нима дейсиз?

Сиёсий ишларнинг бўшашиб кетиши армияда қайта қуриш йўқлигидан, командирларнинг лоқайдлигидан дарак беради. Азалий анъаналаримизга путур етмоқда. Биз биринчи даражали муаммони ҳал қилмасдан туриб, иккинчи даражали муаммоларни бартараф этолмаймиз. Биринчи даражали муаммо — тенглик, бир-бирига ишончни тўғри йўлга қўйиш. Баъзан ўйлаб қоламан: Ленин ҳаммамизники, Ленин мавзолейини фақатгина руслар ва латишлар қўриқлайди, нега барча халқлардан вакиллар навбатма-навбат қўриқламайди? Нега ўртаосиеликлардан бирор киши Совет Иттифоқи маршали бўлолмайди? Жаҳонга Амир Темур, Мангуберди каби ўнлаб буюк саркардаларни берган халқ нега бугунги кунда оддий офицерларни кераклигича етказиб беролмайди? Биз миллати ўзбек бўлмаган ўзбекистонликларни эмас, миллати ўзбек бўлган ўзбекистонликларни космосга чиқишини истаймиз. Совет Армиясига 70 фоиздан ошиқ сипоҳ бераётган Ўрта Осие ва Кавказорти жумҳуриятларидан шунча миқдорда сардорлар — офицерлар ҳам тайёрлаш керак. Бунинг учун аввало ишонч ва бағрикенглик лозим. Шундагина биз асосий кўнгилсизликларни олдини олган бўламиз.

Мен миллатчи эмас — миллатпарварман. Зеро, менинг халқим бошқа халқлардан ҳеч камчилиги жойи йўқ. Хавотирланиб сафарга чиққан эдик, хавотирланиб қайтдик. Буёғи нима бўларкин?!

## ГУЛЛАМАЙ МЕВА ТУГАДИГАН ДАРАХТ



Камина хизмат тақозаси билан анча муддат Саратов вилоятида ишлаб ма- лака оширдим. Мен ўша ерда ўтказил- ган тарғиботчилар семинарида ўзим ғоят таъсирланган бир нарсани айтмоқ- чиман. Семинарда бир тарғиботчи ўз сўзида, «Ўрта Осиё жумҳуриятларида, Ўзбекистонда, айниқса, ёввойи бир қашшоқлик ҳукм сурмоқда», деди. У кечагина Ўзбекистондан қайтган киши- га ўхшаб, гўё ҳаммасини ўз кўзи бил- ан кўргандай ишонч билан бу хулосани баён қилди. Гугуртдан бошқа нарсалар магазинларда талон ва рўйхат бўйича берилаётган, нон ҳамиша катта нават- ларда туриб олинаётган Саратовда тар- ғиботчининг бу гаплари менга оғир ботди. Ишони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди, деган мақол бор. Демокчи- манки, тушкунликка берилмасдан яна- да яхшироқ яшаш йўлларини ахтарай- лик. Халқимизда келажакка ишонч туй- ғусини тарбиялайлик.

Жон бошига неча грамм гўшт истеъ- мол қилиш тўғри келаётганлигини ҳи- соблаш билан бирга Ўзбекистонда одам бошига, айниқса, ҳар бир хотин- киз бошига қанчадан меҳру оқибат, ҳурмату эъзоз тўғри келаётганлигини ҳам ҳисоблаб кўрайлик. Очарчилик, қашшоқлик ҳукм сурган даврларда, оғир уруш йилларида ўзини ёқмаган аёлларимиз нега эндиликда ўзларига ўт қўймоқдалар? Негача?

Фикри ожизимча, ҳали биз аёл қал- бини тўла тушунадиган даражага етме- дик. Ҳали маълумот даражамиз, мада- ний савиямиз аёл деб аталмиш муқад- дас китобни ўқиб тушунишга ожизлик қилапти. Авар шоираси Фазу Алиева ўзининг бир шеърда ёзганидек, аёл қалбига йўл топиш қийин. Бу йўл гўё миналаштирилган дала орқали ўтади. Шунинг учун ҳам аёл қалбига йўл олганда алоҳида эҳтиёткорлик, зийрак- лик ва донолик даркор. Мени араб- ларнинг бир мақоли чекиси ҳайратга солади: «Аёл бузган уйни худо ҳам қура олмайди, аёл қурган уйни худо ҳам буза олмайди». Олис сайёраларга йўл очдик, лекин аёл қалбига йўл то- полмаяпмиз. Яқинда шундай бир со-

циологик тадқиқот ўтказилибди: ҳар куни брак маҳсулот чиқаришга йўл қўяётган токаръ аёлнинг иш вақти соатларга бўлиб ўрганилибди. Натижа- да ўша аёлнинг соат 12 билан 1 ўрта- сида ҳар куни бракка йўл қўяётгани аниқланибди. Маълум бўлишича, бу аёлнинг ёлғизгина қизи бўлиб, у ҳар куни 12 билан 1 нинг ўртасида мактаб- дан чиқар экан. Бу пайтда аёл: «Қизим машиналар қатнови катта бўлган кўча- ни эсон-омон кесиб ўтдимикан?» деган хавотирли хәёлларга берилиб ишда бракка йўл қўяр экан.

Ўзини ёқиш ҳодисасини айрим киши- лар бу замонамизга хос эмас, эскилик сарқити, дин қолдиғи, дейишгача бор- моқдалар. Йўқ, азизлар, бу дин сарқ- ити эмас, давр иллатидир. Негачи, ислом дини ўз жонига қасд қилишни қоралайди. Ҳатто бундай кишиларга жаноза ҳам ўқилмайди. Демак, айбни узоқ ўтмишдан эмас, ўзимиздан ахта- райлик. Аёлларимизнинг дардини олиб, меҳнатини енгиллаштирайлик. Японларга ҳавас қилса арзийди. Улар ихтиро қилган машинага ун, сув ва ке- ракли ашёлар солиб, уйқуга ётишдан олдин маълум соатда машинага «тайин- лаб» қўйилса, бас, эртага ўша айтил- ган вақтда иссиқ нон тайёр бўлиб пи- шиб туради! Ана шунча шароитлар- ни яратиб берсак, бизнинг аёллари- миз японларникидан ҳам соҳибжамол ва бахтиёр бўлишига кафилман.

Гулламасдан мева қиладиган дарахт- ни биласизми? Шундай дарахт бор. Бу — анжир. Баъзи аёлларимиз фар- занданлар ташвишидан бошқа, эру қай- нонанинг зуғумидан бўлак «рўшнолик»- ни кўрмасдан, фақат мева қилиб, гул- ламасдан дунёдан ўтмоқдалар. Айрим- лари эса ўзига ўт қўйиб оловгулға айланиб сўлмоқдалар.

Исмомл ОЛЛАБЕРГАНОВ,

Хонқа шаҳри.

Ҳажга бориш барча мусулмон халқ- ларининг муқаддас бурчидир. Мусул- монларнинг ота-боболари асрлар да- вомида ҳажга бориб юксак маданий меросга эга шаҳарларни зиёрат қил- ганлар. Зиёратнинг катта ижобий мо- ҳияти бор, чунки у халқнинг иймон- эътиқодини мустаҳкамлайди. Эътиқод- ли одамлар ёмонлик қилмайдилар ва улар доимо яхшилиқни кўзлайдилар. Миллий низолар кучайиб, замон қалқиб турган бир пайтда эътиқод сув ва ҳа- водек зарур. Халқ эътиқодини мустаҳ- камлаш учун ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш керак. Боболаримиз ҳажга туяларда боришган. Ҳозир техни- ка кучайган бир пайтда ҳажга бориш қийинчилиги бўлмаслиги керак. Ҳажга борганлар давлатга 6000 сўмдан пул тў- лади. Ҳукуратимиз одамлардан ҳажга бориб келиш харажатини жаҳон бозори нархида олади-ю, нима учун халқи- миз етиштириган маҳсулотларга жаҳон бозори нархида пул тўламайди. Мисол учун бир кг. пилла жаҳон бозорида 170 сўм атрофида туради. Ҳукурат шу 170 сўм пулнинг 8-9 сўмини халқка бериб келди. Демак, 161 сўм пулни пиллакор олмайди. Пахта, қоракўл, газ, олтин ка- би бошқа маҳсулотларга нисбатан му- носабат ҳам шундай. Халқнинг 170 сўм турадиган маҳсулотига давлат 9 сўм бериб, ҳажга бориб келиш учун ундан 6000 сўм пул олиши адолатдан эмас.

Агар биз ҳажга бориб келувчини пил- лакор деб оладиган бўлсак, у етиштир- ган маҳсулотига жаҳон бозоридаги пил- ланинг нархидан 19 баравар кам ҳақ олади. Демак, давлат унинг ҳажга бо- риш келиш харажатини шунча баравар енгиллаштириши керак, яъни 6000 сўм- лик харажат пулидан 5500 сўми дав- лат чўнтагидан тўланса адолатли бўлар эди. Бошқача айтадиган бўлсак, Тош- кентдан ҳажгача бўлган йўл, Тошкент- дан Москвагача бўлган масофага қа- рийб яқинроқ, демак, харажат ҳам шунга мувофиқ бўлиши лозим.

Ҳабибулло МУХСИМОВ,

Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси.



Саратон

Алишер Мақсумов

— Қизиқ, — деди эр қўлидаги китобини оромкурсига қўйиб. — Хиёнат қилган аёлларни Шарқда тошбўрон қилишар экан.

Эрнинг нима сабабдан бундай деганига хотини тушунди, унинг сўзларидаги кинояни сезди-ю, дазмол босишда давом этаверди.

— Ақл бовар қилиши қийин! — деди эр. Хотин индамади. Эр хотинидан жавоб кутганди, аммо хотинининг индамаслиги уни ноқулай аҳволга солиб қўйди. — Урта аср ваҳшийлиги бу! — дея ўз сўзларига хулоса ясаб ўрнидан турмоқчи эдики, шу пайт хотини:

— Сиз нима қилган бўлардиз? — деб қолди, дазмол босишини тўхтатмасдан. Бундай жавобни сираям кутмаган эр туришга шайланган жойида қотиб қолди.

— Бу гапингни қандай тушуниш мумкин? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да, — деди хотини бепарво.

Шундан сўнг эр бу мавзунини тўхтатса бўларди-ю, аммо хотинининг гапи нафсониятига тегди.

— Бу нима деганинг?

— Мунча ҳаяжонланмасангиз? Ўзиз шу мавзунини бошладиз, мен ҳеч нарса деганим йўқ-ку, — деди у жудаям оҳиста овозда.

Чорасиз қолган эр гап тополмай қолди.

— Ҳа... энди... сен нима дер экансан деб гапиргандим, — деди у дудуқланиб.

— Мен ҳам сизни фикризни билмоқчи эдим, — деди хотин ўта бо-сиклик билан.

— Мени жуда яхши биласан-ку! Рашк қиладиган эркакларни ўтакетган аҳмоқ деб ҳисоблашимни. Бундан кейин ҳам ўз фикримда қоламан!

Хотин билинар-билинемас кинояли кулиб қўйди. Буни кўриб эрнинг ранги ўзгариб, икки чаккасидаги томирлари билиниб қолди.

— Мен яна қайтараман, рашкчи эркаклар ўтакетган аҳмоқ! — деди у асабий овозда. — Мен ҳеч қачон рашк қилмаганман, қилмайман ҳам!




Ҳикоялар

— Мениям рашк қилмайсизми? — деди хотин кулгисини яшириб. Эри хиёл довдираб қолди.

— Сени... сен... Йўқ, рашк қилмайман! — деди у чиранган овозда. Хотин индамади.

— Сен бир нима демоқчи бўлдинг шекилли? — ёлдиради эр. Хотинининг лаб буриши унинг жаҳлини чиқарди. — Нега индамайсан? — овозини баландлатди у. — Гапирсанг-чи! — хуноб бўлди эр.

Шундан сўнг хотин дазмолни қўйди-да, эрига тик қаради.



— Агар мен сиз айтган ўша ўрта асрдаги аёлга ўхшаган бўлсам, сиз нима қилган бўлардиз?!

— Нима-а-а? Нима дединг, қайтар! — эри ҳансиради. Хотини яна маъноли жилмайди.

— Йўқ, ўзим, — деди у майин овозда кўзларини пастга қаратиб. — Нима дер экансиз деган маънода қизиққандим. — Оромкурсига худди миҳланиб қўйгандек ўтирган эрининг кўзларидан ўт чакнаётганини кўриб, — қўрқманг! — деди ўта жиддий.

— «Қўрқманг» деганинг нима? Тушунтириб гапир!

— Секинроқ, болаларни уйғотиб юборасиз! — деди хотин эрининг жаҳли чиқаётганини сезиб. Хотин уни чалғитиш мақсадида дазмоллаган нарсаларини йиғиштириб хонадан чиқиб кетди.

Ҳеч нарсага тушунолмай эр ғалати ҳолатда хонада ёлғиз ўзи қолди.

Уша оқшомги суҳбат анча вақтгача эрнинг хотирасида муҳрланиб қолди. Юрагига оғир ғашлик тушди, ғашлик гумонга айланди. Уша кундан бошлаб аллақандй хавотирлик икковининг атрофида шарпадек кезинар, иккиси ҳам бу ҳақида сўзлашга журъат этолмас, гўё бир оғиз гап ҳаммасини чилпарчин қилиб юборишга кифоя эди.

Ерда сочилиб ётган қора домино дончаларига тикилиб қолган эр хотин фақат иккови тушунадиган маънода бир-бирларига қараб қўйишди. Ҳар куни кечки пайт ўғил билан қизи хона ўртасида ўша домино дончаларидан териб уй ясашар, уй битгач, ўғил бир туртишда

уни қулатарди, иккови яна теришар ва яна ўғли бир туртишда қулатарди. Доначаларни теришга қанчалик узоқ вақт керак бўлса, уйни қулаши шунчалик тез — бир зумда бўларди...

...Уша кун эрнинг берган саволи худди томдан тараша тушгандек бўлди. Қандай қилиб гапириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Аслида шунча вақтдан бери дилида сақлаб келган дарди беихтиёр ўзига бўйсунмаган ҳолда ташқарига савол тариқасида отилиб чиққанди ва бу уларнинг турмушида кескин бурилиш ясади.

...Хар кунгидек кечки овқатдан сўнг аёл идиш-товоқларни йиғштириб ошхонага чиқиб уларни ювишга киришди, эр эса телевизор ёнига, оромкурсига ўтириб хоккей томоша қила бошлади. Ошхонани йиғштириб бўлгач, хотин болаларини чўмилтириб ўрнига ётқизди. Бунгача хоккей ҳам тугади. Соат анча кеч бўлишига қарамай на хотиннинг ва на эрнинг ухлагиси келарди. Балки ҳавонинг иссиқлиги, хонанинг димлигидан икковининг лоҳас бўлиши сабабдир? Кўнгиллари ниманидир қўмсарди-ю, аммо ўша нарса нима эканлигини икковиям билишмасди. Унинг фикри ёдини мазкур мулоқот тинимсиз пармалаб, ҳаловатини буткул эгаллаганди. Айниқса, бу беҳаловатлик кечга бориб кучайганидан кучаяр, хотинини ҳайратга солиш истагида берган саволи нақадар қимматга тушганидан ўзини тинимсиз койирди. Вазиятни бу даражада ўзгартириш, хотини ўз оғзи билан иқроф бўлиши, камига дадиллик билан бемалол жавоб қилиши эрни довдиратиб қўйган эди. Уша кундан бошлаб ҳаммаси равшанлашди: шу пайтгача эр-хотин орасидаги муносабат сохта эканлиги, шунчаки турмуш кечириш учунгина кечаётганлиги маълум бўлди.

Эр хотиннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зимдан кузатар, босган қадами бежодай, муомалалари носамимий туюлар, ғашига тегар, аммо ўзига лом-мим дея олмай, ноилож дардини ичига ютарди. Назарида, хотини бутунлай бошқача, ўйлаганидек содда ва кўнгилчан эмас, агар доимий назорат остига олмаса уни биров тортиб оладигандек эди. У ўзи билмаган ҳолда хотинини ҳаммадан қизганар, ер-кўкка ишонмас эди. Кундан-кунга газзак олиб бораётган дарди машъум шубҳани аниқлаштиришга, тубига етишга ва бу борада нимаики имкон бўлса ишга солишга ундарди. Таассуфки, имкон дегани унда де-

ярли йўқ ҳисоби. Негаки, бунинг учун яна ўша аввалги мулоқотга қайтмоғи, хотинига яна ўша мавзу тўғрисида гапирмоғи керак эди. Бу, албатта, шу пайтгача муқаддас саналган турмушига дарз кетказмоғи кундай аён. Аммо юрагининг бир четида сассиқ алафдек ўрнашиб олган шубҳа вақт ўтган сайин шу қадар бижғир эдики, оила отлиқ олий тушунчани-да ҳечлигини исботлаб берарди. Шубҳани тарқатмагунча бошқа ҳар қандай улуғ нарсанинг қадри бўлмаслиги аниқ-равшан кўринди. Демак, инсоннинг юраги беҳад нозик ва покки, қолган неки бор унинг олдидан ўтаверсин экан. У чорасизлиги, нотавонлиги боис, нақадар оғир бўлишига қарамай, ўша мавзу тўғрисида хотинига гап очди.

— Ўтмишда одамларнинг тушунчаси анча қолюқ бўлган-да...

— Назаримда, қолюқ бўлмаган, ҳар нарсанинг чорасини топишган. Ҳозир эркаклар чорасиз...

У ўзини ноқулай сездди. Сухбатни давом этказмасликдан бошқа иложи йўқ эди. Бошладими, охирига етказиши шарт.

— Аёллар-чи?

— Улар ўзгармаган. Мана, мен, ўша пайтдаги аёллардан нима фарқим бор?

— Сени анча ақлли ҳисоблаб юрардим?

— Йўқ, мен ўша аёлларга ўхшаб қолганман.

— Наҳотки?

— ...ҳа, рост, шунақа бўлган...

\* \* \*

Эрининг ўша кундаги бачкана, бемаъни текшируви хотиннинг кўнглига жуда қаттиқ ботди. У эрини жуда ақлли деб ҳурмат қилар, унинг худбинлигини ва асабийлигини ҳам ана шу фазилатини қадрлагани боис кечиарди. У эрининг ақлига ҳаваси, ҳатто ҳасади ҳам келарди. Шунинг учун у яширинча иложи борича ақлан эри билан тенг бўлишга тиришарди. Бу истак анча вақтдан бери уни ўз ҳолига қўймас, имконияти борича ҳар доим устун чиқишга уринар, агар бир маротаба орзуси ушалса-да, ич-ичидан ҳурсанд бўларди. Шунинг учун ҳам эри ўша оқшом «ўрта аср» ҳақидаги гапни киноя билан айтганди. Бу билан у хотинининг ички ғурурига теккан эди. Хотинда эса ўша кундан бошлаб ўч олиш алами юрагида ўтириб қолганди. Эри нима сабабдан буни гапирганини у дарров англаб олди. Бирдан эри унинг кўзларига жудаям ожиз кўринди, кўнгли

тушиб кетди. Чунки эри бу саволни уни синаш учун бергани, аслида бу синовнинг мақсади нимадан иборат эканлигини эрининг ўзиям аниқ билмаслигини, балки ўзидан ўзи кўрққани учун берганини англаб етди. Хотин эрининг берган саволини ўша оқшомдаги суҳбатнинг натижаси деб топди, аниқроғи, давоми деб билди. У эридан аламини олмақчи бўлди.

— ...Ҳа, рост, шунақа бўлган эди, — давом этди хотини ва негандир энди тўғри эрига қараб ғалати кулиб қўйди. Эрининг қорачиғлари борган сари кенгайиб бораётганини кўриб хотини яна қулди. Анча вақтдан бери ўйлаб юрган орзусига ниҳоят эришиш фурсати етди, агар шу фурсатни ҳозир қўлдан чиқарса ҳамма ўйлагани барбод бўлишини яққол сезган ҳолда ғалабага эришишга киришди.

— Ишга кеч қолаётган эдим, аксига юриб ҳеч қандай транспорт келмасди. Шу пайт оқ «Жигули» олдимга келиб тўхтади. Эшиги очилиб, эгаси «ўтиринг» деди. — Шу сўзларни хотини атайлаб ҳаяжон билан гапирар эди, сўнг эрининг аҳволи сезиларли даражада ўзгараётганини кўриб, бир оз жим қолди. Агар у давом этса эри ўзидан кетиб қолиши мумкинлигини ўйлади. У жим, турди, кейин тўсатдан: — «Ўтирмайман!», деб жеркиб бердим унга. У машинасидан тушди, айланиб ўтиб ёнимга келди. — Хотини ҳар бир гапидан эри қандай ўзгараётганини кўриб завқланарди. — Нима, кўрқяпсизми? — деди у кесатиб.

Шу пайт аёл эрининг ичидан инроқ эшитгандек бўлди. У янаям шиддатлироқ ҳужум қила бошлади.

— «Ия, нега кўрқар эканман!» дедим-да, шартта ўтирдим!

Бу сўзлардан сўнг аёл эрининг кўзидан худди кўксига ханжар урилган одамнинг ҳолатидек маъни кўрди. Шундан кейин у жим қолди. Ҳаммаси шунчалик шиддат билан содир бўлганидан эри лом-мим деёлмай шамдек қотиб қолганди. Орага мудҳиш жимлик тушди. Бу дақиқа уларнинг келажагини ҳал қиладиган дақиқа эди. Бунақа вазият инсон умрида атиги бир маротаба кечиши мумкинлигини биринчи бўлиб хотини тушуниб етди, аниқроғи ҳис этди. У фурсатни қўлдан бой бермаслик учун ҳикоясини давом этказди.

— Кейин у мени ишхонам олди-га ташлаб кетди. Пул берсам, олмади. — «Пулларим кўплигидан қаёққа қўйишимни билмай қийналиб

юрибман-ку, тагин сиз пул бермоқ-чисиз-а?» — деди менга қараб.

Аёл гапиришдан тўхтаб эрига қаради. Эрининг кўзлари жовдйраб, худди шафқат сўраётгандек турарди.

— «Ишдан нечада чиқасиз?» — деб сўради сўнг. — Хотин эрининг кўзларига ўткир тикилди. — «Нимага эди?» десам, «Ишдан чиқишингизга етиб келсам, нима дейсиз?» — деди яна уялмасдан. — Аёлниң бу сўзлари нажотга мустарим турган эрига охириги зарба бўлди шекилли, афти қийшайди.

— Бўлган воқеа мана шу, холос, — деб хотини ҳикоясини яқунлади.

Орага ғалати жимлик тушди. Эр жуда қийналиб ютинди. «Қулт» этган товуш шу даражада баланд эшитилдики, худди хонадаги жимликнинг нақадар мудҳиш эканлигини яққол билдиргандек туюлди. Дарҳақиқат, аёл эрини биринчи мартаба бундай аянчли аҳволда кўриб туриши эди. У эрига ҳам ачинди, ҳам ундан нафратланди.

— Сизга бунчалик таъсир қилди деб сира ўйламаган эдим. Агар билганимда бу воқеани сизга ҳечам гапирмаган бўлардим. Худо урсин, агар!..

Шундан сўнг эри хиёл ўзига келди. Мана шу озгина вақт ичида бўздек оқарган юзига қон югурди. Лабларининг титраши босилди. Шундан сўнг ўзини қўлга олмоқчи бўлди. Сухбат унга ҳеч қандай таъсир қилмагандек ўзини кўрсатмоқча уринди.

— Нега унақа дейсан?! Йўқ, ростини гапириб сен жудаям тўғри йўл тутдинг, — деди у мажбуран илжайиб. Аммо унинг юзи кулса ҳам, кўзлари шишага ўхшаб совуқ кўринарди. У хотинига кулгили кўринмасликка тиришсам, унинг аҳволи жуда ачинарли эди.

Аёл кулмасди. У эрига ҳайрат билан тикилиб қолганди. Унинг ўта синчковлик билан тикилиши эрининг ҳаяжонини кучайтирар, ноқулайликдан қутулмоқчи бўлиши янаам кулгули кўринарди. Эр ҳамма нарсага тушуниб етган, кўриниши аянчли ва хунук эканлигини ўзини яққол тасаввур қилар, бироқ бу аҳволдан тезроқ қутула олмаётганидан азоб чекар, ноқулай хатти-ҳаракатлари билан чорасизлигини янада ошқора этарди. Фурури синганлигини, ўзи хотинининг олдида батамом мағлуб бўлганлигини яққол тушунган бўлсам, аммо сира тан олгиси келмасди.

Аёл бирдан ҳаммасига тушуниб етди. Мана шу сирли ички олишув-

да ғолиб чиққанди. У ғолиб чиққанлигини билар, аммо ғолиб келгани ўзига татимаётганди.

Аёл эрининг нақадар ожиз одамлигини фақат мана шу бугун билганди. У ҳар доим эрини жуда олижаноб, қаттиқ иродали деб билар, унга суяниб яшаб келганди. Энди бўлса ҳаммаси бирданига остин-устин бўлиб чиқди. У эрига тикилар экан, хаёлига: «Наҳотки мана шу одам менинг эрим, иккита боламнинг отаси бўлса-я?!», деган фикр келди.

Эр ўзининг охириги кучларини йиғиб:

— Ҳа, нима, машинага ўтирган бўлсанг, ўтирибсан-де! — деди-ю, аммо, барибир ўзи истаганича ғаразсиз гапира олмагани яққол сезилди ва бундан қутилиш учун бирдан хохолаб кулиб юборди. Унинг кулгуси ўта ясама, сунъий бўлганлигидан жудаям хунук ва ҳатто қўрқинчли эди. Эрининг кулиши тўхтаганидан сўнг, орага мудҳиш жимлик тушди.

Шу пайт эри тўсатдан титрай бошлади, титроқ қалтироқча айланди, қалтироқ шунчалик зўр эдики, ҳатто у ичидан чиқаётган ғалати овозниям босолмас, юзидан, пешонасидан дона-дона тер қуюлиб келарди.

Аёл ўрнидан турди, сўнгра секин хонадан чиқиб кетди. У эрининг қалтироғи босилгунча унинг ёнига қайтиб йўламади.

Анча вақт ўтгач эр ўзига келди. Фикрлари хиёл бўлса-да, тиниқлашди, узоқ вақт хаёл суриб ўтирди. Охири у ҳам ўрнидан туриб ётоқхона томон юрди.

Хотини, кўзлари юмуқ, оппоқ тўшакда ётарди. Эрининг назарида, у ухламаётганга ўхшаб кўринди.

— Сен жуда тўғри қилдинг, менга ростини айтиб, — деди у яна бояги сўзларини қайтариб. Хотини жавоб бермади.

— Мен сендан сўраяпман, у сенга яна бирор нима дедими? Нега индамайсан?!

Ҳанузгача жим ётган хотини тўсатдан эрига ўқрайиб қаради ва бирданига баланд овозда:

— Ҳа, гапирди! — деб бақирди. — Гапирди!!

— Нима деди?

— «Учрашайлик», деди.

Эри иложи борича ўзини босишга ҳаракат қилди. Бу гапларни эшитиш унинг учун қанчалик оғирлигини фақат ўзи биларди, холос. Саволни бергани учун чидашга мажбур эди.

— Сен-чи? Сен нима дединг?

— Мен «йўқ» дедим.

— У яна нима деди?

— Уми, у...У: «Нега унақа дейсиз? Ахир мен тўғри маънода сизга гапирдим», деганди, «Вой, нега унақа демас эканман, ахир эрим бор, иккита болам бор», дедим.

Хотин бундай олишувдан чарчанди. У бирдан нима қилаётганлигини тушуниб, оқибати нима билан туғашини яққол ҳис қилди. У ачинганча эрига қараб:

— Ушани машинасига ўтирганимга минг минг пушаймон едим! Сиз ўйлайвериб, ичингизни тирнаманг. Энди бировларни машинасига ўтирмийман. Илтимос, куйинаверманг, ахир мен ўзим иқрор бўлдим-ку. Сиздан бекитмадим-ку, ёлғон айтмадим-ку. Ҳатто... ҳатто ишхонамда: «Мени биров ўз машинасида олиб келиб қўйди», деб мақтанмадим ҳам.

Хотини қайси маънода бундай деганини эри тушунмади, аммо яна аввалгисидан баттарроқ ижирғанди. У бир қўлини мушт қилиб пешонасига қўйганча шипга қараб ётарди. У ётган жойида бир нима демоқчи бўларди-ю, аммо яна титроқ бошланганидан ҳеч бир сўз айтолмади. Эрининг аҳволини кўриши билан хотини саросимага тушиб қолди.

— Вой, нимага сизга бу сўзларни айтдим-а? Энди бировни машинасига ўтирсам ўлимим ўша машинадан чиқсин. Энди ўтирмайман, ишонинг, — дерди у ваҳимали овозда. Унинг ҳар бир гапирган сўзи эрига қанчалик азоб бераётганлигини, юрагига ханжар билан баробар таъсир қилаётганини жуда яхши билган ҳолда ачинарди.

Хиёл вақт ўтиб эри титрашдан тўхтади. Узоқ вақт жим ётди. Хотини ҳам ҳеч нима демая, кўрпасига бурканиб, кўзлари юмуқ ётарди.

Шу аҳволда улар иккови тонгга яқин ухлаб қолишди.

\* \* \*

Эртасига эр-хотин жуда оғир аҳволда уйғонишди. Хаёлларига кечаги воқеа келди, аммо икковиям бу ҳақда бир-бирига чурқ этмади. Ҳар галгидек икковиям шоша-пиша болаларини етаклаганча ишларига жўнашди. Икковиям ўзини кечаси ҳеч нарса бўлмагандек тутмоқчи бўлар, аммо икковининг хаёлидан тунги воқеа сираям кетмасди. Улар иккови бир-бирига билдирмай бу воқеани унутишга қарор қилишди.

Кечаги воқеа қандай оқибатга олиб келишини эр жуда яхши тушуниб турарди. У ишхонасида кун бўйи шу ҳақда ўйлади. Охири, ўзини

ҳеч нарса бўлмагандек тутишга қарор қилди.

У худди ўйлаганидек қилди. Ҳар кунгидек эр-хотин ишдан сўнг учрашиб, биргаллашиб болаларини боғчадан олишди. Ҳар куни хотини ўғлини, эри эса қизини етаклаб, фаввора ёнига келишганида эр-хотин ака-сингилни кўтариб, сачраётган сув томчиларига юзларини тутишарди. Сув сачрашидан болалар қийқиришар, қувониб кулишарди. Болаларига қўшилиб эр-хотин ҳам кулишарди. Салқинлаб олгандан сўнг уйлари томон равона бўлишарди.

Шу бугун ҳам ҳар галгидек бўлди. Аммо болалар негадир ота-оналари ғалати, ўзларига ўхшамаганларидан ҳайрон бўлишар, улар орасида яхши бир нарса йўқолганини, унинг ўрнига бошқа, кўз билан илғаб бўлмас, қулоқ билан эшитиб бўлмас, қўл билан ушлаб бўлмас ёмон бир нарса пайдо бўлганини яққол сезишганди.

Уйга киришгач, ҳар галгидек онаси болаларнинг кийимларини алмаштирди. Биттадан печенье олиб болалар кўчага ўйнагани чиқиб кетишди. Эр келган заҳотиёқ чўмилгани душхонага кирди. У узоқ чўмилди. Хотин хоналарни энгил йиғиштирган бўлди-ю, дарров овқатга уннади. Эр ювиниб чиққач, ўзининг хонасига кириб кетди ва ёзувчиловга берилди.

Кеч ҳам тез тушди. Овқатдан сўнг ётиш ҳаракатига тушишди.

Эр-хотин ичларидаги туғённи бир-биридан яширган ҳолда ўринга киришди. Икковиям жим ётишарди. Одатда, ўринга ётишгач, эр ҳар гал хотинини эркаларди, сўнгра ухлаб қолишарди. Бу гал ҳам шуни кутиб хотин эри томон ўгирилганди, бақрайиб ётган эрини кўрди. У ҳатто чўчиб тушди. Нияти пучга чиқди. Эр-хотин ўзи билан ўзи бўлиб жим ётар, иккови ҳам ухламасди. Хотиннинг кўнглига қўрқув тушди. У эрига қаради. Эрининг кўзлари қизарган, чаккасидаги йўғон томирлари кўкимтир рангда бўртиб чиққан кўринарди. У энди эрига яқинлашганди, аста-секин эрини титроқ босаётганини сезди. У қўриқиб кетди. Бирдан эрининг титроғи кескин тус ола бошлади. Худди кечагига ўхшаб тиши-тишига тегмасди.

— Вой, худойим-эй! Нима бало урди сизни?! — деб бақириб юборди хотини. Ўзи билмаган ҳолда ўрнидан ирғиб турди, ички кўйлақда ошхонага югурди. Пиёлага сув тўлдириб, ярмини йўлда тўкиб, эрининг олдига югуриб келди. Эри

шунча уринса-да, бир қултум ҳам сув ичолмади, ҳаммаси ўринга тўкилди.

«Тез ёрдам» келганида эрининг титроғи бирмунча босилганди. Уколдан сўнг эса тинчланиб, кўп ўтмай ухлаб қолди. Тинка-мадори қуриган хотин ҳам бошини ёстиққа қўйгани заҳоти кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, қаттиқ уйқуга кетди...

...Бирдан хонани қоп-қоронғулик қоплади. Деразадан катта қора махлуқ хонага мўралади. Унинг кўриниши жуда даҳшатли эди. Болалар йиғлаб юборишди кўрққанидан. Хотини иккала боласини маҳкам қучоқлаб, уларни яширмоқчи бўлди. Эри ўрнидан сапчиб туриб дераза томон отилди. Қора махлуқ қанотларини кенг ёйиб хонага кирмоқчи бўларди. Эри қўлига таёқ олди ва махлуқнинг йўлини тўсди, аммо кучи етмади. Хотини болаларини қўлларидан кўтарганча қочмоқчи бўлди, аммо хонанинг эшиги очилмади. Охири қора махлуқ деразанинг ромини кўчириб ташлади, эрканки бир уришда ерга қулатди ва хонага бостириб кириб келди. Аёл болалари билан чинқириб юборди...

...Хотини ўзининг чинқириғидан уйғониб кетди. Эри ёнида тинч ухлаб ётарди. Нариги хонадан қизчасининг йиғиси эшитиларди. Хотин ўрнидан туриб, қўшни хонага отилди. Қизи уйқуси аралаш йиғларди. Қизини тинчлантириш учун хотин анча уннади, юзларидан силаб юпатди. Қўлида кўтариб юрди ҳам бироз. Ниҳоят, уни тинчлантириб ётқизди, бир амаллаб яна ухлатди, жуда толиққан ҳолда хонасига кирди.

Хонага кириши билан чинқириб юборди. Унга даҳшат билан эри тикилиб турарди.

— Вой, янами?! — деб бақириб юборди хотини ва ҳолсизланган ҳолда деворга суянганча ўкириб юборди. Эрининг бутун танасини титроқ қамраб олганди.

— У н-н-н-м-м-а д-дедди??? — даҳшанин титроқ босганидан тиши тишига тегмас, шунда ҳам кучаниб гапирарди.

— Вой, доооод!!! — деб бақирди хотини. — Ҳеч нима демади у! Уни кўрмадим! Ҳеч қандай оқ «Жигули»га ўтирғаним йўқ! Ҳаммасини тўқигандим! Ахир, ишонсангиз-чи! Одамни пичоқсиз сўйиб хит қилдиз-ку! Вой, ойижон! — деб ўкириб-ўкириб йиғларди у. — Э, худо! Қайси гуноҳларим учун менга шунча азоб берасан? — деди у ерга ўтириб. — Ҳеч қандай оқ «Жигули» йўқ! Ишонинг.

— Ёл-лғо-о-н-н! — деди эри титраб, унинг титроғи борган сари кучайиб борарди. — Г-гапир-р!

— Хўп, хўп, яхши, сизнингча бўлақолсин, — деди хотини шошиб.

— Н-н-ним-м-ма-а-а-а-д-д-д-д-д-д-ди-и-и-и? — яна титроғи кучайиб борарди.

— Ҳа, деди! Нима деди? Нима деди-я ўзи? А? — хотини шошганидан тили бирон сўзга келмасди. — Ҳаҳ-вой!

— Г-г-гапир-р-р-р!!! — деди эри жуда даҳшатли титроқда.

— Хўп, хўп, ҳозир айтаман, — хотин саросимага тушиб, бир жойда гир-гир айланарди. — Ҳозир айтаман, ҳозир. «Учрашайлик», деди!

Уша заҳоти эрининг титроғи таққа тўхтади. Худди биров унинг ичидаги титроғини таг-томири билан суғуриб олгандек бўлди. Гўё ондан бошқатдан туғилгандек кўзлари равшан чарақлар, энди хотинига меҳр билан боқиб, ўрнида тинч ётарди. У ҳатто илжайарди ҳам. Жуда ғалати илжайиш эди бу. Хотини сираям эрининг бундай кулганини кўрмаганди.

— Кейин-чи? — деб сўради эри, энди жуда майин овозда.

Хотинининг тили бирор калимага келмас, ҳангу манг бўлиб эрига бақрайиб қолганди.

— Кейинми? Кейин-чи... Ҳалиги... у мени билагимдан ушлади! Йўғ-эй, нима деяпман ўзи, қўлимдан демоқчи эдим. — Бу сўзлардан эрининг кўзлари яна ғалати қақнаб қўйди. Танасига ичидан аллақандай бир чираниш келди. У яна майин ва юмшоқ оҳангда гапирди. — Давом эт!

— Нимани давом этай? — ҳайрон бўлиб сўради хотини.

— У ўзи ким экан? Нима иш билан шуғулланаркан?

— Уми? — хотини бир дақиқа ўйланиб, кейин тилига келган сўзларни гапирарди. — Ўзи ёш йигит экан, марказий универмагда склад мудури бўлиб ишларкан, — деди у ўзидан ўзи ҳайрон қолиб.

— Яна нималарни сенга гапирди? — яна сўради эри. Хотинининг қўрқуви ҳали кетмаганди, эрининг титроғи яна бошланиб қолгудек бўлса энди бу ёғига бардош беролмаслигини яши тушунгани учун ҳикоясини давом этишга мажбур бўлди.

— Складда ревизия бўлганди, озгина етишмовчилик чиқди, — деди хотини хавотирланиб эрига қарар экан. — Юрагим сиқилиб кўчани бир айланиб кўнглимни ёзгани чиққан эдим. Омадим келиб сизни учратдим. Жуда гўзал экансиз, деб

яна қўлимдан ушлади... — Хотини бу сўзлардан эрининг кўз қорачиғлари кескин кенгайиб, кейин кичрайганини кўрди, қўрқуви янада ортиб, ҳикоясини давом эттираверди. — Яхшиям, сизни учратдим, кўнглим анча ёзилди. Сиз одамларга шодлик бағишлар экансиз. Раҳмат сизга! Энди мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! — деб хотини ҳикоясини тугатди. — Бор гап шу!

Аёл энди ўзига кела бошлаганди ва бир нарсадан жуда ғалати бўларди. Қўрқув унинг бутун вужудини қамраб олишига қарамай, ўзи тўқиган ҳикоясидан юрагига аллақандай ёқимли илиқлик югурганини сезганди. Юзини мароқли шарпа сезилар-сезилмас силаб ўтгандек бўлди. Қўрқув аралаш бўлгани учун унга бу нарса жуда ғалати бўлиб туюлганди.

Эри ҳануз индамай тепага қараб ётарди.

— Бўлди, мен чарчадим, — деди у жуда оғир, вазмин овозда. Хотин эрининг овозини эшитиб юраги эзилди кетди. У эрига жудаям ачиғиб қаради. Эрининг дардли овозидан у қанчалик азоб чекаётганини яққол сезарди.

— Ухлайлик, — деди эри мадорсиз овозда. Бир оздан сўнг эри ухлаб қолди.

Хотин анча вақтгача ухлаёлмай ётди. У овоз чиқармай юм-юм йиғларди. Шу кеча у эридан умрбод айрилганини тушунди...

У уйга келганида эри, болалари уни кутиб ўтиришарди. Эри ўзи тайёрлаган овқатини ҳануз сузмай, хотинини пойлаб ўтирганди. Биргаллашиб овқатланишди. Аёл яширинча эрига қараб қўярди. Эрининг юз ифодаси осойишталигидан кўнгли бирмунча таскин топди. Яна умид учқуну чўлгангандек бўлди. «Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб ўзига-ўзи далда берди у.

Ётиш олдидан ўғли:

— Опажон, анави келган бор-ку, нега бизникига келади? — деб сўради.

— Нимани сўраяпсан, болажоним? — деди онаси билмасликка олиб ўзини.

— Ҳар куну уйимизда пайдо бўладиган-чи?

— У аллақачон кетиб қолган, энди сираям келмайди, қўрқмагин, — деди онаси.

— Акам уни милтиқлайи билан ҳайдаб юбойяйла-а, опажон?! — деди нариги жойда ётган қизча-

си. — Акамдан қўйқиб кетиб қолади-а? Акам зўйла-а?

— Ҳа, жоним, акам шунақа зўрде. Катта бўлганида ҳаммамизни қўриқлаб юради, — деди онаси қизининг юзидан ўпиб.

У ётоққа кирганида эри ҳали ухламаган, уни кутиб ётарди. Яна олдиндагидек диққат билан унга тикилар, унинг ҳар бир ҳаракатларини ўта синчковлик билан кузатиб ётарди. Аёл атайлаб узоқ ечинди. Сочларини чамбарак қилатуриб, парвосиз эрига қарагандай бўлди. Лекин шу онда, эрининг жовдираган кўзларидан бир нарсани олдиндан сезгандек дарров ҳушёр тортиди. Эрининг безовталигини кўриб юрагига ғулғула тушди. Яна ўша эски ховотир пайдо бўлди. Назарида, хонада ўзи ва эридан бошқа яна кимдир борга ўхшаб туюларди.

— ...Титроқ бошланса ҳам ҳикоянги давом эттираверсангиз-чи? Нима бўлар экан?! — деди врач. Сариқ сочли аёлнинг гапларидан у қўрқиб кетди. Рухий хасталар шифокори унинг аҳволини дарров сезгандек бўлди, шекилли:

— Бўлмасам, уни шифохонага ётқизиш керак! — деган эди, аёл сапчиб ўрнидан турди:

— Йўқ! Йўқ! У касал эмас. Фақат... фақат... У мени жудаям яхши кўради! — деб юборганини ўзиям билмай қолди. — Ҳа, у мени жудаям қаттиқ яхши кўрар экан! — такрорлади у. Чиқаётганида сариқ сочли хотин унга:

— Барибир бу гапни бир ўйлаб кўринг. Агар эризни яхши кўрсангиз, айтганларимни қилинг, — деди.

У уйга кетиб бораркан, хаёлидан боя врач айтган сўзлар кетмасди. У бутун вужуди билан норози бўлишга тиришарди-ю, аммо шу билан бирга юрагининг бир бурчагида ғалати истак борлигини ҳам инкор этолмасди. У қўрқарди ва шу билан бирга кучли қизиқиш истаги уни ўз ҳолига қўймасди.

...Аёл ётоққа кирганида эри ўрнида ётарди. У ётган жойида хотинининг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатарди. «Яқинда шу ҳолат одат тусига айланадиганга ўхшайди», хаёлидан ўтказди у.

— Қаерга бордиларинг? — деди эри қатъий оҳангда. Аёлнинг бошига худди гурзи урилгандек бўлди. Ичидан кўтарилиб бутун вужудини қамрай бошлаган қўрқув бирдан ташқарига отилиб чиқди. Қулоқлари остида ҳуштак чийиллади. Тинимсиз чалинаверди. Эрининг сўзлари бунга туртки бўлиб хизмат қилди. У чинқириб юборди.

— Дооод!..

...— Эризни даволаш керак. Уни уйда эмас, шифохонада даволаш керак. Сиз мени тўғри тушининг, у касал. Агар касалининг олди олинмаса, натижаси яхши бўлмайди. Агар шу аҳволда қолаверса аҳволи борган сари ёмонлашаверади, касали чуқурлашаверади.

— Ахир индамай юрибди-ку.

— Энг хавфлиси ҳам шу. Хаёли паришон, ўзи билан ўзи суҳбат олиб боради. Узича ҳар хил режалар тузади, ўзи билан ўзи келиша олмай азоб чекади, охири бир қаборга келиб, ўшани қаттиқ ушлаб олади. Уша фикрини миясига жуда чуқур жойлаштириб олади, уни ҳеч қандай нарса билан чиқариб бўлмайди, хотирасидан учуриб ҳам. Агар касалининг ўз вақтида олди олинмаса, ўзини ўзи бир нарса...худо кўрсатмасин, тағин доғда қолиб юрманг...

...Эрининг титроғи аёлни ўзига келтирди. Аёл яна саросимага тушиб қолди.

— Қа-қаёқ-ққ-қа-а«а-бор-р-рди-лар-р-ринг??.

— ...Хўп, агар эрингизни шифохонага ётқизиш ниятингиз йўқ экан, бўлмаса ўша тўқима ҳикоянги давом эттираверинг, маслаҳатим шу. Сиз ҳамма гапни рад этаверсангиз, унинг хаёллари борган сари чуқурлашаверади, шунинг учун юрагидаги азобни изтиробдан қутқармоқчи бўлсангиз, ҳикоянги давом эттираверинг. Сиз унинг хаёлига кириб боринг...

...— Ҳа-ҳа! Бордик, йўғ-эй, олиб борди.

— Қаёққа!!

— Рес..рест..ресторанга! Ҳа, ресторанга олиб борди!

Эрининг титроғи шу заҳоти тинчиди. Аёл ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди.

Эри, соғинчга тўла маъноли кўзлари, ялинган ҳолда хотинига илтижо билан тикилиб қолганди.

— Қайси кўйлагини кийиб бординг? — деб сўради ва овоз чиқариб ютинди. Хотини худди шу саволни кутиб турганди. У қайси бирини айтсам экан деган маънода кўйлақларнинг ҳаммасини бирмабир хаёлидан ўтказди. Пушти гулли шифон кўйлагини ҳар сафар кийганида ҳаммининг ҳаваси келиб, «Жуда очилиб кетибсиз!», дерди. Уша кўйлагини ўзи ҳам жудаям ёқтирарди. Аёл энди ўша кўйлагини айтмоқчи бўлиб турганди, эри ундан олдин:

— Пушти гулли кўйлагингда эдингми? — деб юборди.

Аёл эрининг кўзларига қарашга

уяларди, аммо шу сўзларини эшит-  
гач:

— Ҳа, топдингиз, — деб эрига  
жуда ҳайрат билан бақрайди. Эри-  
нинг кўзларида мамнуният барқ  
уриб турарди. Кейин эри нигоҳла-  
рини хотинидан олди ва жим хаёл  
суриб қолди. Хотини ҳам миқ этиш-  
га қўрқиб, жим қолганди. Иккови-  
нинг орасида кўз билан илғаб, қўл  
билан ушлаб бўлмас бир кимса  
борлиги ва у эр-хотинни шубҳасиз  
бир-биридан айириши энди аниқ  
сезилиб турарди.

## Умида

«Иссиқ сув берилиши тўхтатилади».  
Маҳаллақўм эълони.

Умида йиғларди. Бир неча дақи-  
қа илгари у эри билан аразлашиб  
қолганди. Жанжал уйда сув йўқли-  
гидан чиқди.

...— Аёл бошим билан биров-  
ларнинг уйига сув сўраб кирайми?!

— Кеча айтсанг бўлмасмиди шу-  
ни? Албатта ишга кеч қолаётган  
пайтим қўлимга челақ тутқазишинг  
кераг-а! — деди жаҳли чиқиб эри.

— Манам кеч қоламан! — деб  
гап қайтарди Умида. Эри жаҳлдан  
пирпираб турди-да, ҳеч нарса де-  
масдан эшикни қарсиллатиб ёпиб  
кўчага чиқиб кетди. Йиғлаётган бо-  
лалариям унга эргашиб ортидан  
судралиб чиқишди. Умида ёлғиз  
ўзи пиқиллаб ўтирарди. Пешонаси  
шўрлигига иқрор бўлдими, баттар  
хўрлиги келди. Лекин бир оздан  
сўнг ўзига келиб, эрини хафа қил-  
ганига афсусланди. Нонушта қил-  
май кетган болаларига ачинди...  
«Бир кун ҳам рўшнолик йўғ-а!» де-  
ди у хўрсиниб.

Умида йиғлашдан тўхтади, кўз  
ёшларини артиди. Урнидан туриб,  
кўзгу ёнига борди, қараб олгач  
ўзи ҳам ташқарига йўналди. Йўлак-  
да димоғига қўланса ҳид урилди,  
жирканиб бурнини беркитганча ил-  
дам юриб кўчага чиқди.

Ишхонасида аёллар бир жойга  
тўпланиб, гап талашарди. Ат-  
рофдагиларни ўзига қаратган жу-  
вон кўлидаги марварид узугини  
ҳаммага кўз-кўз қилар, узук жуда  
чиroyли, аёллар унга суқланиб қа-  
рашарди.

— «Агар олиб бермасангиз  
ўзим оламан!» дедим, «Пулни  
қаёқдан оласан?» деб пўнғиллади.  
«Топаман-дел!», дегандим, қўрқиб  
кетди, хаёлига ҳар бало келган  
бўлса керак-де! Уқрайди, тўнғил-  
лади, озгина сасидиям, лекин ба-  
рибир олиб берди. — Аёл шундай  
деб, завқи келиб қийқириб қўйди.

Умида дугоналарига яқинлашди.

— Қани, мен ҳам кўрай, — деб  
у ҳам қўлини чўзганди, жувон ўзи-  
ни орқага тортиб:

— Вой, айланай, сиз кўриб нима  
қиласиз. Туя ҳаммомни орзу қил-  
ганидек! — деди. Аёллар қаҳ-қаҳ  
уриб юборишди.

— Вой, савил-ей, — деди Умида  
ичидан зил кетган бўлса-да, сез-  
дирмасликка тиришиб. — Текинга  
берсангиз тақмасман! — Шундай  
деб бурнини жийирди.

— Жоним, — деди жувон заҳар-  
ханда билан. — Агар эрийз икко-  
вийз бир умр ишласангизам буна-  
қа узук олишга қурбиз етмийди! —  
Яна ҳамма кулди.

Шу пайт эшик очилиб, остонада  
бошлиқ пайдо бўлди-ю, ҳамма  
жой-жойига тарқади.

Умиданинг алами ичида қолди.  
Ишлагандай ҳам бўлмади: пешин-  
да «бош оғриғини» баҳона қилиб,  
бошлиқдан кетишга рухсат сўради.  
«Шамоллаган бўлсангиз ҳаммомга  
тушиб, иссиқхонасида обдон тер-  
ланг. Ичингиздаги бор дарддан  
фориг бўласиз», деди бошлиқ ку-  
либ. Кўчага чиққач, бояги алами  
хиёл тарқагандек бўлди. Сув йўқ-  
лигини эслаб уйига боргиси келма-  
ди. Дугонасининг бояги гапи жон-  
жонидан ўтиб кетганди. «Туя ҳам-  
момни орзу қилипти» эмиш! Узинг  
ким эдинг, олибсотар!..»

Хиёл хаёл суриб турди-да, Уми-  
да ҳаммомга боришга қарор қил-  
ди.

Анчадан бери келмагани учун у  
ҳаммомда ўзини жуда ноқулай  
сезди. Аёлларнинг суқли нигоҳла-  
ридан эса баттар уялди. Шу боис,  
аввалига бироз довдираб, сал ўт-  
гач, ўзини қўлга олиб, тоғорага сув  
тўлдирди-да, чироқ нури хира ёри-  
таётган бурчакка қараб юрди. Со-  
чини ёйиб, бошига энди қатиқ сур-  
камоччи эди, ногаҳон кўзи бурчак-  
да ётган ялтироқ нарсага тушди.

«Узук! Тилла узук!» Умида кўз-  
ларига ишонмасди. Ҳаяжондан

юраги потраб ура бошлади. У ат-  
рофга аланглади. Ҳамма ювиниш  
билан овора, ҳеч ким унга қарамас-  
ди. Оҳиста энгашиб, узукни олди...

«Гавҳарининг катталигини!!!»

Назариди, бу узукни у қачонлар-  
дир йўқотиб қўйган-у, ниҳоят, то-  
пиб олгандек эди. Шунчалик қадр-  
дон туолди бу узук... Бирдан ўзига  
келиб, қаерда эканлиги эсига туш-  
ди-ю, апил-тапил ювиниб, ўзида  
йўқ шод, шошилганча даҳлизга  
йўналди. Кийимини ечган шкафни  
ҳам зўрға топди. Назариди, ҳамма  
унга шубҳаланиб қарар, гўё ҳозир  
эшик очилиб, узук эгаси келади-ю,  
унинг шармандасини чиқарадиган-  
дек эди. Шошгандан артиниш-  
ниям унутиб, кийина бошлади. Ҳо-  
зир у қафасга тушиб қолган қушга  
ўхшарди.

— Нархиям жуда қиммат бўлса  
керак! — деб юборди у кийина  
туриб. Овозидан ўзи ҳам қўрқиб  
кетди, дарров кафти билан оғзини  
ёпди. Сўнг нафасини ростлаб, ат-  
рофга аланглади: бир нечта аёл  
унга ажабланиб тикилишмоқда эди.  
Умиданинг юраги орқасига тортиб  
кетди. Лекин дарров ўзини қўлга  
олди. «Наҳотки, сезиб қолишди?!»

Бояги аёллар кийиниб чиқиб ке-  
тишди-ю, у енгил нафас олди. Шу  
пайт ювиниш бўлмасининг эшиги  
тарақлаб очилди-ю, бир аёл пайдо  
бўлди. У шу қадар шиддат билан  
кирдик, ҳамма тўхтаб, унга қараб  
қолди.

— Ҳа, айланай, нима гап? — де-  
ди семиз хизматчи аёл.

— Узугим!!!

Умида турган жойида бир сакраб  
тушди.

— Қанақа узук? — дея ҳайрон  
бўлиб сўради хизматчи.

— Ёқут кўзли тилла узугим!  
Умиданинг юраги санчгандек  
бўлди. Бўлак аёллар бош чайқаб,  
астойдил ачинишган бўлишди.

— Тилла тақинчоғиз бор экан,  
ечиб ювинмайсизми, айланай? —  
деди хизматчи аёл.

— Бунақа бўлишини мен қайдан  
билай! — деди у надомат билан.  
Аёллар ғовур-ғувур бошлашди.

Узугини йўқотган жувон билан  
хизматчи аёл ҳаммаёқни тинтиб,  
текшириб кўра бошлашди.

Улар Умида томон яқинлашиб  
келишарди. У қўрққанидан ҳатто  
нафас ҳам олмай қўйди. «Ҳаммаси  
тамом!»

Аёллар унга қарамай ўтиб ке-  
тишди. Умиданинг юрак ўйноғи  
босилгандек бўлди...

Узукни қидирмаган жойлари  
қолмади.

— Бо-о, худо! — деди зарда би-

лан узугини йўқотган жувон. — Битта узук деб жонимни койи-таманми! Бошимдан садақа-ей! Эримга бир ялинсам, бунақа узукдан ўнтасини олдигга тахлаб ташийди! — У жадал кийина бошлади. Ҳамма уни жим кузатиб турарди. — Ачинганимга арзимайди, — деди у эшик ёнига бориб. Сўнг орқасига ўгирилиб, яна бир маротаба атрофга кўз югуртирди. Нигоҳи Умидага тушиб... унга бир зум тикилиб қолди. Умида беихтиёр кўзларини олиб қочди. Жувон ҳаммага эшиттириб:

— Ким топса бош-кўзимдан садақа! — деди-да, чиқиб кетди. Эшик қарсиллаб ёпилганидан Умида жойида яна сакраб тушди. Аёллар оҳиста ўз юмушларига шўнғишди.

— Вой, бошингдан қолсин-ё ўша узугинг!

— «Эрим ўнтасини тахлаб ташийди» эмиш, эриммас, ўйнашим де!

— Пешона тери билан топилган пулга келмаган-да, йўқса бунчалик бепарво бўлмасди...

Орага хизматчи аёл қўшилди: — Қаерда қолдирганини ўзи яхши эслаёлмаяпти. Бир: «Уйда еч-гандим» дейди, бир: «Бошимни юваётганимда...» Қақиллаши-чи, оламини бузади-я!

Аёлларнинг ғовур-ғувури анча-гача тинмади. Умида, на тириклиги маълум, на ўликлиги, ўзининг бўлмасида биқиниб ўтирарди. Хотинларнинг ғовур-ғувури тингач, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди, ҳатто кўзларидан ёш қалқиб чиқди. Бу ердан тезроқ ғойиб бўлишни ўйлади, лекин қимирлашга ҳам мадори етмади.

— Ҳой, қизим, сизга нима бўлди? — Бояги овоз Умиданинг қулоқлари тагида янгради. — Рангизда ранг қолмабди-ку! Нима бўлди, тобийиз қочдимиз, қоқиндик?!

Умиданинг тили сўзга айланмади. Хизматчи аёл унга синовчан тикилди. Шу қарашиеқ унинг ҳамма гапга тушунганини кўрсатарди. Аёлнинг қовоқлари уюлди, лекин лол-лим демади. Чамаси, унинг мўлтиллоқ нигоҳига раҳми келди. Бориб, дори-дармон турадиган қутидан пахтага аллақандай ўткир ҳидли дори суркаб келди-да, Умидага ҳидлатди. Умида бир сесканди-ю, ўзига келди. Атрофдаги аёлларнинг ташвишли нигоҳларини илғади.

— Юраги иссиқни кўтаролмас керак-да.

— Узиям келишган, оппоққина экан, бояқиш...

Кимдир пиёлада сув узатди. Умиданинг назарида, аёллар ҳам ҳамма нарсадан хабардор эдилар-у, атайлаб, уни ўсал қилмаслик учун гапни айлантиришарди.

Умида қип-қизариб кетди. Буни сезган хизматчи аёл дарров аралашди:

— Ҳой, одам кўрмагансизларми, қаранг, бечорага нафас олиш-гаям жой қолдирмабсизлар!

— Иссиқ элитди, шекилли, — деди Умида титроқ овозда. — Ҳозир ўтиб кетади...

Кўчага чиққандагина эркин нафас олди.

Уйига келгач, худди биров кириб қоладигандек, эшикни ичкаридан қулфлади-да, узукни томоша қила бошлади. Бармоғига тақиб, ўзини кўзгуга солди. Шу ҳолда эртага ишга боришни, дугоналарига намоеън бўлишни кўз олдига келтиргач, дилгирликдан батамом фориг бўлди.

Лекин кўз олдига эри келди-ю, турган жойида қотиб қолди. «Вой! Эрим!.. Қаердан олдинг?», деб сўраса, нима деб жавоб қиламан? Эрининг рашки ёмонлигини эслади. Дарров тергаб, сўроққа тутди. «Топиб олдим» десам икки дунё-даям ишонмас. Нима қилиш керак-а?! Унинг боши қотди «Агар... узукни сотсам-чи? — деди овоз чиқариб ўзига-ўзи. — Ҳа, сотиш керак! — деди тагин баландроқ овозда. Пулига истаган нарсани олиш мумкин. Лекин аввал унинг нархини аниқлаш керак. Қўшнларга кўрсатсам-чи?! Йўқ, гап кўпаяди. Ойимларга олиб борсамми-кан? Йўқ, ойимлар ҳам дарров суриштира бошлайдилар. Дадамга айтадила, дадам билгач... йўқ!»

Умида ўйланиб қолди. Ким билан маслаҳат қилсин?! «Бувим! Бувимларга кўрсатаман. Бувимлар ҳеч кимга айтмайдилар. Қўшнилариям мени унча яхши танишмийди».

Умида шошилиб кўчага чиқди. Қуёш ботай деб қолибди. «Эрим ишдан келгунча улгуришим керак», деди ўзига ўзи.

Хотиржам тортиб, ҳаттоки узукнинг пулини нимага сарфлашни ҳам режалаштира бошлади. Уғли Улуғбекнинг кузга мўлжалланган суннат тўйига сарполарни тайёрлаш керак. Тунов куни ишхонага чай-қовчи хотин болаларнинг «импортний» кийим-кечакларини келтирувди, талаб кетишди. Умида қўли калталиқ қилиб, ололмай, роса алам қилди. Энди нафақат болаларига, ўзигаям янги қўйлак тиктириши мумкин. Эрига-чи? Эгнида меҳмонга кийишга кастюм-шими

йўқ... Яна нима олса экан-а?! Шу пайт хаёлига магазиндан қарзга олинган уйсовутгич келди, ҳанузгача унинг қарзидан узилишолмаган. Дами ичига тушиб кетди. «Бир кун ҳам рўшнолигим йўғ-а?! Мунча пешонам шўр бўлмаса?! Умримда бир марта қўлим шунча пул кўрса-ю, шуниям қарзга тўласам. Яна шунақа имконият бўладими, йўқми? Зарил келгани йўқ, қарзни эрим тўласин!»

\* \* \*

— Ҳа-ҳа, болам, тинчликми? Мунча ҳаллосламасанг, бир нарса бўлди-ми? — деди бувиси ўтирган жойида невараси билан кўришар экан. Умида қанчалик ўзини хотиржам кўрсатишга тиришмасин, ҳаяжонини боса олмасди.

— Асти сўраманг, бувижон! Биласизми, бир дугонам ёқут кўзли тилла узугини сотмоқчи, пул зарур эмиш, бўлмасам шундоқ яхши узукни ҳечам сотмасдим дейди. Фақат нархини билмас экан. Менга ялиниб-ёлворди: «Иложини қилсанг, сотиб бер», деб.

— Вой болам-ей, эсимни чиқараёздинг-а! Хаёлимга нималар келмади-я! Э, узугинг ҳам бор бўлсин!

— Жудаям чиройли узук экан-да, тезроқ кўришингизни истовдим, — деди Умида шошқалоқлик қилганини тушуниб.

— Узларинг, тинчмисанлар, аваларарим соғ-саломатми?

— Ҳаммалари яхши, бувижон, хавотирланманг. Фақат шу узукни бирортасига сотиб берсангиз эди.

Кампир неварасининг сўзларидан ўйланиб қолди.

— Болажоним, умрим бино бўлиб бировни нарсасини сотмагандим-ку!

— Йўқ, сиз тушунмадийиз, иложи бўлса, қўни-қўшниларингизга кўрсатинг, балки биронтаси олар, демоқчи эдим, — деди Умида ўзини хафа бўлган кўрсатиб.

— Хўп-хўп, оппоқ қизим, ҳар нарсага диққат бўлаверма, — деди кампир неварасининг «қаразига ишониб. — Қани, ўша матоҳингни кўрсат-чи.

Умида чўнтагидан узукни олиб, бувисига узатди.

У узукни бир муддат қўлида айлантириб томоша қилган бўлди, аммо ҳеч нарсага тушунмай, яна неварасига қайтарди.

— Вой, болам тушмагур-ей, — деди жиддий оҳангда. — Мен бунақа зийнатнинг тилига тушунма-

сам, раҳматли буванг ҳеч қачон мени тилла тақинчоқ билан эркалатган эмас. Шундай бўлсаям аҳил яшаганмиз чолим билан. Жойи жаннатда бўлсин, илойим...

— Вой, бувижон-эй. Бувам билан қанақа яшаганигизни жуда яхши биламан-ку. Минг марта гапириб бергансиз. Ҳеч бўлмаса шу узукнинг нархини аниқлаб беринг.

— Ҳай, майли, болам, — дея хўрсинди кампир ва лабини тишлаб, ўйлаиб қолди. — Кимга кўрсатса бўларкин бу узугингни? Ён қўшним тиллага сираям қизиқмайди, наригиси ўттиз йил совхозда ишлагани билан ҳеч қачон бири икки бўлмаган. Рўпарамдаги иморат уриш билан овора, узугингга қарамасаям керак... Кимга кўрсатса бўларкин? Ҳа, айтгандек, нариги кўчада бир чол илгари заргарлик қилганини эшитгандим, балки ўша билар? Қани, юр-чи, қизим! — деди кампир ва юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

Кампир билан невараси заргарникига кириб келишганида, қотмадан келган чол айвонда ёлғиз тасбеҳ ўгириб ўтирар эди.

Салом-алиқдан сўнг кампир унга қараб деди:

— Домла-почча! Безовта қилганим учун узр. Бу — мени неварам. Ўзи катта ўқишни битказган. Ҳозир давлатни хизматида, ҳалиги, бор-ку баланд иморатларнинг расмини чизади. Жуда доно!

— Бувижон! — деб юборди Умида жиғибийрони чиқиб.

— Ҳа-ҳа, ҳозир. Шу қизим сизга кўрсатгани ёқут кўзли тилла узук олиб келибди. Умриздан барака топинг, айланай, шу узукни нархини аниқлаб беринг. Агар иложи бўлса, сотишгаям ёрдам берарсиз, деган умидда келувдик олдиизга. Йўқ, деманг, қоқиндиқ!


Заргар аввалига энсаси қотгандек тасбеҳини ўгириб ўтираверди, гап узукка тақалгач сергакланди.

Чол кўзойнагини тақиб узукни олди, қўлида айлантириб кўрди, кейин диққат билан Умидага тикилди. Умида ундан кўзини олиб қочди. Чол бир қарашдаёқ бўлган воқеани англагандек туюлди.

Чол ўрнидан туриб, тоқчадаги қутичадан каттақон қалин ойна олди-да, узукнинг кўзини текшира бошлади.

Умида ўзини худди игна устида ўтиргандек ҳис қиларди. Юраги яна потрек ура бошлади. Худди ҳаёт-мамот тақдири шу чолнинг қўлидадек...

Чол қутичадан кичкина шиша идиш олиб, ундаги суюқликдан



узукка бир-икки томчи томизди. Чолнинг ҳаракатлари аниқ, нигоҳлари ўткир, кўриниши жуда жиддий эди. Айни чоғда у тажриба ўтказаётган олимни ҳам эслатарди.

Ниҳоят, чол кўзойнагини олиб, ойнани ҳам жойига қўйди. Қутичани ёпиб, ўрнига қайтди.

— Бу қалбаки узук! — деб ҳукм чиқарди. — Кўзи оддий шишадан, банди эса мисдан ясалган. Сиртига хиёл тилла суви юритилганига тилла узукка ўхшатгансиз. Бозорда лўлилар сотишади. Нархи кўпи билан ўн сўм. Ишонмасангиз, бошқа заргарга кўрсатишинглар мумкин. — Кейин Умидага қараб: — Асл билан қалбакининг фарқига бориш керак! — деди-да, узукни қайтариб берди.

\* \* \*

Умида ғира-шира кўчадан борар экан, овоз чиқармай юм-юм йиғларди. Шу қалбаки узук деб ҳаммомда аянали аҳволга тушгани, қанчалик наст кетганлиги кўз олдида гавдаланар, алданган бувисини ўйлаб, ич-ичидан эзиларди. У узок йиғлади. Кейин қўлидаги ўша узукка тикилиб турди-да, бор кучи билан қоронги кўчага иргитди. Шундан сўнг кўнгли бироз тинчлангандек бўлди, йиғлашдан ҳам тўхтаб энди индамай кетди.

У шом қоронғусида шаҳар кўчаларидан юриб жим хаёл суриб кетарди. Уқтин-ўқтин ўксиниб, ичидан беихтиёр чуқур хўрсиниш келарди.

Кўчада чироқлар ёнди.

Умида атрофга аланглади. Ҳамма уйига шошиларди. Умида одамларга хаёлчан тикилиб қолди. Шу топ одамлар Умидага шу қадар яқин ва меҳрибон туюлиб кетдики, алами бир оз ёзилгандек бўлди. Ҳеч қачон у ўзини одамларга шунчалик яқин ҳис қилмаганди. Назарида, ана шу қисқа вақт ичида у гўё қайтадан туғилгандек, аввалгидан анча ўзгариб, энди улғайиб қолгандек, ҳаётнинг асосий нарсасига шу узук туфайли тушунгандек ҳис этарди ўзини.

Хаёлига болалари келди. Кўнгли юмшаб, руҳи маъюс тортди. У боғча томон йўл олди.

Боғчада қоровулдан бўлак зоғ қолмаган, болаларини аллақачон эри олиб кетган экан. У шошиб уйига жўнади.


Узоқда чироғи ёниқ дераза кўринди.

Умида шу деразага қараб кетарди. Жуда таниш дераза, ўша ерда унинг азиз болалари, меҳрибон эри... орзиқиб қутишяпти уни.

Умида қадамини жадаллатди.



ДЭЛА



## Тил сандиғи

Халқимизнинг машҳур бахшиси Қодир бахши Раҳимовнинг «Зайдиной» достонининг қўлёзмаси устида ишлар эканми, айрим сўзлар «Тил сандиғи» учун асқотиб қолар деб ўйладик.

**Тамма** — алам. Гўрўғлининг хўрлиги келиб, сағирлиги тамма қилиб, кўзига ёш келиб туриб эди.  
**Морқа** — семиз. Ҳайдасанг юрмайди қўйнинг морқаси, Сурувнинг олдида юрар саркаси.  
**Жошанг** — хўл меванинг янги (биринчи марта) чиққани. Кўнгли тусагани об кеб кийдиргин, Жошанг деб ўриқдан доим тўйдиргин.  
**Тишинг** — қасдинг, ўчинг, қасосинг, маъносида. Иштиёринг нима қилсанг ўзимни, Тоғамда бормиди аввалдан тишинг.  
**Ийғи** — олдинги икки оёқнинг усти, отнинг елкаси. Олти қарич келар кулоқ ораси, Ийғи мисоли тоғнинг чўққиси.  
**Оя** — қафт. Тирноғи қўлининг оясига кириб кета берди.  
**Қўриқ** — бир учи ҳалқа қилинган арқон. Шул Гўрўғли юрагини доғлади, Қўриқ отиб қайси отни чоғлади, Қўриққа ўзини отди жонивор Уз бошини ўзи солиб боғлади.  
**Тани** — ҳеч қачон, ҳеч ҳам. Тани буқилмасин бобо белингиз.  
**Чапар** — хирмон янчишда иш ҳайвонига боғлаб судратиладиган махсус иш қуроли.

**Абдиолим Эргашев,**  
 Деҳқонобод ноҳиясидаги Ломоносов номли  
 1-ўрта мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси.

**Буё** — тоғларда ўсувчи ўсимлик.  
**Бўғиртлан** — қулупнайга ўхшаш, меваси мазали ўсимлик.  
**Мўнти** — бир йиллик ўсимлик. Илдизи истеъмол қилинади.  
**Ондуз** — илдизи шифобахш ўсимлик.  
**Сингирган** — кўп йиллик тиконли дарахт.  
**Тотран** — бир йиллик ўсимлик. Қайнатиб истеъмол қилинади.  
**Ҳажик** — тоғларда ўсади, қайнатиб истеъмол қилинади.  
**Уғлоқўти** — майда тиконли ўсимлик, чорва учун хашак тайёрланади.  
**Қўғирдоқ** — япроғи катта-катта ўсимлик, тоғ ён бағирларидега ўсади.  
**Қичи** — сув ўсимлиги.

**Шухрат Ҳусанов,**  
 Жиззах вилояти, Фориш ноҳияси,  
 Учма қишлоғидан.

**Шитроқи** — гап уқмас бола.  
**Шиптирма** — ўзига гард юқтирмайдиган киши, ваъдабоз шахс.  
**Тиржовул** — ҳақоратлаш маъносида.  
**Чапжал** — гапга кирмайдиган, қайсар киши.  
**Жовқади** — мой соладиган идиш.  
**Жошшиқ** — гўшти шилинган суяк ёки чала ейилган суяк.  
**Тият** — гўшти «тият»га, яъни бўлақларга ажратиш.  
**Мослиқ** — ҳаром ўлган ҳайвон.  
**Еқтан** — сандиқ.  
**Тузлуқ** — туз соладиган идиш.

**Жума Ҳайитов,**  
 Сурхондарё вилояти, Денов  
 ноҳияси.

**Кук** — мол терисидан тайёрланган арқон.  
**Дўл** — чуқирдан тупроқ солиб оладиган идиш.

**Чингалак** — темир ёки ёғочдан ясалган филдирак.  
**Тиркиш** — омон ва бўйинтириқни боғловчи тери арқон.  
**Қўм** — эшак минишда ишлатиладиган буюм.  
**Жолов** — байроқ.  
**Илжон** — қалин тери.  
**Ирга** — хона ичидаги қисқа жой.  
**Гидик** — кучукнинг майда боласи.

**Нурмат Яллаев,**  
 шифокор  
 Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳияси

**Жўртмалдоқ** — энди юрган бола.  
**Изғари** — касалманд.  
**Кукайлатди** — чарчатди.  
**Минисак** — аёл бошига ёпинадиган буюм.  
**Қада** — келин учун тўпланган турли хил материаллар йиғиндис.  
**Кулчуқ** — ўғил болага нисбатан ишлатиладиган сўз.  
**Ҳапамат** — аёлларнинг кўкрагига учбурчак шаклида тақиладиган тақинчоғи.  
**Хурпия** — аёллар мунчоғи.

**О. Исломова,**  
 Сурхондарё вилояти Денов ноҳияси  
 «Ғалаба» жамоа хўжалиги.

**Гизламоқ** — яширмоқ.  
**Ёсқо** — анҳорга тушадиган жой.  
**Курта** — гўдаклар киядиган иссиқ кийим.  
**Сужи** — а) ширин  
 б) новот  
**Уртик** — бешик бостиргичи

**Санобар Жуманазарова,**  
 ҚАССР, Элиқалъа ноҳияси.

**Киланг** — «осмонни қора булут қоплади» маъносида қўлланади, «Киланг» сўзидаги «и» товуши жуда қисқа айтилади.  
**Чалабузар** — пичоқнинг тури, «қаламтарош» сўзига синоним.  
 Бу сўздаги «у» қисқа айтилади.  
**Жана қуш** — пичоқнинг тури. Одатда чоллар олиб юришади.  
**Избир** — экскаватор билан қовланган зовур.

**Мусажон Каримқулов,**  
 Фарғона вилояти  
 Боғдод ноҳиясидан.

**Тўп** — далада тўй-ҳашамларда чой қайнатадиган идиш.  
**Шудринг** — лапашанг, бўшанг одам.  
**Пойчўкир** — содда, киримли киши.  
**Опчин** — девор тагидан ўтказилган ариқ.  
**Оламазон** — ўтнинг чарс-чурс қилиб ловиллаб ёниши.  
**Қўлантаяқ** — этик ёки маҳсини пайтавасиз кийиш.  
**Юримол** — гапга кирадиган бола.  
**Увдиқ** — бирор ишни эплай олмаслик, ношудлик.  
**Лағар** — эски.  
**Тавлика** — тайёргарлик, тараддуд.  
**Тол барги** — оз-моз тамадди қилиб олиш.  
**Яшин тупалоқ** — беркинмачоқ.  
**Чиғир замон** — ўтмиш замон.  
**Лингга, линча** — қопчиқ, кичик қоп.  
**Емгўш** — қайсар, ўжар.  
**Паллам** — ариқ сувини тўсиш учун ташланган шох-шаббалар.  
**Алвон** — иккинчи тушлик. Кун узайган кезларда соат 4-5 ларда овқатланиб олиш.

**Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳияси**  
 Нурсуқ қишлоғи шевасидан ёзиб  
 олувчи Носиржон Охунов.

**Закан** — зовур.  
**Ёвлиқ** — кўп.  
**Дўғача** — косадан каттароқ идиш.  
**Тўман** — кунчиқиш томон, шарқ.  
**Қовачоқ** — гўза пўчоғи.  
**Кадон** — шийпон, уйсиз айвон.  
**Качкат** — кичкина беркиладиган пичоқ.  
**Мардак** — макка сўтасининг ўзаги.

**Раъно Абусолиева,**  
 Фарғона вилояти, Киров ноҳияси  
 Деҳқонобод қишлоғидан.

# Ғйғонар буюк

## Навоий васияти

# юртлар

Тўра Мирзо



Кўзларимнинг нурини  
Тўқдим хоксор сўзликка.  
Имконимнинг умрини  
Бахш этдим ўз-ўзликка.

Ет отлар дупуридан  
Чангда қолиб ўчган сўз.  
Жой олар юрт тўридан,  
Эрк юртида очар юз,

Қўли узун эди турк,  
Йўли узун эди турк,  
Тили узун бўлди турк,  
Эли бутун бўлди турк.

Чорладим Қошғарийни  
Мовароуннаҳрга.  
Турк шеваси, зорини  
Ини этди фаҳрга.

Тунлар кунни ўпгунча  
Сирлашдим Кул Тегин-ла,  
Кунликни тун ёпгунча  
Машғулдим сўз — экин-ла.

Турк элин деҳқониман,  
Сўз ўтқазиб, ўрдим сўз.  
Турк тилин посбониман,  
Қўлим кўз, оёғим кўз.

Бошпанасиз сўзларга  
Паноҳ бердим тилимдан.  
Сўзли, юзли дўстларга  
Қўноқ бердим элимдан.

Ўз номини унутган  
Хаста сўзни уйғотдим.  
Армоним ичга ютган  
Сўзни — ўзни уйғотдим.

Турк тилин тик тил этдим,  
Юрт тилин эрк тил этдим.  
Таҳқирға берк тил этдим,  
Тасвирда бек тил этдим.

Лутф этсанг турк тилида,  
Қўлингға қўнар булбул.  
Туркий айт юрт чўлида  
Қўлингға очилар гул.

Созли эл, юзли элим,  
Сўзли тил, ўзли тилим,  
Ўнг қўлим, узун қўлим,  
Чўнг йўлим — бутун йўлим.

Сўз очсанг очилар кўз,  
Сўз туби жавоҳирдур.  
Сўз қодир, сўз қадр, сўз —  
Дилдан тилга элчи нур.

Элга тил қофиядур,  
Қофиядур тилга дил.  
Тилли эл, дилли эл — турк —  
Тикланди сўзли манзил.

Тўрт уфқни олмоқ бўлиб  
Қилич ўқталган будун.  
Тўрт уфқни минбар қилиб  
Бутун сўз айтар букун.

Турк сўзин елкасига  
Бошини қўяр эллар.  
Эргашиб эрк сасига  
Чўзилар ипак йўллар.

Ҳар кўз очган гўдакнинг  
Тилига сўз беринг, сўз.  
Эли бўлсин юракнинг,  
Дилига кўз беринг, кўз.

Эрк элин сўзлигида  
Қадим сўз тиклар қаддин.  
Ўзбекнинг ўзлигида  
Сўз аҳли топар қадрин.

Юзларини қум босган  
Сўзлар менга бермас тинч.  
Сўз озганда ўз озган,  
Дўст сўзга бердим илинж.

Сакта сўзлар бирлашса,  
Тилингни этгай хароб,  
Соғлом сўзлар бирлашса,  
Элингға битгай офтоб.

Хайрли сўз хор бўлган,  
Тил юрт унга тор бўлган,  
Нафас, сасга зор бўлган,  
Золим сўзлар дор бўлган.


Игна билан қазидим  
Унут сўзлар гўрини.  
Номин тиклаб рост қилдим,  
Топди сўз ўз ўрнини.

Шоирнинг онаси сўз,  
Шоирнинг отаси сўз.  
Бош, охир, ўртаси сўз,  
Шоирнинг ўрдаси сўз.

Мен сўзларга бахш этдим  
Умрим, кўксим, ўзимни,  
Бош сўзни излаб кетдим,  
Сизлаб асранг сўзимни.

Булоқнинг кўзларини  
Тош босмасин, шогирдлар.  
Туркнинг тик сўзларини  
Улғайтади шоирлар.

Очиб берк юзларини  
Уйғонар буюк юртлар.  
Сўз тинглаб ўзларини  
Тиклар турк юрт, тик юртлар.



# Мете<sup>1</sup> васияти

Кўк Тангрининг кўланкаси эл,  
Эл деса, эл маҳкам боғлар бел.  
Кўк момомиз олтин сочар Кун  
Юзин очар, ўзин очар Хун.  
Хун дегани кундай сахийдир,  
Бир хун ули ўнга татийдир.  
Бирни сўрса, мингни берарўз.  
Сўз деса сўз, кўз тиласа кўз.  
Нон сўраса, тутамиз ошни,  
Бош сўраса, тутамиз бошни.  
Кўл деганга кўлни берамиз.  
Йўл деганга йўлни берамиз.  
Бор деганга берамиз борни,  
Йўқ деганга, йўқни берамиз.  
Тўйдирамиз ёв нафси — горни,  
Бизни от деб, ўқни берамиз.  
Хун элин кўли очиқ.  
Кун элин йўли очиқ.  
Соғ очиқ, сўли очиқ.  
Юрти, манзили очиқ,  
Кўролмайти ёғийлар хунни,  
Кўролмайти кўкдаги кунни,  
Бирни берсанг, сўрайди ўнни,  
Эл-юртинга келтирар тунни.  
Тотор хони отни тиланди,  
Қанотли чин зотни тиланди.  
Хуннинг ўрни тулпорда, ахир.  
Оғир-оғир ўртанди бағир.  
Асрай дея ҳарб-зарбдан юртни,  
Учирдим ўч — кўксимда ўтни.  
Ҳадя этдим арғумоғимни,  
Дим беркитдим дилда оҳимни.  
Ёвуз ёвга ёрдир баҳона,  
Ёримга кўз олайтди яна.  
Энг севикли завжам эди-я.  
Эрлигимда авжим эди-я.  
Ёр эрнинг ори ахир,  
Йўқлиги, бори ахир.  
Ёрдан воз кечганда нор,  
Куннинг нури унга дор.  
Қурултойга чорладим элни,  
Зўр таҳқирга ёрладим элни.  
Эрлар бор-ку оримиз дерлар,  
Ёвга қарши борамиз дерлар.  
Кўнгилда кўкарган гулим, ёр,  
Бир бошда доим бир ўлим бор.  
Юртимда бир гиёҳ сўлгандан  
Доғ кўнгилга оҳ бўлсин диёр.  
Дил қушимни қафасга қамаб,  
Тоғ ярамни тош билан ямаб,  
Воз кечдим ёримдан — оримдан.  
Зоримдан, норимдан, боримдан.  
Ёвга ёрим яроқ-ёзуғим  
Қайтиб тиклай кўнглим туғин?!  
Оҳдаман, воҳдаман, чоҳдаман,  
Садоғида адодир ўқим.  
Ёрим кетиб, зорга эгаман,  
Орим кетиб, дорга эгаман.  
Борим кетиб, ихтиёр кетиб,  
Қалб —очиқ мазорга эгаман.  
Ёв нияти ётмас сулҳқа?

Қутқу қура қутлуғ уруққа  
Хуннинг кунин ўчирмоқ ўлиб,  
Кўчирмоқдир турк умрин йўққа.  
Ёв кўзи осилар ҳар ёққа.  
Тоққа, боққа, анов оёққа.  
Қўл чўзади қорага, оққа,  
Оч кўзин олайтди тупроққа.  
Юртимнинг парчасин сўради,  
Кўнглимни минг тўри ўради.  
Оҳ ўтига қоврила, ёна  
Қурултойни чорладим яна.  
Эл эрлари дерлар: «У ерда  
Экин битмас, тупроғи ожиз.  
Ундай жойдан бизга наф нерда?  
Бермоқ лозим ёғийга сўзсиз».  
Мен дедимки, эй эрлар,  
Сизни нечун эр дерлар?  
Бобосининг муборак  
Мозорин ёвга бермак.  
Тарих изн бермасдур,  
Бу ер бизим эмасдур.  
Минг йилдан сўнг келажак  
Авлод рухсат этмасдур.  
Жой берган жонин берар,  
Бой берган, сонин берар.  
Кимки маконин берар,  
Ёлғиз имконин берар.  
Эл эрларин чорладим,  
Кўк тангрини ёрладим.  
Ёғий оч кўзин тиккан  
Ор диёрни борладим.  
Ёғий ёйилиб келар,  
Найза сайилиб келар,  
Зафар тойилиб келар,  
Хун кун, Ой олиб келар.  
Қон оқди дарё-дарё,  
Имконинга жон даво.  
Хун юрти кун юртидур,  
Чўнг юртни этдим бино.  
Мард элатнинг орига  
Ёв оёғин бостирманг.  
Боболар мазорига  
Ёт байроқни остирманг.  
Хун юрти сизникидур,  
Кун юрти сизникидур.  
Тевада кўк тангри бор,  
Оғангиз, синглингиз — нур.  
Юртни ютмасин ёғий,  
Туғни тутмасин ёғий?  
Уғлим, қизим, паноҳинг —  
Олтин ишқ<sup>2</sup> — ёри олий.



<sup>1</sup> Эрамиздан олдинги 300-йилликда Хун давлатини қурган хон.

<sup>2</sup> Ишқ — нур.



Замонлар ўзгариши билан бадий мезонлар кўлами ҳам, адабий сиймоларга муносабат тамойиллари ҳам ўзгарди. Адабиётнинг чинакам истеъдодлари «сиёсий-илмий» қолипларга сиғмай қолдилар.

Қизиқки, ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиётшунослигида энг кўп ўрганилган адиб деб айтиш мумкин бўлган Ҳамза ҳақида ҳам аслида кўп нарса билмаслигимиз энди маълум бўлиб қолди.

Узоқ йиллар мобайнида Ҳамза ижодига муносабат борасида бир ёқламаликка йўл қўйиб келинди. Эски ва янги замон чегарасида турган шахснинг янглишишлари, ижодкор сифатидаги камчиликлари ҳамда кашфиётлари, инқилобий фаолияти кенг оммага ҳолис кўрсатиб берилмади. Ҳамза кимлардандир эҳтиёт қилиниб, асраб келинди. Натижада ўқувчи кўзи олдида фариштага кўпроқ ўхшаб кетадиган, омадёр бир киши гавдаланадиган бўлди ва гапнинг рости бундай сиймо маълум даражада кишининг ғашига тегарди.

Ҳамза шахсияти ва ижодиётини бу тахлит илоҳийлаш-

тириш сталинизм давридан бошланган бўлиб, бу даврда ижодкорлардан жонли одамларни эмас, балки инқилобий ғояларни куйлаш талаб қилинарди. Бу талаб асосида санъаткор ижоди бадий ширадан маҳрум этиларди. Бадий маҳорат эмас, тематика олд планга чиқариларди. Бадий асарлардаги айрим «носоғлом» жиҳатларни тузатишга ҳозир нозир адабий косиблар ҳам шай туришарди. Ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратган Сўфизода, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари адиблар халқ душмани сифатида йўқ қилинганларидан кейин тириклигида ижоди тан олинмаган, айни шундай муносабат туфайли гоҳ Бухорода, гоҳ Хоразмда, гоҳ Хўжайлида, гоҳ Қўқонда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Аввал қишлоғида, гоҳ Наманганда, гоҳ Андижонда сарсон-саргардон юриб, кўпинча тайинли маошсиз, ўзига муносиб юмушсиз, ягона ўзбек композитори бўлгани ҳолда биргина пионинога зор, сермаҳсул ижодкору асарларини китобат қилдиролмаб абгор, тенгсиз талантини майда юмушларга сарфлашга,

Қозоқбой  
Йўлдош

# Кашф эҳтиши эҳтиёти

маъмурлар билан келишмовчиликлар боис олис Шохимардонга кетишга мажбур бўлган, шу тариқа ҳалокати тезлаштирилган Ҳамзадан сталинчилар сиёсатига мос ижодкор ясаб олишдай шаккокликка қўл урилди. Янги ҳаёт ва инқилобий адабиёт йўлида ҳалок бўлган шоир кечаги душманлари учун хавфсиз эди. Кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиёти сталинизмнинг маданий сиёсати туфайли инқилобнинг дастлабки ўн йиллари мобайнида ҳувиллаб, кимсасиз бўлиб қолганди. Бироқ ушбу жараён узоқ давом этса адабиёт ишига диктаторнинг шафқатсиз дасти узатилганини келажак авлод пайқаб қолиши мумкинлигини сталинчилар ҳам тушунишарди. Шу боис бошқа адиблардан олдинроқ йўқотилган Ҳамза ижоди атайлаб кўтар-кўтар қилинди. У ўзига даврдош, кайфиятдош бўлган ижодкорларга қарши қўйилди. Ўзбек совет адабиётини яратиш биргина унинг хизмати қилиб кўрсатиладиган бўлди. Айрим ҳамзашунослар учун инқилобнинг дастлабки йилларида ўзбек адабиёти майдонида Ҳамзадан бошқа ижодкорни кўрсатмаслик ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу билан гўё Ҳамзани улуғламоқчи бўлдилар. Ҳамза ижоди шу тахлит улуғлашларга зорми, деган ўй уларнинг хаёлига келмади. Агар Ҳамза ижодига, унинг ҳаёт йўлига ҳолис назар ташланса киши кўз ўнгида шоир сиймоси ўзгача бир тарзда намоён бўлади. Гимнастёрка ва аскарый камар ёки бўлмаса, олача

елвагай тўн ва кўқони дўппи Ҳамза шахсиятини тушуниш учун мутлақо кифоя қилмаслиги аён бўлиб қолади.

Назаримизда Ҳамза бир умр давридан олдин юрган. Шу боис бир умр фожиавий ҳаёт кечирган. Бир умр ўз халқини ўтли муҳаббат билан суйган, бироқ ўша халқ заковатли ўғлони қалбини на тириклигида, на ҳаётдан кетгач тўлиқ тушунолмаган.

Ҳамза шахсияти зиддиятларга тўла эди: тоза инсон, аммо жиззакироқ; янгиликка ўч, лекин бироз шошқалоқ; адолатли, бироқ максималист ва ҳ.к.

Ҳамза ўзига замондош санъаткорларнинг аксариятидан фарқли равишда фаолият кишиси ҳам эди. Уйлаган режасини амалга оширишни сира пайсалга солиб ўтирмасди. Ҳамза 1910 йилда Тошкент шаҳрига келиб усули савтия — янги усул мактаби очади, ўқитиш ишларини ҳозиргига яқин тарзда йўлга қўяди, дунёвий билимлар ўргатади. 1911 йилда шу хилдаги мактабни Қўқонда ташкил этади, катталар учун ўлкадаги дастлабки кечки мактабни очади. Узи очган мактабларда таълимни такомиллаштириш йўлида тинимсиз изланади. 1914 йилда янги усул мактабларининг биринчи синфи учун «Енгил адабиёт» дарслигини яратади. Дарсликда болаларга тушунарли ва таъсирчан тилда миллат равнақи учун мактаб ва илмнинг аҳамиятини ўқтиради:

Мақтаб миллатни гули,  
Миллат ани булбули,  
Мақтабсиз қолган миллат  
Бошқа чаманни қули.

Ижтимоий тараққиёт, халқнинг орзулари илмилар  
кўпайган тақдирдагина амалга ошади, деган фикрни  
кичик ўқувчилар онга сингдиришга интилади:

Олим бўлсак дунёда,  
Келур ҳар иш бунёда,  
Биз ҳам сув остин кезуб,  
Ҳам учармиз ҳавода.  
Жоҳил қолсак юрармиз,  
Минг-минг бало кўрармиз,  
Бир кун бўлар шакарлар  
Ўрнига туз сўрармиз.

Ёшгина Ҳамзанинг пайғамбарона башоратига тан бер-  
май илож йўқ. Бизнинг ҳанузгача сув остин кезиб,  
ҳавога учмаганимиз қанчалик рост бўлса, бугунга ке-  
либ шакарлар ўрнига туз сўраётганимиз ҳам шунчалик  
ҳақиқат.

Ҳамза ўз дарсликлариди болаларни алдаб юпатиш-  
ни, улар кўзига оламни нурафшон бўёқлардагина  
чизишни истамайди. Ўқувчиларга жиддий бир суҳбат-  
дошдай муносабатда бўлади. Дарсликлариди Ҳамза  
таълимни тарбиядан ажратиб қарамайди. Ёшларда энг  
эзгу инсоний фазилатларни шакллантириш учун ада-  
биёт жуда таъсирчан восита эканини яхши билади.  
Шу боис тузган дарсликларига олижаноб ахлоқий фа-  
зилатларни сингдиришга хизмат қилувчи кўплаб бадий  
асарларни киритади.

Ўз халқининг фидойи ўғли Ҳамза миллий зулмининг  
қаттиқлигидан, жаҳолат исканжасининг зўрлигидан  
изтироб чекади. 1915 йилда яратилган бир шеърида  
ўзигагина хос куюнчаклик билан ёзади.

Ё миллат деб кўйида ул Ниҳоний,

Ё дунё деб миллатдан ўз вафони,

Бир қинга икки пичоқ сиғмоқ фони...

Ҳамза бойлик деб миллат манфаатидан воз кеч-  
майди. Миллат бахти учун ўлмоққа ҳам тайёр. Унинг  
фидойилиги ўз давридаги беқиёфа, бемақсад, ўткинчи  
илинжлар ташвишида юрган кимсалар фонида мутлақ  
улуғворлиги билан намоён бўлади.

Ватанга молик бўлди энг муттаҳам тўнғизлар,

Оёқ остида қолди неча сендек дилсўзлар!

Шоир Ватан номидан маънавий беватан зотлар иш  
юритаётганини, улар халқ тақдирини, миллат истиқ-  
болини ҳал этишга даъво қилаётганликларини кўриб  
қандай қилади. Бироқ тараққиёт йўлига чорлаган сари,  
қафасдан қутулишга ундаган сайин халқни жаҳолат  
исканжаси тобора қаттиқроқ сиқиб келади. Тубандаги  
надоматли сатрлар шу сабаб пайдо бўлади:

Баёздур журналимиз, Жамшиддир рўмонимиз,

Шул ўқиб билганимиз, йиғла миллат, йиғлайлик.

Халқни маърифатли кўришни, миллат фарзандлари-  
нинг журнал ва романлар ўқишини орзу қилган шоир  
йиғламоқдан ўзга чора топишдан ожиз. Ҳамза имкон-  
сиз пайтда имкон изламайдиган, шахсий манфаатидан  
ўзга ғарази йўқ илми кимсалардан ёзғиради, уларнинг  
халқни уйғотиш, оммани маърифатли қилиш тўғри-  
сида бош қотирмаётганидан куйинади:

Олимларимиз тўнни кўйида

Тун-куни кечар элни тўйида,

Кўнгилни овласанг, заррача йўқдир

Миллатни ғами фикру ўйида.

Ҳам бадийи шираси, ҳам маъно чуқурлиги билан  
қандай умрзоқ сатрлар! Бу нолишлар гўё бугунги аксар

ўзбек зиёлилари ҳақида айтилгандай. Зеро, халқни таш-  
вишидан бегона, ўтган кунидан мамнун илм соҳиблари  
керагидан кўпроқ бугун ҳам.

Қанчалар мушкул бўлмасин Ҳамза танлаган йўлидан  
қайтмайди. «Ухлама, ўзбек эли асри тараққий вақти-  
да», — дея миллатни бепарволик, лоқайдлик, маъри-  
фатсизлик сингари «ўзбекона» уйқудан уйғотишга  
уринади. «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар  
мажмуаси»нинг «Пушти гул» китобида «Бизда начун  
ҳамият йўқ», — деб куйинган шоир миллий турмуш  
тарзини кулгига олиш йўли билан миллий ҳамиятни,  
ғурурни уйғотишга уринади. Ҳамза юрт катталарида —  
раҳбариятда миллатга муҳаббат ҳисси, авомга қайи-  
шиш туйғуси йўқлигини, улар халққа муҳаббат ҳақида  
лоф урсалар-да, бунинг бари оғизда эканини жуда  
синчковлик билан кўради ва зукко ифодалай билади:

Йўқ экан ҳисси миллият калонларда,

Ҳаммасин эркан даъвоси забонларда.

Адоқсиз курашлар оғушида Инқилобга етиб келган  
Ҳамза унинг равнақи, халқнинг рўшнолиги йўлида  
хизматга астойдил бел боғлайди. Инқилобни шараф-  
лаб шеърлар ёзади, унинг ғалабаларини мустаҳкам-  
лаш, имкон қадар кенгроқ ёйиш учун тинимсиз иш  
олиб боради. Шоир шошилади. У озурдажон халқни-  
нинг боши кўтарилганига, кўкрагига шамол текканига  
тезроқ гувоҳ бўлишни хоҳлагани боис ўзини ўтга-  
чўққа уради, тиниб-тинчимайди. Шоирнинг ўша вақт-  
ларда қилган ишларини, юрган йўлларини, ёзган хат-  
ларини, саҳналаштирган спектаклларини, энг муҳими,  
яратган асарларини санаб ўтишнинг ўзиёқ Ҳамза  
фаолиятининг тасаввурга сиғмас кўламини кўрсатади.

Қизикки, ҳали граждандар уруши борар экан, ҳали  
бир қўлда қуроли бир қўлда қалами бор экан, Ҳамза  
кўпам турткиланмайди. Туркистон ўлкасида инқилоб  
зафар қучиб, жанг суронлари бир қадар пасайиб, од-  
дий ташвишманд кунлар бошлангач, Ҳамзанинг яшashi  
ҳам, ишлаши ҳам оғирлашади. У 1921 йилнинг март-  
сентябрь ойларида Бухоро Халқ жумҳуриятида ишлай-  
ди. Сўнг бетўхтов Хоразмга жўнатилади. Катталарга  
Кўқонга кетишга рухсат беришларини сўраб кўп мар-  
талаб мурожаат қилишига қарамай Хоразм Халқ  
жумҳуриятида 1924 йилнинг августигача қолиб кетади.  
1922 йилнинг июнида нотайин сабаб билан уни партиа-  
дан ўчиришади, юрак қони билан битилган асарлари  
нашриётларда босилмай қолиб кетаверади. Айни вақт-  
да узоқ-яқиндаги барча профессионал ва ҳаваскорлик  
театрларидан пьесаларига кўплаб буюртмалар олади.  
Самарали ижод қилиш учун шароити, пароканда бўл-  
ган оила таъминоти учун маблағи бўлмаган Ҳамза  
қаттиқ қийналади. Шунга қарамай тиним билмасдан  
ишлайди. Ҳаётининг маъносига айланган Инқилоб иши  
ғалабасига, ўзининг ҳақлигига бир зум бўлсин шак  
келтирмаган шоир изчиллик билан берилаётган зарба-  
ларга мардона дош беради.

Ҳамзанинг «Бир кўрқоқ «масъул ишчи» тилидан»,  
«Хужум» хоинларига!», «Ёдимга тушди» сингари шеъ-  
рий асарларида янги замонда етишган бюрократлар,  
мунофиқлар, амалпарастлар, порохўрлар қанчалик  
шарманда этилганлиги кўплаб ўқувчиларга маълум.  
Адиб саҳна асарларида ҳам ўша вақтда мўл-кўл бўл-  
ган камчиликларни танқид қилади. Виждонига қарши  
бориб ёмонни яхши демайди. 1920 йилда ёзилган  
деб тахминланаётган «Партия мажлиси» драмасида ўша  
даврдан миллий масалани ҳал этиш борасидаги тенг-  
сизликни дадил кўрсатади. Шунингдек, ерли миллат

фарзандларини ўқитиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, муаллимлар ўз ишлари қолиб бўлак юмушларга жалб этилаётганлиги ишчи Қосимжон тили билан айтилади: «Бизга Шўролар ҳукуматининг маориф эшигини очиб қўйиб, «Ол ҳаққингни» деганига ҳеч қулоқ солмаганимиздан қоғозлар адо бўлиб, бари европала ўртоқларнинг ўз газеталари ва болаларининг мактаб, китобларига яраша зўрға қоғоз-қалам қолди. Бу айб ўзимизда... Бу йил китоб, қоғоз, ҳатто мусулмонларга бостириб чиқарадиган ақчага ҳам қоғоз топилмай қолганликдан мактабларда ўқиш у ёқда турсин, муаллимлар агитаторлик комиссияси ишларига олиниб маориф шўбаси столи устинда сичқон асо таяниб йиғлаб юрипти». Маориф, матбуот соҳасидаги миллий тенгсизлик, ўқитувчиларнинг ўзга «сиёсий» ишларга жалб этилиши сингари иллатларнинг тарихи қаерларга бориб тақалишини Ҳамзанинг мазкур драмаси ёрдамида баҳо олиш мумкин. Драмадаги Аҳмаджон исмли персонаж инқилобдан кейин кенг ёйилган одамга беписанд муносабат, инсон шахсини қадрсизлантириш, одамнинг ишини унинг ўзидан устун қўйиш сингари ҳолларни кинояомуз ифодалайди. Пьесада шахс эркини топташ, партиявий интизомни нодонларча татбиқ қилиш ҳоллари ҳам кулгига олинади. Персонажлардан бири ўта чанқагану ариқдан сув ичишга кўрқади. Негаки, партмажлисда қайнатилмаган сув ичилмасин деб қарор қилинган ва қарорни бузган киши «особий отдел» томонидан ҳибсга олиниши мумкин. Партия мажлисида, асосан, ўзбеклар қатнашаётган бўлишига қарамай, биргина рус Михаилни раис, биргина татар Султонфни котиб қилиб сайлаш сингари ҳолларнинг тасвирланиши ҳам Ҳамзанинг бадиий нигоҳи ғоят теран бўлганлигини кўрсатади.

Драмада қурултойга вакил сайлаш хусусида гап боради ва Бозорбой исмли персонаж шундай таклиф киритади: «Сизлар агар мани таклифимга қўшилсаларингиз шундай одамни сайлангизки, у сайланган одам мутлоқ мусулмонча билмайдиган европала ўртоқлардан бўлсин, ёки мутлоқ туркча билмайдиган мусулмонлардан бўлсин... Аммо ўзи меҳнаткаш бўлсин. Унча-мунча калтакларга ўлмайдиган сергўштроқ, бепарвороқ одамларни сайланглар». Бу таклифнинг эгаси Шўронинг душмани эмас. Аксинча, инқилоб тарафдори, унинг ғалабаси учун арқон билан бўлса-да, курашишга шай коммунист. Аммо кадрларни танлаш ва жойлаштиришдаги ўша вақтлардаёқ қарор топган ғаройиб система уни шу хилда фикрлашга мажбур қилган. Эътибор қилинг, қурултой делегати тил билиши ҳам, ишчан бўлиши ҳам шарт эмас. Бепарвороқ бўлсаю меҳнаткашдан чиққан бўлса бас. Яқингача ҳам қарор топиб келмаганмиди кадрларни танлашдаги шу принцип. Кўринадики, А. Платоновнинг «Чевенгур» романи битилишидан анча олдин унда кулгига олинган иллатлар Ҳамзанинг драмасида акс эттирилган.

Янги замоннинг қизил сўзлар билан қурулланган тўралари Ҳамзанинг ҳозиржавоблигини, жасурлигини, новаторлигини, фидойилигини, қўйинг-чи, унинг шахсиятига хос барча фазилатларни ҳазм қилишаолмас, унга зарбалар бермай тураолмасдилар. Кураш диалектикаси шуни тақозо қиларди. Тамарахонимнинг эслашича, 1920 йилда Маориф комиссарлиги эшиги ёнида кўзи ёшга тўла, тажанг Ҳамзани кўриб қолади. Шоир қўлидаги қаламини синдириб, кўчага улоқтиради ва энди ҳеч қачон, ҳеч нарса ёзмаслигини билдиради. Негаки, комиссарликнинг корчалонларидан бири «Қорасоч» операси қўлёмасини унинг юзига отиб юборган экан. Бизнинг тасаввуримиздаги иши доим ўнгидан келаверадиган, инқилобий идораларнинг қопқа-

лари унинг учун ланг очиқ бўлган, изтироб нелигини билмайдиган Ҳамзага ўхшайдими комиссарлик эшиги тагида кўзда ёши билан мунғайиб турган шоир? Кўп вақтдан бери инқилобий адабиётнинг эталони сифатида ўрганаётганимиз «Бой ила хизматчи»нинг ўз вақтида босилмагани, қўлёмаси йўқолиб кетгани, ҳозирги вариант муаллиф вафотидан сўнг актёрлар хотирасига, афишаларга таяниб, қўшиб-чатиб тиклангани, «Қорасоч» операсининг, «Ферузахоним» романининг, бошқа кўплаб асарларининг беиз йўқолиб кетгани фактининг ўзиёқ Ҳамза ҳаёти драматизмини тушунишга кифоя қилади.

Замонасининг ягона миллий композитори йиллар мобайнида бир дона пианино сўраб турли идораларга ўнларча марта мурожаат қилади. Аризаларидан бирида алам билан ёзади: «50 дан ортиқ ашулани бир йилда ихтиро қилишга қобилиятим бўлса ҳам ўзумни иқтисодсизлигим, ...баъзи ўзбек саҳнасининг яسانيшини кўролмаган беандишаларни қастма-қаршулик орқасинда бугун беруб, эртага бусуб, тортқилаб олишда ёки ўзига ўхшаган тузалмас бозуқларини рўпара қилиш орқасида 8 йилда аранг юзга қилчи олдим».

Ҳамзага ҳукумат томонидан «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилиб, умрлик пенсия тайин этилса-да, шоир олти ой мобайнида нафақасини ололмади, гўё кўқонлик амалдорлар Ҳамзани топа олишмайди.

Ҳамзадай улкан ижодкорнинг жумҳуриятнинг пойтахтида, ҳеч бўлмаса маданий марказларда эмас, ҳамisha чет вилоят, шаҳар ва қишлоқларда туришга мажбур бўлганлиги кишини ўйлантирадиган факт. Шоирнинг дастлаб Аввалга, сўнг Шоҳимардонга келиб қолиши, шунда шахид бўлиши одамни янада чуқурроқ ўйга толдирадиган ҳодиса. Нега мурасиси ва тиниб-тинчимас Ҳамза шу жойларга жўнатилди. Ахир, у катта шаҳарларда кўпроқ керак эди-ку? Колхозларни ташкил этиш унинг вазифасига кирмасди-ку? Шоирнинг ўлими «борган сари кучайиб борадиган» синфий кураш концепциясини тасдиқлаш учун керакмиди ё?

Ўттизинчи йилларнинг охирларига келиб, ўзбек адабиёти чаманзоридеги тоза гулларни узиб битирганига, унда-бунда омон қолганларининг яшнаб очилолмаслигига ишончи комил бўлган сталинча маъмурий аппарат яқиндагина ўзи ўлимини тезлаштирган Ҳамзадан адабий санам яшашга тутинди. Ҳамзанинг ғоявий «қусурсиз» асарлари қайта-қайта босила бошлади. Айрим «бундайроқ» асарлари «тахрир» этилди. Унинг жўн ёки жўнлаштирилган асарлари ғояси тўғри бўлганлиги, сўзлари қизил бўлганлиги учун бадииятнинг мумтоз намунаси деб тақдим этилди. Буни «илмий» асослашга ҳозир турган адабиётшунослар ҳам етарли эди. Шу тариқа маъмурий аппаратнинг адабий сиёсати ўлимидан сўнг ҳам Ҳамзага зўр бериб зарба берди: унинг ижодини бадиий ширадан, ўзига хосликдан махрум қилди. Яъни адабиёт ихлосмандларини Ҳамзадан бездирди, уни ўқимайдиган қилди.

Янгиланиш даври Ҳамзанинг ўзбек халқи ижтимоий тафаккури тараққиётидаги ҳақиқий ўрнини белгилаш, унинг асарларига чин бадиий баҳо бериш имконини яратмоқда. Шоирнинг миллий дардида, халқ ғамида юрак қони билан битган ширадор сатрлари халқи эътиборига «хушёр» муҳаррирларнинг шафқатсиз қаламига дучор қилинмай туриб ҳавола этилиши мумкин бўлди. Зеро, халқ ҳақиқий шоирининг асарларини асл ҳолича, пардозсиз ўқий олсагина уларни севиб қолади, улардан ажрамайдиган бўлади. Халқ ўз Ҳамзасини янгитдан кашф этиши зарур.

## ҚОҒОЗЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Ушбу сарлавҳага кўзингиз тушган заҳоти «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» деган қўшиқни эсласангиз керак. Биз унга жиндай таҳрир киритиб хиргойи қилмоқчимиз: «Ойномамиз қоғозлари тиллодан...»

Зеро, бозор иқтисодиётига тайёргарлик, эслатиб ўтганимиздек, иттифоқимизда, даставвал қоғознинг, нашр ва алоқа хизматларининг, демаски, рўзнома ва ойномаларнинг нархлари ошишига сабаб бўлди. Айрим марказий ва жумҳурият нашрларининг обуна баҳолари қанча ошганлиги тўғрисидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Рўзномалар	1990 й.	1991 й.
«Правда»	9 с. 24 т.	19 с. 92 т.
«Известия»	9 с.	22 с. 56 т.
«Комсомольская правда»	7 с. 80 т.	13 с. 80 т.
«Советская Россия»	8 с. 64 т.	18 с. 60 т.
«Ёш ленинчи»	6 с. 60 т.	12 с.

### Ойномалар

«Юность»	8 с. 40 т.	21 с.
«Саодат»	3 с.	8 с. 40 т.
«Гулистон»	4 с. 20 т.	10 с. 80 т.
«Шарқ юлдузи»	12 с.	24 с.
«Ёшлик»	6 с.	9 с. 60 т.

## Муслим Йўлдошев



### Эркин Воҳидов ғазалига муҳаммас

Бил, эй жоним, бу жонимга сеvimли ёр агар бўлғай,  
Ушал ёр сен бўлиб, ишқинг бошимда бир қамар бўлғай,  
Дилимда ўт ёнар ҳар вақт, бу ўт умрим қадар бўлғай,  
Сенингиз менга ком йўқдир, асал ичсам заҳар бўлғай,  
Сенинг бирлан ширин сўзим, заҳар ютсам асал бўлғай.

Жамолинг мадҳи-тавсифин қилурга борми менда тил,  
Фақат жодуларинг тасвирин айтарга керакдир йил,  
Висолингни қилу ҳадя, мени куйлашдан озод қил,  
Юзингга бир умр боқсам, тўюрми кўз, қонурми дил,  
На ундан белги пайдо-ю, на бундан бир асар бўлғай.

Сенинг васлинг қолиб, жоно, яна жононни хеш этсам,  
Анинг-ла шодмон ўлсам, қўлидан оби нўш этсам,  
Икки дунё бўлай сарсон икки ишқни юмуш этсам,  
Икки ёр васлини истаб, икки ишқ сўзин эшитсам,  
Икки кўзим кўру икки қулоғим, майли кар бўлғай.

Ғарибингга назар қилсанг, булутларга етарди бўй,  
Нигоҳинг нораво кўрсанг, қатор Мажнунларингга йўй,  
Ғамингдан ўзга ғам йўғу, ўйингдан ўзга йўқдир ўй,  
Кўзинг учганда кўнглимни олиб киприкларингга қўй,  
Қошу мужгонларинг кўнглим қушига болу пар бўлғай.

Кўзинг кулганда юлдузлар қолурлар доғу қайғуда,  
Қадингга бўйини бастлайди сарвию шамшод беҳуда,  
Хижолатда парилар ип эшолмай сеҳру жодуда,  
Тирилса ногаҳон Фарҳод, юзингни кўрса кўзгуда,  
Кечиб Ширинидан юз йил кўйингда дарбадар бўлғай.

Кўнгул бу жонни қасдиға сўзини қанд этар доим,  
Раво кўрса ширин бир сўз, яна минг ранж этар доим,  
Табибим топса бир малҳам, ҳабибим маън этар доим,  
Ҳабибим банд этар кўнглим, табибим панд этар доим,  
Билолмасман, бу савдода на суду на зарар бўлғай.

Муҳаббат боғига, Муслим, киру ўзга ғаминг қўйгил,  
Муҳаббат бирла кўз оч-у, муҳаббат бирла кўз юмгил,  
Муҳаббат қошида бош эг, менингдек айла рози дил:  
Муҳаббат ногаҳон дилда ёзиб куртак, очибдир гул,  
Умидвор Эркининг, жоно, бу гулдан бир самар бўлғай.



Иброҳим Ҳаққул

# «ҲАҚИҚАТ ЙЎЛ ТУТАЙ ДЕСАҢГ..»

Фақр излаган эл давлати шоҳонани кўрди,  
Тарк этиб оламники, жононани кўрди...

## Бобораҳим МАШРАБ

Бобораҳим Машраб ғазалларидан бирида «Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиқ билан», — деган эди. Машраб чиндан ҳам «ғам даштида»ги бир ошиқ дарвешдир. «Ҳайронлиқ» — унинг кўнглидаги доимий ҳолат. У ҳайронликдан ҳайратгача бўлган ботиний йўлни кечиб ўтган:

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастманки истиғноға сиғмамдур.

Машраб соҳибжунун шоир. Машрабдаги жунун — илоҳий ишқ ҳосиласи. У ишқнинг энг шиддатли туғёнларида «жунун водийси»га қочади. Уни ҳамма жойда ва ҳамма томондан «ғам лашкари» таъқиб қилади. «Ғам лашкари ичра» «ҳайронну хароб» шоир гоҳ «жисму жони»нинг афғорлигидан сўзласа: «Лашкари ғам бу синуқ кўнглумни афғор айлади»; «Жисму жонимни фиғор этти ғамингни лашкари», гоҳ ўзлигини «ғам тарозусига» тартади: «Ғам тарозусига тушган бори вазминен бугун», Машрабнинг дарди — ғам, дардига дармони ҳам ғам.

Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат,  
Машрабнинг шахси ғам қуюни ичидаги бир дарахтга ўхшайди. Шоир қалбидаги беқарорлик, саргашталиқ, оворалиқ ва ҳайронлиқ мана шундан. Машраб шахсиятини тинглаган киши унинг ички ҳаётида ҳеч қачон сокинлик, хушнудлик бўлмаганлигига дарҳол ишонч ҳосил қилади.

Дарвешлик Машраб учун шоҳликдан баланд мартаба. У «жон тўтисини ишқ ила шаҳбоз этай деб», жандани кийиб ўзини дарбадарликка йўллаган. Машраб чин маънодаги сўфий шоирдир. У «Шариат шарбатин ичгон», «Тариқат ҳалқасин тутгон», «Ҳақиқат шоҳини сургон», «Маломат кўида юргон», «Муҳаббат йўлида куйгон» «суяр қуллар», яъни ҳақ ошиқлари фикри кечинмаларининг тәрғиботчиси. Машраб ҳақиқий ишқ баҳрига чўмган ва сиру савдо пайғамбарига айланган мистик санъаткор: «Шудам пайғамбари савдо, мани девонаи Машраб».

«Йўлни кўрганлар ҳама дунёни таркин қилдилар», дейди шоир. Қайси дунёни? Машраб ғазалларидан бирини шундай сатрлар билан бошлайди:

Дунёга келиб лойиға билмай бота қолдим,  
Дармон йўқидан заҳри балосини юта қолдим.  
Кўрдум мен они душмани руҳи тан экандур,  
Лой ўқи билан икки кўзини ота қолдим.

Дунё ботқоғига ботган киши (гарчи у билмай бота қолса ҳам) фақат жисман ифлосланиб ёхуд дармонсизланиб қол-

майди, балки онг равшанлигини ҳам бой беради-ю, кўнглини «лой» қоплайди. У эркидан ажралади.

Хурлик нима? Бу саволга Машраб шеърятининг моҳиятида «Инсон!» — деган савол яширингандир. Аммо ҳар қандай инсон эмас. «Ишқ йўлига киргон албатта кечар жондин, Кечмаса агар жондин айтгон сўзидур ёлгон», — деган, «жунун бозорида Мансурдек афсона» бир Инсон. Дунёнинг лойиға бўлганмоқлик — бу, ҳорислик, гумроҳлик, нафсга қуллик. Бу — ғайбдин келадиган «илҳоми худони» сезмаслик. Машраб ғофилга ёр «дунё»ни тарк этиш тарафдори. Бу дунё руҳнинг душмани. «Йўлни кўрганлар» кимлар? Кўнгул «ғизоли» «анвори тажалли била сут» ичган, «Шариат ҳам, тариқат ҳам ҳақиқат мандадур мавжуд», дея оладиган «мудом мискин» аҳли ишқдир. Булар ҳусни мутлақнинг «қасри» беҳад йироқлигини ва унга етиб бориш мушкуллигини билишади («Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб, Агар юз йил жадал қилсанг, бу манзилга етиб бўлмас»), аммо бошқа «йўл» орқали маъшуқи азал васлига восил бўлмоққа ҳам тўла ишонишади. Бундаги тўсиқ — «парда». Шариат, Тариқат, Маърифат, Ҳақиқат босқичларида қаттиқ риёзат чекмагунча, бу парда барҳам топмайди:

Пардани кўтариб ул шўх, ҳар лаҳза тоб айлар,  
Ноз билан ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Машраб тавба мақомига доир фикр-мулоҳазаларида «Маломат кўида юргон» соликларнинг ахлоқий-фалсафий қарашларини ёқлаб, гуноҳ ва гуноҳкорлик туйғуларини энг охириги чегарасигача идрок этишга қақиради:

Эй банди пургуноҳ турғил саҳарда, йиғлагил,  
Кўз ёшингни ҳурматидин, ҳар кунда минг наво келур.

Шоир ўзини «бош-оёғ» «жўши гуноҳдин» олуда, банди пургуноҳ ҳисоблайди: «Гуноҳимдин хабар олсам жуҳуд, тарсо менингдек йўқ... Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз, Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг заҳрин ютуб ўттум». «Булҳавасни мағзи йўқдур, пўстдур безътибор». «Маънипарвар одам» кўнгулни гуноҳкорлардан поклаш учун азобу азиятдан қочмайди. Шу тариқа Ер «чароғи ҳусни рўи»дан дилни мунаввар айлайди.

Маъшук юзидин берса агар зарра зиёе,  
Тоғлар куяру мўе паямбар чидаёлмас.



Бир жилва қилиб чиқса агар олам ороси,  
Девона бўлиб мўмину кофар чидаёлмас.

Машраб бир қатор ғазалларида тасаввуф таълимотининг умумий ғоя ва ақидаларини талқин этади:

Маърифат бозорини девонаси,  
Ҳам ҳақиқат ишқининг майхонаси.  
Оҳ уруб икки жаҳонни куйдурур  
Ишқ элининг зийнати — сармоясин...

Шоирнинг кўпчилик мутасаввуфона ғазалларида эса ҳақиқий ишқнинг баланд нуқтабини белгилайдиган сўфиёна ҳислар, фавқуллода тугёнли кечинмалар тасвирланган. Шундай ғазаллардан бирида ўқиймиз:

Онқадар дарё бўлубман осмонга сиғмадим,  
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.

Ушбу ғазалда Аналҳақлик ва тажаллипарварлик ғояси ифодаланган. Ғазалнинг навбатдаги байтларида бу ҳақиқат тўлиғ равшанлашади:

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудуқдурман забонга сиғмадим.  
Дўзахи сақар манам, жаннат ила кавсар манам,  
Бир ўзумдурман бу кун ҳафт осмонга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида фарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамроҳи Мусо бўлиб Туру Синога сиғмадим.  
Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Боиси бир нуқтадан, Машраб, замонга сиғмадим.

Ғазалда илоҳий «ишқ сиррин баёни» берилган. Бу «ишқ ўтидин» кишига «заррае етса», кифоя — у — гирён, бесабру бетоқат, унинг тили лол, сўнгалари ниҳон ўртангани ўртанган. У на заминга, на осмонга, на замонга сиғмайди. Чунки у оламу, бу оламни у ўзида бирлаштирадиган поёнсиз кенгликка эришади. Шеърдаги Нуҳ, Мусо, Исога тегишли талмиҳларданок тавҳид ҳолатининг тасвирини мушоҳада қилиш мумкин. Лекин шоир «ҳафт осмонга», «Туру Синога» ва «замонга» сиғмаслик сабабини «боиси бир нуқтадин», деб таъкидлайдики, бу нуқта — Анал-Ҳақлик завқидир. Машраб буни «Ажаб Мажнун»лик, «ажаб девона»лик деб ҳам атайди.

Тарихдан маълумки, тасаввуфдаги қаландария мазҳабига Жамолиддин Соважий асос солган. Қаландария маломатия силсиласи билан узвий боғлиқдир. Бобораҳим Машраб қаландария мазҳабига мансуб шоирлардан. Бу тўғрида О. Шарафиддинов ва С. Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти» мақоласида шундай дейилган: «Машраб ўз замонасида кенг ёйилмағда бўлган қаландарликнинг «сўфизмнинг бир оқими» йирик вакили сифатида танилган ва халқ ичиде катта таъсирга эга шоирдир. Қаландарлик вакиллари расмий ислом ва унинг қонунлари билан келиша олмас ва шу қонунларни ҳимоя қилувчи ҳокимларга, расмий ортодоксал руҳонийларга қарши курашар, уларни шиддатли танқидга олар эдилар». Мақола муаллифлари қаландарлик тарихати вакиллари «огир зулмларни бошидан кечирмоқда бўлган ва жуда қашшоқлашган» омманинг ўртасида «душманлардан ўч олиш ва зулмдан қутилиш учун ёрдам берувчилар» сифатида баҳолаб, Машрабни ана шу кураш қурбони бўлганлигини қайд этганлар. Уларнинг ҳукмига биноан, Машраб ижодиёти «бир-бирига ўта қарама-қарши бўлган қутубларга эга». Бу «қутуб»лардан бири — «расмий ислом, руҳонийларни, ҳокимларни, шарият қонунларини аямай танқид қилиш» бўлса, иккинчиси — «тарки дунёчилик, дарбадар ва қаландарона ҳаёт кечиршига даъват». Машраб бутун ижоди давомида тасаввуфдан

узоқлашмаган ва ваҳдату вужуд идеали билан яшаган мистик шоир. Зоҳирий оламдан ботиний дунёга у жуда вақтли чекинган.

Мени зоҳир кўзида кўргон эл ўзин гумон айлар,  
Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

«Эл ичра ўздин» ва «барчадин бегона»лик — Машраб мистик ҳаётининг мазмунини характерлайдиган бундан аниқ ифода топиш қийин. Машрабдаги ёлғизлик — «ўздин» ҳам бегона бир танҳолик. Акс ҳолда у «шаккоклик» билан, «Этагимни елпишидин юз худо пайдо бўлур», дея башорат эта олмасди. Машрабдаги инсоний ёлғизлик, илоҳий ёлғизликка эврилгандир. Ундан «Ёлғизлик нима?» — деб сўралганда у албатта «Худо!» — деб жавоб берган бўлурди. Ёки қуйидаги сингари мисраларни эсга солурди:

Ху десам, Анал-ҳақ, деб олам бориси ҳақдур,  
Лайлига бўлуб шайдо Мажнунга ўтай дерман.

Бобораҳим Машрабни, Машраб тахаллуси билан ижод қилган бошқа шоирлардан ажратиш учун ўзбек адабиёт-шунослигида анча ишлар амалга оширилди. Лекин асл Машрабнинг қиёфаси — унинг шеърлятида, адабиётшунослик илмида Машрабнинг инсоний ва ижодий ўзлиги тубдан ўзгартирилган ҳамда сохта талқинларга гирифтор этилган.

Машраб шеърлятининг ғоявий, фалсафий, ахлоқий замини — тасаввуф. Шоир ижодиётига доир тадқиқотларда унинг шеърляри онгли равишда ўз заминидан ажратилиб таҳлил қилинган. Натижада илоҳий ишқ моҳиятини очувчи фикру кечинмалар дунёвий муҳаббатга мансуб тасвирлар сифатида тавсия этилган. Машраб ижодиётидаги «антиклерикал мотивлар» ҳақида айтилган мулоҳазалар ҳам бир ёқлама, гоҳо жуда чалкашдир. Бунинг сабаблари изоҳланганда, икки жиҳатга алоҳида диққат қилиш керак бўлади. Биринчиси, давлат ва сиёсат миқёсида динга қарши ҳужумнинг авж олдирилганлиги, иккинчиси, тасаввуф таълимотининг юзаки ўрганилганлиги.

И. Султон ва И. Аҳмедовларнинг «Асл Машраб» мақола-сида бундай дейилади: «Феодал даврда ва шу жумладан XII асрда биз жаҳиятда жуда катта бир табақанинг юзага келганлигини кўраемиз. Бу ўз турмушдан норозилар табақасидир. Хонларнинг зулми, бекларнинг талаш, руҳонийларнинг алдамчилиги ва сотқинлиги натижасида неча-неча минг халқ хонавайрон бўлди, оч-яланғоч қолди, гадоё бўлди. Кун сари ошиб бораётган зулм бундай жафокашларни тўхтовсиз ортириб бориб, эртаги куннинг бугунгидан ҳам ёмон бўлишидан даҳшатли хабар бериб турар эди. Мана шундай шароитда ўз тирикчилигиндан, бу дунёнинг азобу уқубатидан безор бўлганидан, ноилжозликдан умидсизликка тушганлар кўпайгандан кўпая борди. Бу омма ғазабланар, лекин бу ҳолдан чиқиш йўлини билмас эди... тасаввуф таълимотида шу илжосиз қолган омманинг кайфиятига мос тушадиган бир қанча унсурлар бор эди».

Қандай «унсурлар» улар? Мана, эшитинг: «Масалан, тасаввуф тарки дунёни ташвиқ этар, ислом динининг бир қанча шартларини рад қилар, дунёдаги азобларни жуда илоҳийлаштиради («қанча кўп риёзат чексанг, яъни бу дунёда қанча азоб тортсанг, худога шунча яқин бўласан»), бу дунёда мол-мулк йиғувчиларга, яъни бойларга таҳқир кўзи билан қарар эди...»

Бу гаплар сталинизм қатағонлари авж ола бошлаган йил — 1937 йилда эълон қилинган. Масаланинг туб моҳияти зулм, ижтимоий тенгсизлик, турмушдан норозилик сингарилар билан белгиладиган бўлса, ўша йилларда ўз ҳаёти ва қисматидан норози кишилар каммиди? Айни ўша вақтларда эртаги кун бугунгисидан ҳам ёмон бўлишини сезган одамларнинг ҳолати-чи? Ўз тирикчилигиндан, бу дунёнинг азоб-уқубатларидан безор бўлиб, умидсизликка тушганларнинг сону ҳисобини аниқлаш кимнинг қўлидан келади? Нега ўша хунхорлик йилларда жон ҳовучлаб яшаган минг-миглаб ҳимоясиз бечоралар тасаввуф билан қизиқиб, тарки дунё қилмаганлар? Ахир, ҳали «тасаввуф эшонлари» ва уларга мурид бўлгувчилар бутунлай қирилиб кетмаган эдилар-ку? Ҳар қандай тарихий ҳодисани сталинча синфийлик ва ғоявийлик нуқтаи назаридан баҳолаган адабиётшунос-

<sup>1</sup>. «Ўзбек адабиёти 15 йил ичиде». Тошкент, 1939, 19-бет.

лик илми тасаввуфни ҳам «ўта идеалистик, хурофий бир таълимот» деб эълон қилди. Шунингдек, «ҳар қандай бўлмасин, тасаввуф реакцияон таълимотдир, ислом тасаввуфи ҳам бир диндир... Тасаввуф ислом хурофотини қуюқлаштиради», — дея ваколат берди. Бундай қарашлар китобдан-китобга кўчиб, ҳар турли бир ёқлама мулоҳазалар билан «бойитилди».

«Ўзбек адабиёти тарихи» (III том) китобида Машраб яшаб ижод этган даврларда «диний реакциянинг» кучайганлиги, «зулм ва истибоднинг» авж олганлиги, «ҳоким ва беклар, кичик-кичик феодаллар» ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида меҳнаткаш халқнинг ниҳоятда эзилганлиги таъкидланиб, яна ёзилади: «Бундай шароитда ҳеч тасодифий эмаски, олти-етти асрлар илгари шаклланган сўфий таълимот турли йўналишларда кенг тарқала бошлади. Уша вайрон, раҳм-шафқатсиз дунё кўпчиликининг жонига теккан, мавжуд зулм, адолатсизлик, ғам-алам, алдамчилик, разиллик ва қабоҳат кишиларни ҳаётга, тирикчиликка, эртанги кунга ишончсизлик ва умидсизлик назари билан қарашга, ундан бешишга мойил қилиб қўйган эди. Худди шунинг учун ҳам бу вайрон, «ўткинчи» дунёдан воз кечиш — тарки дунёчилик ғоялари кучайиб кетган эди; «у дунё — ҳақиқий, боқий дунё» орзу-умидлари, завқу шавқи билан яшаш; унга ишониб ва интилиш, унинг кўйида бутун умрини тоат-ибодат, худони ёди билан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги сўфий таълимот авж олган эди... Аммо бу даврда ҳам тасаввуфнинг ана шундай ўта пессимистик зоҳидлик йўналишига нисбатан бирмунча жонли ҳаётий бўлган бир талқини, йўналиши ҳам бор эдики, Бобораҳим Машраб дунёқарашининг айрим томонлари билан унга ёндошган эди». Шоир дунёқарашининг ушбу «айрим томонлари» ҳам «ўша феодал шароит тақозоси билан изоҳланувчи чекланган томонлар», деб хулосалангандир. Наҳотки, тасаввуф дейилишиданоқ, дарҳол тарки дунёчилик тушунилса? Ҳамма нарса ўз номи билан аталадиган бўлса, тасаввуф умидсизликка бутунлай қарши-ку! Тасаввуфда «ўта пессимистик зоҳидлик йўналиши» йўқ. Булар, ўйлаб чиқарилган гаплар. Тасаввуф Машраб дунёқарашининг «чекланган томонлари» эмас, балки ички офтобидир. Тасаввуф, биринчи галда, Руҳ тарбияси. Тасаввуф — ахлоқ ва одоб камолоти учун изчил қайғуриш демак. Тасаввуф — Хаёл ва Тасаввуф кенглиги. У оламдаги жамики кучсизлик, жамики тобеликларга иштибоҳ билан қарашга ўргатади. Тасаввуфнинг деярли барча мазҳабларида ғамгин ва ғуссакаш инсон «Мен»нинг ботиний фаоллиги акс этади. Тасаввуф таълимотида тарбияланган кишининг ҳаёт завқидан қўл силташи мумкин эмас. У ўткинчи завқларга мутлақо бепарво қараш табиий, албатта. Дин сингари тасаввуфнинг ҳам оламшумул мафқураси Ишқдир. Шу маънода дин ва тасаввуф ўртасида кескин ихтилоф йўқ.

«...Машраб фақат руҳонийларга эмас, — дейилади «Асл Машраб» мақоласида, — балки диннинг ўзига ҳам ёмон кўз билан қараган. Унинг шеърлари ҳам динга қарши нафрат билан тўлгандир». Машраб руҳонийларга ёмон кўз билан қараган. Лекин қандай руҳонийларга? Бу саволга тўғри жавоб қайтарилса, Машраб шеърларида «динга қарши нафрат»дан ном-нишон йўқлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Мақоладан яна бир кўчирма келтирайлик: «Машрабни Маккага боришга даъват этганларга берган жавоби ҳам ажойибдур. У Маккани «Иброҳимнинг эски дўконни» деб ҳақорат қилади (Маккани Иброҳим пайғамбар солдирган экан); жаннатларнигина эмас, балки иккала дунёни ҳам бир пулга қиммат ҳисоблайди.

Ёрсиз ва бодасиз Макка бормоқ нимадир,  
Қолган ул Иброҳимдан эски дўконни на қилай.  
Урайму бошима саккиз беҳишту дўзахин,  
Бўлмаса васл манга икки жаҳонни на қилай».

Бу мисраларни «далил» келтириб, Маккани ҳақорат қилиш ҳақида сўзлаш кулгили. Шоир Маккага боришга асло қарши эмас. «Ёрсиз ва бодасиз», яъни ҳусни мутлақ дийдорини талаб қилмай, «бемухаббат халойиқ» тимсолида Маккага боришга қарши у. Унинг беҳишту дўзахин, «икки жаҳонни» ҳам Ҳақ висолдир. Агар Макка «Аршнинг кунгурасин устига» қадам босмоққа илҳомлантирмаса, у Иброҳимдан қолган «эски

дўкон»дан ўзга жой эмас. «Эски дўкон» нега Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилмаган? Шундай дейилса «динга қарши нафрат» конкретлашади-ку!

Норасоларга суҳан қилмоқ хатодур, Машрабо,  
Билса ҳар ким хорёру босафони дардини.

Муҳаммад пайғамбар халафларига эҳтиромда бўлган шоир ислом динининг асосчисига нечоғлик сидқу ихлос боғлаганлигини англаш наҳотки қийин бўлса? Машрабда бундай сатрлар бор:

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ билан.  
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,  
«Куфр айттинг», — деб урарлар неча озорлик билан.

Дин номидан ҳукмлар чиқариб: «роҳи шаётин»дан юргувчи, ришвахўр, «бухлу ҳаводорлик билан» умр ўтказган дилозор, риёкор мулло ва эшонларга Машраб салбий муносабатда бўлган. У ана шундай калтабин ва ақидапараст дин аҳлининг имонини — имонсизлик, динпарастлигини — динсизлик деб билган. Қалби илоҳий зиёдан йироқ диндор — шоирга қоқоқлик, чекланганлик тимсоли бўлиб кўринганлиги рост. Аммо Машраб ҳеч пайт ислом динининг асл моҳиятига шак келтирмаган. Шунинг учун ҳам «Бир худодан ўзгаси, барча ғалатдур», — деб ҳисоблаган. Машраб маслағича, оламнинг мазмуни, ҳаёлий гўзаллиги ва абадияти биргина сўзда ифодаланади. Бу сўз — Худо. Шу сўз дунёнинг Дили, дунёнинг тили. Жаҳоннинг қайси гўшасига назар ташламанг, ҳусн нурини сочаётган ва забони ғайба тақаллум этмоқда бўлган худо зоҳирдир: «Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб».

Восили ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,  
Урта ҳавоу кибр уйин шамъи юзин зиёсиға.

Машраб илоҳий «ишқу муҳаббат ҳосил» этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган. Ва қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси — бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият аксини топгандир:

Соқий, қадаҳни қилғил муҳайё,  
Ваҳдат майидин ичголи келдим.

ёки:

Қатраи ваҳдат майидин лутф ила қилди қарам,  
Завқу шавқидин бериб оламда султон айлади.

яна:

Ваҳдат майини пири муғон илгидин ичдим,  
Мансур каби бошимиз дорға тутта қолдим.

Машраб ижодиётини ўрганган олим М. Зокиров шоирнинг «илк ижодий қадамлари» «мистик тасаввуф таъсирида» шаклланганлигини сўзлаб, яна ёзади: «У ўзининг қатор шеърларида илоҳий ишқнинг моҳиятини очишга интилади, гоҳо сўфиёна ишқнинг мажзубона рақсига тушиб, қайнаган ҳисларига эрк беради, ўзини «рамузий ишқ» йўлига бахш этганлигини очиб сўзлайди. Аммо шоир ижодига мистик сўфизмнинг таъсири ва конкрет фактларга қараганда, у қадар узоқ давом этмаган бўлса керак. Кейинчалик у мистик сўфиёликнинг расмий ақидаларини (масжидга кириб сажда қилиш, рўза тутиш ва шунга ўхшаш расм-русмларни) тан олмаган».

«Конкрет фактлар» — Машрабнинг шеърлари. Уларга қараб хулоса чиқарилса «шоир ижодига мистик сўфизмнинг таъсири» «у қадар узоқ давом этмаган бўлса керак» деган тахмин, шунчаки тахминга айланиб қолаверади. Бундан ташқари, «масжидга кириб сажда қилиш, рўза тутиш» каби «расм-русм-

1. Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. Тошкент, 1984, 63-бет.

лар» тасаввуфий мистиканинг «расмий ақидалари»дан саналмайди. Машраб «ўзининг қатор шеърларида» эмас, «қатор» шеърлари истисно қилинганда, умумшеъриятида илоҳий ишқ моҳиятини поэтик талқин этади. Бу — унинг асосий мақсади, шеъриятидаги бош йўналиш. Машраб девонида шу йўналишдан бутунлай ажралиб қолган шеър йўқ. Шоир ғазалларидан бирида:

Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,  
Маърифатдан беҳабарсан гавҳаримни кавлама, —

деган эди. Байтнинг биринчи мисраси ўзликдан кечиб, фаноликка эришиш тўғрисида. Ундаги умумий фикрнинг шарҳини бошқа ғазалда учратамиз:

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,  
Бир дона эрдим минг дона бўлдум.  
Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,  
Жон жонға кирди, жонона бўлдум.

«Жон жонға кирди, жонона бўлдум» — Машраб мистикасининг энг олий ва якуний нуқтаси ана шу. «Жон жонға» қовушгунгача бўлган йўл — машаққатли йўл.

Солдим туну кун нафс итим бирда урушни,  
Танҳо қиличи бирла уруб ҳай-ҳайлаб ўттум.  
Хомуш пичоқини олиб бўйнига қўйдим,  
Чўғ найзаси бирла кўзин найзалаб ўттум.

«Нафс ити» бирла бўлган «уруш»да ғолиб келган ошиқ, албатта, хомушлигини, мискинлигини топади. Мискинлик руҳи уйғонмагунча, ҳақ толиби ожизу афгорлигини англай олмайди, гуноҳларидан тавба қилмайди, сир пардасининг очилишини тилаб зору таваллолар этмайди. Машрабнинг ўнлаб ғазалларида «хомуш пичоқини» нафс бўйнига қўйган ошиқ ҳолати ва кечинмалари тасвирланган. Мана, улардан бири:

Даргоҳингга бир ожизу афгор келибман,  
Арзи дилими айтмак учун зор келибман.  
Йўқтур менинг илгимда сенга тўхфаи лойиқ,  
Жуз зилли гуноҳ, эл ичида хор келибман.  
Рад қилма, қабул айлаки, шармандалиғимдин,  
Расвои жаҳон, кўчау бозор келибман.  
Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,  
Жон нақди била сенга харидор келибман.  
Лутф бирла карам айлаю дардимга даво қил,  
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.  
Зор тавалло қиладур Машраби мискин,  
Оч парданиким толиби дийдор келибман.

Машраб «толиби дийдор»ликда Мансур Ҳаллож, Шайх Боязид Бастомий, Фаридиддин Аттор, Имодиддин Насимий сингари «толиби содиқ»ларга издош ва маслакдош. У Мансур Ҳаллождан кейин машҳур сўфий Иброҳим Адҳам тариқини ўзи учун ибрат ва намуна сифатида эътироф этади:

Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек,  
Саропо дард кўрдим, муддаони кўрмадим ҳаргиз.

ёки:

Дунёни пушти по уруб Адҳами бенаво ўзум,  
Авжи фалакда юругон торуқи пурзиё ўзум.

Маълумки, «Қуръон»даги «алфақру фаҳри» (фақирлик менинг фаҳримдир) ибораси Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилган бўлиб, фақрлик моҳиятини у жуда аниқ гавдалантиради. Фақр — ҳар қандай моддий манфаатдорликни кўнгилдан сунпуриб ташлайди. Фақр — эҳтиёжнинг негизидagi хорлики теран пайқайди. Фақр — Ҳақ маърифатидан ўзга ҳеч нимани талаб қилмайди. Машраб фақрлик йўлига содиқлиги учун ҳам:

Шаҳи рўйи замину тахту тожин орзу қилмай,  
Гадои фақр бўлдум, сайр этарман баҳру

бар танҳо, —  
деб ёзган эди. Фақрлик мақомига юз бурмаган ошиқ ҳақиқий ишқ сиррининг қошифи бўла олмайди.

Асли муҳаббат истасанг, қулли сивони

ташлағил,

Фақр либосин кийиб, дарбадари гадо келур.  
Машраб «фақр либосин» кийган қаландар. Шоир муродга етмоқни қаландарликда кўради:

Муродингга етай десанг қаландар бўл,

қаландар бўл,

Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл,

қаландар бўл.

Шоир тушунчасида жабр-ситам аҳлин енгмоқ айни пайтда «оғиздан куфр» сочмоқ. «Шароби даҳр» ичмоқ ва «ёмонлардан» узоқлашишдир.

Оғиздан куфр сочай десанг, шароби даҳр

ичай десанг,

Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл,

қаландар бўл.

Ёмонлардан қочиш билан, албатта ёмонликни енгиб бўлмайди. Қарши тура олиш ҳам керак. Буни шоир «фасод аҳлин» қувиш ва уларнинг «кафан тўнин» бичиш деб харақтерлайди:

Фасод аҳлин қувай десанг, (кетига), бир тепай

десанг,

Кафан тўнин бичай десанг, қаландар бўл,

қаландар бўл.

Машраб даъват этган йўл — илоҳий ҳақиқатлар йўли. Унинг назарида ҳақ висолига етказувчи йўл. Бу йўлга кирганлар чин маънодаги худопарастлар. Машраб худопарастлик ғоясининг улуғ тарғиботчисига айланган санъаткор сифатида Шарқ тасавуф шеъриятида юксак мавқега эга бўлиб қолаверажак.

Раҳмдил ва меҳрибон тангри номи билан!

Оллоҳга шукурлар бўлсин! Унинг иродаю тадбирига мувофиқ (бу дунё) узиқ ишлари уланиб, асрлару давронлар селоби унинг қазоси манбаъидан қадари гирдобигача оқғусидир. Оллоҳ одамзотдан «қайбирлари амалда яхшироқ эканини синамоқ учун уларга баъзи бир азоб ва қийинчиликларни торттирди. У азиз ва авфкор.»<sup>1</sup>

У ҳижратнинг саккизинчи асрида улар (одамзот) устига алғов-далғовлар денгизини юбордики, У зимистон кечадин бир парча каби (пайдо) бўлиб, (одамларга томон) юзланди. Бунинг нима эканлигини ҳеч кимса фаҳм этолмади. У Темур бўлиб чиқди.<sup>2</sup>

Бу ишлар олови жари ёқасида бўлган киши ҳамди билан тангрига ҳамдлар айтаман, чунки У ўша кишини унинг олови-дан қутқарган эди.<sup>3</sup> Уз адолатлиги туфайли мусибатга дучор

Ибн Арабшоҳ  
Темур ҳақидаги  
хабарларга  
маълум асосларни  
қўйиб

бўлган киши сифатида тангрига шукурлар айтаман, чунки тангрининг марҳаматли қўллари уни бу мусибатдан халос қилди. Мен адолатли ҳукм юритувчи худодан бошқа худо йўқ деб гувоҳлик бераман, чунки у қиёмат куни золимдан маълумга қасос олиб бергувчидир. (Бизнинг) саййидимиз Муҳаммад тангрининг бандаси ва элчиси (экан)лигига шаҳодат келтираман, тангри уни барча оламга раҳмат тариқасида юборган, (тангри) уни ўзининг элчиси ва «пайғамбарлар муҳри»<sup>4</sup> қилган ва унга худонинг саломи ва раҳматлари ёғилсин, пинҳоний сирини

очиб, азалда нималар бўлганини ва «то қиёмат кунигача» нималар бўлажagini хабар берган. (Яна, пайғамбар) қарз кўпайишидан, кишилар қаҳридан, тирикликдаги ва ўлим олдидаги фитнадан ҳамда ал-Масиҳ ад-Дажжол<sup>6</sup> васвасасидан (худодан) паноҳ тилаган. Тангри Муҳаммадга китоблар ва тарихлар аввалларида ўткир(ҳидли) мушк кукратадиган ўз раҳматини юборсин. Бу раҳмат қиёмат куни<sup>7</sup> ўз сўзловчисига энг баланд шохдаги хайру-эҳсон самараларини яқин келтиргувчидир. Муҳаммад насл-насабларига, унинг саҳобаларига ҳам саловат

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

XV асрда яшаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) «Ажоиб ал-мақдир фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») номли асари Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда XIV асрнинг охири, XV асрнинг биринчи чорагида содир бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Дастлаб, 1401 йилда ўн икки ёшли Ибн Арабшоҳ ўз она юрти Дамашқнинг Темур қўшинлари томонидан вайрон қилиниб харобага айланганлигининг шохиди бўлган бўлса, сўнгра онаси ва биродарлари билан Самарқандга тутқун сифатида олиб кетилиши ҳам, албатта, ёш боланинг қалбида изтиробли из қолдирган эди. Муаллифнинг улуғ Темурга кўп ўринларда салбий муносабатда бўлганлиги сабабини ана шулардан деб билиш мумкин. Темур вафотидан кейин Самарқанддан кетган (1408 йилда) Ибн Арабшоҳ Хоразм, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Сарой, Астрахань, Туркия каби Темур қўшинлари томонидан бирма-бир забт этилиб, бо-

сиб олинган мамлакатлар ва шаҳарлардаги харобаликларни ўз кўзи билан кўриб, маҳаллий аҳолидан бу хусусда хилма-хил ҳикоят ва ривоятларни эшитган. Муаллифнинг ўзи ҳам китоби муқаддимасида «Ўзим кўриб мушоҳада этганлариму ўзгалардан эшитганларимни ҳикоят қилишга жазм этдим», деб ёзиши ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди.

1436—1437 йилларда ёзилган бу асарда Темур ва темурийлар даврида юз берган сиёсий воқеаларга кўп ўрин берилган бўлса-да, асарда ўша давр ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир жуда кўп маълумотлар келтирилган. Асарнинг охириги қисми Темурнинг сифатлари, одатлари ва унинг ўзига хос фазилатлари ҳислатларига бағишланган бўлиб, унинг катта ақл-идрок эгаси, кўпинча ҳақиқат юзасидан иш тутгани, узоқни кўриб иш тутадиган истеъдодли сиёсатдон ва моҳир лашкарбоши бўлганлиги, илм-фан аҳлларига нисбатан ҳомийлик кўрсатиб ғоятда ҳурмат-эътибор билдиргани кабилар ва унинг шахсиятига доир кўпдан-кўп маълумотлар холисона ва батафсил келти-

рилган. Асар Темур ва темурийлар даврига оид муҳим манба сифатида азалдан тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келаётир. Муҳим тарихий манба сифатида бу асар XVII асрдан бошлаб қатор тилларга ҳам таржима қилинган. Аммо ҳозиргача СССР халқларининг биронта ҳам тилига таржима бўлмаган. Бунга академик И. Ю. Крачковский алоҳида кўрсатиб ўтганидек, Ибн Арабшоҳ асарининг ғоятда қийин тил ва мураккаб услубда ёзилганлиги сабаб бўлган эди. «Ажоиб ал-мақдир»нинг журнал-хонлар диққатига ҳавола қилинаётган ушбу ўзбекча таржимаси асарнинг 1887 йилги Қоҳира нашри асосида бажарилди. Таржима жараёнида имкон борича муаллиф услубини сақлашга ҳаракат қилиниб, баъзи ўринларига қисқача изоҳлар берилди.

Убайдулла УВАТОВ,  
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни доценти,  
филология фанлари номзоди.

бўлсин, чунки улар барча иқлимларга фатҳ селларини тошириб, у иқлимларни Оллоҳнинг марҳаматига сероб қилганлар, ислом рукнларини мустақамлаганлар, ерни иймон билан мавж урдирганлар ва у (ер)ни ʼадлу эҳсон билан обод қилиб «ўзларидан аввал обод қилганлардан кўра ҳам яшнатиб юборганлар»<sup>8</sup>. Тангри пайғамбарга ўз раҳматини бениҳоя ва абадий қилгай!

Ҳамду санодан кейин, гарчи тарихларда ибрат олувчилар учун ибрат, мулоҳаза юритувчилар учун огоҳ, бу дунёда яшовчи кишиларнинг сафар устида тургандек (омонат)лиги хабари ва тупроққа айланган кишининг нималарга қодир бўлгани, нималар қилолгани, (одамларни) нимадан қайтариб, нималарга буюргани, нималар бино қилиб, нималар қургани, кимларни алдаб кимларга хиёнат қилгани, кимлар устидан ғалаба кўрсатиб, кимларга қаҳрини сочгани, кимларга шикаст етказиб, кимларнинг (шикастини) бутлагани, нималарни жамъ қилиб, нималарни ғамлагани, қанчалик кибрланиб, қандай фахрлангани, қандай кўполлик қилиб, бадмуомала бўлгани, нималардан кулиб, нималарга севингани, ибрат қўллари<sup>9</sup> бирёқлик қилгунга қадар болалигидан то улғайгунгача ўз атирада қанчалар беқарор бўлгани ва ўзини ғоятда хавф-хатарсиз деб билган бир вақтда қазо ва қадар чангаллари уни қандай юлиб кетгани, ниҳоят унинг фаровон (бўлган) ҳаёти кудуратга қоришиб, ҳатто ундан (Ҳаётнинг) аччиқ-чучуклари йироқлашиб ғам-ғуссага ботгандаги аҳволи не кечиши яққол намоён — ҳақиқатда шу (нарса)ларда ибрат оладиган киши учун ибрат, мулоҳазали киши учун эслатма, кўрувчи киши учун кўргазма бўлатуриб юз берган ажиб савдолардан бири, балки балоларнинг энг каттаси шу алғов-далғов бўлдики, унда идрокли киши ҳайратда қолиб, ақлли киши унинг қоронғи зулматда даҳшатга тушди, ҳалим (киши) девона, азиз (киши) хор, саҳий (киши) пасткаш бўлади. (Бу) шарқу ғарбда ғулғули оёққа турғазган оқсоқ Темур қиссасидир. Бевафо дунё Темурга (томон) боқди, у ҳокимиятга эгалик қилиб, ер юзида елиб-югурди.

Мен бу қиссада ўзим курганларимни эслаб, бу тўғрида бошқалардан ривоят топганларимни баён қилишни иродат этдим, чунки бу (иш) катта воқеаларнинг бири, ибратли ҳодисаларнинг онаси бўлди ва шундай бир ишларки, уни шу қадар васф қилган билан тақдир рози бўлмайди.

(Бу воқеаларни баён қилишда) менга ростгўйликни ато қилишни ва ҳақиқат йўлида жалват уришимда илҳом бахш этишни тангридан сўрайман. Албатта, тилакка етказувчи ва мақсад ўқини нишонга бехато йўловчи тангрининг ўзидир.

(Бу йўлда) тангри «мен учун энг содиқ ва ғоятда яхши йўлбошчидир.»<sup>10</sup>

## ТЕМУРНИНГ НАСАБИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТЛАРНИ БИРИН-КЕТИН ЗАБТ ЭТИШИ ВА БУНИНГ БОИСЛАРИ

Темурнинг исми ёзилиши (устидики икки оғиз сўз): устидики икки нуқтали ва касрали «Т», сукунли «Й» — тагида икки нуқтаси билан; ўртасида даммали «у» бўлган «мим» билан нуқтасиз «Р», дан иборат. Бу унинг исмининг тўғри ёзилиши ва туслаш қоидаларига асосан қурилишидир. Лекин араб тилининг хоссаси ўз (сўз) тузилишидаги вазнларига асосан ажам<sup>11</sup> сўзлари шарларини<sup>12</sup> юмалатиб, ўз тили майдонида истаган томонига қараб юритади. Шу сабабдан уни баъзан «Тамур», баъзан «Тамурланг» деб тилга оладилар.<sup>13</sup> Бу (ҳолат) учун (одамларни) койиш ва гуноҳкор қилиш керак эмас. Бу, туркча «темир» демакдир.

Темур ибн Тарағай ибн Абағай<sup>14</sup> бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор<sup>15</sup> деб аталадиган қишлоқдир. Хўжа Илғор Кешга<sup>16</sup> қарашли жойлардандир — Оллоҳ у ердан ҳар қандай ёмонликни дафъ этсин!

Кеш Мовароуннаҳр<sup>17</sup> шаҳрларидан (бири) бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсах<sup>18</sup> (масофа)дадир. Ҳикоя қилдиларки, (Темур) туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ун-

даги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Яна айтишларича, Темур туғилганда унинг қўллари янги қонга буланган экан. Бу аҳвол тафсири фолбинлар ва азо-йимхонлардан, каромат кўрсатувчи жодугару қоҳинлардан сўралганда, улардан баъзилари: «у шурта<sup>19</sup> бўлади», бошқалари «У ўғри ва йўлтўсар бўлиб улғаяди» деса, яна бир гуруҳи «йўқ, у қассоб ва қонхўр бўлади» дебди, яна бир хиллари эса «йўқ, ундан жаллод ва каллакесар чиқади» дебдилар.

Кеш шаҳрида Шамсуддин ал-Фохурий<sup>20</sup> исмли бир шайх бор эди. У ўша ерлар (ҳалқи) эътиқод қўйган киши бўлиб, барча ўзининг диний ва дунёвий ишларида нимаки нарсага бел боғласа, унга эътиқод қиларди. Зикр қилишларича, Темур фақир ва ожиз бўлиб, у хаёлий (мавҳум) улугворлик ва батамом қашшоқлик оралиғида турганда, унинг пахталик кийимидан бўлак ҳеч нарсаси бўлмаган. У ўша (яғона) кийимини ҳам сотиб (юбориб) пулига бир бош эчки харид қилди ва ўз мақсадига етишишда таянган ҳолда зикр қилинган шайхнинг ҳузурига йўл олди. У арқоннинг бир учини эчкининг бўйнига, иккинчи учини ўз бўйнига боғлаб, ҳурмо шохидан ясалган ҳассага таяниб (шайхга) юзланди. Темур шайхнинг ҳузурига кирганида у ўзининг муриду мухлислари билан чуқур фикрга толган ҳолда Оллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар ўзларига келиб зикр-самоъларидан тўхтагунларича Темур тик тураверди. Шайхнинг назари ўзига тушиши билан Темур унинг қўлларини ўпишга шошилди ва оёғига бош урди. Шайх бир дам ўйлаб турган, бошини кўтариб ўз жамоасига қараб: «Бу одам гўё иззату арзини ва бойлигини фидо қилиб, тангри-таоло наздида пашшанинги қанотига ҳам арзимайдиган нарса учун биздан мадад тилаб келибдир. Биз унга мадад беришимиз, ундан (уни) маҳрум этиб рад қилмаслигимиз лозим. Эй жамоат! Сиз унинг ҳақиқа дуо қилиб, истаган муридига етиши учун (унга) мадад берингиз!» — деди. Натижада унинг қиссаси ҳам Саболаба билан содир бўлган воқеага ўхшаб кетди.<sup>21</sup> Темур шайхнинг ҳузуридан қайтиб чиқди ва кейин етишган нарсасига етишмагунча аста-секин (даражаси) тўхтовсиз кўтарилаверди.

Яна айтишларича, Темурнинг отаси зикр қилинган султон ҳузурда юзбоши<sup>22</sup> бўлиб, ботирлиги ва олийжаноблиги билан ўз тенгқурлари орасида машҳур бўлган. Агар фалак гардишининг айланиши, тақдир ва аҳволнинг ўзгариб туриши назарга олинса, ушбу (айтилган) сўзларини (бир-бирига) жамлаш мумкин. Аммо энг тўғриси шуки, Темурнинг отаси зикр қилинган Тарағай султон<sup>23</sup> давлатининг арконларидан бири эди. Мен «ал-Мунтахаб»<sup>24</sup> деб аталадиган форсча бир тарихнинг зайлида кўрдимки, бу тарих дунёнинг бошланишидан то Темур давригача (бўлган воқеаларни ўз ичига олган) бўлиб, ажиб бир нарсадир—насаби жиҳатидан шайтон сиртмоқлари (бўлган) хотинлар томонидан<sup>25</sup> Темур Чингизхонга (олиб бориб) боғланади.

Темур Мовароуннаҳрни эгаллаб, ўз рақиблирдан учун чиққач, хонларнинг<sup>26</sup> қизларига уйланди. Натижада унинг лақаблари устига «кўрагон» сўзини қўшдилар. Бу (сўз) мўғул тилида «хатан» (хон куёви)<sup>27</sup> демакдир. Бу, унинг хонлар билан қудаллашиб, уларнинг уйларида яшаш ва ҳаракатда бемалол тасаруф юритганлиги сабабидан эди.

Мазкур султоннинг тўрт вазири бўлиб, (мамлакатнинг) фойдалию зарарли ишлари уларнинг зиммасида эди. Улар мамлакатнинг (кўза кўринган) аъёнлари ҳисобланиб, бошқа ҳар бир кимса улар фикрларига иқтидо этарди. Арабларда қанча бўлса туркларда ҳам қарийб шунчалик қабила ва гуруҳлар бордир. Ўша вазирлардан ҳар қайсиси бир қабилага мансуб бўлиб, ўз фикр чироғи билан у қабила уйларини ёритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабиласи орлот, иккинчисиники жалойир, учинчисиники қовчин, тўртинчисиники барлоқ деб аталарди. Темур тўртинчи қабила ўғлони эди. У ёшлигидан ақлли, очиқ кўнгил, журъатли, қатъий, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсиб, — тенгқурлари — вазирларнинг ўғиллари билан сўҳбат қўрар ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди. Ниҳоят кечаларнинг бирида Темур уларга (шундай) деди: (улар хилват бир жойда тўпланишган бўлиб, ишрат ва хурсандчиликка шўнғиган, ўрталаридаги сир у асрорлар пардаси кўтарилиб айшу сафо бисоти тўшалган эди) — «Менинг бувим фалончи, — у фолбин ва қоҳинлардан эди, — бир туш кўриб, бу туши унга ширин хаёллар бахш этмаган. У тушини таъбир қилганида (шу нарсалар аён бўлган):

унинг болалари ва набиралари орасидан бир кимса чиқиб, мамлакатга эгалик қилади, одамларни бўйсундириб соҳибқирон бўлади ва унинг олдида замона подшоҳлари бўйин эгади. Ана ўша (кимса) мен бўламан. Мана шу фурсат яқин келди. Сизлар менга ёрдамчи ва мададкор, мен учун таянч ва суянч бўлишга аҳд қилинглр ва мендан абадул-абад юз ўғир-масликка олт ичинглр», — деди. Тенгдошлари Темур давва-тига рози бўлдилар ҳамда хурсандчилигу ғамгинликда у билан (бирга) бўлиб, унга қарши турмасликка ўзаро қасамёд қилдилар. Улар ҳар доим ва ҳар жойда бу калом атрофида гап юритдилар ва ҳар бир шаҳар<sup>28</sup> ва қишлоқ<sup>29</sup> аҳли Темур қақмоғига ўрганмагунча унинг ҳовузи сувини ҳеч бир тортинмай ва сир тутмай баралла гапириб тоширдиларки, ҳатто хосу авомдан иборат эскидан олди-қочди гап қилиб юрадиган ҳар бир кимса ҳам Темур ҳақидаги сўхбатга шўнғиди. Султон буни сезиб<sup>30</sup>, ўз мамлакатининг дарахтида (Темурнинг) хилоф новдаси кўринганлигини англади ва Темурнинг ҳийласини унинг ўз бўғзи-га (қарши) қаратиб дунёни<sup>31</sup> унинг ёмонлигидан, бандалару юртларини унинг ор ва номусидан қўтқариб, ушбу айтилган (байт)га мувофиқ иш тутмоқчи бўлди.

Олий шараф азиятдан халос бўлмайди,  
Токи унинг атрофларидан қон тўкилмагунча<sup>32</sup>.

Бу ҳақда (самимий) насиҳатгўйлардан бири Темурга хабар етказган, у хуруж қилди ва исён қаърига кириб йиқилди-ю, лекин соғ-саломат қолиб (мартабаси) кўтарилаверди. Эҳтимол, Темур шу орада ва ушбу ҳолатлар асносида (аввал) ишора қилинган шайх Шамсуддинга борган ва зикр қилинганидек, истаган муроди хусусида шайхдан мадад тилагандир. Чунки Темур доимо: «Салтанатдан эришган жамийки нарсам ва мустақкам маконларни фатҳ қилишим — булар ҳаммаси шайх Шамсуддин ал-Фохурийнинг дуоси, Шайх Зайнуддин ал-Хавофийнинг<sup>33</sup> ҳиммати туфайли ва барча топган баракатларим эса фақат Саййид Барака<sup>34</sup> ёрдамида бўлган», — дея эди. Зайнуддин ва Бараканинг зикри кейинроқ келади. Шунингдек, Темур: «Бахту саодат ва молу мулк эшикларининг менга очилиши, фатҳ қилинган дунё келинчакларининг менга кулиб боқиши фақатгина Сажистон<sup>35</sup> ўқлари сабабидан бўлди. Ўша вақтдан, яъни у ўқлар мени ноқис этганларидан буён то ҳозирги вақтга қадар мен фақат зиёда бўлишда давом этман», — дея эди.

Афтидан Темур ишининг бошланиши ва унинг ўша гуруҳга бош бўлиб хуруж қилиши етти юзинчи йилнинг олтмишинчи ва етмишинчи (1358—1368) йиллари оралиғида бўлган. Менинг устозим билимдон ва серғайрат имом, комилу фозил, даврининг беназир, асрининг яқнаро яғнаси, инсоният алломаси, дунёнинг устози, дину диёнатнинг чўққиси, муҳаққиқ ва му-даққиқлар шайхи, ўз замонасининг қўтби, даврларнинг муршиди, Дамашқда яшовчи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий — тангри таоло унинг умрини узоқ қилсин ва у ислом ва мусулмонлар (дунё)сига ўз саодатли баракатлари билан мадад берсин! — 836 (1433) йилнинг ойларида менга айтишчи, Темур мазкур султон Ҳусайнни 771 йилнинг шаъ-бон ойида (28 февраль — 29 март 1370 йил) ўлдирган<sup>37</sup> ва ўша вақтдан бошлаб мустақил равишда ҳокимиятга эгалик қилиб, кейинроқ эслаиб ўтилажагидек, 807 йилнинг шаъбон (1405 йил, февраль) ойида вафот этди. Унинг хуружини ва ҳокимият-ни қўлга олгунча ўз атрофида тўдалар тўплаган вақтини хорж тутилса Темур мустақил равишда ўттиз олти<sup>37</sup> йил ҳукм юритган.

## ТЕМУРНИНГ ШОШИЛИНЧ ЖАЙҲУНДАН ЎТИШИ ВА БУНДА ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА КЎЗ ЁШЛАРИ ТЎКИЛГАНИ БАЕНИ

Темур ва унинг жамоаси Жайҳунга етиб келдилар. Дарёнинг ҳам уларга ўхшаш туғёни тутган маҳали эди. Уларнинг имиллаб ҳаракат қилишга фурсатлари йўқ, чунки душман орқаларидан қувлаб келмоқда эди. Шунда Темур ўз ҳамроҳларига:

— Қутулишининг яғона йўли ҳар бир кимса ўз отининг юғанига ва ёлига осилиб ўзини сувга ташласин, — деди.

Улар (қирғоқнинг нариги бетидаги қандайдир) бир жойда учрашишга ўзаро ваъдалашдилар. Темур деди:

— Ҳеч бир имилламасдан ҳаракат қилинглр. Агар кимда ким ваъда қилинган жойга етиб келмаса, демак, у йўқолди ҳисоб. Шундан сўнг Темур одамлари отлари билан бирга ҳайқи-

риб-пишқириб, тўлиб-тошиб мавжланаётган оқимга шамга урган парвонадек ўзларини урдилар. Улардан бири иккинчисининг, олдин кетган кейингисининг ҳоли не кечганини билмади. Улар бошларидан ўлим даҳшатини кечириб қўрқинчли ҳалокат шоҳиди бўлдилар. Шунга қарамай биронтаси ҳам талофот кўрмай қутулиб қолди ва ўша ваъдалашилган жойга тўп-ландилар. Сўнгра улар сўраб-суриштириб (яғни) ҳабарлар тўп-ланд из қувабошладилар. Улар тангри ва унинг пайғамбарига муҳораба бошлаб, (худонинг) бандаларига азият етказиб йўлларини тўсабошладилар. Улар Қарши шаҳрига етмагунларича шу зайлда иш тутавердилар.

## ҚАРШИГА КИРИШ ВҚҚТИДА ТЕМУР БОШИДАН КЕЧИРГАН ЗАРБА ВА УНИНГ ТАНГЛИКДАН ҚУТИЛИШИ БАЕНИ

Кунларнинг бирида Темур ўз ҳамроҳларига: (бу пайт қис-мат у ва унга ўхшашлардан зарар кўриб, фасод ери улар «ҳосиллар»идан баҳра олиб яшнаган эди) «Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёғилгур Абу Туроб ан-Нахшабийнинг<sup>38</sup> шаҳ-ри Нахшоб<sup>39</sup> шаҳри бор. Бу шаҳар қўриқлиб, у баланд деворлар ичида яширингандир. Агар биз бу (шаҳар)ни эгалласак, у бизга таянч, мудофаа жойи, бошпана ва паноҳгоҳ бўлади. Шаҳарнинг ҳокими Мусо (деган киши) бўлиб, агар биз уни қўлга туширсак, молу мулкени оламиз ва ўзини ўлдираимиз. Дарҳақиқат, унинг бойликлари, отлари ва қурол-аслаҳалари бизга куч-қувват бўлади. Натижада шиддатдан сўнг бизга шод-хуррамлик келади. Мен шаҳарга сув ўтадиган тарнов орқали кириладиган йўлни биламан. Бу йўл ўтишга жуда қулай бўлиб, кенг ва каттадир», — деди.

Темур одамлари этакларини шимардилар ва (номаълум) бир жойда отларини қолдирдилар ҳамда ўз муродларига етмоқ учун тун (қоронғиси)дан фойдаландилар. Улар шаҳар сув йўли-га кириб, амирнинг уйини мўлжаллаб юрдилар. Кейин қўлларини кўтарганларида ўз (одам)ларининг қўлларини ҳовузга дуч келдилар. Амир (эса) шаҳар ташқарисидаги боғда эди. Улар унинг қурол-аслаҳа ва анжомларидан қўлга илинганини олдилар, отларини миниб, унинг одамларини акобирларидан учратганларини ўлдирдилар. Уларга қарши шаҳар аҳли тўп-ланди (бу тўғрида) амирга хабар юбордилар. Натижада мадад билан амир етиб келди. Оқибатда Темур одамлари устига очиқ-ойдин ва яширин (ҳар томондан) бало ёғилдики, улар ғолибларга таслим бўлишдан бошқа илож тополмадилар.

Темурнинг ҳамроҳлари унга:

— Бу мажоз билан биз ўзимизни ўзимиз ҳақиқий<sup>40</sup> ҳалокат-га ташладик, — дедилар.

Темур деди: — Сизнинг ҳеч (бир) айбингиз йўқ, чунки мана шундай жангарда эр киши имтиҳон қилиниб, синалади. «Бу-тур ҳийла-фирибингизни жамланглр, кейин саф бўлиб келинглр<sup>41</sup>» ва шаҳар дарвозалари томон гўё бир кишидек бўлиб ташланиб, фурсатни қўлдан бермай, ҳеч бир иккиланмасдан душманни янчинглр. Ўйлайманки, ҳеч нарса сизга бардос қилолмайди ва бирор (тирик) жон сизнинг олдингизда туриш бера олмайди.

Темур одамлари унинг амрига амал қилдилар ва овозлари борича ҳайқаришиб шаҳар дарвозаси томон ташланиб ўлим гирдобига чўмдилар ва шердек бўлиб душман аскарлари устига ҳужумга ёпирилдилар ва челақлаб қуяётган ёмғирдек, балки ундан ҳам ортиқ даражада улар устига ёғилдилар ва шаҳар дарвозасини очишда ғалабага эришдилар, чунки бу ишни — сабабларининг (бириччи) сабабчиси (тангри) — иродат қилди. Уларнинг олдида ҳеч бир киши бошқа кишига қарамади, ададлари ва аслаҳа-анжомлари кўплиги уларга қарши фойда бермади.

Сўнгра улар (Темур одамлари) ўз жойларига соғ-саломат қайтдилар ва ҳамишагидек ўз ишларини давом эттирдилар. Улар атрофида дўстлари йиғилиб фасоддаги шериклари (ҳам) уларга қўшилди. Ҳазабли аҳллардан яна бир гуруҳининг уларга қўшилиши натижасида уларнинг сонини уч юз кишига етди. Султон ҳеч бир эътибор бермай уларга қарши арзимас кўшин юборди. Улар қўшинни тор-мор келтирдилар ва қўрғонлардан бирини эгаллаб, уни ўзлари қўлга киритган (нарса)ларини сақ-лайдиган қўрғонга айлантирдилар<sup>42</sup>. Мен дедим:

Душман имконияти ҳийласини қамситма  
Чунки кўпинча тулки шердан ғолиб келган.  
Яна айтганлар:

Пашша шер бӯғзидан қон чиқаради.  
Яна бошқалар айтганлар:  
(шахматда) кўпинча шоҳ пиёдадан енгиллади.

## ТЕМУР АСОРАТИГА КИМЛАР АСИР ОЛИНГАНИ ВА У АТРОФ ҲУР ПОДШОҲЛАРИДАН КИМЛАРНИ БЎЙСУНДИРГАНИ БАЁНИ

(Кейин) Темур Бадахшон<sup>43</sup> ҳокимларига мактуб юборди. Унинг ҳокими икки ака-ука бўлиб, улар ҳукмронликни отасидан мерос олиб, мустақил эдилар. Сўнгра Султон Ҳусайн ҳокимиятини уларнинг қўлидан тортиб олган ва уларни ўз амри остида бўлишларини шартлашиб, у ерда (уларни) ҳоким қилиб қўйган, болаларини эса ўз ҳузурига гаровга олган эди. Натижада улар Султон Ҳусайн қаҳрига асир бўлиб қолган эдилар. Темур мактуб юбориб ўз итосига чорлаганда улар рози бўлдилар ва унинг амри остида ўтдилар.

## МЎҒУЛЛАРНИНГ СУЛТОНГА ҚАРШИ ҚЎЗҒАЛИШИ ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНИНГ (ҲУКМИ) РУКНЛАРИНИНГ БЎШАШГАНИ БАЁНИ

Шунингдек Султон Ҳусайнга қарши шарқ томонидан мўғуллар қўзғолди<sup>44</sup>. У мўғулларга қарши тайёргарлик кўриб Жайхундан ўтди ва икки томон ўртасида жанг бўлиб, султон енгилди. Шу пайтда Темур мўғулларга ҳам хат юборди. Уларнинг ҳокими Қамаруддинхон<sup>45</sup> эди. Мўғуллар Темур иродасига бўйсуниб, унинг тилагига амал қилдилар. Султон ерларини уни қўлидан холис ўзига олиш учун ва уни (султон) устидан ҳукм юритишни мўғуллар Темурга топширдилар ва у билан қудачилик қилишга ҳамда унга ҳар томонлама мадад беришга ваъда қилдилар<sup>46</sup>. Мўғуллар ҳукмронлик жиловини унга топшириларида кейин ўз ерларига қайтдилар. Натижада бу билан Темурнинг шавкати кучайди ва одамлар ундан хавотирга тушдилар. Султон эса ўзининг бутун жидду жаҳдию имконини ишга солиб, Темур оловини учиршига ва унинг пайини қирқишга тушди ва уни йўқотишни ўз олдига (мақсад қилиб) қўйди. Сўнгра у мавжланган денгиз мисоли сонсиз-саноксиз қўшин билан ўзи бош бўлган ҳолда унга томон йўлга тушди ва ниҳоят Қағалгар<sup>47</sup> деб аталадиган жойга етиб келгунча юрди. Бу жой икки баланд тоғ қоясидан иборат бўлиб, улар ўртасида дарбанд бор эди. Ушбу дарбанд катта ва кенг йўл эдики, йўловчи ундан бир соатлар чамаси юрарди. Бу йўл ўртасида бир дарвоза бўлиб, агар у ёпилиб ҳимоя қилинса, мустаҳкамликда бунга мисол бўладиган ҳеч нарса топилмасди. Унинг атрофида бир қанча тоғлар бўлиб, ҳар бири (у жойнинг юқори кўкка чўзилган) кўтарилган бурни ва барқарорлик учун ерга маҳкамланган оёғи каби эди. Агар у жой ҳақида шундай дейилса, жуда тўғри бўлар эди: «Осмонгача кўтарилган бурун ва сувга ботирилган тағдир»<sup>48</sup>. Султон (аскарлари) Самарқанд томонидан дарбанднинг оғзини тўсиб турдилар, Темур эса гўё (душманини) ўраб ва сиқиқ тургандай дарбанднинг бошқа томонидан турар эди.

## ТЕМУР ИШЛАТГАН ҲИЙЛА ВА У УЙЛАБ ТОПГАН АЛДОВ БАЁНИ

Темур ўз ҳамроҳларига деди: «Ху анави ерда махфий ва ўтиш машаққатли йўл борлигини биламанки, у ерда ҳеч бир кимсанинг қадами етмаган ва унга қато (қуши) ҳам йўл топа олмайди. Келинглар, отларимизни етаклаб кечаси билан юрамыз ва душман ҳеч нарсадан хавотир олмаган бир вақтда орқасидан унга яқин келамиз. Агар уларга тунда етишсак, унда биз ғолиблармиз». Темурнинг одамлари (бу гапга) рози бўлдилар ва эгри-бугри тик йўллари кесиб ўтиб, тун билан йўл юрдилар. Фажр тонгга етишиб уларни (Темур одамларини) субҳ (қувиб) етди-ю, лекин улар султон аскарларига ета олмадилар. Шунчалик кенглигига қарамасдан ер-дунё уларга тор кўриниб<sup>49</sup> яшаш азоб-уқубатдай бўлиб қолди. Чунки уларга орқага қайтиш мумкин бўлмади. Қўёш ўз тулуғини эълон қилгач, улар душман аскарларига етдилар—бу пайтда аскарлар (уловларига) юкларини ортиб кетишга жазм қилаётган эди. Шунда ҳамроҳлари Темурга:

— Аҳмоқона иш қилиб душман чангалига тушдик, унинг қармоғига илиниб ўзимизни ўзимиз ўз қўлимиз билан ҳалокатга ташладик, — дедилар.

— Зарари йўқ — деди Темур, — душман аскаргоҳига қараб юринг ва уларга кўринарли жойда отларингиздан тушинг. Отларни ўтлашга (қўйиб) юборинг, ўзларинг дам олиб, кечаси бекор кетган уйқунгиз ўрнини тўлдириг.

«Улар гўё ўликдек»<sup>50</sup> ўзларини таппа-таппа отларидан ташладилар ва уларни (отларни) ўтлашга қўйиб юбордилар. Шеър:

Агар бахт-саодат кўзлари сенга қулиб боқса,  
ухла, барча қўрқинчлар сен учун хатарсиздир.  
Бахт билан анқо қушини овлагин, чунки у ўзи бир тўрдир.  
Орқангдан Жавзо<sup>51</sup> юлдузини бошлагин, чунки у  
бахт жиловидир.

Душман аскарлари уларни ўз гуруҳларидан хаёл қилиб, Темур қўшинлари ёнидан ўта бошлади. Темур одамлари дам олиб бўлгач, отларига миндилар ва душманнинг орқаларидан елкаларига миниб олдилар, қийқирик остида улар устига қилич қўйдилар ва уларни даҳшатли ўлимга дучор қилиб, ўлик ва мажруҳ ҳолатида қолдирдилар. Бу мудҳиш офат кўпчиликини қамраб олди ва бу балонинг қай тарзда келганини ҳеч кимса билмади.

Бу хабар султонга бориб етди, лекин бу аҳволни тузатиш имконидан хориж эди. У Балхга қараб қочди<sup>52</sup>. У мамлакат (ҳокимияти)дан юлиб олиндики, о, бу қандай юлиниш эди! Кейин у қимматбаҳо бойликларни забт этиб, мол-дунё жамъ қилди. Сўнгра Темур атрофига қора халқни ва паст табақани тўплади. Улардан қай бирлари рози, қай бирлари норози ҳолда Темурга итоат қилдилар. Темур Мовароуннахр ерларига эгалик қилиб, одамлар устидан шовқин-сурон ва қаҳр билан ҳукм юргизди. У қўшин ва аскарларни тартибга солиб, қўрғону қасрларни эгаллаб ола бошлади. Султон томонидан Самарқандга ноиб қилиб қўйилган киши Алишер деган шахс бўлиб, у (давлат) арконларидан бири эди. Сўнгра Темур унга мактуб йўллаб, Мовароуннахр ерларини иккиси ўртасида тенг тақсимлашни ва султон Ҳусайнга қарши курашда ўзи билан бирга бўлишни хабар қилди. Алишер бунга рози бўлиб, вилоятлар ва ерларнинг ярмини унга бўлиб берди ҳамда Темур ҳузурига келиб, қўл қовуштириб турди. Темур унинг иззат-икромини ошириб, унга ғоятда эҳтиром кўрсатди.

## ТЕМУРНИНГ БАДАХШОНГА ОТЛАНИШИ ВА У ЕРДАГИЛАРДАН СУЛТОН (ҲУСАЙН)ГА ҚАРШИ МАДАД СУРАШИ БАЁНИ

Темурнинг Алишерга ишончи ошгач, уни қолдириб, ўзи Бадахшонга равона бўлди. Темурни Бадахшоннинг икки ҳокими қарши олиб, унинг ҳузурига қўл қовуштириб турди ҳамда унга кўпдан-кўп ҳадялар ва хизматкорлар тақдим қилиб, қўшин ва сипоҳилар билан мадад берди. Кейин Темур улар икковини ўзи билан бирга олиб Бадахшондан чиқди ва султонни муҳосара этишга қасд этиб, Балхга қараб юрди. Шунда султон улардан мустаҳкамланиб олди. Улар уни ҳамма томондан ўраб олдилар. Сўнгра султон Бадахшон ҳокимларининг ўз ҳузурига гаровда бўлган болаларини олиб чиқди, падарлари кўз ўнгига аямай ва ҳеч бир раҳм-шафқат қилмай бошларини олди. Кейин султоннинг аҳволи заифлашиб, отлиқ ва пиёдалари камайиб кетди. Натижада у қазо ва қадарга таслим бўлган ҳолда қалъадан чиқиб, тангридан содир бўлган ширин ва аччиқ ҳукмларга рози бўлди. Темур уни қўлга олиб, (Балх) ишларини забт этди. Сўнгра Бадахшон амирларини иззат-икром билан юртларига қайтариб ва султон Ҳусайнни ўзи билан бирга олиб Самарқандга равона бўлди. Бу (воқеа) 71-инчи йилнинг шаббон ойида, яъни ҳижрийдан 700 йил ўтгандан кейин (28 февраль — 29 март 1370 йил) бўлган эди<sup>53</sup>. (Кейин) Темур Самарқандга келиб, уни ўзига дор ул-мулк деб қабул қилди ва подшоҳлик қонун-қоидаларини йўлга қўйиб, уларни ўз сиёсати ва тугган низомига асосан тартибга солди. Сўнгра у Султон Ҳусайнни ўлдириб<sup>54</sup> (тахтга) ўзи томонидан Чингизхон зурриётидан бўлган Суюрготмиш деган шахсни қўйди<sup>55</sup>. Фақат Чингизхон қабиласидан бўлганларгина хон ва султон номи билан юритилардилар. Чунки улар турк қурайшлари<sup>56</sup> ҳисобланиб, ҳеч бир киши улардан олдин ўта олмас ва улар қўлларидан бу шарафини тортиб олишга бирон кимса қодир эмас эди. Агар бирор киши бунга қодир бўлса, шубҳасиз, у Темур бўларди, чунки у бу ерларни тўла забт этиб, уларнинг йўлларида жавлон урган эди. Шу сабабли Темур (ўзига) таъна қилувчиларни дафъ этиш ва

ҳар бир пеша қилувчининг тилини кесиш учун Суюрғотмиш (мартабаси)ни кўтарди. Гарчи унинг амрида ҳар бир амр қилувчию амрни тингловчи бўлса ҳам, Темурнинг лақаби фақат «Улуғ Амир» эди. Хон эса унинг асоратида гўё лойга ботиб қолган эшак мисоли бўлиб, шу замонда гўё султонларга нисбатан уларнинг халифалари каби эди.

Темур Алишерни Самарқандда ноибликда давом эттириб, унга иззат-икром кўрсатар, ўз ишларида у билан маслаҳатлашиб, уни муқаддас тутар эди.

## ДАШТ<sup>57</sup> ВА ТУРКИСТОН СУЛТОНИ ТҶҲТАМИШХОННИНГ ҲАМЛАСИ БАЕНИ

Дашт ва Тотор султони Тўхтамишхон Темур билан султон Ҳусайн ўртасида бўлиб ўтган мижорони кўргач, қони қайнаб ғайрлиги келди. Бу, уларнинг насаби ва қўшничилиги сабабидан эди. У кўп сонли аскар, денгиздек ҳайқирган қўшин тўплади ҳамда Сифно<sup>58</sup> ва Утрор<sup>59</sup> тарафидан Темур лашкаргоҳи томон йўл олди.

Темур унга қарши Самарқанддан чиқди ва улар Хўжанд дарёси<sup>60</sup> яқинида, Туркистон атрофида тўқнашдилар<sup>61</sup>. У дарё Сайхун<sup>72</sup> дарёсидир. Самарқанд эса Сайхун ва Жайхун дарёлари-нинг ўртасидадир. Икки аскар ўртасида уруш «бозори» қизиди. Ушбу бозорда улар ўртасида жанг олди-сотдилари авж олди ва ниҳоят, Темур аскар (ун бўлиб) янчилмағунча, муҳораба тегирмон тошлари айланаверади. Темур аскарлари тарқаб, унинг қўшин тугуни ечилаётган бир пайтда бирдан Саййид Барака номли (бир) киши пайдо бўлиб, Темурга яқинлашди<sup>63</sup>. Темур ғоятда танг ҳолатда қолган эди, унга: «Эй афандим, Саййид! (Менинг) қўшиним енгилди», — деди.

— Кўрқма, — деди унга Саййид (Барака). Кейин у отидан тушиб, ердан бир сиким тупроқ олиб, ўзининг бўз отига яна қайтиб минди. Кейин ўша тупроқни (Темурни) бостириб келаятган душманлари юзига сепиб, «ёғий қочди»<sup>64</sup> деб бақира бошлади. Темур ҳам ёрдам қўлини чўзган ушбу шайхнинг кетидан шундай деб бақираверди. Темур Аббосдек<sup>65</sup> товуши билан бақирганда гўё чанқоқ туяларни «жуг», «жуг»<sup>66</sup> деб сувга чақираётганга ўхшар эди. Шунда Темур аскарлари, гўё сигир ўз бузоқларига мөхр билан қарагандек, унга қарадилар ва ўз душману рақибларига қарши дадил маъракага тушдилар. Унинг қўшинидаги барча заифу кучли жангчидан «ёғий қочди» деган иборан такрорлаб бақирмагани қолмади. Кейин улар бир-бирларини (ҳатий) қўллаб-қувватлаб ва (бир-бирларига мадад тилаб, душман устига ҳамла қилдилар). Тўхтамиш қўшинлари мағлубиятга учради ва «орқасини ўгириб тирақайлаб қочди»<sup>67</sup>. Темур аскарлари улар бўйнига қилич қўйиб, бу ғалабалари билан уларга ажал қадаҳларини ичирдилар. Уларнинг кўп мол-дунё ва чорваларини ўлжа қилиб, ўрта (ҳол) бошлиқларини ҳошияларини асир олдилар. Шундан кейин Темур Самарқандга қайтди — у Туркистон ва Хўжанд дарёси атрофидаги ерлар ишларини тартибга солган эди.

Темур назарида Саййид Бараканинг эътибори ошди ва ўша қўлга киритиб эгалланган барча жойларга уни ҳоким қилиб тайинлади. Саййид тўғрисидаги гаплар турли-тумандир. Баъзилар уни мағрибли бўлиб, Мисрда яшаб (зулук билан) қон қуювчилик қилган, кейин Самарқандга келиб ўзини саййид қилиб кўрсатган кадр-қиммати ортган ва шўхрати ёйилган деса, баъзилар уни Мадинаю шарифа аҳлидан дейди: бошқа баъзилари эса уни Маккаю мунавара аҳлидан дейдилар. Ҳар ҳолда у Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида энг улуғ зотлардан бири, айниқса, Темурга зикри ўтган мададни кўрсатиб қазо ва қадрнинг ушбу латиф тасодифи туфайли Темурни бу шиддатдан халос қилгандан кейин бўлди. Сўнгра Темур унга: — «Мендан истаган нарсангни сўра ва муродингни тила», — деди. У Темурга: — Э, мавлоно, Амир! Муқаддас ва табарруқ шаҳарлар (Макка ва Мадина)га қарашли вақфлар (турли) иқлимларда сөрөб. Шулар жумласидан Хуросон ерларидаги Андхой<sup>68</sup> (ҳам) бор. Мен ва менинг болаларим ана шу эҳсонга сазовор кишилар жумласиданмиз. Агар ўша ерларнинг фойда-зарари аниқланиб, майда-чуйдалари маълум қилинса ҳамда вақфлари ҳисобланиб, кирим-чиқимлари белгиланса, менинг ва болаларимнинг ҳиссаси бу воқийдаги мана шу қасабадан кам бўлмайди. Ана ўшани менга «иқтоъ» тариқасида бер», — деди.

Темур ушбу жойни ва унга қарашли музофоту кишлоқларни унга «иқтоъ» тарзида тортиқ қилди. Бу ерлар ҳозиргача унинг авлодлари, уруғлари ва набиралари қўлидадир.

## ТЕМУР БИЛАН САМАРҚАНД БУЗУҚИЛАРИ ВА ШУТТОРЛАРИ<sup>69</sup> ОРАСИДАГИ МОЖОРО ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЕМУР УЛАРНИ ДУЗАХГА ЖОЙЛАШТИРГАНИ БАЕНИ

Самарқандда кўпдан-кўп бузуқилар тоифаси бўлиб, улар ичида ҳар хиллари: полвонлар, найзабозлар<sup>70</sup>, мушлашувчилар ва шифокорлар бор эди. Улар гўё Қайс ва Яман (қабилалари)<sup>71</sup> каби ўзаро икки гуруҳга бўлинган бўлиб, мудом ораларида адоват ва уруш юз бериб турар эди. Ҳар бир гуруҳнинг ўз бошлиғи, таянадиган кишилари, ёрдамчилари ва югурдаклари бор эди. Етарли ҳайбати борлигига қарамасдан улар томонидан ўзига (қарши) бирон қайсарлик ва хилоф (иш) содир бўлишидан Темур хавфсираб юрарди. Агар у бирор томонга юриш қилмоқчи бўлса, зинҳор ўрнига Самарқандда ноиб (тайинлаб) қолдиран эди. У шаҳардан узоқлашиши биланқоқ албатта ўша жамоадан бир тоифаси хуруж қилиб, ноибни ағдариб ташлар ёки у билан (биргалашиб) хуруж қилар ҳамда (Темурга) муқолафат билдирадди. Темур ҳар сафар қайтганида (ўз подшоҳлигида) тартиб-интизом бузилганини, ишлари чалқаш ҳолга келиб (ўз) мартабаси тебраниб қолганини кўрарди. Шу ваддан ишларини янгидан тузатиш, бузиб бошқатдан қуришга мажбур бўларди. У (бировларни) ўлдирар, (бировларни) ишдан бўшатарди, бошқаларга эса инъом-эҳсон қилиб, ҳадялар улашарди. Кейин яна йўлга тушиб, ўз ерларида тузатиш ва йўлларни мустаҳкамлаш билан машғул бўларди. Бузуқилар эса ўзларининг жирканч ишларини давом эттирар, яна алдов ва макрларига киришардилар. Бу аҳвол тўққиз мартача такрорланди. Темурнинг бузуқилар ва фасодчиларга қарши нима қилишга боши қотди. Кейин у ушбу бузуқиларни ўлдириб тағтомири билан қуритиб, уларнинг азиятидан қутилиш учун ҳийла ишлатди. У бир зиёфат уюштириб, унга каттаю кичик (барча) халойиқни чақирди ва келганларни тоифа-тоифасига қараб ҳар бир ҳунармандни ўз сарқорига қўшиб ўтқазди. Ҳалиги бузуқилар ва улар бошлиқларини ажратиб, алоҳида ўтқазди ва Ануширвон ибн Қайқубод<sup>72</sup> динсизларга нисбатан қандай иш қилган бўлса, Темур ҳам уларга нисбатан (худди) шундай иш қилди. Темур ўз ёрдамчиларидан четроқ, бир жойга пистирма қўйди ва олдиларига юборилган кимсани ўлимга маҳкум этишни улар билан келиши олди. Улар ёнига юборилган киши ўлдирилиши лозимлигига ишора эди. Кейин Темур зиёфатга келганларнинг бошлиқларини бирма-бир чақира бошлади ва уларга ўз қўли билан шароб қўйиб, (уларга) қимматбаҳо сарпоҳлар улаша бошлади. Навбат бояги бузуқилардан биронтасига келса, Темур унга қадаҳни ичирар ва қимматбаҳо сарпоҳ кийгизиб, уни пистирмадагилар олдига олиб боришларини ишора қиларди. У киши пистирмадаги одамлар олдига келиши заҳотиёқ, улар унинг устидан нафақат кийдирилган сарпоҳни, балки ҳаёт сарпоҳини ҳам ечиб олиб, унинг танаси тиллосини фано қурсига солиб эритиб қуйардилар. Шундай қилиб Темур уларнинг биттасини ҳам қўймай ўлдиртирди ва шу билан илдишларини қуритди, изларини ўчириб, оловларини сўндирди. Натижада Темур йўллари тозаланиб, рақибу муҳолифлардан холи бўлди. Мовароуннаҳрда унга қаршилик қилувчи ва унинг олдини тўсувчи бирон кимса қолмади<sup>73</sup>.

## САМАРҚАНД ЕРЛАРИ, БАДАХШОН ВА ХҲЖАНД ДАРЁЛАРИ ЎРТАСИДА БЎЛГАН (ЕР)ЛАР ТАФСИЛИ

Шулар жумласидан Самарқанд ва унинг вилоятлари: Самарқанд етти тумандан, Андижон ва унинг атрофлари эса тўққиз тумандан иборат. «Туман» (тушунчаси) шундан иборатки, ундан ўн минг жангчи чиқади<sup>74</sup>.

Самарқанд Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидан ва зикр қилинган мўътабар жойларидандир. Айтишларича, қадим замонда Самарқанд ва унинг деворлари ўн икки фарсаҳдан иборат бўлган. Бу Чингизхондан аввал (ўтган) Султон Жалолуддин<sup>75</sup> замонида бўлган.

Мен Самарқанд деворларининг ҳаддида, ғарб томондан Темур бино қилган ва Дамашқ<sup>76</sup> деб атаган бир қасабани кўрдим. Ушбу қасабанинг масофаси Самарқанддан тахминан ярим кунлик (йўл)дир. Одамлар ҳозиргача қадимги Самарқандни<sup>77</sup> қовлайдилар ва куйфй хати билан тамгаланган дирҳамлар ва филслар қазиб оладилар ва филсу тангаларини эритиб, ундан кумуш ажратиб оладилар.

Шунингдек, Марғйнон<sup>78</sup> ҳам Мовароуннаҳрнинг шаҳарла-



ридандир. Қадим замонда у пойтахт бўлиб, унда Иликхон<sup>79</sup> турган. «Хидоя» (Кириш)нинг соҳиби жалолатли шайх, аллома Бурхонуддин ал-Марғинович<sup>80</sup> — тангри таоло у (киши)ни раҳмат қилсин, — Марғиондан чиққан.

(Мовароуннаҳр шаҳарларидан) Сайхун соҳилида Хўжанд, Жайхун соҳилида Термиз жойлашган. Шунингдек, Нахшаб, — у (аваал) зикр қилинган Қаршидир, — ва яна Кеш, Бухоро, Андижон, Булар ҳаммаси машҳур жойлар бўлиб, улардан бошқалар ҳам бор.

(Мовароуннаҳр) вилоятларидан Бадахшон, Хоразм ерлари, Чағонийн<sup>81</sup> иқлими ва булардан бошқа ўлкалари поёнсиз тева-рак-атрофлар. Бу ер аҳлининг эътиқодича, Жайхун<sup>82</sup> орқасидан шарққа қараб чўзилган ерлар Турон<sup>83</sup>, ғарбга томон чўзилган бу томондаги ерлар эса Эрон деб аталади. Кайқовус<sup>84</sup> ва Афросиёб<sup>85</sup> бу мамлакатларни ўзaro тақсим қилганларидан Турон Афросиёбга, Эрон эса Кайкубуд ўғли Кайковусга теккан.

Давоми келгуси сонда

## Луғат

1. Қуръон, 67-сура, 2-оятдан.
2. Қуръон, 67-сура, 16-оятнинг охирига ҳам ишора.
3. Қуръон, 3-сура, 103-оятдан.
4. Қуръон, 33-сура, 40-оятдан.
5. Қуръон, 23-сура, 100-оятдан.
6. Асли ал-Масиҳ ад-Дажжол — мусулмонлар ўртасида тарқалган ривоятга кўра, охир замонда пайдо бўлиб, худонинг ғаними сифатида иш тутадиган сохта пайгамбар.
7. Қўлзмада: сийлов уйи.
8. Қуръон, 20-сура, 9-оятдан.
9. Қўлзмада: тақдир кўллари.
10. Қуръон, 3-сура, 173-оятдан.
11. Ажам-ғайри араб.
12. Қўлзмада хато бўлса керак.
13. Бу хусусида Темурнинг расмий тарихчилари ҳеч нарса ёзмасаларда, лекин 1404 йилда Самарқандда бўлган Кастилия (Испания)лик элчи Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам айнан ушбу фикрни тақдорлайди.
14. Шарафуддин Али Яздий [Зафарнома, в. 7 б] Темур Кўрагон ибн Амир Тарагой ибн амир Баракал деб зикр қилади.
15. В. В. Бартольднинг ёзишича, Ибн Арабшоҳ асаридан бошқа ҳеч бир манбаъда Темур туғилган жой номи кўрсатилмаган. [Соч. Т. III, стр. 39]. Хўжа Илғор қишлоғи ҳозиргача мавжуд бўлиб Шаҳрисабзнинг жануб-ғарб томонида, шаҳардан 13 км. масофада жойлашган.
16. Кеш — Урта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, араб географли Еқубийнинг ёзишича, у VII асрда бунёд этилган. XIX асрдан бошлаб эса Шаҳрисабз деб атала бошлади. Темурнинг туғилган Ватани бўлганлиги сабабли XIV—XV асрларда шаҳар ҳар томонлама обод бир ўлкага айлантирилди. [қаранг: В. В. Бартольд, Соч. 1. 1, стр. 188—189]
17. Мовароуннаҳр — луғатий маъноси «дарё орқасидаги нарса (ер)» бўлиб Амударёдан шимолга қараб чўзилган Урта Осиё ерлари арабча шундай аталган. Бу арабча сўз қадимги географларнинг [Трансоксиана] — «Оксус [Амударёнинг орқасидаги] деган терминнинг таржимасидан иборат. [қаранг: Еқут, Муъжам ул-булдон, VII жилд, 370 бет].
18. Нашрда ва қўлзмада «ўн уч ой» деб хато берилган бўлса керак. Шу сабабли биз «ўн уч фарсах» деб тузатдик. Фарсах — форсча «парсанг» [юнонча «парасанг»] сўзининг арабча шаклидир. У, масофа ўлчови бўлиб, одатда 6—8 км га тенгдир. Самарқанд билан Шаҳрисабз ўртасидаги масофа ҳам тахминан 13 фарсахга тўғри келади.
19. Шурта [кўплиги шурат] — асосан шаҳарларда бўлиб, ҳарбий миришаб вазифасига доир хизматни адо этувчи шахс.
20. Шамсуддин ал-Фохурий — Шарафуддин Али Яздийнинг тарихий асарида ушбу шайх Шамсуддин Кулол деб аталган. Эҳтимол турк ва форс тилларини мукаммал билган Ибн Арабшоҳ «кулол» сўзини арабчага таржима қилиб «фохурий» яъни «кулол» деб атагандир.
21. Саалаба — Ислонгача Хаворон, Шарқий Иордания, Ливан ва Фаластин ерларида истиқомат қилган яманлик араб сулоласи ғассонийларнинг бир амири шундай аталган. Бу ўринда унинг ҳаётидан бир воқеага ишора қилиниб, ҳозирча уни аниқлаш олмадик.
22. Мовароуннаҳрда ўн икки йил [1346—1358] ҳукм юритган амир Қозогонининг набираси амир Хўсайн кўзда тутилади. Бу пайтда у Балхда турар эди.

23. Амир Хўсайн кўзда тутилади.

24. Ал-Мунтахаб — Темур ҳукмронлиги охиригача бўлган воқеаларни ўз ичига олган «Мунтахаб ат-таварих Муний» номли умумий тарих назарда тутилса керак.

25. В. В. Бартольднинг ёзишича, [Соч. Т. II, стр. 40] Темурнинг онаси ва Тарагайнинг бошқа хотини Кадак Хатуннинг [Шарафуддин Али Яздий, «Зафарнома», в. 206 б] келиб чиқиши тўғрисида манбаъларда ҳеч қандай маълумот йўқ.

26. Асли «мулук» сўзининг «подшоҳлар» «қироллар», «маликлар» каби маънолари бўлса-да, бу ўринда «хонлар» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

27. Мўғул империясининг барча томонларида Чингизхон насаби билан ақрилиқ қилиш афзал ҳисобланарди. Ҳокимиятга эгалик қилган амирлар хонлар қизларига уйланишга ҳаққат қилардилар. Бу билан улар «Кўрагон» [мўғулча «Кўрагон» — «хон кўёви»] лақабини касб этардилар. 1370 йилда Балхда амир Хўсайннинг енигиб у ўлдирилганда кейин, Темур унинг хотинларидан тўрттасини ўзига олди. Улар орасида Қозогонининг қизи Сарой Мулк Хоним [халқ орасида Биби Хоним] ни борлиги Темурга «кўрагон» лақабини олиш имконини берди. Ушбу лақаб билан у то умрини охиригача аталди. Шунингдек, Темурнинг ўғли ва набираларидан айримлари ҳам шундай лақаб билан аталардилар.

28—29. Миср ва Шомга ҳам ишора.

30. Темурнинг Султон [амир] Хўсайнга қарши қуролли исёнга тайёрланиши тўғрисида Низомуддин Шомий ҳам ёзади. Зафарнома, 35-бет.

31. Қўлзмада хато.

32. Араб шоири ал-Мутанаббий шеърларидан.

33. Шайх Зайнууддин ал-Хавофий — у XV асрнинг машҳур уламоларидан бўлиб, 1435 йилда вафот этган ва Ҳиротда дафн қилинган.

34. Сайид Барака — ушбу Сайиднинг келиб чиқиши ҳақида тарихчилар ҳар хил фикр айтганлар. У 1404 йилнинг охирида вафот этган бўлиб, қабри Самарқанддадир.

35. Сахистон [Сенстон] — ҳозирги вақтда Эроннинг шарқи ва Афғонистоннинг ғарбида жойлашган вилоят.

36. Амир Хўсайннинг ўлими 12 рамазон 771 [10 апрель 1370] йилга тўғри келади.

37. Нашрда хато бўлса керак.

38. Абу Тўроб Нахшабий — IX асрда яшаган машҳур шайх. Вафоти 850 йил.

39. Нахшаб — Қарши шаҳрининг қадимги номи бўлиб, XIV асрдан бошлаб Қарши деб атала бошлади. Ушбу ном шаҳар яқинида мўғуллар қурган қаср («қарши») мўғул тилида «қаср»ни билдиради] сўздан келиб чиққан. Ҳозир Қарши Қашқадар вилоятининг маъмурий марказидир.

40. «Ҳақиқат» ва «мажоз» — балоғат илмидаги истилоҳлар бўлиб, «Мажоз» сўзини ўз маъносиде ишлатмасдан, ўхшатиш йўли билан ишлатиш, «Ҳақиқат» эса унинг аксидир.

41. Қуръон. 20-сура, 64-оятдан.

42. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темур амири билан Қаршида қисқа вақт ичида қалъа деворлари қурилиб битказилган. [Зафарнома, 10-бет]

43. Бадахшон [Балахшон] — Амударёнинг юқори оқимида; ҳозирги Файзобод ўрнида жойлашган шаҳар шундай аталган. Бадахшон азалдан ўз лаъли билан машҳур бўлиб, у ҳақда Марко Поло ҳам ёзган [Книга Марко Поло, стр. 74]. Шунингдек ўрта аср географ ва сайёҳларнинг вафсича, Бадахшон ажойиб ҳарқавоси, бепоян ва жуда қулай яйловлари билан ҳам шўҳрат топган.

44. Бу билан Ибн Арабшоҳ 1365 йилда мўғулларнинг Мовароуннаҳрга қилган учинчи ҳужумини назарда тутса керак.

45. Қамаруддинхон — Мўғулистон ҳукмдори [1362—1389].

46. Темур билан амир Хўсайн ўртасида кураш кетаётган даврда йиринчи сўбий куч родини мўғуллар ўйнадилар. Гарчи 1365 йилдан кейин улар Мовароуннаҳрга бостириб келган бўлмасалар-да, лекин мамлакатда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб турдилар ва баъз феодалларни ўз томонларига тортишга интилдilar. Шу сабабдан 1368 йил баҳорида Темур улардан мадад сўрагач, улар рози бўлдilar.

47. Қағалгар — қўлзмада Қағалга берилган.

48. «Осмоиғача кўтарилган бурун ва сувга бостирилган «таг» Машҳур араб мисоли.

49. Қуръон, 9-сура, 118-оятдан.

50. Қуръон, 69-сура, 7-оятдан.

51. Жавзо — Юлдузлар туркумидан. Қуёш йилининг учинчи ойи ҳам Жавзо деб аталиб, 22 май — 21 июнга тўғри келади.

52. Бу ўринда ҳам Ибн Арабшоҳ чалқашликка йўл қўйган. 1365 йилги мўғуллар билан бўлган жангдан кейин амир Хўсайн Балхга қараб қочган эди.

53. Ҳақиқатдан ҳам Темур билан Хўсайннинг Балхдаги тўқнашуви 771 [1370] йилда юз берди. Низомуддин Шомий ушбу тўқнашувни батафсилроқ ёритган.

54. Низомуддин Шомий [Зафарнома, 60 бет] ва Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, [Зафарнома, в. 135 аб] амир Хусайини Темуру эмас балки амир Хусайинда хун қасди бўлган Хутталон ҳокими Кайхусрав ва амир Улжойту ўлдирдишган. Темуру гарчи Хусайини ўлдирмасликини ваъда қилган бўлса-да, лекин у бу ишга монелик кўрсатмади.

55. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темуру Балхни олмасдан бурун Суяроғотмиш ўғлонни хон мартабасига кўтарган. [Зафарнома, 58, 199-бетлар]

56. Турк қурайшлари — Муҳаммад пайғамбар, умавийлар ва аббосилар сулоласи мансуб бўлган қурайш қабиласи арабларда қандай юқори мақомада турса Чингизхон зурриёти ҳам туркларда шундай мақомада демоқчи бўлса керак.

57. Дашт [Қипчоқ]—XV асрда Хоразмининг ғарбий-шимолидан тортиб ғарбга Днепру дарёсигача бўлган ерларни Дашти Қипчоқ деб аташган.

58. Сиғноқ—Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри. Бир вақтлар Оқ ўрда [XII—XV ва XV аср ўрталаридан кўчманчи ўзбеклар] давлатининг пойтахти бўлган. Унинг айронолари ҳозир Қизил Урда темирйўл станциясига яқин.

59. Утзор—Арис дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган мавзеида жойлашган шаҳар. Хитойга юриш қилган Темуру 1405 йил февралда шу жойда вафот этган.

61. «Темуру унга қарши Самарқанддан чиқди ва улар Хўжанд дарёси яқинида, Туркистон агрофида тўқнашдилар». Ушбу жумла кўлёмзада суқут. Темуру билан Тўхтамиш ўртасидаги бу тўқнашувни Ибн Арабшоҳ вақт жиҳатидан илгари келтириб, Сирдарё атрофларида бўлди деб нотўғри талқин қилади. Аслида бу жанг Темуру билан Тўхтамишнинг биринчи тўқнашувни бўлиб, у 1391 йилнинг июнь ойида Уралнинг ғарбида, Қундузча деган мавзеида юз берган.

62. Сайхун дарёси—Сирдарё.

63. Сайид Барақани Темуру билан учрашувни 1370 йилда юз берган. Темурни Тўхтамишга қарши бу урушида у [Сайид Барақа] фақат жанг олдида Темуру ҳақида дуо қилиб омад тилаган.

64. Йўғи қочди — туркча ёв [душман] қочди.

65. Аббос ибн Абдулмутталиб — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси.

66. Арабларда туяларни сувга чақирганда «жут» деган нидо билан чақирлади. Бу сўзнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг охири уч хил яъни: «а» «и» ёки «у» ҳам бўлиши мумкин.

67.— Қуръон, 27 сура, 10-оятдаги бу жумлани Ибн Арабшоҳ кўп ўринларда қўллаган.

68. Андхот [Андхот] — Шимолий Афғонистонда жойлашган қадимий шаҳар.

69. «Шуттор» — «бузуқилар», «таловчилар», «қароқчилар». XIV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда ҳам ўша пайтда Хуросонда кенг ёйилган сарбадорлар [форсча сарбадор он — «бошини дорга тикканлар»; арабча сарбадолия] ҳаракати ривожланди. 1365 йилда мўғул Илём Хўжа Самарқандга бостириб келганда сарбадорлар бошчилигида шаҳар аҳли душманларга қарши матонат билан курашиб, уларни мамлакатдан ҳайдагандилар. Сарбадорларга мўносабат турли-туман бўлган. Бир қанча муаллифлар қатори Ибн

Арабшоҳ ҳам уларни, зикр қилганимиздек, «таловчилар» «бузуқилар» деб атайди. XIV асрда яшаган машҳур араб сайёҳи Ибн Ботута ҳам шу тарзда фикр юритиб, уларни Ироқда «шуттор» [таловчилар], Мағрибда — «Суқура» [қузғунлар] деб аташлари ҳақида ёзди.

70. Нашрда: урушқоқлар деб берилган.

71. Қайс ва Яман [қабилалари] — асли Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ва ораларида азалдан низо бўлган икки араб қабиласининг номи.

72. Ануширвон ибн Кайқубод — Қадимий Эронда ҳукмронлик қилган Сосониелар [226—651] сулоласидан бўлган йигирманчи подшоҳдир. У христианларга нисбатан анча шиддат кўрсатган. Шарқ классик адабиётида кўпинча «Ануширвонни одил» номи билан машҳурдир.

73. Темуру ва амир Хусайиннинг сарбадорларга нисбатан қилган ушбу ҳийла 1366 йилда бўлиб, у пайт Темуру ва Хусайин иттифоқдош эдилар. Тарихий маълумотларга қараганда Темуру Хусайиндан шафоат тилаб сарбадорларнинг бошлиғи Мавлонозодани кўтказиб қолган. [Ўзбекистон ССР тарихи, 350-бет]. Лекин сарбадорлар ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган ушбу маълумотлар гоёт кейинги даврларга [тахминан 1388 йилгача] тўғри келади.

74. Гарчи Ибн Арабшоҳ шундай фикр айтса-да, ҳар бир тумондан ўн минг жангчи чиқиши ҳар дом ҳам мумкин бўлавермайди. Умуман «тумон» сўзи ҳарбий ишда ўн минг жангчини англатса-да, ҳисоботда ўн минг диорни ҳам англатади.

75. Султон Жалолуддин — Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори [1220—1231].

76. Дамашқ — Самарқанднинг ғарбида, шаҳарнинг қадимий деворларининг ёнгинасида жойлашган қасаба.

77. Қадимги Самарқанд-Афросиёб

78. Марғийнон [Марғилон] — Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидан бўлиб, азалдан шойи савдоси билан машҳурдир. Марғилондан кўпгина фозил кишилар чиққан бўлиб, уларнинг энг машҳури Бурхонуддин ал-Марғийнонийдир.

79. Илиқхон — Мовароуннаҳрни дастлаб [999 йил] забт этган Қораконийлар [улар ҳақида қаранг: В. В. Бартольд. Соч. Т. III стр. 41—47] сулоласидан бўлган хон Илиқ Наср ибн Али [вафоти 1013 йил] кўзда тутилаётир. То 1011 йилгача Самарқанд унинг ҳукми остида бўлган.

80. Шайх Бурхонуддин ал-Марғийноний — машҳур фикҳ олими. У Фарғона водийсининг Марғилон шаҳрида туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олган. Вафоти 593 [1196] йил. Унинг энг машҳур асари «Ҳидоя фи-л-фуру» [Фуру] илми [га кириш] бўлиб, бир нечта қўлёмзалари УзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. «Ҳидоя»нинг русча таржимаси Гродеков таҳрири остида бажарилган. [Тошкент. 1893].

81. Сағонён [Чағонён] — таркибига Термиз шаҳри билан Сурхондарё водийси кирган вилоят шундай аталган.

82. Нашрда хато қўлёмзада деб аниқроқ келтирилган.

83. Турон — XIV асрларда Туркистон ва Мовароуннаҳр ерлари шу ном билан аталган ҳамда турклар мамлакати маъносида ишлатилган.

84. Кайковус — Қадимий Эроннинг афсонавий Каёнийлар сулоласидан бўлган иккинчи ҳукмдори. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамонларидан бири. [Шахнаме, стр. 350—455].

85. Афросиёб — Туронликларнинг афсонавий подшоҳи.

## Абдураззоқ Обрўев



### ХўПЛАМ — ТўПЛАМ

Яхшиям бор дунёда кўкчой,  
Усиз яшаб бўлмас ҳойнаҳой.  
Ичга кирса битта хўплами  
Тайёр бўлар шоир тўплами.



Султон Акбарийнинг «Кўкчой»  
шеърдан

Дўппини қўлга олиб  
Роса ўйга ботдим мен.  
Чой дамлаб «тўқсон беш»дан  
Сўнг ёнбошлаб ётдим мен.  
Суздам обдон қайтариб,  
Совусин деб пуфладим.  
Ва теккизиб лабимни  
Хўриллатиб хўплладим.  
Жимирлаб кетди бадан,  
Сапчиб турдим ўрнимдан  
Ҳаяжонда нафас об  
Оғиз билан бурнимдан  
Қанча сўзни вагондек  
Зумда тизиб ташладим.  
Олдинроқ чой ичмабман,  
Афсус-ла бош қашладим...

# „Шифонома“

Маҳмуд Бўронов

Икки ўртоқ ҳаётдан қувноқ қисса

## Сўйетинга...

### I. Танишув

Биринчи сентябрь. Эрталаб. Ҳайхотдай аудиторияда дарс бошланиши кутилмоқда. Биров сумка титкиламоқда, кимдир дўсти, кимдир дугонаси билан суҳбат қурмоқда. Ғовур-ғувур. Қаҳрамонларимиздан бири ўртароқдаги партада дераза ёнида тик турганча жилмайиб, бир-бирига гал бермай, яйраб гап сотаётган хушрўй қизларга қараб ўтирар, оғзини очганча қайси бирини севсам экан, деб ўзича режа тузарди. Бу қизлар билан гаплашиш ёки кўча-кўйда ёнма-ён юриш учун етарлича имконият борлигини ва ўзининг нақ чўлга тутшиб кетган қишлоқдан келганини ўйлаганида йигитнинг юраги орқага тортиб кетарди. Ўзимни саксон соат совунлаб, отамга тўқсонга хат ёзиб, тўрт танга ундира олсамгина сал эпқага келишим мумкин деб ўйларди йигит.

— Буйруқ номер бир! Оғизлар юмилсин! Минздрав оғизни пашшага меҳмонхона қилишни таъқиқлайди! Хаёл суриб ўтирган йигит партадан кўтарилди, ўнг томонига ўгирилди.

Бу кимсани у абитуриентлигида бир-икки кўрган, уни имтиҳон олаётган домлалардан бўлса керак деб ўйлаган эди. Агар домла бўлса, соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан ҳам шунақа бемаъни гап қиладими?

Шунга қарамай, ҳар эҳтимолга қарши:

— Кечирасиз, домла, мен ҳали дарс бошлангани йўқ деб...

— Хе-хе, хе, — дея яйраб кулди унинг ҳамсуҳбати, — домла дегин-а! Домлага ўхшайманми? Ҳе, қовоқбош! Майли, бир ҳисобга домлага ўхшаганим ҳам дуруст.

Йигитнинг дили оғриди. Қизариб, норозиланганча гапга оғиз жуфтлаганди, суҳбатдоши яна сўз қотди:

— Хафа бўлма. Кўрмаяпсанми, сен билан танишмоқчиман. Ўзимизни одамга ўхшайсан, кел, танишайлик. Эс-эс сайёрасининг ҳоқони қоракўллик Қўчқорбек!

У гурзидай қилини чўзиб, ҳануз лол турган йигитга далда берди:

— Хўш, дагар, сеники-чи?

— Мир... Мирсодиқ...

— Дай лапу!

— Қанақ-қа... лапа?

— Қўлингни бер деяпман, тўнка!..

Танишувдан сўнг Қўчқорбек ўзини Мирсодиқнинг ёнига гурс этиб ташлади. Яхшилаб ўрнашиб олгач, берилиб вайсай кетди. Бир неча дақиқагача чўзган нутқида у ўзининг ҳам шу курсда ўқиши, армиядаги хизматдан сўнг ўқишга киргани ва уни, Мирсодиқни, бир кўришда ёқтириб қолганию шубҳасиз «зем»и эканини дарров фаҳмлаганидан огоҳ этди.

— Хўш, тўғрими, ахир? Бухарскиймисан?

Мирсодиқ бу олифта йигитга муносиб жавоб қилишга қарор қилди:

— Йўқ, бухариский эмасман. Ғиждувонский А С С Р данман!

— Оҳо! — деди хурсанд бўлиб Қўчқорбек. — Айтмадимми, ўзимиздансан деб! Гап бундай, жигаргўшам, ётоқхона ололдингми?

— Йўқ. Ҳамюртларимникида бир кечадан меҳмон бўлиб юрибман. Қайтанга шу абитуриентлик яхши эди, жой беришганди...

— Чўчима, кўзим, ташвишинг бошимга ғурра! Зўр бир кампир бор. Бизнинг навбатдаги Ойимиз. Ул киши бир енгилтак бўлмаган, қўйнинг оғзидан чўп олмаган, ўзи ўғил-у, қилиғи қиз бола топиб кел, дедилар.

— Ҳурматли Қўчқор...

— Дим! «Ҳурматли Қўчқор»миш! Аканг тенги одамни-я! Бундан кейин ака деб мурожаат қилинсин, ҳар нечук, аканг қарағай сендан уч-тўртта иштонни...

— Кўпроқ булғаган!..

— Н... нима?..

Шу дам қулоқни қоматга келтириб қўнғироқ чалинди-ю, Қўчқорбек орқадаги парталардан бирига бориб ўтирди. Аудиторияга эчки соқолли жиккаккина домла кириб келди. Қўлтиғидаги папкасини доска ёнидаги столга тап этиб ташлади-да, дарсни бошлади.

Мирсодиқнинг хаёлини олдинги партада ўтирган икки қиз ҳамда ортда ўтирган Қўчқорбек банд қилганди. Қўчқорбек хирароқ бўлса ҳам қарашлари самимий, нимаси биландир кишига ёқадиган йигит экан. «Таклифига кўнсаммикан? Ўзим ҳам ижарага уй топиш дардида юрибман-ку» деб ўйлади у.

Мирсодиқ дафтарини очиб, доскадаги ёзувларни кўчира бошлади. Энди бир қатор ёзиб эди ҳамки, ордан биров туртиб қолди; ўгирилганди — бурни остида буклоғлиқ хат пайдо бўлди. Хатда қуйидагилар ёзилган-

ди: «Мулла Мирсодиқ! Узингча доскадаги анави соқолли эшакни профессор деб ўйлаётгандирсан? Шу хом хаёлингга тарвузнинг пўчоғини ебсан! Агентура аниқлади, оддий кандидат экан. Яна соқол қўйиб олганига ўласанми? Ҳе, соқолингга ўт тушсин!

Эс-эс сайёраси бош вазири Қўчқор!»

Мирсодиқ жавоб ёзмади, ортга ғалати бир қараш қилди-да, ўйлади: «Тавба, бировнинг соқоли билан нима иши бор бунинг?!»

Орадан ўн беш дақиқа ўтмай яна телеграмма келди. «Эс-эс сайёраси. Буйруқ номер 2. Мирписмиқ! Дарсдан чиқиб, сувсаган қўйдек чопқиллаб қолма тагин! Аканг Қўчқорбекни кути!»

Мирсодиқнинг жаҳли чиқди. Дафтарининг ўртасидан икки варақни узиб, шундай жавоб ёзди: «Эс-эс сайёраси. Бош мурдор Қўчқорга! Эс-эснинг эси паст мушсийси! Дарсга қулоқ тутинг, зора одам бўлсангиз! Сизга эштиром ила шимилдириқ кўрсатиб, укангиз!»

Шундан сўнг то дарс тугагунча бўлак хат келмади.

## II. Портфель

Сўнги қўнғироқ чалинган, Мирсодиқ дафтарларини йиғиштириб, қўлтиғига қистирди-да, ташқарига йўналди. Факультетдан чиқаверишда қиз дегани қизғалдоқдек очилиб ётарди. Бундан йигитимизнинг кўнгли кўтарилди. У яна шундай жаннатмакон жойга — медицина институтига кира олгани учун ўзидан яна бир карра мамнун бўлди. Умуман, охириги пайтларда қизлар қўлагининг майкасимон тус олиши уни севинтирарди, лекин бу шодлик узоққа чўзилмади. Кўнглини тўйқус аллақандай ғашлик қоплай бошлади. Атрофда йигит дегани анқонинг уруғи бўлса-да, негадир қизлар унга ҳеч эътибор беришмасди. «Адолатсизлик, — дея қаҳр билан ўйларди у, — булар ғуж-ғуж бўлиб, ҳайронман, нимани мунча гаплашаркан? Мен ҳаммасига қарасам-у, улар...»

— Навбатдан ташқари фавқулодда буйруқ! Анқайиш бас қилинсин! Қараган билан қорин қаппаймайди! Келажак учун кўзлар асралсин!

Хаёлкаш йигитимиз рўпарасида яна ўша Қўчқорбек ғўдайиб турарди.

— Кўзимиз тўрт бўлиб кутиб турибмиз сизни.

Мирсодиқ бу кўпол, аммо ҳазилкаш йигитни ёқтириб қолганини ҳис этди.

— Э, бекор азият чекибсиз, эсимдан ҳам чиқиб кетувдингиз-а!

Мирсодиқнинг бу гапи Қўчқорбекка ёқмади:

— Мен-а? Бўлиши мумкин эмас! Мен сенинг сезги органларингга етарлича таъсир этганман, деб ўйловдим. Ҳечқиси йўқ, дозани оширамиз, унутмайдиган бўласан!

Мирсодиқ аввалига уни жеркиб, кетиб қолмоқчи бўлди. Ҳамма уни сенсираб сизлайди, манави бўлса худди кўтариб катта қилгандай сенсираб ётибди.

Қўчқорбек худди унинг фикрини уққандек деди:

— Дўстим, кўнглингизга олмасангиз, сизни сенласам. Улай агар, ўзимдан кичикни сира сизлай олмайман. — У шундай деб, бирдан кўзини олайтириб ўшқирди: — Тушундингми? Тумшуғинги кўпам чўзаверма! Нозини қаранг бунинг! Мени деб бир нозанин энг гуллаган ёшлик чоғида сирка ичиб ўлишига сал қолган. У қиз эди, қиз! Хўш, сен-чи? Қаёқдаги бир тасқара эшак бўлсанг!

Қўчқорбек шундай деб қўлидаги катта сариқ портфелини Мирсодиққа узатди:

— Уш! Патинкамни ипини боғлаб олай.

Мирсодиқ иккиланди, аммо рад қилишга журъат этолмай, сумкани олди. Вуй, бунча оғир! Ичида бир пудлик тоши борми нима бало? Мирсодиқ портфелни тиришиб кўтариб турарди. Қўчқорбек пойабзалининг ипини ечиб, қайтадан шошмай боғлади, аслида у ҳали ечилмаган ҳам эди. Боғлаб бўлган, икки қўлини мушт қилди-да, шалвираган шимининг чўнтақларига урди:

— Эс-эс сайёраси. Буйруқ номер уч. Ортимдан кампирникига олға!

Мирсодиқ яна беихтиёр бўйсунди. «Э, акиси, сўмкангни ол, уни кўтариб юрадиган хизматкоринг...», демоқчи бўлди-ю, бироқ журъати етмади. Шунга ям ота гўрини қозихона қилиб ўтирсам яхши бўлмас, деган истиҳолага борди. Зил-замбил портфелни ҳар замонда у қўлидан бу қўлига олар, ҳар гал қўлтиғидаги дафтарларини нариги қўлтиғига алмаштирарди.

— Нима, ота-бобонг қул ўтганми, галварс? — деди унга Қўчқорбек.

Мирсодиқ тўхтаб, «Ҳа?» дегандек унга анграйиб қаради.

— Дафтарларингни сўмкага солиб олсанг бўлмайди-ми?!

Мирсодиқ оғир портфелни тап этказиб ерга қўйди-да, ичини очди, кенг экан жуда. Ундаги шим, куйлак, адёл, чойнак, устара, дафтар-китоб ва яна алланималарни кўриб:

— Уҳ-хў, — деб юборди.

— Бу, ука, акангни ҳовлиси, — деди тантанавор оҳангда Қўчқорбек, — кечагача шунда яшадим мен. Бечора сўмка фақат ҳожатхона бўлолмайди, бошқа ҳамма ишга ярайди.

Мирсодиқ бош чайқаб, дафтарларини сўмкага солди. Шундан сўнг Қўчқорбек яна насиҳатомуз вайсай кетди:

— Бугундан эътиборан, жигаргўшам, ана шу сўмка сенинг сафдошинг: ётса-ётасан, турса-турасан, шикоятга ўрин йўқ. Сендан роппа-роса уч ёш каттаман. Сен туриб мен сўмка кўтариб юрсам яхши бўлмас. Ойижонга ҳам укам дейман. Тоғамнинг ўғлисан, эсингдан чиқмасин, қизболадай йигитсан. Йигитчилик масаласида эшакдек бефаросатсан ва умуман, қиз деса елканг тиришади, бировнинг қизига тик қарай олмайсан. Кўзинг тушиб қолса ҳам, ҳув анави светафор чироғидек қип-қизариб кетасан.

Улар кенг кўчадан кетиб боришаркан, Қўчқорбек йўл кўрсатди:

— Автобусга ўтиришдан олдин бир магазинга кириб чиқсак.

Магазин томон бурилдилар.

— Агар бирга яшайдиган бўлсак, — деди Мирсодиқ, — мен бир қишлоқдошимникига кириб чиқай, нарсаларимни олволишим керак.

— Бунга ҳали улгурасан. Бугун сени ойимиз билан таништирай, маъқул бўлсанг, кейин кўч-кўронингни олиб келарсан.

Йигитлар магазин олдидаги майдонга кириб келишди. Бир шоп мўйлов йигит олдида тўрт-беш яшиқ тухумни қўйиб, сотиб ўтирарди.

— Ука, тухуминг қанча? — деб сўради Қўчқорбек.

Сотувчи тушунмай елка қисди:

— Нархими?

— Ҳа, бўлмаса сонини сўрармидим, — деди Қўчқорбек ҳозиржавоблик билан.

— Ун уч тийин!

— Хўш, Мирсодиқ, қанча тухум олмақчисан?

— А?! Тухум?.. Мен... тухум... тухум... мен...  
— Ҳа, тухум — сен! Нега талмовсирайсан? Ахир тухум олмоқчи эдинг-ку?!  
— А? Ҳа... майли, тўрт дона бера қолинг.  
— Э, хасис, ол бир почка!..

Мирсодиқ ноилож ўттизта тухумга пул тўлади. Қўчқорбек энг бутун тухум қутини танлаб, Мирсодиқнинг бўш қўлига тутқазди. Шундан сўнг ака-ука автобус бекати томон йўл олди. Мирсодиқ ичида нуқул сўкиниб борарди: «Инсофсиз, сўмқасини осди, энди тухумини юклади, биратўла ўзинг ҳам устимга миниб ола қол». Лекин буни ҳамроҳига айтишга яна журъат этолмади. Уни тер босди, қўллари зирқираб оғрий бошлади. Ўйлади: «Ҳар қалай, мен учун қайғуряпти, дўст бўлмақчи, мени ёнига оляпти, ғамимни еяпти, мана, ижарага уй гаплашмоқчи, яна нима керак менга?»

Автобуска чиқишда Қўчқорбек унинг қўлидан тухумни олиб, иршайди:

— Нима, сен акангни бефаросат эшак деб ўйлабминдинг, менда ҳам инсоф бор, ука! Ўсадиган ёшларга ачинаман!

Тирбанд автобуска чиқар-чиқмас Қўчқорбек қичқира бошлади:

— Ҳой, хола, кўзингизга қаранг, тухумимни эзиб юборасиз. Ҳой, ука, қани жойни бўшат, кўрмаяпсанми, қўлимда тухум!

Қўчқорбек ўрнашиб олган, автобускадаги шовқин анча пасайди.

### III. Пуч тухум

«Ойи» Мирсодиқ тасаввур қилганчалик қари эмас экан. Унга ҳар ким ҳар хил ёш бериши мумкин эди: «эллик яшар эркакининг кўзига у ўттиз яшар жонон бўлиб, ўттиз яшар олифта йигитнинг кўзига эса эллик яшар «ойи» бўлиб кўринарди. У ингичка пошнали тим қора, ялтироқ туфли кийиб, отдай тақ-тақ қилиб юрар, икки юзи нақш олмадай қип-қизил эди. У ижарачиларни жуда эзғилаб ташламагани каби эркалатиб ҳам юбормас, одобли, меҳнатқаш, хуллас, «қиздай» йигитларнинг тарафдори эди. Кейин маълум бўлишича, бунинг сабаби ойининг ўн саккизга тўлай деб қолган қизи борлигию унинг баъзан ойиси навбатчиликка кетганида ёлғиз қолишида экан. Хуллас, Мирсодиқ ойига маъқул тушди. Лекин унинг бир нарсага ақли етмасди. Ойига мен-ку маъқул бўлдим-а, буни тушуниш мумкин, деб ўйларди у, аммо Қўчқордай суллоҳнинг нимаси уни мафтун қилди экан? Ахир ойи осуда қўтонига ўз қўли билан бўрини қўйворяпти-ку. Ишқилиб, ойигинам, дўндиқчангизни худонинг ўзи асрасин-да!

Қаҳрамонларимиз танишган куннинг эртасига Мирсодиқ ҳам ижара уйга кўчиб келди.

Биринчи кунданоқ Қўчқорбек уқдирди:

— Сенинг чўнтагинг — менинг чўнтагим, меники эса — сеники, бу гал сен тухум олдинг, кейинги сафар мен оламан. Бу бир. Иккинчидан, тухумларни иккига ажратамиз. Чунки ҳар кимга қобилиятига яраша деган гап бор. Кичикроқлари сеники, каттароқлари меники.

Шундай қилиб, қаҳрамонларимиз эрталаб ўқишга жўнашар, у ерда теша тегмаган гапларни гапириб, дарсларни «обдон тинглашар» ва тушдан сўнг узун-қисқа бўлиб судралиб қайтиб келишарди. Эрталаб ҳам, тушдан кейин ҳам Мирсодиқ ўша портфелни кўтариб юрар, бахтига, у энди бироз энгиллашган эди.

Эрталаб турганида ҳар ким ўз қаторидаги тухумдан олиб, қайнатар ёки қовурар эди. Бир кун Мирсодиқ битта тухумни олиб чақди. Ё товба, ичи бўм-бўш! Тухум эса бус-бутун. Ие, товукларгаям бир бало бўлганми, дея ўйлай бошлади Мирсодиқ. Ўйлаб-ўйлаб, ўйининг охирига етолмади. Эртасига яна битта чақди — бус-бутун тухум, ичи бўм-бўш! Ниҳоят, ҳаётини тажрибаси ошиб-тошиб ётган акасига мурожаат қилишга тўғри келди. Қўчқорбек бўлса бу мўъжизани бамайлихотир тушунтира кетди:

— Менимча, бу дангаса хўрозларнинг иши, чамаси, у галварслар ҳам приписка қилишга ўтиб кетганга ўхшайди...

Мирсодиқ қолган тухумларни чайқаб-чайқаб, ичи тўла эканига ишонч ҳосил қилди. Эртасига яна биттаси пуч! Об-бо! У пуч чиққан тухумнинг пўчоғини олиб обдон текшираркан, бир учиде тарикдай тешикчани кўриб қолди. «Ҳаммаси тушунарли, — деб ўйлади у, — мен бу эшакни бўри десам, тулки экан-ку! Шошма, бир таъзилингни бермасам».

Мирсодиқ Қўчқорбек йўқ пайтни пойлаб, унинг қаторидан катта бир тухумни олди-да, игна билан учидан тарикдай тешик очди. Сўнг тухумни лабига қўйиб, кўзини юмганча мириқиб сўрди.

Эрталаб, у тухум қайнатаётган пайт Қўчқорбек дод-лаб қолди:

— Ҳа, аблаҳ, тухумимни тешибсан-ку?!

— Йўқ, мен эмас, хўрозлар... — дея каловланди Мирсодиқ.

— Йўқ, мени алдолмайсан, бу қайси хўрознинг иши эканини яхши биламан!

— Э, ўзи инсоф борми, ака, — деб қичқирди Мирсодиқ, — хўроз сизгаям приписка қилсин-да!..

Икковлашиб кулиб юборишди, ниҳоят, Қўчқорбек ўзини кулгидан зўрға тийиб, бармоғини шифтга нуқиб, буйруқ берди:

— Эс-эс сайёраси. Буйруқ номер 4. Мирсодиқвой ҳоқоннинг унг қўли этиб тайинлансин!

### IV. «Патинка» операцияси

Баҳор дегани ҳар кимсага ҳар нағма олиб келар экан. Биров кўкламга етиб олганига хурсанд, биров ўтган баҳорни энтикиб эслайди. Яна биров эса кириб келаётган баҳордан умидвор.

Қўчқорбекни, неча баҳорки, қизлар чув тушириб келишарди. Омон бўлгурлар бизнинг Қўчқорбекка сахийлик билан кулишар, имо-ишоралар қилишар, лекин натижада уни ҳеч вақо билан сийлашмас, қаёқдаги учинчи одамлар билан қўлтиқлашганча кетиб қолишарди. Ҳар баҳор аҳвол шу, Қўчқорбек ҳаваскор ошиқлигича қолиб кетаверарди.

Аммо бу йил у ўзининг йигирма бир ёшга қадам қўйганини инобатга олиб, ҳужумкор бўлишга аҳд қилди. «Етар жилмайиш! Бефойда кўз сузишларга чек қўядиган пайт келди, олға!», дерди йигит ўзига ўзи.

Қўчқорбек ойининг ўн саккиздан ошайми, ошмайми деб турган бўғирсоқдек қизчаси Қурсияни кўргач, бутунлай тинчини йўқотди. Қизнинг нигоҳи шу қадар ўтли эдики, уларга дуч келганда Қўчқорбекнинг оёғидан дармон кетар, қизариб, талмовсираб қоларди.

Қиз ҳам ниҳоятда жанговар кўринарди. Ҳовлида атай юпқа кўйлак кияр ва у шунақа калта эдики! Қаҳрамонимиз бу ўқларга дош беролмай, кўкрагини

юмшоқ ёстиққа берганча деразадан ҳовлига мўралагани-мўралаган эди. Журъатсизлик бошга бало, жонга азоб. Қаҳрамонимиз фақат мўралашнинг ўзига роса ярим йилни сарфлади.

«Жанговар» қиз эса гоҳ камсухан ва камсуқум Мирсодиқни, гоҳ кўринишидан анча жангари бўлган Қўчқорбекни аёвсиз «ўққа» тутарди. Мирсодиқ қизга дуч келганда, Қўчқорбек айтгани каби, светофор чироғидек қип-қизариб кетар, ҳатто қизнинг саломига нафасини ичга ютиб, зўрға жавоб беради. Мирсодиқ билан суҳбатда шер бўлиб кетадиган Қўчқорбек бўлса, қизни кўрганда ўзини қўярга жой тополмай қолар, бу ерда олифталик иш бермаслигини ҳис қилиб маънос тортар, айниқса, ойнанинг ҳатто тунни ҳам уялтиришга қодир нигоҳларини кўз олдига келтирганда баданига совуқ титроқ югурарди.

Ҳа, иккала қаҳрамонимиз ҳам ойнанинг қизига кўз олайтириш — қувғинга учраш билан баробар эканини яхши тушунишарди. Бироқ Қўчқорбекнинг қалбидан жой олган аллақандай исёнкор куч кечаю кундуз тиним билмай, нуқул: «Олға, Қўчқор, олға!», дерди. Охири у қувилсам қувилай деган қарорга келиб, мақсадга ўтишга жазм қилди.

Ойи ясан-тусан қилиб, нариги маҳаллага тўйга кетди. Қизи, ўша шаддод, чиройли қизи эса, яна дил ўртовчи кийимларини кийиб, ҳовлида юмушга уннади. Қўчқорбек дераза олдидаги қараовтда кўксини ёстиққа тираб ётаркан, ўзига далда берди: «Инқилоб — инсон олдингидек яшай олмаслигига имон келтирганидан кейингина содир бўлади...»

Ниҳоят, у кўзини чирт юмди-да, юраги гурс-гурс уриб, оёғида дармон қуриб, бир ой кўрпа ёстиқ қилиб ётган бемор каби зўрға ҳовлига чиқди. Бу пайт Мирсодиқ кўрпачага узала тушиб, қалин бир китобни ҳавас қилса арзигулик ҳафсала билан ўқиб ётарди.

Қиз, кўлида резина ичак, ҳовлидаги гулларга сув сепарди.

— Ҳор... ҳорманг, — дея олди Қўчқорбек. Қиз қайрилиб, маънодор қараш қилди. Хайрият, тил кирибди-ку!

— Бор бўлинг, — деди қиз ўсмоқчилагандек.

Шундан сўнг йигитнинг тили калимага келмай қолди. Энди нима деса экан? Роса ўйлади. У жим. Қиз жим. Туриб қолиш эса хавфли, Мирсодиқ сезиши ёки ойи келиб қолиши мумкин.

— Э, гилосларинг зўр гуллабди-ку!.. — деб юборди йигит.

Қиз бунни эшитиб, кўлидаги ичакни тушириб юборишига сал қолди. Ойисининг эркатойи шунақанги шарақлаб кулдиги, йигитнинг назарида чор атроф ларзага келди. Қўчқорбек елка қисганча бир оз қизариб турди-да, ўзини ана шундай қарорга келишга мажбур қилди: «Шалпаймай ўл! Узингни қўлга олсанг-чи! Донишмандлар уялган қуруқ қолади деб бекорга айтишмаган, қани, олға!»

Орадан икки лаҳза ўтмай, Қўчқорбекда ақлга сиғдириб бўлмас даражада ўзгариш содир бўлди.

— Қурсия, — деди Қўчқорбек бурролик билан, — озгина суҳбат қурсанг... бўш вақтингиз топилар?..

Шаддод қиз қув қараш қилди, кулимсиради. Йигитнинг жасорати унга ёққан эди.

— Кўп гаплашиб қолсак, анови писмиғингиз ойимларга сотиб қўймасин тагин...

— Э, йўғ-э, ҷима деяпсиз! У «о, кэй» йигитлардан!

— Лекин барибир ҳушёр бўлиш керак... Яхшиси эртага, — деди қиз.

Йигитнинг юраги бу кутилмаган розиликдан орзиқиб кетди. Эртага!

— Фақат, биласизми, Қўчқор ака, қўрқаман...

— Ие, нимадан?.. — деди йигит, ўзининг ҳам юраги орқага тортиб кетди. У ҳам энди қўрқа бошлаган эди. Хўш, ойига, анави ландавурга сездирмай, қиз билан қандай учрашиш мумкин? Катақдай бу ҳовлида бунақа нозик ишни қилиш осонми сизга? Бунинг учун отнинг калласидек юрак ёки самолёт моторидек калла керак. Айтинг-чи, ҳозир йигитимиз бунақа юрагу унақа каллани қаёқдан олсин? Лекин тақдирингни тубдан буриб юборадиган лаҳзаларда ўз каллангдан бошқаси бир пулга қиммат. Йигитнинг яна чиройи очилиб кетди. Имтиҳонларда эгасини кўпинча чув тушириб, уни стипендиядан маҳрум қиладиган калла айни дам ишлаб қолди.

— Қурсия, менга қаранг, ойижонимиз қачон навбатчилар?

— Эртага.

— Ана, яхши-дал! Агар ҳақиқатан ҳам эртага навбатчиликка кетсалар, кетишлари билан анов оқ туфличангиз бор-ку!

— Ҳалиги, ингичка пошнагимни айтяпсизми?

— Аҳа, ўшани. Ойижонимла кетишлари билан останага чиқариб қўясиз. Бу: «Ойимла навбатчиликка кетдилар, ярим кечада учрашамиз», деганингиз бўлади. Бунга жавобан мен патинкамни эшигимиз олдига чиқариб қўяман. Бу менинг сигналим бўлиб: «Яхши, анави лапашангни ухлатиб чиқаман», деганим бўлади. Қалай?

Қиз йигитнинг топқирлигидан хурсанд бўлиб кулди, гулларга пича сув сепгач, ичакни ташлади-да, қўшиб қўйди:

— Майли, кўрамиз...

У шундай деб ошхона томон кетди. Қўчқорбек ўзида йўқ шод, уйга қайтиб кирди. Яқин келажакда содир бўлиши кутилаётган сирли воқеалар уни қаттиқ ҳаяжонга солмоқда эди.

Эртаси куни кечга яқин ойи ясан-тусан қилиб, биланга қора сумкасини илди-да, ерни тантанавор тақ-тақлатганча ҳовлидан чиқиб кетди. Бир оздан сўнг ойи билан қизи яшайдиган уй эшиги олдида ингичка пошна оқ туфлича пайдо бўлди! Ура! Қўчқорбек бунни кўриб севинчдан сакраб юборишига сал қолди. Лекин бугун ҳам полга кўрпача ташлаб, ҳамон ўша қалин китобни ўқиб ётган Мирсодиқ бунга халақит берди. Йигит ўзича аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб, секин ташқарига чиқди. Даҳлизда турган ўзининг узун кўнжли ботинкасини кийиб, ҳовлига йўналди. Осмонга қаради. Кеч қирмоқда, кунботар томондан қора булут ҳовлилари томон секин ўрмалаб келарди. Бу кеча ҳаётидаги энг бахтли кеча бўлади. У ҳаётида биринчи марта қиз боланинг кўлидан ушлайди. Қўчқорбек негадир бостириб келаётган қора булутларга қаради-да, бугунги хурсандчилигига худди булутлар сабабчидек: «Раҳмат сизга, булутлар!», деб қўйди. Шундан сўнг бояги кўйни ҳуштак қилганча, яна уйга қайтди. Ичкарига кира туриб ўз патинкасини ташқарида — эшик ёнида қолдирди. Бу, албатта, келишилган сигнал эди.

Қўчқорбек хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, ҳадеганда стол устидаги соатга қарайверарди. Унга соат тўхтаб қолгандай туюларди. Соат гўё йигитнинг хит бўлаётганини сезгандай, хиралик қилиб, бор овозда ҳадеб чиқ-чиқларди. У соатга гинали қараб, хаёлан гапирарди: «Оғайни, чиқ-чиқ дейсан-у, манави эшакка қарамайсанми, пишлалаб ўқигани-ўқиган. Кошки бу китоби ўлгур юпқароқ бўлса. Бунни ухлатгунимча она сутим оғзимга келади-ёв».

Қўчқорбек вақтни тезроқ ўтказиш илинжида чой дамлади. Китоб ўқиётган Мирсодиқни бир-икки тегиб ўтди:

— Турилсин. Чой ичилсин!

Мирсодиқ истар-истамай чойга ўтирди.

Узук-юлуқ суҳбат билан чой ича бошлашди. Мирсодиқ чой устида ҳам китобга мункаяр, Қўчқорбекнинг кўзи соатда, хаёли бўлса ойнинг ёлғиз қолган қизида эди. Вақт ҳам кечки тўққиздан ошди. Ҳовли чимқоронғу, гўзал баҳор оқшоми кишини ҳовлига чорларди. Очиқ деразадан қийғос гуллаган гилос оқ чойшаб каби кўзга ташланарди.

Чой ичиб бўлишгач, Мирсодиқ китобини каравот устига тап этказиб ташлади-да, ташқарига йўл олди. Даҳлизда турган кўнжи узун сариқ ботинкасини пайпоқсиз кийиб, «дўқ-дўқ» қилганча чиқиб кетди.

Орадан беш минут ўтар-ўтмай, ҳовли бурчидан қайтиб келди-да, суви гулзорга жилдираб турган краннинг жўмрагини бураб, пишқирганча юз-қўлини ювди. Сочларидаги сувни сачратиб эшикка яқинлашаркан, дўстининг ботинкаси ҳовлида қолиб кетганини кўриб қолди. Осмонга қаради — ҳаво булут, ёмғирда қолиб ивмасин тагин, деган хаёлга бориб, ботинкани олиб даҳлизга киритиб қўйди. Унинг яна «дўқ-дўқ»лаб кириб, алланимани полга тап-тап эткизиб ташлаганини эшитган Қўчқорбек даҳлизга чиқди:

— Ҳа? Нимага патинкамни олиб киряпсан?

— Э, ҳа, бўлмасам очиқ ҳавода қолсинми? Осмонга қаранг, ёмғир ёғадиган бўлиб турибди.

— Қўявер. Узим бир тоза ҳаво олсин деб чиқариб қўйдим. Бечоранинг ичи сасиб кетибди. Бир ҳавола-син.

У Мирсодиқ полга ташлаган узун кўнжли қора ботинкасини олиб, яна ташқарига чиқариб қўйди. Мирсодиқ дўстига қойил қолди. Ҳақиқий медик деган мана шунақа бўлса. Қандай ажойиб фикр — патинкага тоза ҳаво!

— Қўчқор ака, жуда маданиятли одамсиз-да. Буни қаранг, мен ҳам медик, лекин мунақа фикр етти ухласам ҳам тушимга кирмайди. Патинкам бечоранинг ичи сасиб кетибди, келинг, мен ҳам чиқариб қўяй.

У шундай деб узун кўнжли сариқ ботинкасини Қўчқорбекникининг ёнига элтиб қўйди. Бу, албатта, Қўчқорбек учун кутилмаган ҳол эди. Тавба, энди нима қилса экан?

— Менга қара, Мирхира, шу патинкангни меникини ёнига қўйишинг шартми?..

Мирсодиқ ҳайрон бўлди.

— Ие, нега?! Оғири тушадими, ё жой етишмайдими? Иккаласи ака-ука бўлиб бир тоза ҳаво олишсин...

— Об-бо, ярамас... нима десам экан... Менга қара, унда сен патинкангни ҳув анави деразанинг тагига қўя қол.

Мирсодиқнинг ҳақиқатдан ҳам хиралиги тутди:

— Ҳо, нега экан? Сизнинг патинкангиз ким бўлибди! Бунча айирмачилик қиласиз?! Шуми ака-укачилик?! Биттаю битта патинкамни сиздирмайсиз-а, ака!..

— Шу хиралигинг сира қолмади-да! Ҳа, майли, қўявер.

Қўчқорбек қўл силтаб, ичкарига йўл олди.

Мирсодиқ ҳамон ҳайратини яширолмасди. Бу ерда бир гап бор, лекин нима бўлиши мумкин? Уйлаб ўйнинг охирига етолмасди у. Қўчқорбек эса дўстидан нигоҳини олиб қочар, сирини ўлақолса очгиси йўқ эди. Ахир бу соддавоёга ишониб бўладими? Кейин у пойлашни ҳам мумкин. Энди учрашув нима бўлади? Қўрсия икки «патинка»ли сигнални қандай қабул қиляптикин? Майли, у ёғи бир гап бўлар, олдин манави хиравойни бир ёқли қилиш керак...

Мирсодиқ чойни ҳўриллатиб ичаркан, яна сўради:

— Ўртоқ, ҳоқон, сизга нима бало бўлди, яширманг. Бугун негадир бошқачасиз, айтинг, нима гап? Қўчқорбек елка учирди, лабини бужмайтириб норози оҳангда деди:

— Ҳеч гап йўқ. Товба, «нима гап, нима гап!» Нима, энди сен пандавоқининг дастидан патинкамни тоза ҳавога чиқариб қўя олмайманми?

Мирсодиқ ўзини яна китобга банд бўлган қилиб кўрсатиш учун ечиниб, каравотига ётди-да, қўлига қалин китобни олиб ўқий бошлади. Унинг бу ишидан Қўчқорбекнинг кўнгли жойига тушиб, у ҳам ётиш тараддудига тушди. Кўрпага кираркан, стол устидаги соатга ўғринча бир қараб қўйди. Ундан ўн бешта ўтибди. Қани энди, манави даҳмаза тезроқ ухлай қолса. Нарёқда нозанин роса диққат бўлаётгандир, ўлганнинг устига телган дегандай, гўзални бирваракайига икки «патинка» учрашувга чорлаб турибди. Ишнинг расвоси чиқди!

— Эй, менга қара, профессор. Шу ярамас китобни ўқиб ким бўлмоқчисан? Ухлай қол, қара, соат ҳам ўн ярим бўляпти.

Мирсодиқ ўзини эшитмаганга олиб, ўқиркан, ўйларди: «Аҳа, бир гап бор... лекин нима? Қўчқорчамнинг бугун хатти-ҳаракати, гап-сўзлари намунча бежо?..»

— Ҳой, қар, — дея додлади Қўчқорбек, — сенга айтяпман, ухлайлик ахир, бугун негадир кайфиятим йўқ, бошим оғрияпти...

— Хўп-хўп, жаноби ҳоқон, сиз айтганча бўла қолсин. Учиринг чироқни, ўзимниям уйқо қистовга оляпти.

Қўчқорбек сакраб туриб чироқни ўчирди. Хонага жимлик чўқди. Мирсодиқнинг пишиллаб девор томонга ағнагани эшитилди. Яна сокинлик. Ҳар замон-ҳар замонда Қўчқорбекнинг уф тортгани эшитилади. Гоҳида у тоқатсизланиб нариги биқинига ўнғарилади.

Ниҳоят Мирсодиқнинг одамнинг кулгисини қистатадиган хурраги эшитила бошлади. Қўчқорбек бу товушга диққат билан қулоқ тутаркан, унинг қалбаки ё росмана эканини аниқлашга уринарди. У анчагача иккиланиб ётди. Ниҳоят, Мирсодиқ ўзининг тунги сўзамоллигини бошлади — у тушида кўп гапирар эди. Олдинга Қўчқорбек дўстининг алланималар деб ёлдираганини, сўнг: «Ҳа, ошир, ошир-э!.. Ҳа, теп, теп, э-э, ўл-э, шуниям уролмади-е!..», деганини аниқ эшитди. Яна Ҳузр-пиш, хўштак. «Худо хоҳласа, «Пахтакор» билан Бразилия командасининг навбатдаги ўйини бошланади. Азамат эрталабгача тўп тепади», дея хаёлидан ўтказди Қўчқорбек. Бир оздан сўнг каравотини ёғир-латмасликка тиришиб, ўрнидан секин турди. Сас чиқармай бориб соатга қаради. Ўн бирдан йигирмата ўтибди. Қўчқорбек кийинди. Дастлаб ташқарига чиқиб, Мирсодиқнинг патинкасини даҳлизга олиб кириш керак эди. У оҳиста юриб ташқарига чиқди. Қизнинг деразасига қаради. Сўнг дўстининг оёқ кийимини олиб, яна ичкарига кирди. Энди қизни фақат унинг патинкаси учрашувга чақирмоқда эди. Курсиянинг пошнаси ингичка оқ туфличаси бўлса, ҳамон жойида турарди.

Қўчқорбек уйга қайтиб киргач, секин Мирсодиқнинг тепасига келди. Худди ўғирлик устида қўлга тушиши хавфсиз бордек, унинг юраги дук-дук урарди. Мирсодиқ бўлса парёстиққа мук тушиб, қотиб ухларди. Қўчқорбек унинг ухлаганига тўла ишонч ҳосил қилди. У энди бурилган ҳам эдики, Мирсодиқ: «Э, ўл-э!..», деб қўйди. Қўчқорбекнинг юраги яна така-пука бўлиб, тўхтади. Мирсодиқ буни кимга айтяптикан, Қўчқорбекками ёки тушида тўпни дурустроқ теполмаган командадошигами?

Давоми бор



НАСР

Абдуқаюм ЙУЛДОШЕВ. Рақиб. Ҳикоя . . . . .	8
ШУКРУЛЛО. Кафансиз кўмилганлар. Хотира-қиссанинг давоми . . . . .	14
Алишер МАҚСУМОВ. Саратон. Ҳикоялар . . . . .	49



НАЗМ

Матназар АБДУЛҲАКИМ . . . . .	6
Замира РУЗИЕВА . . . . .	12
Туроб ЮСУПОВ . . . . .	13
Тўра МИРЗО . . . . .	58
Муслим ЙУЛДОШЕВ . . . . .	63



НИГОҲ

Фарҳод ФУЗАЙЛОВ. Келажакни асрайлик . . . . .	33
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ. Шеърлар . . . . .	34
Хусайн БОЙҚАРО. Ғазаллар . . . . .	35
Ғафур ЙУЛДОШЕВ. Омон ўзбек. Ҳикоя . . . . .	36
Шухрат НЕЪМАТ, Наргис ДОВУРБОЕВА, Собир ҲАКИМОВ, Шеърлар . . . . .	38
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ . . . . .	40—41
Муҳаммадҷон ҚОДИРОВ. Уйғунлик зарур . . . . .	42
Эргаш УМАРОВ. Эски ўзбек алифбоси . . . . .	43
Абдуғани АЛИЕВ. Битмас хазина . . . . .	43
Ёрмат Тожиев. Шеваларимизни унутмайлик . . . . .	44
Шукур СОДИҚ. Хавотир . . . . .	45
«Ёшлик» почтаси . . . . .	48



ПУБЛИЦИСТИКА

Ўзбекистон мустақил бўла оладими? . . . . .	2
Ибн АРАБШОҲ. Темур ҳақидаги хабарлар-да тақдир ажойиботлари . . . . .	68



ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қозоқбой ЙУЛДОШ. Кашф этиш эҳтиёжи . . . . .	60
Иброҳим ҲАҚҚУЛ. «Ҳақиқат йўл тутай десанг...» . . . . .	64
Тил сандиғи . . . . .	57



ЕЛПИҒИЧ

Абдураззоқ ОБРУЕВ. Ҳўплам — тўплам . . . . .	74
Маҳмуд БУРОНОВ. Ишонмагин дўстингга. Ҳажвий қисса. . . . .	75

Муқованинг 1—4 саҳифаларини  
Д. МУРСАЛИМОВ ишлаган



**ҒШЛИК**

[«Молодость»]  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78—94—05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78—49—83  
Масъул котиб — 78—97—07  
Наср бўлими — 78—97—58  
Назм бўлими — 78—77—16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78—17—47  
Фотомухбир — 78—97—58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортик роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма табаққача бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади. Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 25.08.90 й. да туширилди. Босишга 23.08.90 й. да рухсат берилди. Офсет босма. 1-офсет қоғози. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ Шартли босма табақ — 8,82. Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,6. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76. 274112 нусхада чоп этилади. Буюртма № 3662. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

«Ёшлик» № 9. 1990.